

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/299430722>

Жалолиддин Румий асарларида юксак маънавиятли шахс тарбияси

Book · January 2016

CITATIONS

0

READS

1,858

1 author:



Izbullaeva Gulchehra Valerievna

Buxoro Davlat Universiteti

18 PUBLICATIONS 0 CITATIONS

SEE PROFILE

Some of the authors of this publication are also working on these related projects:



Education and training all-round harmonious personality [View project](#)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Г. В. ИЗБУЛЛАЕВА

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ АСАРЛАРИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС ТАРБИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2015

УЎК 355.233.231; 37.034
КБК 74.03(5)

И 27

Мазкур монографияда Жалолиддин Румий (1207–1273) шахси ва илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари, алломанинг фалсафий-ирфоний қарашлари ва унинг таълим-тарбия тараққиётидаги ўрни, “Маснавийи маънавий” асарида инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари, таълим тизимида буюк мутафаккир қарашларидан фойдаланиш тамойиллари тўғрисида илмий асосланган маълумотлар берилган.

Монографиядан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари, талабалари, магистрлари ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб боровчилар фойдаланишлари мумкин.

The monograph gives information about pedagogical sources of learning personality and scientific heritage of Jalaliddin Rumi (1207–1273), his philosophical views and role in the process of upbringing, the problem of spiritual upbringing of the person in his work “Masnaviyi ma`naviy” and theoretically substantiated information about using his vies during the process of education.

The monograph can be used by teachers, students and masters of schools, academic lyceums, colleges and high education, and those who are engaged in scientific research.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:
педагогика фанлари доктори, профессор **С. С. Булатов**

Т а қ р и з ч и л а р:
педагогика фанлари доктори **Ш. Ш. Олимов**
педагогика фанлари номзоди, доцент **Г. Н. Нажмиддинова**

ISBN 978-9943-19-313-0

©ЎЗР ФА “Фан” нашриёти, 2015 й.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз демократик тараққиёт йўлини халқимизнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, изчиллик билан амалга ошириш стратегик вазифа сифатида белгилаб олди. Бу вазифани амалга ошириш, аввало, миллий ва бой маънавий меросни, умумбашарий қадриятларни тиклашдек маърифатли иш билан бошлаб юборилди ва улар воситасида юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш масаласи олий мақсад қилиб белгиланди. Чунки глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги бир даврда юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдек мураккаб вазифани амалга ошириш учун миллий ва умумбашарий қадриятларга таяниш, улар орқали шахсга маънавий таъсир кўрсатиш муҳим самара беради. Айниқса, улар “оммавий маданият” намуналари ҳамда интернет веб-саҳифаларидаги ахборот хуружларининг, турли маънавий таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса, албатта, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга замин яратади. Зеро, жамият равнақи “...ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айти замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш”¹га боғлиқдир. Шунинг учун Кадрлар тайёрлаш миллий моделида бу тизимнинг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларнинг амалга оширувчиси бўлган шахсни давлат томонидан тарбиялаш, уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш алоҳида кўрсатиб ўтилган². Зеро, яқин келажакда “маънавий мерос, миллий қадриятларнинг тикланиши, ёшларни ҳар томонлама етук, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилади”³.

¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.77.

² Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Шарқ”, 1997. –64 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Тарихий хо-

Бугунги кунда шахсни юксак маънавият соҳиби этиб тарбиялашда Жалолиддин Румийнинг маънавий тарбияга оид қарашлари ҳам муҳим восита ролини ўтай олади. Айниқса, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, “Фийҳи ма Фийҳи” (Ичиндаги ичиндадир), “Мавоизи мажолиси сабъа”, “Девони кабир”, “Девони Шамси Табризий”, “Девони шамсул ҳақойиқ”, “Мактубот” каби бадий-маърифий, ахлоқий-таълимий қимматга эга бўлган асарлари улкан маънавий қарашларни, умуминсоний ғояларни қамраб олганлиги билан эътиборни тортади. Уларни ўрганиш ва улардан юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш йўлида фойдаланишнинг шакл ва усулларини кўрсатиб бериш эса долзарб педагогик муаммо ҳисобланади.

Румий яратган асарларда турли муаммоларга объектив ёндашиш, ишларни аниқ режалаштириш ҳолати, илм аҳлига қўйиладиган дидактик талаблар ва уларга тавсиялар, таълим-тарбия қонун-қоидаларини белгилаш йўллари ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам замонавий таълим жараёнида комил инсонни тарбиялашда, айниқса, Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асаридаги юксак маънавиятли шахс масаласини педагогик нуқтаи назардан махсус тадқиқ этиш зарурдир.

Изланишлардан маълум бўладигани Жалолиддин Румий ижодини тадқиқ қилиш борасида жуда кўплаб мулоҳазалар баён қилинган. Буларнинг барчаси бугунги кунда таълим-тарбия соҳаси учун характерли бўлган шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш доирасидаги тасаввурлар кўламини ўрганишни ва шу кўлам асосида тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мазкур илмий тадқиқотда Жалолиддин Румий қарашларида шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг педагогик асослари яхлит тарзда ўрганилиб, унинг моҳияти ёритилган ва ундаги илғор педагогик фикр ҳамда қарашларни олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги таълим-тарбия жараёнида қўллаш билан боғлиқ илмий мулоҳазалар баён қилинган. Бу эса бугунги кундаги юксак маънавиятли шахсни тарбиялашнинг айрим долзарб жиҳатларини очиб беришда илмий-назарий ва методологик манба сифатида хизмат қилади.

Жалололиддин Румий шахси ва илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари

- 1.1. Жалололиддин Румий шахси
ва дунёқараши шаклланган
ижтимоий муҳит
- 1.2. Жалололиддин Румий
ижодини ўрганиш
педагогик муаммо
сифатида
- 1.3. Жалололиддин
Румийнинг ижодий
мероси ва маънавий
юксалиш (“Маснавийи
маънавий” асарининг
тузилиши ва моҳияти)

1-БОБ

1-БОБ. Жалолиддин Румий шахси ва илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари

1. 1. Жалолиддин Румий шахси ва дунёқараши шаклланган ижтимоий муҳит

XIII асрдаги тасаввуфнинг буюк намояндаси, сўфийлик таълимотининг етук вакили Жалолиддин Румий сиймоси ҳаёти ва фаолияти билан маънавий юксак устоз кўринишида гавдаланади. Унинг шундай буюк шахс сифатида камол топиши, яратган асарларининг бебаҳо қийматга эга бўлишида ўша давр шарт-шароити ва ундаги устозларнинг ўрнини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Жалолиддин Румийнинг асл исми Муҳаммад ибн Муҳаммад бин Ҳусайн ал-Балхий дея қайд этилади. У ёру дўстлари томонидан Мавлоно сифатида эъзозланган. “Жалолиддин”, “Румий”, “Мавлавий” каби бир неча тахаллусларга эга бўлган. Мавлоно ҳижрий-қамарий 604 йили рабиъ ул-аввал ойининг олтинчи (милодий 1207 йил 30 сентябрь) куни “Уммул-билод” (“Шаҳарлар онаси”) деб аталмиш қадимий Балхда дунёга келган. Унинг отаси Баҳоуддин Муҳаммад (Баҳоулвалад) шаҳарнинг энг машҳур воизларидан бўлган. Афлокийнинг айтишича, уни дастлаб отаси “Худовандигор” деб чақирган. “Худовандигор” сўзи “сарвар”, “жаноб” маъноларини англатиб, юксак маънавий ва ижтимоий ҳурматга сазовор кишиларга нисбатан “Хожа” номи ўрнида қўлланилган. Румийга нисбат берилган “Мавлоно” сўзи ҳам, арабчада “хўжа”, “жаноб” маъноларини ифодалайди. Ўзаги “маvlo” бўлиб, кўплиги – “маволийдир”⁴. Бундан кўриниб ту-

⁴ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 7.

рибдики Румий шахси халқ ичида ҳурмат билан тилга олинган.

Румий ўзидан кейинги авлодларга 5 муқим ва қимматбахо асарларини қолдирди: **“Девони кабир”**, **“Девони Шамси Табризий”**, **“Девони Шамсул Ҳақойиқ”** деган номлар билан машҳур бўлиб, ғазал ва рубоийлардан иборатдир. **“Маснавийи маънавий”** эса 25700 байтдан ташкил топган бебахо таълимий-тарбиявий асар. **“Фийҳи ма фийҳи”** (“Ичиндаги ичиндадир”) – Мавлононинг суҳбатларидан иборат фалсафий китоб. **“Мавоизи мажолиси сабъа”** – Румийнинг етти ўғит ва панд-насиҳатларини қамраб олган. **“Мактубот”** – Мавлононинг турли даврларда замондошларига ёзган мактубларидан тузилган тўплам.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида Румий ҳақида, унинг ижоди ва сўз санъати борасида сўз юритар экан, қалам аҳлини уч гуруҳга ажратиб, Жалолиддин Румийни биринчи тоифага мансуб шоирлардан, деб ҳисоблайди: “... Яна қойили маснавийи маънавий, ғаввоси баҳри яқин (аниқ илмдаги ғаввос) Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдурки, мақсадлари назмдан асрори илоҳий адоси ва маърифати намутоҳоний имло-сидин ўзга йўқдур”. У ўзининг барча асарларида еру кўкнинг соҳиби бўлмиш Оллоҳи каримни ва унинг заминдаги халифаси Ҳазрати инсонни улуғлайди⁵. Навоий ўз қарашлари орқали Румий шахсининг маърифатпарварлик фазилати борасида таъриф келтиради.

Ҳар бир шахсга дахлдор ҳақиқатни тўлароқ англаш учун у яшаган замон, макон ва ўша пайтдаги сиёсий, ижтимоий, илмий ва бошқа муҳитларни ўрганишга тўғри келади. Жалолиддин Румий яшаб ижод қилган даврдаги ижтимоий, фалсафий ва педагогик муҳит Муҳаммад Хоразмшоҳ (1199–1221) ҳукмронлигида мўғул хони Чингизхоннинг (1161–1227) мўғул давлатини барпо қилиш учун олиб бораётган курашлари ва мусулмон оламидаги барча илмий доиралар ва фикрий ҳаракатлар ақлий далиллар ва қиёслар келтиришга ҳаддан ташқари берилиб кетган давр билан боғлиқ.

Мўғуллар босқини ўлкаларнинг моддий ва маънавий тараққиётини бир неча юз йиллар орқага суриб юборди.

⁵ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб / Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. –Т.: Фан, 1998. –Б. 24–25.

Халқнинг интилиш ва қизиқишларининг асосий мавзуси мўғул босқинчиларини лаънатлаш, унга нисбатан чексиз нафрат ва олижаноб инсоний фазилатларни улуғлаш бўлди. Бу халқ оғзаки ижоди ва тарихий асарларда ўз ифодасини топди. Бу асрга келиб Мовароуннаҳр ва Хоразмда ёзма адабиёт намояндаларининг ўз юртларида бадий ижод билан шуғулланишлари учун умуман ҳеч қандай имконият йўқ эди. Мўғуллар қирғинидан тасодифан қутулиб қолган адиблар, ёзувчилар, шоир ва олимлар ўз ватанларини тарк этиб, бошқа мамлакатлардан бошпана излашга мажбур бўлдилар. Улардан кўплари Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатларига бош олиб кетдилар. Марказий Осиёдан борган ижодкорлар бошқа мамлакатларда бўлса ҳам ўз халқларининг маданияти ва адабиёти ривожига ҳисса қўшдилар. Бу даврда бадий ижод бобида қалам тебратган сўз усталарининг каттагина гуруҳи сўфийлик – тасаввуф тариқати йўлидан бордилар, барча илмий доиралар ва фикрий ҳаракатлар эса ақлий далиллар, қиёслар келтиришга ҳаддан ташқари берилиб кетди. Барча уламолар, илмий доиралар, ботиний ҳақиқатларни исбот қилиш учун, албатта, ақлий далиллар ва фалсафий муқаддималар келтириши оддий заруратга айланиб қолди. Шунинг учун ўша давр калом илми (Қуръон тафсири илми) ва фалсафаси (мушоҳада илми) ҳамма илмлардан устун турди. Бу икки нарсасиз иш битмас эди. Ўша даврдан бошлаб савод ўргатиш Қуръон ва ҳадисларни ўрганиш, улардаги кўрсатмаларни ўзлаштириш билан бирга олиб борилди. Шунга кўра, Қуръон ва ҳадислардаги панд-насихатлар ҳам олимлар, ҳам адиблар ижодига таъсир этган. Уларда илгари сурилган мусулмонликнинг муҳим хислатлари: ҳалоллик, саховат, ҳиммат, меҳру оқибат, эҳсон, шарм-ҳаё, илм излаш, устоз-шоғирдлик, муомала қоидалари, ахлоқ мезонлари ва бошқалар ўз ифодасини топди. Булар Шарқ адабиётига, жумладан, таълимий-ахлоқий асарларга таъсир этди. Таълимий-ахлоқий асарлар бевосита ҳадисларда илгари сурилган ғоялар асосида яратилди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг таржимаи ҳолида инсоннинг шахсиятига таъсир қила оладиган кўпгина омилларни кузатишимиз мумкин. Бу омилларнинг бошида оилада ота таъсири туради. Жалолиддиннинг отаси Баҳоуддин Валад ўз юртининг кўзга кўринган олимларидан ва асрнинг таниқли машойхларидан бири эди. Уни “Уламолар султони” деб аташ-

ган. Баҳоуддин Валад ўз замонасидаги фозил кишиларнинг жамиятни, инсониятни кадрламаётганлиги, нафс, мол-мулк орттиришга берилиб кетганликларини қаттиқ қоралайди. У “Маориф” номли ваъзнамасида Балхда Хоразмшоҳ, Фахри Розий ва унинг тарафдорлари билан баҳсга киришиб уларга қарата: “Сизлар арзимас зоҳирнинг асирлари сизлар, ҳақиқатни дарк этиш бахтидан маҳрумсизлар,” – деб ёзади⁶.

Ўша пайтларда ислом оламида ҳаётга муҳаббат, кучли иймон ва хотиржамлик ҳамда қалб сокинлиги каби тушунчалар заифлашиб қолган эди. Ислом олами пок қалби ва виждони билан жамиятга янги руҳ бағишлай оладиган инсонга муҳтож эди. Бу инсон фалсафа ва унга ўхшаш ақлгагина суянадиган илмларнинг хатоларини тўғрилаб, улар фикрларда пайдо қилган тугунларни усталик билан ечадиган ва қалбларга иймон қувватини кирита оладиган бўлиши керак эди. Ана ўша инсон, устоз Мавлоно Жалолиддин Румий сиймоларида пайдо бўлди. Жалолиддин Румий “инсоннинг инсонлигини рад қилган ва бу оламдаги қадр-қимматини таҳқирлаган замон фарзанди ўлароқ майдонга чиққан эди ва Мавлоно шундай замон, шундай жамиятда ўзининг оламшумул шеърляти билан умидсиз адабиёт харобалари ичида қолган ҳамда таназулга юз тутган шеър ила кўмилган инсон кароматини ҳаракатлантира олганди”⁷.

Ривоятларга кўра, Жалолиддиннинг онаси Мўмина Хотун Балх амири Рукниддиннинг қизи бўлиб, насл-насаби жиҳатидан Муҳаммад Пайғамбарга боғланади, ота томонидан шажараси эса ислом оламининг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Баҳоуддин Валаднинг “Онаси Хуросон подшоҳи Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизидур”, – деб хабар беради. “Қизингни Хусайн хатибга (Баҳоуддиннинг отаси) узатасан”, – деб шоҳга тушида пайғамбар томонидан ишора бўлган эмиш. Султон ул-уламо рутбасини ҳам Баҳоуддин Валадга тушида Расулulloҳ марҳамат қилади⁸.

⁶ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 9.

⁷ Абул Ҳасан Надавий. Туйғу ва тушунчада тозалик... –Кўнё, 1986. –Б. 120–121.

⁸ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. –Т.: Фан, 2001. –Б. 324.

Ота-бобоси узоқ йиллар давомида Балхда хатиблик қилиб келган Баҳоуддин Валадни нафақат туғилган шахри, балки Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ, Бағдодда ҳам жуда яхши билишган ва хурмат қилишган. Халқнинг дардини тушунадиган, у билан ҳамиша ҳамнафас бўлган Баҳоуддин Валад Хоразмшоҳ томонидан қатл этилган машҳур сўфий ва шоир Шайх Мажидиддин Бағдодий, Нажмиддин Кубро (1154–1226, Шайхи Валийтарош – авлиёлар яратувчи шахс)лардан таълим-тарбия олган эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад ўзининг давлат бошқарувида Чингизхон билан келишолмай хато устига хатоларга йўл қўяди. Аммо унинг хатоларига кўпроқ ўз онаси Туркон хотун сабабчи бўлади. Чунки Хоразм салтанати турли уруғлардан ташкил топган ва ҳокимият Муҳаммад ҳамда унинг онаси Туркон хотун орасида бўлинган эди⁹.

1212 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори Султон Усмон билан жангдан сўнг шаҳарни эгаллаб, уни талон-тарож қилган чоғида Баҳоуддин Валад оиласи билан Самарқандда яшар эди. Ўша йиллар Хуросону Ироқдан кўпгина зиёлилар хоразмшоҳлар салтанати ҳудудини тарк этишган эди. Жалолиддиннинг отаси Султон Валад ҳам оиласи ва муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Кетётганларида Жалолиддин отасининг халфаси бўлмиш Саид Бурҳониддинга кўчларни аравага ортишда ёрдам берар экан, улар орасидаги жилд-жилд ҳадислар – Пайғамбарнинг ҳаёти ва панду ҳикматлари ҳақидаги ривоятлар, ҳуқуқи ислом, шариат билимдонларининг ишлари, Мутаннабий, Соний, Аттот каби шоирларнинг девонлари, Ғаззолий, Ал-Хоразмий каби алломаларнинг шикаста, хати насталиқ ила битилган асарларига кўзи тушади. У Хуросоннинг онабош шахри Балхда, Ҳиротда, Хоразм, Бухоро, Самарқандда, Нишопуру Табризда, Дамашқда, Нажафу Басрада, хуллас, маърифатли ислом оламининг барча гўшаларида хаттотлар томонидан кўчирилган китоблар, чарм ёки ёғоч, сахтиён ёки заррин муқоваларга жо этилган Балх воизлари ва уламоларининг неча-неча насл-насаби томонидан йиғилган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган асарларнинг кутубхонасидан олиб чиқилганини кўради¹⁰.

⁹ Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи: Олий ва ўрта ўқув юртлари талабалари учун қўлл. К. I. –Т.: Ўқитувчи, 1997. –Б. 314.

¹⁰ Радий Фиш. Жалолиддин Румий: тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 5.

Бундай маънавий бойликлар Жалолиддин Румий маънавий дунёқараши шаклланиши учун илк пойдевор вазифасини ўтаганига шубҳа йўқ.

Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши Шайх Фаридуддин Атторнинг (1151–1221) башорати билан бўлганини унинг илк тафсирчиларидан Хусомиддин Чалабийдан тортиб, Давлатшоҳ Самарқандийгача бир овоздан тасдиқлайдилар. Алишер Навоий ҳам Румийнинг Аттор билан учрашуви-ни шундай тасвирлайди: “Макка борурда Нишопурда Шайх Фаридуддин Аттор суҳбатига етиштилар. Шайх “Асрорнома” китобин аларға берган экандур. Доим ўзлари билан асрор экандурлар”¹¹. Учрашувда Аттор ўспириннинг суҳбатидан мамнун бўлиб, отасига қарата: “Ўғлингиз тез орада оламдаги барча куйганлар қалбига оташ солади”, – деб башорат қилади¹². Аттор ва Румий учрашуви тарихда афсонага айланган бўлса-да, лекин бу учрашув руҳий яқинлик, икки буюк илоҳиёт куйчиси дийдорлашуви ҳам эди. Румий ўз асарлари, айниқса, “Маснавий”сида Атторнинг қарашларини кўп бора тилга олади. Унинг таълимотидан мисоллар келтиради. Румий ижоди асрлар анъанаси ва шахсий сўфиёна ёндашув, маҳорат туфайли буюк қудратга эришди. Румийнинг ёшлигидан, хат-саводини чиқарган устози Саид Бурҳониддин ҳар сафар дарс сўнггида Атторнинг ҳикоятларини ўқиб, шогирдини мулоҳаза юритишга чақирар эди¹³. Румий Дамашқ ва Боғдод мадрасаларида, буюк алломалар хузурида илм ўрганди. У форс-тожик, араб ва туркий тилларни ҳам ўзлаштирди. Баҳоуддин Валад Нишопурдан Боғдодга ва кейинчалик Куфа йўли орқали Каъбага йўл олди. Ҳаж амалини бажаргандан сўнг, қайтишда Шомга кириб ўтади. Шомдан Малатия, Ерзинжон, Сивас, Қайсари, Ниғде йўллари орқали Ларенде (Караман)га келади.

Мавлоно 1225 йилда Шарафиддин Лолонинг қизи Гавҳархонимга уйланади. Мавлононинг бу никоҳидан Султон Валад лақаби билан машҳур Баҳоуддин Муҳаммад ва Алоуддин

¹¹ Алишер Навоий. Насийим ул-муҳаббат / Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. –Т.: Фан, 2001. –Б. 327–328.

¹² Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 11.

¹³ Радий Фиш. Жалолиддин Румий: тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 42.

Муҳаммад исмли икки ўғил туғилади. Бир неча йиллардан сўнг Гавҳархоним вафот этади ва Мавлоно бир боласи билан бева қолган Кира хонимга уйланади. “Машхур инсонларнинг таржи-май ҳолларини ёзиб борадиган кишилар Ҳазрат Румийнинг иккинчи рафиқаси, насронийдан чиққан Кира хотунга “Иккинчи Робия” ва “Биби Марямга ўхшаш аёл” деб таъриф берганлар”¹⁴. Мавлононинг иккинчи никоҳидан Музаффариддин исмли бир ўғил ва Маликахоним исмли бир қиз дунёга келади.

Ўша пайтларда Онадўлининг катта қисми салжуқийлар давлати ҳукмронлиги остида эди. У ерда салжуқийлардан бўлган маърифатпарвар ва шоиртабиат Султон Алоуддин Кайқубод (1219–1236) ҳукмдорлик қилаётган эди. Салжуқ турклари Кичик Осиёдаги Византия ерларини босиб олиб, XI аср охирида Кўния султонлигини тузганлар. Султон Алоуддин Кайқубод ҳукмронлиги унинг энг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Кўнё бу давлатнинг пойтахти эди. Кўнё санъат асарлари билан машхур, олимлар ва санъаткорлари кўп шаҳар эди. Қисқаси, салжуқийлар давлати энг порлоқ даврини бошдан кечираётган бўлиб, давлат ҳукмдори Баҳоуддин Валадни Карамандан Кўнёга таклиф этади ва шу ерда жойлашишини хоҳлайди. У даврда Кўнё бежавотирроқ бўлганлиги туфайлими, шарқнинг олиму фузалолари, рассомлари, илоҳийшунослари мўғулларнинг мусулмон дунёсига катта талофот етказгани учун паноҳ, нажот излаб боришарди. Шунинг учун Кўнёда интеллектуал ҳаёт қизғин, диний ва дунёвий олимлар анча-мунча бор эди. У ерда форс тили адабий тил бўлиб, маҳаллий тил грек, турк тилларидан иборат эди.

Баҳоуддин Валад Султоннинг таклифини қабул қилади ва 1228 йил 3 майда Кўнёга оиласи ва дўстлари билан келади. Султон Алоуддин Кайқубод уларни тантана билан қаршилаб, яшашлари учун Олтинапа мадрасасидан жой ажратади. Баҳоуддин Валад 1231 йил 12 январда Кўнёда вафот этади. Муборак жасади Салжуқийлар саройининг Гулбоғчасига қўйилади. Буюк маърифат соҳиби Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” асари ҳам Румийнинг етук воиз ва ахлоқшунос олим бўлиб етишига сабабчи бўлди. Баҳоуддин Валад вафотидан сўнг унинг маърифий ишларини ўғли Жалолиддин Румий давом эттиради. Бу борада Султонвалад шундай дейди: “Баҳо Валад

¹⁴ Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 1999. –Б. 87.

бу дунёдан кўз юмганида, жанозасига аёлу эркак бир бўлиб келишди ва фарзанди Жалолиддин Румий отасига ўхшаб донишманд бўлганлиги учун барча халқлар унга юзланиб, отасининг вазифасини давом эттиришини сўрашди”¹⁵. Бундан кўриняптики Румий шахсида бошқара билиш, изидан эргаштира олиш қобилияти шаклланган эди.

Мавлононинг замонида келиб калом илмида турғунлик юзага келган эди. Калом илми уламолари ўтиб кетган катта имомларнинг гапларини маҳкам тутиб туришдан бошқа ишни қилмасдилар. Қадимги гаплардан қилча четланиш йўл қўйиб бўлмайдиган нарса деган тушунчани қадрлар эдилар. Замон ўтиши билан эскириб қолган сўз ва жумлалар ўрнига кишиларга тушунарлироғини келтиришга журъат қилмас эдилар. Мавлоно ана шу иллатларни еча оладиган инсонлар сирасига кирувчи тенги йўқ олим бўлиб, бир неча йиллар Қўния мадрасасида бош мударрислик қилган. Қуръони каримни, Ҳадиси шарифларни, шариат масалалари ва ислом тарихини жуда пухта билганлиги унинг ижодида яққол намоён бўлган. Отасининг ўлиmidан сўнг Румийга отасининг халфаси Бурҳониддин Муҳаққиқ устозлик қилади¹⁶. “Саййид Бурҳониддин Хусайн Муҳаққиқ Термизий, аслида Мовароуннахрнинг Термиз шаҳридан бўлиб, ўша ерда дунёга келади. Уни Хуросонда ва Термизу Бухорода Саййид Ширвон (Сирдон) деб тилга олганлар”¹⁷. Румий устози Саййид Бурҳониддин ҳақида “Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ сўзлаганда, биттаси келди ва: “Фалончидан сенинг мадҳингни эшитдим” деди. У: “Кўрайлик-чи, ул зот қандай одам экан? Мени таниб мақтай оладиган аҳволдамикин? Мени агар сўзларимдан таниган бўлса, танимаган демақдир. Чунки бу сас, бу оғиз, бу лаб... ўткинчи. Буларнинг ҳаммаси белгилардир. Ишларим орқали таниган бўлса, яна шундайдир. Аммо зотимни (моҳиятимни англаган) таниган бўлса, у ҳолда мени танибди. Фақат шундагина у мени мақтай олади ва унинг мақтови менга тегишли эканини биламан”, – дебди” деб ривоят келтиради¹⁸ ва бундан ташқари шоир “Маснавий” да:

¹⁵ Султонвалад. Валаднома // Жалолуддини Румии Балхӣ. Маснавиӣ маънавий бо ҳафт китоби нафиси дигар. –Кобул, 1362 ҳ. –С. 2.

¹⁶ Аҳмад Афлокий. Маноқиб ул-орифин. –Техрон, 1896. –С. 40–41.

¹⁷ Зиёев Х.М. Мавлавия ва таърихи таҳаввули он. –Душанбе: Ирфон, 2004. –С. 43.

¹⁸ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 25.

Пишгилу ўзгарма ҳеч, манзур бўл,
Сен чу Бурҳони Муҳаққиқ, нур бўл¹⁹, –

дея устози шарафига мисралар келтиради ва яна “Фиҳи мо фиҳи” да “Саййид Бурҳониддиннинг – бир ишқи, бир дарди, бир жаҳди, билим ва амали бор”²⁰, – дейди.

Саййид Бурҳониддин Жалолиддинни умри охирида қирқ кунлик узлат синовидан ўтказади. Узлат синовининг охириги қирқинчи кунда Шайх Жалолиддиндан хабар олиш учун киради, ёдига беихтиёр “Қуръон” “Сизга бу дарсдир, вале сиз бе-хабар” ояти тушади. Унга жавобан Жалолиддин шундай жавоб беради:

Нарса йўқким, хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсан, ўзингда жам эрур...²¹

Шайх ўшанда “Мавлонода ғурур ва худбинликдан асар ҳам қолмаганини, у энди ўзи бошқа солиқларга муршид бўлиш даражасига етгани”²²ни англайди, яъни Румийнинг калом илмини ўзлаштирган ва жадалу тортишувларда иштирок этадиган олим бўлиб шаклланганини сезади. Румий Дамашқда буюк фикр олими Ибн ал-Адим, Ҳалабда ҳадис, тарих, фалсафа, калом ва илми бадеъ алломаларидан бўлмиш Умар Бинни Аҳмад бинни Ҳиббатуллоҳ кўлида таҳсил олади. Аммо бу илми руҳсиз танадан иборат бўлиб, қуруқ сўзлардан нарига ўтмайдиган, тил ва ақл доираси билан чегараланган эди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг келтирган ривоятига қараганда, Мавлоно дарс берадиган тўртта мадрасанинг бирида тўрт юз нафар тингловчи унинг дарсларига қатнашган экан²³. Румий “Маснавийи маънавий” номи билан шуҳрат қозонган шеърӣ асари билан калом илмида катта инқилобни юзага келтирди. “Маснавий”ни тилга олганда ақл зудлик билан “Мавлононинг Маснавийси” деб ҳукм чиқаради... “Мавлоно” де-

¹⁹ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 168.

²⁰ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндаур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 104.

²¹ Радий Фиш. Жалолиддин Румий: тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 154.

²² Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 18.

²³ Ўша жойда. –Б. 19.

ганда эса у ҳазрат назарда тугилади”²⁴. Ўша вақтнинг тақозоси ва ўзидаги истеъдод имконига қараб Румий керакли маълумотларни тақдим этишда назм услубига эътиборини қаратди. Жалолиддин Румий яшаган замон ва маконда, илмий ва адабий доираларда форс тилида ижод қилиш, шеърлар битиш урф бўлган эди. Ўша вақтнинг таомилига кўра айни шу услуб муносиб саналар эди. Бошқа услублардан кўра буниси устун турар эди. Одамларда ҳам айни шеърий асарларга қизиқиш ва уларнинг қадрини юқори билиш истеъдоди шаклланган эди. Румийдан олдин ўтган кўзга кўринган намоёндалар ҳам худди шу услубни танлаган эдилар. Уларнинг Ислом оламида ном қозонган асарлари айнан форс тилида ва шеърий услубда битилган эди. Улардан бири машҳур шоир Санойй Ғазнавий (1048–1140)нинг “Ҳадиқат ул-ҳақиқат” (Ҳақиқат боғлари) номли китоби эди. Иккинчиси Румийнинг маънавий устози машҳур сўфий шоир Фаридуддин Аттор (1145–1221)нинг “Мантиқ ут-тайр” асари эди. Бу икки китобнинг жамиятдаги таъсири ҳар қандай қуруқ фалсафий ва қуруқ илмий китобдан кўра кучли эди. Одамлар мазкур икки китобни ҳайрат билан ўқишар эди. “Ҳадиқат ул-ҳақиқат” ва “Мантиқ ут-тайр” ислом оламида кенг тарқалган ва манзур бўлган китоблардан эди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳаёти ва ижодини таҳлил қилиб ўрганган олимларнинг таъкидлашларича, у кишининг шогирдлари Ҳисомуддин Чалабий ва мазкур икки китоб “Маснавий”нинг яралишига сабаб, қўлланма ва ўртак бўлган. Бундан ташқари, асарда Ғаззолий, Муҳаммад бин Мунаввар, Саълабийларнинг асарлари ва Рўдакий, Фирдавсий, Анварий, Ҳақонийларнинг шеър, қасида девонларидан фойдаланилган. “Маснавий”да машҳур мутасаввиф шоир ва аллома Ҳаким Санойй ҳақида гапириб ўтилган бўлиб: “Агар муслимият Саноййнинг улуғлигини кўра билсайди, жамики мўминларнинг бошидан қалпоғи тушарди”, – дейилган²⁵. Эрон олими Тақий Пурномдориённинг ёзишича, XI асрнинг охирларида “Санойй бошлаб берган ирфоний шеър Аттор туфайли шаклланган бўлса, XIII асрга келиб Мавлавий ижоди билан камолга етди”²⁶.

²⁴ Аҳмад Афлокий. Маноқиб ул-орифин. –Техрон, 1896. –С. 297.

²⁵ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 62.

²⁶ Тақий Пурномдориён. Мавлавий шериятида “мен”даги “мен”лик ва матндаги ноанъанавийлик // “Сино” журнали, 2001 йил, Баҳор (1). –Б. 3.

Дарҳақиқат, Румий маънавиятнинг чўққисига эришди ва бунини ўз қарашлари орқали инсониятга етказа олди.

Мавлоно Румийнинг Шамсиддин Табризийга йўлиқиши ва ундан қалб илмларини ўрганиши Румий ҳаётида катта ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўлди. “Мавлононинг Шамс билан робитаси мухлис муриднинг ўз муроди билан робитасидир”²⁷. Шамс Табризий – Шамсуддин лақаби билан машҳур буюк шайхлардан бири. Асли исм-шарифи Муҳаммад ибн Алий бўлиб, ҳозирги Озарбайжоннинг шимоли-ғарбидаги Табриз шаҳрида туғилган. Шамс Табризий Мавлоно билан 1244 йилнинг 26 ноябрь куни Кўнёдаги “Маржа ал-бахрайн” деган жойда учрашган. Кейинчалик халқ бу ерни “Икки денгиз қўшиливи” деб атаган. Шу учрашувдан бошлаб Шамс Табризий Мавлоно Жалолиддин Румийнинг тафаккур оламини ўзгартириб юборган ва Мавлоно шу учрашувдан бошлаб уни “шоҳим”, “подшоҳи гадойи” деб юритган. У билан учрашгандан бошлаб Мавлоно мусиқа ва шеъриятга ошно бўлиб, ўша вақтдаги фалсафани ҳам, Калом илмини ҳам танқид қилишга ўтди ва “Румий”, “Хомуш” тахаллуслари остида мадрасада машҳур донишманд сифатида шеърият билан ўзи тасаввур қилмаган ҳолатда шуғуллана бошлади. “Оллоҳ билан қасам ичаман, – ёзади у, – менинг ҳеч қачон шеъриятга мойиллигим йўқ эди. Менинг кўзларимда бу ишдан энг ёмони йўқ эди”²⁸.

Румий, айниқса, уларнинг диний ақидаларни фақат ҳис қилиш аъзолари ва ақлнинг ёлғиз ўзи билан исбот қилишга беҳуда уринишларини қоралай бошлади. Мавлоно бир нарса **ни кўз билан кўрмаслик ёки ҳис қилиш аъзолари билан идрок қилмаслик, уни йўқ дейишга кифоя қилмаслигини** таъкидлаб ўтади. Румий асарларининг баъзи бир жойларида Шамс ҳақида маълумот келтирилар экан, Шамс огоҳ ва воъиз шахс сифатида кўрсатилади. Шаръий илмлар билан бир қаторда, риёзиёт ва фалсафадан ҳам хабардор дейилади²⁹. Румий ёзади:

²⁷ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий: Куллиёт. Ж.1. К.1. (Таржима шарҳи билан) / Таржимон: Асқар Маҳкам. –Т.: “Шарқ”, 1999. –Б. 15.

²⁸ “Мир исламского мистицизма”. –М.: “Алетейя”, 1999. –С. 234.

²⁹ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Тегрон, 2001. 21-бет.

Ул чироғи Шамским, равшан эрур,
Дема, боис пилтау равған эрур³⁰.

“Шамс фақиҳлар ва мударрислар ҳузурида қуриладиган мажлисларда қатнашиб, уларнинг билимларини озгина ундан, озгина бундан, далиллар фақат ҳадису хабарлардан олинганлигини кўрарди. Ҳеч қачон ўтганлар қолдирган илмларни ўрганманглар демасди. Аммо манқул (нақл этилган, оғиздан-оғизга кўчган) илмларни ўқигандан сўнг ҳазм қилиш лозим, ана ундан кейингина уларни эгаллаб олиб, тафаккур ва ақл ёрдамида замон шароитига мос ҳолда янги билимларни яратиш керак, дерди³¹. Шамс Мавлоно билан алоқа боғлагандан сўнг, уни бир муддат ўтганлар сўзини такрорлашдан, ҳатто, отаси Баҳоуддин Валаднинг “Маориф”ини мутолаа қилишдан қайтарди. Бу билан у Мавлонода янги фикрлар ва янги сўзлар пайдо бўлишига йўл очиб берди ва бу борада ҳам муваффақиятга эришди³². Жалолиддин Румий Шамсиддин Муҳаммад Табризийни ўз пири деб эълон қилади. Табризий уч йил Румийга дарс беради: фалсафа, хусусан, сўфийлик таълимотини ўргатади. “Шамс Мавлонога ақлнинг асоратидан қутулиш йўллари ўргатди. Чунки ақлнинг ҳудуди аниқ, муайян бир ердир, ақлсизликдир. Кўнгилнинг ҳудуди эса сўнгсизликдир. Унинг таскин нуқтаси эса фано-филлоҳдир”³³. Румийнинг ўзи ҳам бир байтида: “Агар Аттор менга руҳ бахш этган бўлса, Шамси Табризий тилсим калитини тутқазди”, – дейди. Табризий таъсирида Румий ақлий изланишларидан воз кечади. Бу Румий муридлари, уламолар норозилигига сабаб бўлади ва улар фатвоси билан Табризий ўлдирилади. У бу фожиадан қаттиқ таъсирланиб, пирининг исми-шарифини таҳаллус қилиб, ғазаллар ёза бошлайди ва “Девони Шамс Табризий” номли девон битади. Инсон ҳаётида шундай лаҳзалар бўладики, унинг таъсири ва қиймати бутун бир умрга татийди. Мавлоно ва Шамснинг мулоқотлари ана шундай лаҳзалардан эди. Шамс Мавлононинг шогирдлари билан ўтказадиган дарс ва баҳсу мулоқотларига бурилиш ясади. Мавлононинг муршид-

³⁰ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 246.

³¹ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 22.

³² Ўша жойда. –Б. 21.

³³ Усмон Нури Тўпбош. Бир кўза сув. –Т.: Фан, 2007. –Б. 17.

лиги-ю шайхлиги бошқа хонақоҳлардаги расму одобларга ўхшамасди. Мавлоно шунча улуғворлик билан ҳам, гоҳида ўзини бирон муриднинг муридидек тутарди³⁴. Мавлоно Шамснинг ўлиmidан сўнг узоқ йиллар якка ўзи яшайди. 1249 йилда Румий ҳаётига Салоҳиддин Зарқубий ва Хусомиддин Чалабий кириб келишади, улар Шамс Табризийнинг ўрнини тўлдирди бошладилар.

“Бундай маънавий бойлик Жалолоддинни камолга етказди. Айрим кечалари Румий экстаз ва транс ҳолатига тушиб, баъзида кўча-кўйда бошига чўққи қалпоқ кийган ҳолда рубоб ва буб садоси остида самоъ рақсини бажариб, ўзи битган байтларини куйлаб, тўхтамасдан шеър айтишдан толиқмаган эди. Румийнинг бадий қобилияти ва машхурлиги кўпгина сўфийларни ўзига жалб қилди. Кўнё эса сўфийлик Маккасига айланди”³⁵. Румий шундай сўфий шахс сифатида шаклландики, ўз ҳатти-ҳаракати орқали инсонларга таъсир кўрсата олди ва уларга маънавий борлигини бахшида этди. “Румий порлоқ ва гўзал бир тил, имон ва балоғат билан инсоннинг кароматини ва инсонлик фазилатини улуғлади. Ниҳоят, жамиятда жонланиш бошланди. Инсон ўзининг шарафи ва қадр-қимматини теран англаш йўлига тушди”³⁶. Румий айтади:

Шарқ Ҳақни топди, дунёдан кечиб,
Ғарб дунё топди, Оллоҳдан кечиб...³⁷

Мавлоно 1273 йил 17 декабрда якшанба куни оламдан ўтди. У ҳаётини “Хом эдим, ёндим, пишдим” сўзлари билан хулосалайди. Мавлоно ўлим кунини янгидан туғилган кун сифатида қабул қиларди. У ўлган заҳоти севганига, яъни Аллоҳга етишишини биларди. Шунинг учун Мавлоно ўлим кунини тўй куни ёки келин кечаси маъносида айтиладиган “Шаби арус” бирикмаси билан ифодалаб, дўстларига ўлими орқасидан “Э, воҳ” дея йиғламасликларини васият қилганди. Буюк шоир: “Менинг қўлимда ҳамиша Қуръон эди, энди эса севги машъаласини кўтариб юрибман”, деб вафот этди. Одамнинг буюклик даражасини унинг асл хонадонда таваллуд топганига

³⁴ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси ... 30-бет.

³⁵ Шиммель А.-М. Мир исламского мистицизма. –М.: Алетея, 1999. –С. 234.

³⁶ Абул Ҳасан Надавий. Туйғу ва тушунчада тозалик... –Кўнё, 1986. –Б. 123.

³⁷ Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий: Куллиёт. Ж.1. К.1. (Таржима шарҳи билан) / Таржимон Асқар Маҳкам. –Т.: “Шарқ”, 1999. –Б. 18.

қараб аниқлаб бўлмайди. Аммо инсонни охирги манзилга кузатиш жараёни ҳам у ҳақда тасаввурга эга бўлиш имкони бера олади. Бироқ бу дафн маросимининг дабдабалиги ҳақида эмас, марҳумнинг кимлиги, ҳаётда қанчалик яхши из қолдирганлиги инсонлар кўзидаги қайғудан билинади. Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” романида аллома вафоти билан боғлиқ берилган лавҳада шундай сўзлар битилган: “Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яхудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алвидо айтарди”. Орада фақиҳлардан бири “амир ул-умаро” Муиниддин Парвонага: “Ўз шайхини дафн этаётган мўминлар ичра насроний ва яхудийлар не қилур?” – деб уларни ҳайдашни сўради. Бироқ бу бефойда эди. “Қуёш Ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нури ила бутун башариятни мунаввар этмиш. Қуёш – ҳамманинг мулки!” – деди насронийлар руҳонийси. “Мавлоно нон кабидирлар. Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?” – деди яхудийлар раввини³⁸.

Хуллас, Румий шахси ана шундай шаклланди ва камолга етди. Асрлар давомида унинг ҳаёти ва ижодининг таълим-тарбиявий аҳамияти жуда улканлиги билан ажралиб туради. Румий асарларидаги диний-маърифий ғоялар ислом тасаввуфи асосида яралган бўлса-да, Мавлоно ўз даврида мустақил ўзига хос позицияга эга эди. Бу унинг ислом ва тасаввуф маънавияти асосида, халқчил руҳда битилган фалсафий мушоҳадаларга бой ҳикоятлари ҳамда Маснавийси, турли жанрлардаги шеъриятида намоён бўлади.

1.2. Жалолиддин Румий ижодини ўрганиш педагогик муаммо сифатида

Жалолиддин Румий ижоди чуқур инсонпарварлик, толерантлик, миллатлар, халқлар дўстлиги ва диний эътиқоддаги софлик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, уни ўрганишда Шарқ ва Ғарб олимлари ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Жалолиддин Румий ижодини шогирди Ҳусомиддинчалик ҳеч ким англамаган бўлса керак.

³⁸ Радий Фиш. Жалолиддин Румий: тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 187.

Султон Валад отасининг вориси сифатида Мавлоно ишларини давом эттиради. У қарийб бутун умри давомида Мавлоно тариқати ва таълимотини ривожлантириш ҳамда турли мамлакатларга тарқатиш билан машғул бўлди. Отасининг ҳаёти ҳақида унинг мухлислари учун “Валаднома” достонини ёзади. Бу достон Мавлоно ҳаёти ҳақидаги энг ишончли манбадир. У яна форс тилида “Ибтидонома”, “Интиҳонома”, “Рубобнома” каби маснавийларни ва “Маориф” асарини ёзган, уларда асосан хонақоҳ расму одоби билан боғлиқ масалалар, муаллифнинг баъзи бир ҳаётий хулосалари, “Маснавий”нинг нозик ва мураккаб тушунчалари, сўз ва истилоҳлари шарҳи ёритилган. Лекин олим кўп нарсаларни тавсифлашга муваффақ бўлмаган. Унинг муриди Аҳмад Румий ҳам мазкур асардаги мураккаб сўз ва тушунчаларни шарҳлаш мақсадида қайд ва изоҳлардан иборат тўплам тайёрлаган³⁹.

Ўрта асрлардан бошлаб Румий ҳаёти ва ижоди тарихини ўрганиш бўйича тазкиранавис олимлар ижоди асосий манба сифатида кўзга ташланади. Булардан Аҳмад Афлокий⁴⁰, Давлатшоҳ Самарқандий⁴¹, Соқиб Мустафо, Асрор Муҳаммад, Саид Муҳаммад Фозилпошшо ва Румий ҳикматларидан илҳомланган Хожа Аҳрор Валий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Садриддин Айнийларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

“Маснавий” шарҳи бўйича Хожа Абулвафо Хоразмий, Камолиддин Ҳусайн Хоразмий, Сурурий, Суди Шамъий, Русухий, Сори Абдуллоҳ, Шайх Мурод Бухорий, Абдулмажид Сивосий, Муҳаммад Лакҳнавий, Исмоил Ҳаққий Бурсавий, Аҳмади Румий, Яъқуб Чархий, Али Чочий, Доъий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Шамсуддин Лоҳижий, Собуний, Нуруллоҳ Шуштарий, Абдуллоҳ Қусурий, Акбарободий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Мирзо Абдулқодир Бедил⁴², Муҳаммад Иқбол⁴³ ва бошқа кўпгина буюк сўз усталари форсий, туркий, арабий ва кобулий тилларига таржима қилдилар.

³⁹ Султонвалад. Валаднома // Жалолудини Румии Балхи. Маснави маънавий бо ҳафт китоби нафиси дигар. –Кобул, 1362 ҳ. –С. 1–4.

⁴⁰ Аҳмад Афлокий. Маноқиб ул-орифин. –Техрон, 1896. –С. 396.

⁴¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. –Техрон: нашр йилисиз. –С. 652.

⁴² Абдуқодир Бедил. Осор. –Душанбе, 1991. Ж. 2. –С. 352.

⁴³ Муҳаммад Икбал. Реконструкция религиозной мысли в исламе. –М., 2002. –С. 200.

Хожа Аҳрор Валийдан етиб келган 52 та ҳаёт бахш этувчи томчилар – рашҳалар⁴⁴ ва “Фикроти Аҳрорийа”да Жалолиддин Румий таълимотидан фойдаланилган⁴⁵.

Хожа Абдулвафо Хоразмий шогирди Камолиддин Ҳусайн Хоразмийни “Маснавий”га шарҳ ёзишга ундайди. Лекин у “Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор” (“Сирлар жавоҳири ва нурлар товланиши”)да “Маснавийи маънавий”нинг фақат уч дафтарини шарҳлаган. У “Канз ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) номли шеърӣ шарҳ ҳам ёзган.

Машҳур нақшбандия шайхи Яъқуб Чархий ўзининг “Рисолаи абдолийа”сида “Маснавийи маънавий” асаридан кўплаб байтлар келтиради ва най тимсоли шарҳига бағишлаб махсус “Най рисоласи”ни ёзади. Бу рисола “Маснавий”нинг энг қадимги шарҳларидан бири ҳисобланади. Чархий найни “орифларнинг муборак нафаслари”дан иборат дея таърифлайди⁴⁶.

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс” асарида Румийнинг ҳаётӣ фаолияти ва маънавий борлиғи ҳақида маълумот келтиради. У Румийни шарафлаб шундай дейди:

Ман чи гўям васфи он олижаноб,
Нест Пайғамбар, вале дорад китоб⁴⁷.

Жомийнинг бу мисралари Асқар Маҳкам томонидан шундай таржима қилинган:

Ул Фарийдундир маъно дунёсига,
“Маснавий” бурҳондир асли зотига.
Мен не дей олижаноб васфида, бас,
Бор китоби, лек пайғамбар эмас⁴⁸.

⁴⁴ Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари) / Табдил – М.Ҳасаний. –Т.: Абу Али Ибн Сино номли тиббиёт нашриёти, 2003. –Б. 330.

⁴⁵ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа / Табаррук рисолапар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўзбоши ва изоҳ муаллифи М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. –Т.: Адолат, 2004. –Б. 106.

⁴⁶ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий). Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 80.

⁴⁷ Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс / Усмонли туркчага А.Ломеъӣ таржимаси. ЎЗР ФА ШИ фонди №30840. –Б. 524.

⁴⁸ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий: Куллиёт. Ж.1. К.1. (Таржима шарҳи билан) / Таржимон Асқар Маҳкам. –Т.: “Шарқ”, 1999. –Б. 16.

Жомий Румий ижодига яна кенг тўхталиб, “Шарҳи байти Маснавий”ни ёзади ва асарда маснавийнинг дастлабки 18 байти, хусусан, най образини шарҳлайди. Румий ёзган вазнда шеърий манзума битади ва “Маснавий”ни шарҳлаш бўйича Ҳирот мактабини яратади⁴⁹. Ҳазрат Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”) асарида Жомий келтирган маълумотларни янада тўлдирган ҳолда Румий хусусида маълумот бериб ўтади. У Румийни “Устозлар устози” деб шарафлаб, буюк шоирлар, устози комиллар қаторида тилга олади. Асарда Румийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид аниқ далилларга асосланган фикрлар келтирилади. Навоий Румийнинг инсоний сифатларини улуғлаб: “...Алар дебтурларки, озод улдирки, ранжида қилғондин ранжида бўлмағай ва жавонмард улдирки, ранжида қилурға муставжид бўлғонни ранжида қилмағай”, – дейди⁵⁰.

Доъий Шерозий ўз “Ишқнома”сида “Маснавий”дан сўзлайди, ундан иқтибослар келтиради, “Девони Шамс” услубига мос ғазаллар битади ва “Маснавий”га “Ҳошияи Шоҳ Доъий” номи билан машҳур бўлган шарҳни ёзади.

Буюк ахлоқ муаллими, илоҳиётчи ва адиб Ҳусайн Воиз Кошифий Мавлоно ғоялари ва дунёқарашини янгича талқин қилиб, “Лубби лубоби Маснавий” (“Маснавий маъноларининг моҳияти”) деган асарини яратади. Аллома “Футувватномаи Султоний” асарида ҳам Румий ҳақида қимматли маълумот келтиради: “Билгилким, ҳозирги замонда қарийб ҳамма дарвешлар ва тариқат аҳлининг қулоҳлари кигиздан бўлиб, уни мавлавий қулоҳи дейдилар. Агар кигиз қулоҳ кимдан (мерос) қолган, деб сўрсалар, Ҳазрат Жалолитдин Мавлавий Румийдан деб айт. Ул киши шундай тож кийиб юришни одат қилганлар. Агар шундай қулоҳни кимлар кийиши керак деб сўрсалар, дегилки, ишқ байроғини мардлик майдони узра кўтарган ва фарзоналикда сарбаланд бўлганлар шундай қулоҳга муносибдирлар.

Агар тери қулоҳ кимга ярашади деб сўрсалар, жавоб бериб айтгил: (бирова) наф етказиш учун фидо бўлишга тайёр бошга ярашади... кимки тери қулоҳ кийса, у халққа фойда етказди-

⁴⁹ Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар / Тузувчи: Ш.Шоҳмуҳаммедов. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 258-бет.

⁵⁰ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. –Т.: Фан, 2001. –Б. 322–330.

ган, бошини пир фармони чизигидан ташқари чиқармайдиган ва бошига нима келса қайтмайдиган бўлади”, – дейди⁵¹. Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” (“Яхши хулқлар”) асарида ахлоққа оид бирор сўз ва тушунчаларни изоҳлаб, кейин унга ўқувчи амал қилиши учун нақлий (нақлий далил – “Қуръон” оятлари, “Ҳадис”лардан олинган фикрлардир) ва ақлий далиллар келтиради. Ақлий далил (ақлий далил – бирор ахлоқий қоидага амал қилишнинг мантиқий асосланган хулосалари) келтиришда эса замонасининг забардаст мутафаккирлари қаторида Жалолиддин Румий асарларидан кўп фойдаланади ва улардан олинган парчалар воситасида ўз фикрини асослашга уринади.

Эронда, Ўрта Осиёда, Ҳиндистонда, кўпроқ Кичик Осиёда махсус мактаблар – “Дорул Маснавий” очилиб, Жалолиддин Румий достонини ўрганиш, изоҳлашга киришилди. “Маснавий” асосида ўнлаб тўпламлар тузилиб, араб, турк ва форс тилларида юзлаб жилд таҳлил ва талқинлар битилди.

Туркияда XV асрдан бошлаб барча шоир ва ёзувчилар Румий ижодидан илҳомланган ҳолда ўз асарларини яратдилар. XVI аср боши ва XVII асрларда эса Туркияда “Маснавий”га уч мукамал шарҳ яратилди. Улардан бири – Исмоил Русухий Анқаравийнинг “Фотиҳ ул-абёт” (“Байтлар кашфи”) деган шарҳи бўлиб, олим бу шарҳга қўшиб асарнинг ишончли матнини ҳам келтирган. Иккинчиси – Исмоил Ҳаққи Бурсавийнинг шарҳи. Учинчиси – Сулаймон Наҳифи Румийнинг барча байтлар асл қолипни сақлаган ҳолда турк тилига қилган таржима-шарҳидир. XVII аср бошида Шамъий томонидан ҳам “Маснавий”га шарҳ ёзилган. Турк тилида яна бир илмий шарҳ Абдуллатиф Аббосийнинг “Латоифи маънавий” (“Маънавий нозикликлари”) китоби бўлиб, у “Шарҳи абёти мушкул” (“Мураккаб байтлар шарҳи”)га таяниб яратилган. Булар қаторида усмонли турк шоири Мустафо Сурурийнинг ҳам “Тафсири форсийи Маснавий”, яъни “Маснавий”нинг форсий тафсири” номли шарҳи билан Иброҳим Дада Кўнявийнинг “Маснавий” шарҳи ҳам машҳур бўлган.

XVIII асрда эса Хожа Айюбнинг “Асрор ул-ғуюб” (“Яширин нарсалар сири”), Вали Муҳаммад Акбарободийнинг “Шарҳи “Маснавий”, Абдулла Лакҳнавийнинг “Баҳр ул-улум”

⁵¹ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний / Нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. –Б. 58.

(“Илмлар денгизи”) каби “Маснавий”нинг энг муфассал ва қимматли шарҳлари дунёга келган. Шайх Одина Хоразмий эса “Мифтоҳ ул-асрор” (“Сирлар калити”) шарҳида “Маснавийи маънавий”нинг уч дафтари ирфоний жиҳатдан шарҳлаб беради⁵².

XIX асрда Хожа Муллоҳоди Сабзаворий машҳур шарҳ ёзади. Бундан ташқари, асарнинг алоҳида ривоятлари ва байтларини шарҳлаб, кўплаб рисола ва манзумалар ҳам битади. Бу тафсирилар, шарҳлар, бағишловлар рўйхатининг ўзи бир китоб бўлади. “Маснавий”ни турк тилига Сулаймон Наҳифий ўз вазида, Обиддин Пошшо, Валад Чалаби Узбудок, Митҳат Баҳори Байтурлар насрда изоҳли таржима қилганлар. Асарнинг урду тилидаги таржималари Мунши Али томонидан “Боғи эрам”, Юсуф Алишоҳ Чиштий томонидан “Пироҳани Юсуфий” (“Юсуф кўйлаги”)⁵³ номлари билан амалга оширилган. Ҳанифа Абдулҳакимнинг урду ва инглиз тилларидаги шарҳлари ҳам эълон қилинган. Уйғур тилида Юсуф Хароботийнинг “Маснавийи Хароботий” номли таржимаси нашр эттирилган.

Улуғ турк шоирлари Нозим Ҳикмат, Юнус Эмро ўз ижодларида Жалолоддин Румий шеърларидан фойдаланишган.

XX асрнинг таниқли тасаввуфшунос олими Усмон Нури Тўпбошнинг “Бир кўза сув” номли асарида Румий ҳикоятларига шарҳ келтирилган. Уларда соф, пок бир кўнгилга эга бўлиш фақат пайғамбарлар вориси бўлган бир муршиди комилнинг тарбияси билангина қўлга киритилиши таъкидлангани эътироф этилган. У Румийнинг “Маснавий”сини “Мавлоно ҳазратлари яшаган, ҳис қилган маъно олами саргузаштини жонлантирилган бир китобга жойлаб, инсониятга буюк бир мукофот қолдирди”, дея таърифлайди. Олим Румийнинг ҳаёти ва илмий меросини чуқур ўрганиб, охири “Инсон ҳаёти онанинг тўлғоқ азоби ва чақалоқнинг йиғиси билан бошланади. Инсон руҳи вужуддан айрилиб, абадий йўлчиликка чиқади. Унинг туғилишида ҳам, ўлишида ҳам изтироб мавжуд.

Бу келиш ва кетиш орасига кўнгил кўзи билан боқилганда, ҳаёт сўнгсиз аламлар, изтироб тўла ҳоллар ва ҳар хил бўлмағур хаёлларга тўлиқдир. Фақат ғафлат кўйлагини йиртиб, ўзи туғилган оламнинг ҳақиқатларидан воқиф бўлган улуғ зотлар

⁵² Ҳасаний М. Улуғ китобнинг улуғ шарҳи // Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. –Тошкент, 2006.

⁵³ Тўхсанов Қ. “Маснавий” сабоқлари. –Т.: Фан, 2008. –Б. 14–15.

учун ҳаёт бир имтиҳон, ўлим эса шаби арус, яъни бир висолдир. Ҳазрати Мавлоно умри бўйи бу висол онини кутиб яшаган эди”, деган хулосага келади⁵⁴.

Румий ижодини ўрганиш бўйича турк олими А.Гулпинарлининг хизматлари беқиёсдир. Унинг “Мавлавия баъд аз Мавлоно” ва “Одоб ва аркони тариқати мавлавия” асарларида XIII асрдан то XX асргача мавлавия тариқати расм-рисулари, одоби тарихи келтирилган бўлиб, тадқиқотчи аниқ далилларга асосланган манбаларни бизга етказди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу тадқиқотлар Мавлоно ижодини ўрганишда қимматли манба саналади⁵⁵.

Румийнинг ўғли Султон Валад томонидан асос солинган Мавлавия тариқати бўйича эронлик румийшунос олим Муртазо Биҳиштий қатори мавлавийшунос олим Карим Замонийнинг тадқиқоти ва қатор маърузалари мавжуд.

Саид Муҳаммад Али Жамолзода тайёрлаган “Бонги най”⁵⁶ ва Техрон университети профессори Бадиъуззамон Фурўзонфар тайёрлаган “Хулосаи Маснавий” номли танланма тафсиллар илмий-амалий аҳамиятга эга. Унинг яна “Шарҳи аҳволи Мавлоно” асари Румий ҳаёти ва ижод йўлини ўрганишда катта илмий манба ҳисобланади⁵⁷.

Эронлик машҳур мавлавийшунос олим, филология фанлари доктори Муҳаммад Истеъломий 7 жилддан иборат “Маснавий”нинг танқидий матнини “Маснавий”нинг тўрт қадимги қўлёзма нусхалари асосида, яъни Қўниёнинг 668 ва 677 рақамли қўлёзма нусхалари, Қўнёнинг иккинчи нусхаси, Эрон Миллий кутубхонасида 715 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусха ва машҳур инглиз мавлавийшунос олими Р.Николсон ҳозирлаган нашрга асослаиб тайёрлайди. Мазкур нашрда “Маснавий”нинг 6 китоби, ҳар бир китобга мукамал изоҳлар, 7-жилдда эса “Кашф ул-абёт”, яъни асардаги барча байтларнинг мундарижаси берилган⁵⁸.

⁵⁴ Усмон Нури Тўлбош. Бир кўза сув. –Т.: Фан, 2007. –Б. 12.

⁵⁵ Гулпинарли А. Мавлавия баъд аз Мавлоно. –Техрон, 1366 ҳ. –С. 742.

⁵⁶ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 82.

⁵⁷ Фурўзонфар Б. Аҳодиси “Маснавий”. –Техрон, 1344 ҳ. –С. 226.

⁵⁸ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий // Муҳаммад Истеъломий. –Техрон, 2000. 7-жилд.

Олимнинг яна “Илоҳий ишқ куйчиси” (“Маснавий”га муқаддима) китоби чуқур илмий мулоҳазалар, қиёсий таҳлил, далил-исботларга изчил асосланганлиги билан Румий илмий таржимаи ҳолини яратишда алоҳида ажралиб туради. Н.Комиловнинг таъкидлашича, “... ушбу тадқиқотни Жалолиддин Румийнинг таржимаи ҳоли пухта ёзилган асар дейиш мумкин. Айти вақтда Муҳаммад Истеъломий Румий асарлари ҳақида ўз қарашларини баён этади, янги ва муҳим фикрларни билдиради”⁵⁹.

Ушбу китобда олим Румийнинг ҳаёт йўли ва ижодига, яратган асарларига кенг тўхталиб ўтади ва мутафаккирнинг шахси, маънавий-руҳий олами ҳақида “У мадрасани хонақоҳга, ваъз мажлисларини самоъ йиғилишларига, мутаассибларча фикр юритишни сўфиёна ишққа, донишмандона босиқликни сўфиёна жазавага алмашиб бўлган эди”, – дея таърифлайди⁶⁰.

Эрон олимлари ичида Доктор Абдулхусайн Зарринқўб Румий ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли асарларни яратганлиги билан ажралиб туради. У “Мавлононинг олтмиш саккиз йиллик ажойиб умри бошдан-оёқ бир шеър эди, гўзал, бетакрор, туғёнли ашъор жараёни, садоси ва бонги эди”, – деб тасвирлайди ва “Сири най” асарида Румий ижоди ҳақидаги қимматли маълумотларни келтириб ўтади⁶¹.

Эронлик яна бир румийшунос олим С.Гавҳарин Румий асарларидаги мураккаб тушунчалар, сўзлар ва истилоҳларни шарҳлаб, луғат тузишга эришади⁶².

Грузиялик олим Э.Д.Джавелидзенинг Румий ҳаёти ва ижоди борасидаги тадқиқотини алоҳида айтиб ўтиш лозимдир. У ўз тадқиқотида Шарқу Ғарб олимларининг изланишларидан кенг фойдаланган ҳамда Румий дунёқарашини кенг тарихий таҳлил қилади. Асар адабиётшунослар ва ижтимоий фикрловчи тарихчиларга мўлжаллаб ёзилган. Джавелидзе Румий

⁵⁹ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 4.

⁶⁰ Ўша жойда. 18-бет.

⁶¹ Абулхусайн Зарринқўб. Пилла-пилла то мулоқоти Худо (Дар бораи зиндаги, андиша ва сулуки Мавлоно Жалолиддини Румий). –Техрон, 1373 ҳ. –С. 341; Абулхусайн Зарринқўб. Сири най. Ж. I. –Техрон, 1368 ҳ.

⁶² Гавҳарин С. Луғот ва таъбироти “Маснавий”-и Жалолиддини Балхи. –Техрон, 1337–1339 ҳ. Ж. 1–3.

ҳаётига оид аниқ далилларга асосланишга ҳаракат қилган ва Румий таълимотини “инсонни комил фалсафасидир” деб тавсифлаган⁶³.

Шефик Жон Румийнинг биографиясини, унинг адабиёт-шуносликда, ислом дини ва маданиятида тутган ўрнини ёритишга салмоқли ҳисса қўшган олимлардан биридир. У Румий даҳоси, дунёқараши ва шахсиятининг ҳозирги даврдаги аҳамиятини очиб берди⁶⁴.

Румий ижоди Ҳиндистону Покистонда ҳам кенг ўрганилган. Жумладан, покистонлик румийшунос А.Ҳ.Халифа томонидан яратилган “Муслим фалсафаси тарихи” китобида Румий таълимотининг фалсафий жиҳати кенг ёритилганлиги билан эътиборни тортади⁶⁵.

Покистоннинг машҳур шоир ва файласуфи Муҳаммад Иқбол ҳам “Ўзлик асрори” ва “Жаброил қаноти” асарларида Мавлонони ўзига пир, йўл кўрсатувчи Хизр деб таърифлайди⁶⁶. Бундан кўриняптики, Румий таълимоти ва унинг “Маснавий”си барча даврларда ўз қимматига эга бўлган.

Афғонистонлик румийшунос М.Сирож томонидан “Мавлоно Балхий ва падари. “Маснавийи маънавий” да “Маориф” таъсири” асари яратилган бўлиб, унда Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарининг дунёга келиши ва бунга Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” китоби таъсири кенг ёритилган. Китобда Саид Бурҳониддиннинг “Маориф” китоби ҳам тилга олиб ўтилган⁶⁷.

Тожикистонлик румийшунос олимлардан А.М.Богоутдинов⁶⁸ ўз тадқиқотида Жалолиддин Румий фалсафий-тасаввуфий қарашлари ҳақида тўхталиб, унга нисбатан илмий холислик нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилган. Жумладан, олим Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида мавжуд бўлган

⁶³ Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. 1. Джелаль-ед-дин Руми (вопросы мировоззрения). –Тбилиси: Мецниереба, 1979. –С. 308.

⁶⁴ Шефик Джан. Мевлана Джалаледдин Руми – жизнь, личность, мысли. –М.: Новый свет, 2008. –С. 432.

⁶⁵ Khalifah H.A. Jalal-ad-din Rumi // A History of Muslim Philosophy. –Pakistan, 1966. V. 2. –P. 820-839.

⁶⁶ Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. 1. Джелаль-ед-дин Руми (вопросы мировоззрения). –Тбилиси: Мецниереба, 1979. –С. 5.

⁶⁷ Сироч. М. Мавлоно Балхий ва падараш. Таъсири “Маориф” бар “Маснавийи маънавий”. –Кобул, 1340 ҳ. –С. 118.

⁶⁸ Богоутдинов А.М. Очерки по истории таджикской философии. –Сталинабад: Таджикгосиздат, 1961. –С. 332.

қатор диалектик ғояларнинг фалсафий таҳлили асосида “Адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, Румий қарашларида қатор диалектик ғоялар мавжудки, улар Гегель томонидан ҳал қилинган кўпгина масалалар Румий томонидан беш юз йил илгари ўртага ташланганлигидан далолат беради”, – деб кўрсатади.

Румий ижодини ўрганиш бўйича яна Н.Одилов⁶⁹, Р.Ҳодизода⁷⁰, И.С.Брагинский ва Х.М.Зиёевлар⁷¹ кўзга кўринарли тадқиқотларни олиб бордилар.

Румий шеърятининг моҳиятини очиб, ундаги тасаввуф шеърятига хос бўлган шеърӣ образ, ажойиб тусланишлар туфайли инсоннинг маънавий фазилатларини улуғлаб, унга меҳр ёғдирувчи тимсол сифатида қараган олим И.С.Брагинский Жалолоиддин Румий ҳақида “...воқеликнинг шубҳали заминида ўзини ўнғайсиз ҳис этади. У ҳодисаларнинг ички ва ташқи жумбоқларини зукколик ила соф руҳӣй, хаёлий зайлда ҳал қилишга уринади. Аммо охир оқибатда у яратган асарларнинг ўзи янги талқин ва шарҳларга муҳтож жумбоққа айланади...” – дея таъриф келтиради⁷².

Тожикистонда Жалолоиддин Румий ҳақида номзодлик ишлари мавжуд бўлиб, улардан Т.Д.Мухтор ўзининг “Эроннинг замонавий умумтаълим мактаблари тизимида Жалолоиддин Румийнинг педагогик ғоялари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида Эроннинг замонавий умумтаълим мактаблари тизимида Жалолоиддин Румийнинг педагогик ғояларидан фойдаланишнинг замонавий педагогик ва дидактик йўллари ишлаб чиқади. Унинг таъкидлашича, “Румийнинг маснавийлари, ҳикоятлари, ҳикматли сўзлари ёшларда таълим-тарбияни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Чунки Румий таълимотининг асосий вазифаси инсонни ахлоқӣй жиҳатдан тарбиялаш ҳисобланади. Унинг нуқтаи назаридан қаралганда, инсонни инсонпарварлик, ватанпарварлик, холислик, виждонлилик ва инсофлилик руҳида тарбиялаш керак”⁷³.

⁶⁹ Одилов Н. Мировоззрение Джалолоиддина Руми. – Душанбе, 1974. – С. 111; Одилов Н. Жаҳонбинии Жалолуддини Румӣ. – Душанбе, 1964. – С. 107.

⁷⁰ Хади-заде Р. Джалаледдин Руми // Руми. Притчи, газели. – Душанбе, 1988. – С. 5-26.

⁷¹ Зиёев Х.М. Мавлавия ва таърихи таҳаввули он. – Душанбе: Ирфон, 2004. – С. 216.

⁷² Брагинский И.С. 12 миниатюр. От Рудаки до Джами. – М., 1976. – С. 304.

⁷³ Мохтар Т.Д. Педагогические идеи Джалаладдина Руми в системе сов-

Х.Ш.Кабиров “Жалолиддин Румий ижодида тилнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида Румий шеърятининг ўзига хос хусусияти, тил билан боғлиқ жиҳатларини ўрганган⁷⁴.

Озарбайжонлик олима И.Ҳ.Иброҳимова “Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ислом тасаввуфининг асосий манбаларидан бири” мавзусидаги номзодлик диссертациясида мутафаккирнинг қарашларига фалсафа тарихи нуқтаи назаридан эътибор қаратган⁷⁵.

XVII–XVIII асрлардан бошлаб машҳурликда Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Саъдийнинг “Гулистон”и, Ҳофизнинг “Девон”и билан бир қаторда турган, “форсий тилдаги Қуръон” дея шарафланган “Маснавийи маънавий” инсон маънавий ҳаётининг қомуси сифатида нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам кенг шуҳрат қозонди. Буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте Фирдавсий, Анварий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомийлар қатори Румий ижодини ҳам “Хизр чашмаси” деб атайти. “Декамерон” асаридаги кўплаб сюжет ва мотивларни Шарқ оғзаки ва ёзма адабиётидан олган Жованни Боккаччо “Маснавийи маънавий”даги қатор ҳикоятлар асосида новеллалар яратгани маълум⁷⁶.

Ўрта аср христиан Европасининг диний мутаассиблиги, дунёнинг кўплаб маданий халқларини ёввойи деб билган буржуа Европасининг жоҳилона такаббурлиги туфайли то XIX асргача Европа бу китобдан беҳабар ва бебаҳра қолди. XIX аср ўрталаридан бошлабгина Румий асарлари Ғарб тилларига таржима қилина бошланди. АҚШ, Канада, Англия, Австралия, Германия, Франция ва Янги Зеландия мамлакатларида Румий номи ҳурмат билан тилга олиниб, шоир ижодини жуда катта қизиқиш билан ўқийдилар.

Жозеф Фон Ҳаммер-Пургшталь – форс, турк ва араб адабиётшунослигининг буюк таржимони. У ўзининг “Эрон ада-

ременных общеобразовательных школ Ирана: Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. –Душанбе, 2010. –С. 31.

⁷⁴ Кабиров Х.Ш. Специфические особенности языка поэзии Джалаладдина Руми: Дисс. ... кандидата филологических наук. –Душанбе, 2009. –С. 149.

⁷⁵ Иброҳимова И.Ҳ. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ислом тасаввуфининг асосий манбаларидан бири: Фалсафа. фан. номз. дисс. ... автореф. –Баку, 2005. –С. 33.

⁷⁶ Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Тошкент, 1999. –Б. 150–156.

биёти тарихи” китобида Румий ҳақида анчагина саҳифа ажратди. “Маснавийи маънавий”дан парчалар таржима қилиб, “Шарқ дурдоналари” журналида чоп эттиради. Фридрих Рукерт ҳам Румий “Девон”идан таржималар келтирган ва 1903 йилда шоирнинг ғазалларини “Ғазалиёт” номи билан немис тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Бу китоб немис китобхонлари орасида катта шуҳрат топган⁷⁷. Мазкур таржималар билан танишган буюк немис файласуфи Гегель Румий ижодидан ниҳоятда таъсирланиб, “Руҳ фалсафаси” номли асарида уни “Олий Румий” деб улуғлаган⁷⁸. Рукертнинг таржимаси Константин Бруннерни ҳам илҳомлантирган. У шу замирда кўпгина фалсафий ғояларни ишлаб чиқишга эришган. Гегелнинг ўзи “Этика” номли асарида такрор-такрор Румий ижодига таянади.

Буюк полиглот (кўп тилларни билувчи) олим Рейнольд Николсон⁷⁹ ўз умрини “Маснавийи маънавий” таржимаси, тадқиқи ва шарҳига бағишлади. Унинг нашри ва шарҳи энг ишончли ва машҳур. Олимнинг “Rumi, poet and mystic”, “The table-talk of Jalaluddin Rumi”, “Methnew-i manavi”, “The Mathnavi of Jalaluddin Rumi”, “Commentary of Maulavi’s Mathnavi” каби асарлари “Маснавий” тадқиқи борасидаги қимматли манбалардир. У “Румий барча замонларнинг буюк илоҳийшунос шоири” дейди ва “Маснавий”га “...ирфоний китоб” деб таъриф беради. Унинг яна Румий ижодига мансуб “Девони Шамси Табризий” асосида тайёрлаган сайланмаси ҳалигача сара адабиётлар қаторига қўйилади⁸⁰. Бундан ташқари, Кембриж университети профессори Артур Арберри “Фиҳи мо фиҳи” асарини таржима қилган⁸¹.

Ҳиндистонда туғилиб, Буюк Британияда яшаб ижод қилган олим Идрис Шоҳ (1924–1996) ўз асарларида Жалололидин Румий ҳаёти ва ижодини психологик, фалсафий ва ижтимоий жиҳатдан очиб беришга интилади. Унинг энг машҳур “Донишмандликдан юз ҳикоят. Жалололидин Румийнинг ҳаёти, таъли-

⁷⁷ Шиммель А. Мир исламского мистицизма. –М.: Алетея, 1999.

⁷⁸ Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. 1. Джелаль-ед-дин Руми (вопросы мировоззрения). –Тбилиси: Мецниереба, 1979. –С. 5.

⁷⁹ Nicholson R.A. Mowlavi (Jalaluddin Rumi). The Mathnavi. Hermes pub., 2003.

⁸⁰ Nicholson A. Poet & Mystic. –London, 1956. –P. 190.

⁸¹ Arberry A.J. Classical Persian Literature. –London, 1958. –P. 464; Арберри А.Дж. Суфизм. Мистика ислама. –М., 2002. –С. 272.

моти ва кароматлари” деб номланган асариди Румий ҳаётидан лавҳалар келтирилган ва у шоирни авлиё ҳамда устоз сифатида тасвирлаб, “таъсир кучи орқали таълим” беради дея таърифлаган⁸².

Америкалик олим Ф.Д.Луис ҳам Румий тўғрисида тадқиқот олиб бориб, унинг ҳаёти ва ижоди борасида “Румий назми ва таълимоти, ҳаёти” номли китобни нашр эттирган. Асарда муаллиф Румий ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бир қаторда, улуғ мутафаккир таълимотининг тасаввуф, фалсафа ва адабиётшуносликка алоқадор жиҳатларини таҳлил этади⁸³.

Клемен Хуар эса Афлокийнинг Мавлоно ҳақида ҳикоя қилувчи “Маноқиб ул-орифин” асарини француз тилига ўгиради. Масъинон Мансур Ҳаллож ҳақидаги тадқиқотида Румий ҳақида ҳам муҳим фикрлар билдириб ўтади. Ҳозирги пайтда “Маснавийи маънавий”нинг сайланма матни инглиз тилига ўгирилиб, 250 минг нусхада чоп этилди.

АҚШда Румий ижоди борасида кўпгина олимлар тадқиқотлар олиб борган бўлсалар ҳам, Румийнинг ички кечинмаларини ўзида акс эттира билган, унинг тасаввуфий қарашларини бутун дунё инглиз маданияти йўналишига кирита олган олим Колман Барксдир. У Румий ижодига мансуб кўпгина асарларни инглиз тилига таржима қилиб, улардан 13 та тўплам яратиб, чоп эттирди. Баркс 30 йил давомида Жоржия штати Афина шаҳридаги университетда “Замонавий Америка ижодиёти”дан дарс бериб келган. 1976 йилда Колман Барксга касбдоши Роберт Блай Румийнинг ижодидан намуналар кўрсатади. Румийнинг донишмандлиги, меҳрибонлиги, ҳазилкашлиги ва илоҳийшунослиги Барксда жуда катта қизиқиш уйғотади ва у Румий ижодини таржима қилишнинг ўзига хос йўлини яратади.

Баркс ёзади: “Мен Румийни таржима қилишни ёқтираман, худди ўзимнинг дostonимни яратаётгандай. Бироқ таржима бошлашдан олдин, биринчи ўринда – мен Румий билан ғойиб бўлишим керак, иккинчидан, мен дostonда айни ўзимни – ўз шахсим, қувончим ёки ўзлигимни акс эттиришим керак”⁸⁴.

⁸² Идрис Шах. Сто рассказов мудрости. Жизнь, учение и чудеса Джелаледдина Руми. –М.: Эннегон, 2007. –С. 240.

⁸³ Lewis D.F. Rumi. Past & Present, East & West. The Life, Teaching & Poetry of Jalal al-Din Rumi. –Oxford, 2000. –P. 686.

⁸⁴ Coleman Barks. The Essential Rumi. Harper. –San Francisco, 1995.

Буюк Британияда тасаввуф ва сўфийлар таълимотини, шунингдек, Румий ижодини ўрганишга Редхаус⁸⁵, Вайнфилд⁸⁶, Вилсон⁸⁷ ва бошқа кўпгина олим ва ёзувчилар ҳисса қўшдилар.

И.Фридландер “Гир айланувчи дарвешлар” китобида кўпроқ мавлавия тариқати фалсафаси ва тасаввуф назарияси бўйича фикр юритади. О.М.Бёркнинг сўфий дарвешлар борасидаги тадқиқотида Румий шахси ҳақида тўхталиниб, унинг буюк қалб соҳиби эканлиги таъкидланади⁸⁸.

Германиялик машҳур исломшунос ва шарқшунос, филология фанлари доктори, профессор Аннемарие Бригитта Шиммель Жалололидин Румий ижоди бўйича 40 йилдан ортиқ изланишлар олиб борган. У Румий фаолияти тўғрисида тўхталар экан: “Унинг ҳикоятлари содда ҳаётий воқеалардан олинган бўлиб, инсонларни ҳамиша чуқур мулоҳаза юритишга чорлайди”, – дейди. У “Румийни буюк кудрат соҳиби” дея таърифлайди. Унинг ижодини ўрганар экан, “Ҳеч ким илоҳиётни Румийчалик англамаган ва Румийчалик асосламаган”, – дейди⁸⁹. Шиммель хонимнинг Румий ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилиш борасида “Die Bildersprache Dschelaladdin Rumis”, “Jalaladdin Rumi, story on Prayer” (1992) (“Мен – шамол, сен – олов”, “Я – Ветер, Ты – Огонь: Жизнь и Труды Руми”), “The Triumphal Sun” (“Триумфальное солнце: изучение трудов Джелаледдина Руми”, 1978)⁹⁰ номли тадқиқотлари оламшумулдир. Шиммель хоним “Маснавийи маънавий” асарини “тасаввуф қомуси” деб таърифлаб, таҳлил қилади. Ундаги ҳаётийлик, турмуш маданияти, яратувчанлик, нутқ маданияти, анъаналар ҳақида, шунингдек, “Ичиндаги ичиндадир” ва бошқа асарларининг бадий-маърифий қиммати, ахлоқий аҳамияти сингари кўпгина жиҳатлари юзасидан изланишлар олиб бориб, кейинги авлод тадқиқотчилари учун мустаҳкам пойдевор яратди⁹¹.

Румийнинг сўфиёна назарияси 1995 йилда албаниялик олим Уилям К.Читтикнинг “Яширин фикрларни излаб” номли

⁸⁵ Redhouse. The mesnevi of mevlana... Rumi. Book I. –London, 1881.

⁸⁶ Whinfield. Masnavi Rumi. –London, 1898.

⁸⁷ Wilson. The Masnavi by Jalâud'din Rûmi. Book II. –London, 1910.

⁸⁸ Бёрк О.М. Среди дервишей. –М., 2002. –С. 235.

⁸⁹ Мир исламского мистицизма. –М.: Алетея, 1999.

⁹⁰ Shimmel A. Die Bildersprache Dschelaladdin Rumi's / “Jalaladdin Rumi, story on Prayer”, 1992.

⁹¹ Шиммель А. Шукӯҳи Шамс. –Техрон, 1375 ҳ. –С. 885.

китобида чоп этилди. Унда ёзувчи Румий ижодини диний-фалсафий йўналишда таҳлил қилиб китобхонга етказди. У Румий қарашларини ўрганар экан, “Бу дунё ўткинчи: уйку, қопқон, булут, кўпикдан иборат” эканлигини айтади. Румий сурат ва моҳият атамалари орасидаги принципаал фарқни кўрсатганини, сурат бу – нарсаларнинг ташқи кўриниши, алдоқчи; моҳият эса унинг ички кўринмас ҳақиқати, асли эканини таъкидлайди⁹².

Рус шарқшунослигида Е.Э.Бертельс Румийнинг “Маснавий” асарини “дидактик достон” деб тан олиб: “Жалолоддин лирикаси бу соҳада башарият эришган ютуқлардан биридир. Агар у Ғарбда кенгроқ маълум бўлганида, унинг номи жаҳон адабиётининг Шекспир, Гёте, Пушкин каби гигантлари қаторига ўтиши шубҳасиз эди”, – дейди⁹³.

Академик А.Кримский эса: “Ҳеч муболағасиз “Маснавий” тўпламини тасаввуфнинг шеърий қомуси дея аташ мумкин-дирки, унингсиз тасаввуфни англаш душвордир”, – деб тан олади⁹⁴.

Жалоллиддин Румий ҳаёти ва ижодий мероси борасидаги яна бир қимматли манба Радий Фишнинг “Жалолоддин Румий” тарихий-биографик романидир. Муаллиф асар ҳақида: “Китобда ҳаракат қилувчи шахслар, хоҳ тарихий сиймолар бўлсин, хоҳ ёлғиз шоирга яқин кимсалар – бари чин, яшаб ўтишган. Тасвирга олинган воқеалар ҳам рўй берган воқеалар”, – дейди. Бу асар аниқ тарихий далиллар, бизгача етиб келган манбалар асосида жамланиб йигирма йил мобайнида яратилган. И.С.Брагинский бу асар ҳақида фикр юритар экан: “Р.Фиш атай кўпроқ ҳаётий фактлар билан чекланиб, шоир ҳақида бадий асар яратди”, – дейди⁹⁵.

Кейинчалик Дмитрий Шchedровицкийнинг “Румий ижодининг диний-фалсафий изоҳи” ва Марк Хаткевичнинг этик-

⁹² Chittik W.C. The Sufi Path of Love. The Spiritual Teachings of Rumi. –Albany, 1983. –P. 433.

⁹³ Бертельс Е.Э. Очерки истории персидской литературы. –Л., 1928. –С. 133; Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. –М., 1988. –С. 558.

⁹⁴ Крымский А. История Персии, его литературы и дервишеской теософии. Том III. –М., 1914–1915. –С. 276.

⁹⁵ Радий Фиш. Жалолоддин Румий: тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 266.

психологик шарҳи остида “Сўфийлик таълимотининг маснавийга айланиш йўли”⁹⁶ номли китоблари босилиб чиқди. Унда Румийнинг ижоди чуқур ўрганилиб, асарлари фалсафий-психологик жиҳатдан сараланди. Китоб бошдан-оёқ Румий асарларидаги ибратомуз ҳикоятлар билан бойитилган бўлиб, ҳар бири фалсафий ва психологик руҳда шарҳлаб ўтилган.

“Маснавий”нинг шарҳ ва таржималарини рус тадқиқотчиларидан О.Ф.Акимушкин⁹⁷, В.Державин, Ф.Корш, И.Бугаев, Н.Чистяков, Б.Тираспольский, Л.Тираспольский, М.Т.Степанянц⁹⁸, С.Сечевлар амалга оширганлигини қайд этиш мумкин.

Шарқ мамлакатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам Румий асарлари тўлиқ таржима қилиниб, севиб мутолаа қилинади.

XVII асрларда Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сини ўзбекча шарҳлаб беришга айрича аҳамият берилган. Ўша даврда яшаб ижод қилган оташин шоир Бобораҳим Машраб Имом Ғаззолийнинг “Кимёи саодат”, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарлари таъсирида “Кимё” ва “Мабдайи нур” (“Нурнинг келиб чиқиш жойи”) номли йирик ҳажмли, ўзбекча шарҳли асарларини яратган.

“Мабдайи нур”, асосан, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”си таъсирида ёзилган. “Мабдайи нур” қуйидаги тартибда битилган: асарнинг бошланиш қисмида Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сидан илк байт олинган ва шу илк байт шарҳи сифатида кириш қисми ёзилган. Бундан кейин шу “Маснавий”дан турли байтлар сайлаб олиниб, ҳар бир қисмнинг бошланмасида берилган. Ундан кейин Машрабнинг ўзи шу байтларнинг шарҳи сифатида турли диний-афсонавий, ахлоқий ҳикоятларни берган. “Мабдайи нур” 176 та диний, афсонавий, ахлоқий ҳикоятлардан, 30 та таълимий парча, 35 та ғазал, 2 та ўзбекча, 1 та арабча мустазоддан иборат⁹⁹.

⁹⁶ Джалаладдин Руми. Дорога превращений: суфийские притчи / Пер. Д.В. Щедровицкого. –М.: Оклик, 2009.

⁹⁷ Акимушкин О.Ф. Вдохновенный из Руми // Джалалиддин Руми. Поэма о скрытом смысле. Избранные притчи. –М., 1986. –С. 215–231.

⁹⁸ Степанянц М.Т. Поиски скрытого смысла // Читтик У.К. Поиск скрытого смысла. –М., 1995.

⁹⁹ Бобораҳим Машраб. Мабдайи нур. Сайланма (ғазаллар ва мустазодлар). –Т.: Фан, 1994. –Б. 5.

“Мабдаи нур” асари фалсафий-ахлоқий мазмунда ёзилган бўлиб, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридаги машҳур:

Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,
Ва аз жудойиҳо шикоят мекунад, –

мисралаи байтнинг эркин таржима шарҳий баёнини беришдан бошланган. Чунончи, юқоридаги байт баҳонасида:

Англағил най не ҳикоятлар қилур,
Ким жудолиғдин шикоятлар қилур.
Най вужуди орифи биллоҳдур,
Чиқса найдин ҳар садо доно билур.
Ҳар замон найдин чиқур савту садо,
Бас, қулоқ солсанг бариси бир нидо.
Хайру шарни он қадар таҳқиқ қил,
Эй Аминиддин, мани пандимни бил.
Саргардон айлар сани кибру ғурур,
Гарчи мунда билмасанг марг билдирур –

деган мисралар битилади. 100 байтни ташкил қилган кириш қисмидан сўнг Машраб ғазали ва ҳикоятлари берилиб, Румий “Маснавий”сидан биринчи дафтарга 20 байт, иккинчи дафтарга 18 байт, учинчи дафтарга фақат уч байт киритилган. Бундан кўринадики, Машраб “Маснавийи Румий”ни яхши билган, эҳтимол, ёд билган. Хуллас, ундан илҳомланиб, ўзининг мустақил асарини яратган.

Абдурауф Фитрат ҳам ҳассос ўзбек шоири Машрабнинг “Румий таъсири остида” ижод қилганини эътироф этиб: “Жалолиддин Румий каби Машраб ҳам “ҳар нарса ўзимдан иборатдир”, дейди”¹⁰⁰ ва у “кўбрак Жалолиддин Румийдаги сўфиёна ҳаяжонни ўз шеърларида акс эттиришга тиришган”ини таъкидлайди. Унинг “Мабдаи нур” маснавийси эса “Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сига ўзбек тилида шарҳ каби ёзилғандир”, – деб айтади¹⁰¹. Бобораҳим Машраб “Маснавий”дан таъсирланиб “Мабдаи нур” асарини яратган экан, у Румийни ўзига устоз сифатида қабул қилади.

Шўро даврига келиб Румий “мистик шоир” деб эълон қилиниб, унинг “Маснавийи маънавий” асарини ўқиш

¹⁰⁰ Абдурауф Фитрат. Машраб // Танланган асарлар. 2-жилд. –Тошкент, 2000. –Б. 97.

¹⁰¹ Абдурауф Фитрат. Машраб // Танланган асарлар. 2-жилд. –Тошкент, 2000. –Б. 102.

тақиқланди. Ваҳоланки, унга бу китоб ҳар бир зиёли хонадонда мавжуд бўлган, мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Ҳатто бу китобхонлар саройидаги энг қимматбаҳо мулк саналган. Бухоро амири Саид Олимхон большевикларга қарши урушда Афғонистон ҳукмдори амир Ҳабибуллохондан мадад сўрар экан, унга насталиқ хати, Бедил “Девон”и қаторида Румийнинг “Маснавий”сини ҳам энг қимматли совға тариқасида юборади”¹⁰².

Юртимизда Румий ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш ўтган асрнинг саксонинчи йилларига бориб тақалади ва бу таниқли шарқшунос ва адиб Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” номли тарихий-биографик романини Жамол Камол таржима қилиши билан бошланди. Шундан кейин форс-тожик адабиёти билимдони, забардаст мутаржим Шоислом Шомуҳаммедов буюк сўз санъаткорининг бир неча ғазал, рубойи ва ҳикоятларини ўзбекчага ўгирди¹⁰³.

Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул Румий ижодини ўрганар экан, “Жалолиддин Румий инсоният фикр ва туйғу тарихида ўзига хос юксак босқич яратган... фикр ва маърифат, руҳ ва ҳақиқат қуёши эди”, – дея таъриф келтиради¹⁰⁴. Олим “Маснавий”га ёзган сўзбошисида қуйидаги ҳикоятни мисол келтириб ўтади: “Нақл қилишларича, машҳур турк шоири ва мутафаккири Яхё Камолдан: “Қадим аждодларимизнинг турмуши қандай бўлган? Қандай яшаган улар?” деб сўраганда, у: “Жуда оддий: палов еб, “Маснавий”ни ўқиб кун ўтказишган”, деб жавоб берган экан”¹⁰⁵. Бу билан олим “Маснавий”нинг қанчалик даражада буюклигини ва азалдан аждодларга тарбия мактаби вазифасини ўтаб келганини таъкидлайди.

Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов “Румийнинг фикрларини исломий тавҳиднинг чуқурлашуви, ирфоний мазмун касб этиши деб билишимиз

¹⁰² Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги: илмий-оммабоп асар. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2004. –Б. 76.

¹⁰³ Инжулар уммони (Форс-тожик шоирлари асарлари таржималаридан намуналар). –Тошкент, 1988. –Б. 210–251.

¹⁰⁴ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998. –Б. 65.

¹⁰⁵ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий // Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –846 бет.

лозим”, – деб таъкидлайди¹⁰⁶. У Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарини инсон тафаккурини оловлантириб, илоҳий моҳиятни англаш сари олиб борадиган Ишқнинг тафсири деб улуғлайди¹⁰⁷.

Заҳматкаш мутаржим Асқар Маҳкам туркиялик румийшунос олим Обиддин Пошшо ва эронлик мавлавийшунос Карим Замонийларнинг шарҳларидан фойдаланган ҳолда “Маснавийи маънавий” 2 томлик таржимаси билан шарҳини яратди ва 1998 йилдан бошлаб “Гулистон” журналида чоп эттира бошлади. Асқар Маҳкам маснавийнинг ҳам шеърий, ҳам лисоний таржималарида асл матннинг зоҳирий ва ботиний моҳиятини илғаб, ҳис этиб ўзбек тилида уни мукаммал ифодалашга, ўзбекона байтлар яратишга муваффақ бўлди.

Таниқли шоир ва моҳир мутаржим Жамол Камол томонидан Румийнинг рубойлари ва “Маснавийи маънавий” асарининг 6 томлик таржимаси ўзбек тилида нашр этирилди. Бу таржима Румий “Маснавий”сининг тўлиқ шакли бўлиб, бизнинг тадқиқотимиз айнан ана шу таржимадан фойдаланилган ҳолда олиб борилди.

Истеъдодли ёзувчи ва таржимон Улуғбек Абдуваҳоб Румийнинг “Фиҳи мо фиҳи” ваъзлар китобини туркча таржимаси асосида ўзбекчалаштириб 1995 йилдан бошлаб “Кўзгу” газетаси ҳамда “Тафаккур” журналларининг бир қатор сонларида чоп эттирди. Бундан ташқари яна Миразиз Аъзам¹⁰⁸, Сабоҳат Бозорова¹⁰⁹ларнинг таржималарини кузатиш мумкин.

Румий ижодидаги ҳикматли сўзларни, ҳикоятларни шарҳлаш ва изоҳлашда А.Тилавов, А.Холмуродов¹¹⁰, Хайрулла Қосимларнинг ишлари таҳсинга сазовордир.

¹⁰⁶ Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Мовароуннаҳр–Ўзбекистон, 2009. –Б. 268.

¹⁰⁷ Ўша жойда. –Б. 266.

¹⁰⁸ Жалолiddин Румий. Илоҳий ишқ суратлари / Миразиз Аъзам тарж. // Саодат. 1995. №6. –Б. 20–21.

¹⁰⁹ Жалолiddин Румий. Қалб қўзингни оч / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Бозорова. –Т.: Сано-стандарт, 2011. –Б. 164.

¹¹⁰ Жалолiddин Румий. Маснавий ҳикоятларидан дарслар // 40 ҳикоятга 40 шарҳ. 1-китоб. Нашрга тай. ва изоҳлар муал. А.Тилавов. –Т.: Муҳаррир, 2010. –Б. 103; Жалолiddин Румий. Маснавий ҳикоятларидан дарслар // 40 ҳикоятга 40 шарҳ. 2-китоб. Нашрга тай. ва изоҳлар муал. А.Холмурод. –Т.: Муҳаррир, 2010. –Б. 75; Жалолiddин Румий. Маснавий ҳикоятларидан дарслар // 40 ҳикоятга 40 шарҳ, 3-китоб. Нашрга тай. ва изоҳлар муал. А.Холмурод. –Т.: Муҳаррир, 2010. –Б. 91.

Филология фанлари номзоди Эргаш Очилов илмий журналларда қатор мақолалар эълон қилиб¹¹¹, шоирнинг улкан ва ранг-баранг адабий мероси ичидан териб олинган тафаккур дурдоналарини “Ҳикматлар” номли китоб шаклида чоп эттирди¹¹². Шоирнинг 200 га яқин рубоийсини ўзбекчалаштирди. Жуманиёз Жабборов ва Олимжон Бўриевлар ҳам Румий ғазалларидан намуналар таржима қилдилар.

Румий ижодидан лавҳалар Республикамиздаги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Гулистон”, “Тафаккур”, “Шарқ юлдузи” каби журналлар ва “Хабар”, “Кўзгу”, “Халқ сўзи”, “Қишлоқ ҳаёти” сингари қатор газеталарда чоп этиб келинди. Биргина Бухорода чоп этиладиган “Бухоро мавжлари” журнали ва газеталаридаги аксарият сонларида Румий ижодидан намуналарни кузатишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда филология фани доирасида У.Абдулваҳоб¹¹³, Асрор Самад¹¹⁴, Ҳамидулла Болтабоев¹¹⁵, Эшқобил Шукур¹¹⁶, О.Усмон¹¹⁷, С.Олим¹¹⁸, Музаффар Турсун¹¹⁹, Фикрат¹²⁰,

¹¹¹ Очилов Э. “Маснавийи маънавий” тақдимоти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. №6. –Б. 95.

¹¹² Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. –Т.: Шарқ, 2008. –272 б.

¹¹³ Абдулваҳоб У. “Ишқни ишқдан бошқа нарса сундирилмас...” [Жалолиддин Румийнинг “Фиҳи ма фиҳи”, яъни “Ичиндаги ичиндадур” асаридан парча] // Гулистон. 1998. №1. –Б. 52.

¹¹⁴ Асрор Самад. Мавлоно Жалолиддин Румий тўғрисида. “Маснавийи маънавий” ҳикоятларидан // Бухоро мавжлари. 2012. №1. –Б. 21.

¹¹⁵ Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” маънавияти: [Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад бинни Баҳоуддин Валад Румий (1207–1273)нинг “Маънавий маснавий” китоби ҳақида] // Жаҳон адабиёти. 2001. №12. –Б. 162–166.

¹¹⁶ Эшқобил Шукур. Тафаккур водийсидаги учрашув: [Жалолиддин Румий ва Лев Толстой фалсафасидаги руҳий муштараклик] // Тафаккур. 2003. №3. –Б.98–107.

¹¹⁷ Ориф Усмон. Мавлавия: Тасаввуф тариқатлари: [Ўртаоасиёлик тасаввуф олими, шоир Мавлоно Жалолиддин Румий Балхий (1207–1273)нинг “Маснавийи маънавий” асари ҳақида] // Мулоқот. 1998. №5. –Б.46–48.

¹¹⁸ Султонмурод Олим. Мавлонолар мавлоноси: [Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004. 4 июнь.

¹¹⁹ Музаффар Турсун. “Устоз – отангдек улуғ” демок тўғрими? // Бухоро мавжлари. 2009. №4. –Б. 43.

¹²⁰ Фикрат Ҳ. Румий ва Хароботий // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. №5. –Б.46–47.

Р.Жумаев¹²¹, Т.Маҳмудов¹²², Муҳиддин Абдурасул¹²³ ва Қаҳрамон Тўхсановларнинг қатор мақолалари матбуотда эълон қилинди. Масалан, Қ.Тўхсановнинг "Румий ҳикматлари таржималарининг қиёсий таҳлили", "Навоий ижодида Румий даҳоси", "“Маснавий” сабоқлари" каби бир қатор мақолалари бу жиҳатдан фикримиз далили бўла олади¹²⁴.

Ниҳоят, 2007 йилда халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан аллома даҳосига эҳтиром кўрсатилиб, Румий таваллудининг 800 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланиши унинг бой маънавий мероси умумбашарий аҳамиятга эга эканлигини яна бир қарра исбот этди. Шу муносабат билан Туркиянинг Истамбул ва Кўниё шаҳарларида халқаро илмий анжуман ташкил этилиб, унда дунёнинг 34 мамлакатидан келган 159 олим, жумладан, 5 нафар ҳамюртимиз ўз маърузалари билан иштирок этишди¹²⁵.

Республикамызда кейинги йилларда фақатгина фалсафа тарихи фанидагина Румийнинг тасаввуфий-ирфоний ва фалсафий қарашларини тадқиқ қилиш борасида бир неча қадам ташланди. Жумладан, тадқиқотчилар Г.Н.Наврўзова ва Х.Х.Раҳматоваларнинг “Нақшбандия тушунчалари генезиси” номли монографиясида Мавлоно Жалолiddин Румий ва Хожа Аҳрори Валий ижодлари қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотлар натижасида Хожа Аҳрор Валийдан сақланган ҳаёт бахш этувчи томчилар – рашҳаларнинг саккизтасида Жалолiddин Румий тилга олинганлиги ва у кишининг ғоялари билан уйғун фикрлар айтилганлиги ёритилган¹²⁶.

¹²¹ Жумаев Р. Мавлоно Жалолiddин Румий // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. №3. –Б. 43.

¹²² Маҳмудов Т. Илоҳиёт бағрида ҳаёт нафаси: [Шоир Жалолiddин Румийнинг ижодий фаолияти] // Гулистон. 2000. №5. –Б.18–23.

¹²³ Муҳиддин Абдурасул. Кунёда Румий руҳи шод бўлди: [2007 йил – Халқаро Мавлоно Румий йили] // Хуррият. 2006. 20 дек.

¹²⁴ Тўхсанов Қ. Румий ҳикматлари таржималарининг қиёсий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №4. –Б. 90–93; Тўхсанов Қ. Навоий ижодида Румий даҳоси // Тил ва адабиёт таълими. 2009. №5. –Б. 52–57; Тўхсанов Қ. “Маснавий” сабоқлари. –Т.: Фан, 2008. –Б. 31.

¹²⁵ Ҳасан Н. Жалолiddин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган халқаро анжуман // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. №5. –Б. 109.

¹²⁶ Наврўзова Г.Н., Раҳматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2010. –Б. 123.

Г.Т.Қобулниёзова¹²⁷ ўз монографиясида Румий ва Ф.Ницше ижодида руҳий борлиқ масаласининг ўрганилишини қиёсий таҳлил қилиб, илмий қимматга эга бўлган баъзи фикр-мулоҳазаларни билдиради. Шунингдек, Румий дунёқарашда сабр-тоқат ва ирода ҳақидаги масалаларни Ф.Ницше қарашлари билан қиёслаб таҳлил қилади. Мазкур тадқиқотчининг икки мақоласи ҳам Румий фалсафий-тасаввуфий қарашларининг айрим жиҳатларини ёритишда маълум илмий аҳамиятга эгадир¹²⁸.

Н.И.Зайнобидинованинг¹²⁹ “Жалолиддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи” номли номзодлик диссертациясида Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” ва “Ичиндаги ичиндадир” асарларини фалсафий таҳлил қилиш асосида унинг дунёқарашдаги инсон маънавий камолоти ҳақидаги ғояларнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий-тарбиявий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда уларнинг юксак ахлоқий таълимотлар ривожига ўрни кўрсатиб ўтилган.

Румий ижоди борасидаги изланишларнинг аксарияти филология, фалсафа, тарих, психология йўналишларида олиб борилган. Афсуски, шоир ижодининг педагогик жиҳатлари аниқ, тўлиқ ва яхлит тадқиқ этилган тадқиқотлар деярли учрамайди. *Фалсафа фанлари доирасида* (фалсафа тарихи ва муаммолари, тасаввуф (сўфийлик), этика), *филология фанлари доирасида* (адабиётшунослик, шарқшунослик, лингвистика (таржимонлик ва шарҳ), *тарих фанлари доирасида* (санъат тарихи, диншунослик), *психология фанлари доирасида* (психология муаммолари), деярли педагогика фанлари доирасида тадқиқотлар мавжуд. Румийнинг инсон маънавий камолоти ҳақидаги қарашларини тўлақонли акс эттирувчи бирон-бир жиддий тадқиқот педагогика фанида ҳанузгача мавжуд эмас. Румий ижодининг таълим-тарбиядаги аҳамиятини фақатгина

¹²⁷ Қобулниёзова Г. Мутафаккирлар Ф.Ницше ва А.Бергсоннинг ҳаёт фалсафасида инсон муаммоси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2010. –Б. 30–35.

¹²⁸ Қобулниёзова Г.Т. Румий нигоҳида ирода ва ихтиёр масаласи // Сино. 2001. №23; Қобулниёзова Г.Т., Зайнобиддинова Н.И. Олам ҳаёл билан қоимдир // Маърифат. 2003. 6 октябрь.

¹²⁹ Зайнобидинова Н.И. Жалолиддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи: Фалсафа. фан. номз. дисс... –Тошкент, 2011. –29 б.

филология, фалсафа фанлари доирасида тўлақонли ўрганилди, деб бўлмайди. Чунки юқорида қайд этилган изланишлар ва тадқиқотларда Румий қарашларининг таълим-тарбиядаги ўрни, маънавий-ахлоқий тарбиядаги таъсири тўлақонли кенг қилинмаган. Уларда педагогик жиҳатдан ташкил қилинадиган тадқиқотнинг аксарият компонентлари эътибордан четда қолиб кетган. Ҳар бир соҳада кузатилгани каби педагогика фани соҳасининг ҳам ўзига хос тадқиқот олиб бориш ва ташкил қилиш компонентлари (тизимли ёндашув, комбинаторлик, модификация, классификация, концепция, муносабат, модуль, технология, лойиҳалаш), педагогик тадқиқот методлари, шакл ва усуллари мавжудки, булар шоир ижодини педагогик жиҳатдан таҳлил қилишда жуда катта аҳамият касб этади ва булар орқали кўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

– таълим-тарбия самарадорлигини ошириш,

– таълимда инновацион технологиялар, яъни маънавий меросга таянган ҳолда таълимга янги фойдали элементлар олиб кириш, бунда:

1) таълим тизимининг мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакллари ва бошқарув тизимига,

2) педагогик фаолиятдаги ўзига хослик, ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга,

3) таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига,

4) ўқув методик таъминотига,

5) тарбиявий ишлар тизимига,

6) ўқув режа ва ўқув дастурига,

7) ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига,

8) натижа,

9) ўқув тарбиявий жараёни бошқариш:

– маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини бойитиш,

– шахсда маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантириш назариясини ишлаб чиқиш ва талабаларда мавзуга инновацион ёндашишни шакллантириш, бунда:

1) ўқув жараёнида қизиқтириш,

2) ўзлаштириш кўрсаткичинини ошириш,

3) ўқув материални тушунишни яхшилаш,

4) жамоавий саводхонликни шакллантириш,

5) лойиҳали саводхонлик,

6) ижтимоий фаоллик,

7) ўз-ўзини англаш:

– ўқитувчиларда таълим жараёнида фаол қатнашиш, ўз қарашлари учун масъулиятни ҳис этиш ва рефлексив (рефлексия умумий кўринишда ва қайта англашдир) инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларини педагогик тадқиқ қилиш бўйича тутилган тўғри йўл янгиликни аста-секин, унинг фойдалилигига ишонч ҳосил қилиб, ҳар томонлама текшириб кўриб, кейинги ишларда қўллашдан иборат.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Румийнинг ҳаёти ва “Маснавий”га битилган шарҳ ҳамда изоҳлар бир жойга жамланса, расмана бир кутубхона пайдо бўлади. Эҳтимолки, шоир ижодини илмий тадқиқ ва талқин қилган олимларнинг қайси юрт, қайси миллатга мансублигини белгилаш мумкиндир. Лекин шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган мақола, рисола ва алоҳида мажмуаларнинг сон-саноғини аниқлаш мушкул. Ҳар қандай тадқиқот ва шарҳ Румий таълимотининг асл моҳиятини англашга кўмак берувчи бир воситадир ва бу восита таълим-тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини бойитишга катта ёрдам беради.

1.3. Жалолиддин Румийнинг ижодий мероси ва маънавий юксалиш (“Маснавийи маънавий” асарининг тузилиши ва моҳияти)

Тарбия асрлар давомида такомил топган ўз анъана ва усулларига эга ва у қадрият сифатида шаклланган. Шарҳ мутафаккирларининг тарбия соҳасига қўшган ҳиссалари ниҳоятда бой ва уларнинг асарлари мазмунан қадриятларнинг барча йўналишларини қамраб олганлиги билан характерлидир. Улар:

– ақлий маданиятни шакллантириш билан боғланган қадриятлар;

– маънавий қадриятлар;

– ижтимоий-сиёсий қадриятлар;

– бадий-нафис қадриятлар;

– диний қадриятлар тарзида ўз ифодасини топган.

Дидактик асарларнинг аксариятида маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлар етакчи ўринда туради. Шу асарлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда педагогикада маънавий-ахлоқий тарбия тушунчаси шакллантирилди, такомиллаштирилди. Бугунги кунда буюк алломалар қатори Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларини ўрганиш ва улардан амалда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Асрлар давомида буюк аломалар томонидан бизга маънавий мерос бўлиб қолган инсон маънавий-ахлоқий камолоти борсидаги асарларнинг номланиши ва маънавият тушунчасининг ёритилишида ахлоқ, комил, фозил, футувват, маърифат, мантиқ (маъно), иймон сўзлари ишлатилганлигини кузатамиз. Аммо фақат Жалолиддин Румий ижодида “маънавият” сўзи ва тушунчасининг тўла баёни ҳамда яққол тасвирини кузатишимиз мумкин. Румий илмий меросини чуқурроқ ўрганидиган бўлсак, шоирнинг ҳозирги давргача етиб келган бешта қимматли асарлари ичида маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларни ёритишда “Маснавийи маънавий” асари етакчи ўринни эгаллайди. Шоир бу асарда Шарқ халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналаридан ҳикоят тарзида кўпгина намуналар келтиради ва у турли хилдаги китобхонга мос келади. Бу асарда нарса-ҳодисаларнинг ички ҳолатига муносабат билдирилган бўлиб, Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифларга шарҳлар келтирилган. Шунингдек, “Маснавийи маънавий” инсон тафаккурининг юксак кўриниши ва юксак ахлоқ китоби сифатида, бугунги глобал иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бу асар барча замонлар учун маънавий-ахлоқий тарбияни амалга оширишда муҳим қўлланма бўла олади.

Мавлавийга “Маснавий” бурҳондир,
Паҳлавий алфозида Қуръондир¹³⁰.

“Маснавий” – “Қуръони каримнинг очиқ-равшан баёни... маънавий ризқни кенгайтирувчи... хулқларни пок... мартабаларни юксак”¹³¹ тутгувчи асар. Олтига китобдан иборат бўлган бу дидактик асар 760 га яқин Қуръон оятлари шарҳи, 703 ҳадис

¹³⁰ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий: Куллиёт. Ж.1. К.2. (Таржима шарҳи билан) / Таржимон Асқар Маҳкам. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. –Б. 10.

¹³¹ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 6.

намунаси, турли миллий эпос, халқ оғзаки ижоди намуналари ва таржималарни ўз ичига олган. Асарда маънан етук, комил инсон масаласи, пайғамбар, вали, авлиё, сўфий, шайх, устозлар таълимоти етакчи ўринни эгаллайди. Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, асар ҳажми олти китоб – 25 632 байт ёки 51 264 сатрни ташкил этади. “Маснавий”ни олимлар: “Тарихда “шариф” деб сифатланган учта асар мавжуд бўлиб, биинчиси – “Бухоройи шариф”, иккинчиси – “Шифойи шариф” ва учинчиси – “Маснавийи шариф” дейишади¹³².

Маснавий [арабча – қўшалоқ, иккилик; икки мисрали шеър шакли] ҳар бир байтининг мисралари ўзаро қофиядош бўлган ва байтдан байтга қофиялар янгилашиб борадиган шеър шакли¹³³. “Мутафаккирга оламшумул шуҳрат келтирган асар – “Маснавий”нинг ўзига хос яратилиш тарихи бўлгани каби, унда ифодаланган масалалар қамрови ҳам чексиздир”¹³⁴.

Румий ўзи “Маснавий”да “маънавият денгизин кўр ҳар нафас”¹³⁵, – деб таъкидлайди. Асарда маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларни тарғиб этишда шоир нафақат инсонлар орасидаги мулоқот, муносабат орқали воқеаларни талқин этган, балки рамзийлик (лочин, ўрдак, ғоз, товус, зоғ, хўроз, чумчуқ, қарға, тўтикуш, хачир, туя, сичқон, арслон, шер, қуён, бўри, тулки, эшак, чумоли, хўкиз, сигир, мушук) жиҳатидан ҳам ёндашган ва жой номлари (Шом, Ироқ, Самарқанд, Бухоро, Ҳиндистон, Ҳирот, Туркистон, Чин, Дамашқ) ҳам ўз таъсири кўрсатмай қўймаган.

Масалан: “Бечавандоз отнинг ёлғиз оти бор, от суворийсиз асло йўлни топа олмас”¹³⁶, “Илк уйингдан кўнглингни узма, деб итларга итлар ҳам ўгит беришади”¹³⁷ каби қарашларни келтириш мумкин.

“Маснавий”нинг биринчи китоби. Китобнинг сўзбошисида “Маснавий Ҳақ таоло восил бўлиш сирларини кашф этишда ва илму-л-яқин ҳосил қилишда диёнат усуллари усул-

¹³² Усмон Нури Тўпбош. Бир кўза сув. –Т.: Фан, 2007. –Б. 8.

¹³³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. II. Е-М. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 552.

¹³⁴ Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2009. –Б. 135.

¹³⁵ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 640.

¹³⁶ Ўша жойда. –Б. 168.

¹³⁷ Ўша жойда. –Б. 254.

ларининг усулидир,” – дейилади. “Маснавий” – ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган китоб. Бу китоб, асосан, инсоннинг юксак тафаккур ва ахлоқи борасида ибрат-намуна бўлиб хизмат қилади¹³⁸. Биринчи китобда “Шоҳ, канизак ва табиб”, “Баққол ва унинг тўтиси”, “Ғилай шогирд”, “Халифа ва Лайли”, “Нафс ваҳший ҳайвон кабидир”, “Тўтиқуш”, “Кекса чолғучи”, “Бир кўза сув”, “Тилшунос ва қайиқчи”, “Вужудига игна билан расм солдирган одам”, “Мену биз”, “Меҳмон”, “Карнинг бемор зиёрати”, “Кўнгул ойнаси” каби бир қатор ҳикоятлар ва ҳикматли сўзлар келтирилган бўлиб, **шахс маънавий-ахлоқий шаклланишига биринчи қадам, хулқнинг пок ва гўзал бўлишига эътибор қаратилган.** Асардаги ҳикоятларда шарқона анъаналарнинг сақланганлиги яққол кўзга ташланади. Ҳикоят ва маталлар орқали келтирилгин образлардаги муносабатларда устоз ва шогирд муносабати, ота ўғил муносабати, аёл эрки, инсонийлик, жавонмардлик, донишмандлик муносабатлари устун туради.

Жалолиддин Румий – Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Балхий дерким: “Тенгсиз, мислсиз, ўхшаши оз бўлган нарсаларни, юксак сўзларни, ҳидоят гавҳарларини, зоҳидларнинг тариқатини, мўмин бандаларнинг боғу гулшанини ўз ичига олган, эшиклари қулфсиз, маънолари теран ушбу манзума”¹³⁹ “Маснавий” инсон камолотини кўзлаб яратилган. “Маснавий”нинг китоб шаклида яралишида Мавлоно билан биргаликда фаолият кўрсатган шогирди Ҳасан Чалабий бора-сида Мавлоно қуйидагиларни таърифлаб келтиради:

Бўйла асли бор унинг, аслига нур сочгай куёш,
Бўйла насли бор унинг, наслига юлдуз нурпош¹⁴⁰.

Румий томонидан бунчалик таърифланган Чалабийнинг кенг қалб кишиси, иймон-эътиқоди кучли, меҳнатсевар, фаҳм-фаросотда тенги йўқ инсон бўлганлиги англашилади. Чунки Чалабийда бунчалик матонат бўлмаганда эди, Румийнинг сўзлари қоғозга муҳрланмаган бўларди. Асар шоирнинг шогирдига тақдим этган “най” образи акс этган 18 мисрали шеър билан бошланади ва “Маснавий” устознинг ижоди ва шогирднинг амалий кўмаги билан 12 йилда ёзиб тугатилади.

¹³⁸ Ўша жойда. –Б. 6.

¹³⁹ Ўша жойда. –Б. 7.

¹⁴⁰ Ўша жойда. –Б. 7.

Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардин шикоят айлагай¹⁴¹.

Биринчидан, Най ясалиши жиҳатидан содда кўринишига эга бўлса-да, мураккаб тузилиш касб этади. Унинг сиртидан олиб ташланган бир парча пўстлоқ остида қолган пардага товушнинг урилиб чиқиши, овоз тембри туфайли маъноли нола оҳанги пайдо бўлади. Шоир найнинг шу хусусиятини образлантириш орқали инсон қалбига таъсир кўрсатишни кўзлайди. Румийда мусиқага мойиллик бўлгани сабаб мусиқа созларининг мазмун-моҳиятини яхши англай олган. Шунинг учун у най образини ҳеч кимда учрамайдиган усулда таърифлай билган. Жумладан, шоир “най”ни шундай таърифлайди: “Найзор, қамишзор қанчалик хорзор кўринишда бўлмасин, ўз масканида бўлгани учун най яйраб-яшнаб ўсади. Ўз масканидан узилиб дунё шавқи-завқига тўла бўлган маскан билан ошно этилганда, унинг ноласи қалбларни ларзага келтиради. Най бу завқу шавқдан кўра ўз хору зор маконини афзал кўради”. Демак “Маснавий”да киришдан бошлаб нафси тийиш, камтар бўлиш лозимлигига эътибор қаратилмоқда.

Иккинчидан, асарда “Най” образи бир мурид кўринишида тасвирланган бўлиб, оддий бир қамишга ишлов бериш орқали “най” яралади ва най ўзининг оташин куйи орқали моҳиятини тингловчига англатади. Бу ҳолат муридга таълим-тарбия бериш жараёни шакллари “аслига қайтиш”, “қалбда ўтли бўлиш”, “ўзлигини англаш” ва тарбия воситалари орқали мурид ўз моҳиятини англашига муқояса қилиш мумкин. Яна “най” образига мисол келтирилиб, шундай дейилади:

Ул қамишлар бир ариқдин сув ичар,
Биттаси бўм-бўш, бирида қанд, шакар¹⁴².

Педагогик таҳлил нуқтаи назаридан қамишлар – шогирдлар, сув – устоз. Устоз томонидан берилган таълим-тарбия шогирдлар томонидан турли хил даражаларда қабул қилинади, яъни ҳар бир шахс индивидуал характерга эгаллиги, физиологик шаклланишидан келиб чиққан ҳолда маълумотни қабул қилади. Демак, шоир қарашларидан ҳамма ҳам маълумотни бир хилда қабул қилавермаслиги, шунинг учун устоз ҳар бир шогирди имкониятига қараб унга таъсир кўрсатиши кераклигини англаш мумкин.

¹⁴¹ Ўша жойда. –Б. 8.

¹⁴² Ўша жойда. –Б. 16.

Асарда ҳикоятлар мазмунан бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлаштирилгандай кўринса-да, баъзида ҳикоятда кўтарилаётган мавзу мантиқан умуман бошқа бурилиш ясади ва охирида барибир биринчи белгиланган мақсадга қайтилиб, унинг моҳияти очиб берилади. Бу жараён тарбиянинг ҳаёт билан боғланганлик тамойилига мос келади. Румий қарашларининг ҳаёт билан боғланганлик ҳолати жуда кучлилиги билан бошқа дидактик асарлардан фарқ қилади. Шоир ўз ҳикоятларида замонасининг авлиёлари ва забардаст олиму фузалолари ҳаётидан мисоллар келтиради. У табиблар (устозлар) образини келтирар экан, Абу Али ибн Сино шахсига тўхталиб, у билан боғлиқ воқеаларни ўзининг ҳаётининг кечинмалари билан бевосита боғлаб тасвирлайди. Масалан, китобда Шамс Табризий борасида шундай сўз юритилади:

Шамсдек ушбу жаҳонда шамс йўқ,
Шамси жон боқийдир, унга амс йўқ.
Шамс гар фарддир жаҳонда, мен атай
Унга ўхшаш Шамсни тасвир этай.
Шундайин бир Шамским, борлиқ асир,
Ҳам шуурда, ҳам жаҳонда беназир...
То етишди бизга Шамсу-д-дин юзи,
Кўкда пинҳон бўлди Шамснинг орзуси.

Шамс Табризийнинг Мавлоно билан учрашуви, Шамснинг руҳий таъсири Румий қарашларида катта тўнтариш ясади. Румий асарда Шамс борасида фикр билдирад экан, уни инсон шуури ва бутун жаҳонга таъсир кўрсата оладиган юксак маънавий қудрат соҳиби сифатида таърифлайди. Шамс руҳан озод киши бўлганлиги учун бир жойда муқим туролмайди. Шунинг учун у бир неча бор Румийни тарк этиб, боши оққан томонга чиқиб кетади. Ҳар сафар у кетганда Румий ҳаловатини йўқотади ва уни топишга бор кучини сафарбар қилади. Шамс топилиб келганда эса худди унга жон кириб тирилиб қолгандай дейди:

Эслагил йилларча хуш суҳбатларинг,
Суҳбат айлаб, топган ул неъматларинг¹⁴³.

Шоир ўзининг руҳий устози Шамс Табризий ҳақидаги кечинмаларини эҳтирос билан сўзлайди. Бу хусусият асарнинг бошқа китобларида ҳам кузатилади. Румий ўз асарини маънавий бой қадриятларга таяниб мазмунан бойитишга

¹⁴³ Уша жойда. –Б. 11.

ҳаракат қилади. Масалан, халқ оғзаки ижоди, халқ мақоллари, “Авесто”нинг буюк давлат, юксак маънавият ва юксак даражада ривожланган маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи табдилларидан сўзлаб, зардуштийлик динининг яхшилик ва ёмонлик худоси ҳолатларини тасвирлайди. Санойининг “Ҳадойиқ”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидан мисоллар ёки ҳинд “Панчатантра” эпоси саналмиш “Калила ва Димна”дан масаллар келтиради. Масалан, Фаридуддин Атторнинг:

Аё нафс соҳиби, ғофил, шу тупроқ ичра сен қон ич,
Ки, кўнгил соҳиби нўш этса оғу, ангабин бўлгай...

байти шарҳини келтириб шундай ёзади:

Соҳиби кўнгилга етмас бир зиён,
Етса гар ул захри қотил ногаҳон.
Этмас ул парҳез, саломат ичрадир,
Нафс қули, лекин ҳарорат ичрадир.
Деди Пайғамбарким, эй мардонаваш,
Ҳеч матлуб бирла сен қилма талаш...
Ҳақ қабул этган у жон пайвастидир,
Қўллари ҳар ишда Тангри дастидир...¹⁴⁴

Бир олимнинг байтини шарҳлашдан олдин одамдан аввало иштиёқ, кейин иқтидор ва кенг дунёқараш талаб этилади. Бор мазмун яна қайтарилса, китобхон томонидан салбий қабул қилинади. Шунинг учун шарҳлаганда кўзда тутилган гапнинг нозик жиҳатлари ёритилиб, унга изоҳлар берилиб, мақсад аён қилинади. “Сўзнинг хайрлиси далолат кўп бўлганидир ва энг яхши сўз кўп бўлгани эмас, балки фойдалидир.”¹⁴⁵ Ҳар бир сўзнинг уч юздан ортиқ маъноси бўлгани каби белгиланган гапдаги мақсад ҳам жуда кенг ёритилиши мумкин. Шунинг учун Румийда Курон оятлари ва Ҳадисларга келтирилган шарҳлар бошқа алломаларда учрамайди ва инсоннинг ҳаётий қобилятини мустаҳкамлаш, тафаккурини, маънавиятини юксалтириш, унинг эътиқодини ҳар хил номақбул ва салбий таъсирлардан асрашда учун кўмаклашади. У инсонни ўзидаги ёмон иллатлар, нафс ва ёвузликка қарши кураш олиб боришга, ўз-ўзини англашга чақиради.

“Маснавий”нинг иккинчи китоби. Бу китобда: “Токи фойдадан хабар берилмас экан, бандаси қимирламас. Зеро, ул

¹⁴⁴ Ўша жойда. –Б. 56.

¹⁴⁵ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 191.

бандасини қимирлатувчи, одамийга хос бир нарсадирким, сўз, маслаҳат ана шу хусусидадир”, яъни “Жаноби Ҳақ ҳар нарса-ни мезони ила берар, ҳисобсиз, мезонсиз бермас”, – дейилади. **Иккинчи китобда инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишида иккинчи қадам кўпроқ инсондаги мезон, меъёр, сабр, матонат, виждон тушунчалари борасида фикр юритилган** ва у шундай бошланади:

Маснавий назмида юз берди сукут,
Вақт лозим қондин айрилгунча сут.
Ул ширин сут қондин айрилмайди, то
Этмагунча толеинг фарзанд ато.
Ул Зиёулҳақ Ҳусомиддин бу он
Маснавийни бурди кўкдин ер томон¹⁴⁶.

Биринчи китобдан фарқли равишда иккинчи китобда Румийнинг ҳаёт моҳияти ва унга муносабат борасидаги фикрларининг Шамс воқеасидан сўнг яна жўш урганини кузатиш мумкин. Иккинчи китоб анча танаффуслардан кейин яна давом эттирилади. Асарда “*Хаёлдаги ҳилол*”, “*Илончи воқеаси*”, “*Ийсонинг ҳамроҳи*”, “*Дарвеш ва муттаҳам хизматчи*”, “*Подшонинг лочини*”, “*Халво*”, “*Сўқир кўзлар*”, “*Эшак кетди*”, “*Бир муфлис киши*”, “*Агар...”ли уй*”, “*Мардум маломати*”, “*Одамий пинҳон эрур тил остида*”, “*Чанқаган киши*”, “*Дўстлик*” каби кўплаб ҳикоятлар келтириладики, бу ҳикоятлар инсонда иймон-эътиқоднинг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Китобда бошидан охиригача фойдасиз илм борасида сўз юритилиб, шундай дейилади:

Уйқу – бедорлик билимлар бирла, ҳой,
Кечса нодон бирла, бедорликка вой¹⁴⁷.

Бу мисралар мантиқан “Билимли бўлиб ухламоқ билимсиз ибодат этишдан афзалдир” ҳадисига муқояса қилинади. Уни Румий ўз руҳий ҳолати туфайли маънавий дарслардан бебаҳра қолган шогирдларига худди узр сифатида келтиради.

Бир ариқдан, сира оқмайди сув,
Ўзи ичмас, бошқаларга бермас у.
Унда бир оби зилол топмас қарор,
Йўқ яна лабташна, сув ичмоққа зор¹⁴⁸.

¹⁴⁶ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 131.

¹⁴⁷ Ўша жойда. –Б. 132.

¹⁴⁸ Ўша жойда. –Б. 145.

Бу мисралар маънавиятсиз кишиларга қаратилган бўлиб, ариқ – восита, сув – маъно рамзини англатади. Сув ариқ орқали ўз манзилига етиб, ташнанинг чанқоғини қондиради. Устоз эса ҳаётдаги восита бўлиб, ундаги маъно маънавиятдир. Устоз вазифасида бўлатуриб, ўзидаги бор билимни шогирдига бериб билмаса, унда маъно-моҳият бўлмаса, бундай устозлардан ҳеч қайси шогирд билим олишга ошиқмайди.

Биламизки, Румий буюк воиз ҳам эди. Иккинчи китобнинг кульминацион нуқтаси сифатида Румийнинг тингловчига нисбатан: “... ҳикоятнинг кўпроқ ташқи жиҳатларига эътибор қилиб, унинг асл маъносидан бебаҳра қолиши”¹⁴⁹ ҳақида сўз юритганини белгилаш мумкин. Чунки бу ҳолатда Румий ўзи кўп бор тўқнашган инсониятдаги мавжуд муаммони ечишга ҳаракат қилади ва “Гарчи сўз йўқдир, вале сўз сеҳри бор...” – дейди¹⁵⁰ ва инсонни огоҳликка, уйғоқликка чорлайди.

“Маснавий”нинг учинчи китоби қуйидаги мисралар билан бошланади:

Эй Зиёулҳақ Хусомиддин, кетур,
Ул учинчи жилди, уч суннат эрур.
Оч ўшал ганжинайи асрорни,
Кўй ҳама узрингни, айт ахборни¹⁵¹.

Китоб бошланишидан яна Хусомиддинга мурожаат қилинмоқда, чунки Румий томонидан белгиланган бу олис маънавият йўлининг машаққатларига Хусомиддиннинг сабр қилишига далда сифатида Румий уни маърифатга ўрта-ўртада чорлаб қолади.

“Маснавий”нинг учинчи китобида *“Фил қиссаси”, “Бир қишлоқлик шаҳарликни меҳмонга чақириб алдагани”, “Шоқолнинг товуслик даъво этгани”, “Лофчининг жазоси”, “Музлаган аждаҳо воқеаси”, “Филнинг шаклу шамойили”, “Ваҳимага тушган устоз”, “Дарвеш ҳикояти”, “Ибтидодан интиҳони кўрган заргар қиссаси”, “Нафсга банди бўлган киши”, “Ҳачир ва туя”* каби қатор ҳикоятлар келтирилади. **Учинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида учинчи қадам – оралик ташхис сифатида нафс, ҳирс, манманлик, такаббурлик, маънавий шаклланишга таҳдидлар борасида фикр юритилади ва ақли ноқисларга изоҳлар бериб ўтилади.** Ки-

¹⁴⁹ Ўша жойда. –Б. 207.

¹⁵⁰ Ўша жойда. –Б. 236.

¹⁵¹ Ўша жойда. –Б. 246.

тобнинг **“Бир Шайх воқеаси”** ҳикоятида Дақуқий (Дақуқий ҳақида аниқ тарихий маълумотлар йўқ. Мавлоно ушбу ном остида бағдодлик машҳур мударрис Абдул Мунъим бинни Муҳаммадни кўзда тутган, деган тахминлар бор.) қиссаси ва кароматлари ҳақида гапирилиб, Дақуқий образи орқали нафс тарбияси тасвирланади: “Бир нарсага боғланиб қолмаслик учун, эй нафс, дейман, бир нарсага эришмоқ бўлсанг, йўлга туш, имтиҳондан яхши ўтиш учун кўнглингни бирор ерга боғлагин”, – дейилади асарда ва Дақуқий юксак маънавиятли инсон сифатида гавдалантирилади. Асарнинг кейинги китобларида комил инсонлар тимсолини тасвирлашда Дақуқий қаторида Луқмон, Аёз сиймолари келтирилади.

Китобда кўп бора тилга олинган Самарқанд, Дамашқ, Ироқ, Газна, Бухоро номлари тарихдан илм-маърифат масканлари саналган. Масалан, асарда **“Қулнинг туҳматга учраб Бухордан қочгани”** ҳикоятида бир Садри Жаҳон (Бухорода Садр Муҳаммад ибн Абдуллазиз “Садри жаҳон” унвонига сазовор бўлган) измидаги қул туҳматга учраб, ўн йил дарбадар юриб, юртини соғиниб қайтиб келибди. Дўстлари қулга Бухорога борма, шоҳ навкарлари сени ўн йилдан бери пичоғини тезлаб қидириб юрибди, – дейишибди. Ошиқ барибир Бухорога борибди. Ҳикоятда айтилишича:

Ул Бухоро гулшани ирфон эрур,
Ким бухорийдир, азиз инсон эрур¹⁵².

Бунда юрт соғинчи, Ватан ҳисси тасвирланган бўлиб, дарҳақиқат, инсон Ватанида қанчалик хавф-хатар бўлишига қарамасдан она заминини қўмсайди, ўз юртига интилади. Учинчи китобни мутолаа қилиш жараёнида шу нарса аёнлашадики, китобнинг довуғи орта бошлагандан унга таъна тошларини отадиганлар ҳам пайдо бўлган. Учинчи китобнинг кульминацион нуқтаси қисқа ўйловчи кимсаларнинг “Маснавий”га, яъни маънавиятга тош отишганидир:

Деди: юксак сўз эмасдир Маснавий,
Анбиёнинг қиссаси ул, пайрави.
Унда йўқдир баҳси асрори баланд,
Авлиё қайларга сурмишлар саман...
Барчаси маълум ва такрордир фақат,
Қайда ул сўздирким, лол қолсин хирад...¹⁵³

¹⁵² Ўша жойда. –Б. 355.

¹⁵³ Ўша жойда. –Б. 368.

Ўзининг ақли қосирлиги туфайли “Маснавий”га тош отувчиларга жавобан Румий шундай дейди:

То қиёмат солгай ул Қуръон нидо:
Эй жаҳлга жонни этганлар фидо!
Сиз мени афсона, эртақ билдингиз,
Мунча куфру мунча иғво қилдингиз.
Таъналардан балки ҳосил бўлди шул:
Сиз эмишсиз фонию афсона ул...
Ҳар нафас ёдимдадир панди Ҳақим,
Таъналарга зарра парво этмагум...¹⁵⁴

Румийнинг жавобидан шу нарсани англаш мумкинки, кўзланган мақсад сари дадил қадам ташлаш, йўлда учрайдиган ҳар қандай ғовдан кўрқмаслик ва уларга нисбатан “фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат”¹⁵⁵ билан жавоб бериш лозим. Ҳақиқатан ҳам, “энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат”¹⁵⁶ ҳисобланади. Айни пайтда “ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб – суяниб иш олиб боришимиз керак?...”¹⁵⁷ деган саволга Румий ижодидан, унинг қарашларидан ҳам жавоб топиш мумкин, чунки Румий ижоди бизга маънавий поклик ҳақида тушунча бериб, маънавий таҳдидлардан (ахлоқсизлик, вайронкорлик, бузғунчилик ғояларидан) огоҳ этади ва унга қатъийлик билан қарши курашишга ундайди. Зеро, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлиги, унинг миллий манфаатлари, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

“Маснавий”нинг тўртинчи китоби “Маснавий” “манзилларининг энг гўзали, суду самарларнинг энг буюги томон тўртинчи сафардир”, яъни тўртинчи китоб “Жонларга фароғат бу, баданларга шифо...” бўлгани каби маънавият “Солиҳ баданларнинг ҳаракатларига, солиқларнинг хоҳиш-истакларига бензар”, – дейилади¹⁵⁸ ва “Маснавий” “Бизга боққан, биз билан

¹⁵⁴ Ўша жойда. –Б. 370.

¹⁵⁵ Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 119.

¹⁵⁶ Ўша жойда. –Б. 159.

¹⁵⁷ Ўша жойда. –Б. 115.

¹⁵⁸ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 387.

дийдорлашганларга – нур, келажак авлодларимиз, фарзандларимизга – хазина”, – дея таъриф келтирилади. Китобда “Воиз”, “Қалтис ҳаракат”, “Беномус хотин”, “Хушбўй ҳидлардан ўзидан кетган одам”, “Амал билан насиҳат этмоқ сўз ила ўғит бермоқдан афзалдир”, “Тарозунинг тоши”, “Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Сув саси”, “Бир шоир қиссаси”, “Аҳмоқнинг жавоби сукут”, “Мажнуннинг нортуяси” каби ҳикоятлар келтирилган. **Тўртинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида тўртинчи қадам бўлиб, кўпроқ инсонларни зиё, нур, яъни илму маърифатга чорлайди.** Аксарият ҳикоятларда илмсизлик, ахлоқсизлик қораланади. Баъзи ҳикоятларда нафс қулига айланган инсонлар ҳаёти ҳажвий шаклда тасвирланади. Тўртинчи китоб мана бу мисралар замирида яратилган десак, муболаға бўлмайди:

Ул ҳадисда дедиким, Яздону ху,
Халқни – оламни яратди уч гуруҳ.
Бир гуруҳда жумла ақл илми жуд,
Ул малаклардир, фақат айлар сужуд...
Бир гуруҳ борким, улар ҳайвонсифат,
Еб-ичиб, ухлаб семиргайлар фақат...
Бор учинчи бир гуруҳ – қавми башар,
Ярми инсон, ярмиси эшшак магар¹⁵⁹.

Бунда Румий ҳадисга шарҳ келтириб, мажудотларни уч гуруҳга ажратиб кўрсатади:

Биринчи гуруҳ – иймон-эътиқод, илм соҳиби, яъни малаклардир;

Иккинчи гуруҳ – ҳирс, нафс соҳиби, яъни ҳайвонлардир;

Учинчи гуруҳ – гумон соҳиблари, яъни ярми инсон, ярми эшшакдир, дейди.

Румий айнан тўртинчи дафтарда бир-бирини инкор қиладиган ҳаётий қарашлар ҳақида фикр юритади. У инсоннинг маънавий тарбияси борасида қайғулар экан, уни даволовчи табибларни икки тоифага ажратади:

– биринчиси – тан табиби;

– иккинчиси – қалб табиби.

“Тан табиби баданингга боқиб, томирингни ушлаб нафасинг ва ранги рўйингдан ташхис қўйиб даволаса, қалб табиби кўзингга, сўзингга боқиб кўнгил хасталигингни билади ва кўнгилларга йўл топиб, руҳиятингни тадқиқ этиб даволайди”,

¹⁵⁹ Ўша жойда. –Б. 432.

– дейди. Шоир қарашларида қалб табиби маънавий тарбия берувчи устоз сифатида гавдаланади. Тан ва қалб табиби, яъни маданий ва руҳий тарбия уйғунликда инсонни етуклик даражасига етказди, дея таъкидлайди аллома.

Румий “Маснавий” ҳикоятларининг мазмун-моҳиятини янада бойитиш мақсадида шундай ёзади:

Эй Зиёвулҳақ Хусомиддин, қалам –
Бир ҳовуз сутдир, асал қўшгил бу дам.
Тотли бўлсин, бўлмасин асло ками,
Баҳри лаззатдин ширин бўлсин таъми¹⁶⁰.

Тўртинчи китоб ниҳоясига етар экан, Румий китобхонга му-
рожаат қилиб ёзади:

Дермусен ёхуд, ўқиркан Маснавий,
Англанур маъноси равшан кун каби.
Ё калому ҳикмати сирри ниҳон
Тўлдирарму зеҳну фикрингни ҳамон?
Барчаси сенга ажиб афсонадек,
Пўст кўрингай, йўқса мағзи донадек.
Бир гўзалдирким, ниқоб остида ул
Ки, чиройи кўзларингдин айрудир.
Шоҳнома ё Калила сен учун,
Кам эмас, тафсири Қуръондин бугун.
Очса кўзингни агарда Ҳаққи рост,
Ошкор бўлгай сенга ҳаққу мажоз¹⁶¹.

Хуллас, “Маснавий” оддий китоб эмас. Уни ўқиб маънавий озуқа олиш мумкин. Уни ўқиган кишининг кўнгил кўзи очилади.

“Маснавий”нинг бешинчи китоби. “Бу Маснавий дафтарлари, маънавий тушунчаларнинг бешинчи китобидир. Ул ҳақдаким, шариат шамга ўхшар, йўлингни ёритар, то қўлга шам олмагунча йўл юрмоғинг маҳолдир. Бас, йўлга тушдингми, ул Тариқатдир. Йўл босиб мақсадга етганинг, қўлга киритганинг – Ҳақиқат”, – дейилади ва китобда комилликка эришиш йўллари кўрсатилади. “Шариат илмдир, тариқат амалдир. Ҳақиқат Аллоҳга етишмоқдир”¹⁶², – дейилади унда. Асарда *“Феълдаги тафвотлар”, “Товус”, “Дарвешлар суҳбати”, “Итига марсиялар қуйлаб йиғлаган араб ҳикояти”, “Оҳу бола-си”, “Абу Бакр исмли киши”, “Тушда”, “Нафс”, “Сенга бир дўст ке-*

¹⁶⁰ Ўша жойда. –Б. 489.

¹⁶¹ Ўша жойда. –Б. 490.

¹⁶² Ўша жойда. –Б. 504.

рак”, “Пайғамбарлик даъво қилган кимса”, “Мурид”, “Зарвон аҳли қиссаси”, “Аёзнинг фаросати”, “Мажнун воқеаси”, “Маъшуқнинг имтиҳони”, “Насухнинг тавбаси”, “Агар юраги бўлса”, “Тери қўлдан кетди” номли бир қатор ҳикоятлар келтирилган. **Бешинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида бешинчи олий қадам бўлиб, инсон ўзидаги ёмон хислатлардан қутулиб, камолот йўлини танлаши борасида фикр юритилган.** Румий таълимотининг марказий ғоясига эътибор қаратилса, унга кўра, ҳаётнинг ўзи инсон қалбининг буюк ҳақиқатини изчил, узлуксиз ўрганиш усули каби кўринади, чунки ҳар бир қалб уни ўзи қабул қила оладиган даражада ва белгиланган чегарасигача қабул қилади. Бундан ташқари, бутун оламнинг ўзи ўқитиш маскани саналади; ундаги дарслар – инсон ҳаёти борасида ташкил қилинган; ўқув қуролларини эса ҳаётда кузатиладиган бутун ҳолат, учрашувлар, нарса ва ҳодисалар, тирик мавжудот ташкил этади. Имтиҳон – синов ва н афс, бизнинг эришганимиз, англаганимиз... Ўқитувчи албатта Яратувчининг ўзи саналади. Бу таълимот сўфийлик ҳақиқати билан характерлидир. Румий бешинчи китобда инсоннинг маънавий оламини қуйидагича тасвирлайди:

Боқки, инсон қалбининг тўрт васфи бор,
Аҳлига чормих бўлиб, этгай фишор...
Маънавий тўрт қушки, машъум, роҳзан,
Халқ дилу жонида тутмишлар ватан.
Чун улар ғоздир, товус, зоғу хўроз,
Нафс аро ҳар лаҳза бергайлар овоз.
Ғоз – ҳирсдирким, хўроз – шаҳват эрур,
Ғар товус жоҳ эрса, зоғ ният эрур¹⁶³.

Бу мисраларда ғоз – ҳирс, товус – жоҳиллик, зоғ – ният, хўроз – шаҳват рамзи бўлиб, инсон қалбидаги ана шу тўрт васфни жиловлаб билса, “вужуди маънавийга”¹⁶⁴, маънавий етукликка эришади, дейилмоқда.

Бешинчи китобнинг асосий мазмуни “инсоннинг тани меҳмонхонага, ундаги турли-туман фикру андишалар турли меҳмонларга ўхшар”¹⁶⁵ деган тушунча билан бойитилади ва Румий инсонни ҳамиша бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тўғри ҳулоса чиқаришга ва ҳур фикрлашга чорлайди.

¹⁶³ Ўша жойда. –Б. 506.

¹⁶⁴ Ўша жойда. –Б. 501.

¹⁶⁵ Ўша жойда. –Б. 618.

“Маснавий”нинг олтинчи китоби. “Бу Маснавий дафтарлари, маънавий баёнотларнинг олтинчи жилдидир. Ваҳму иштибоҳлар қоронғулигини ёритувчи, хаёлот ва шубҳа гумонларни йўқликка сургувчи машъаладирким, уни ҳайвоний ҳис ила идрок этишнинг имкони йўқдир”¹⁶⁶. **Олтинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида олтинчи қадам, кўпроқ инсоннинг ўз моҳиятини англаши, қалбидаги шубҳа-гумонларни йўқотишига қаратилган ва у қуйидаги мисралар билан бошланади:**

Эй ҳаёти дил, Ҳусомиддин, йигит,
 Жазб этар кўнглингни ул олтинчи жилд.
 Жазб этаркан сен каби аллома ул,
 Ер юзин кезгай “Ҳусомийнома” ул.
 Сенга пешкаш бўлгуси, эй маънавий,
 Бул китоб, яъни якуни маснавий...
 Маънилар дарёси жозибдир сенга,
 Маснавийдин бир ариқ очгил анга.
 Бир ариқ оч Маснавийдин унга, бас,
 Маънавият денгизин кўр ҳар нафас¹⁶⁷.

“Маснавий” маънавият денгизи сифатида миллат танламайди. Шоир ижоди билан танишган одам қайси фирқа, дин вакили бўлишидан қатъий назар маънавий озуқа олади, чунки Румий таълимоти умуминсоний қадриятларга асосланган. Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, хоҳу мусулмон, хоҳу христиан, хоҳу буддавий бўлсин, барча олимлар Румий ижодидан бирдек илҳомланиб, ўз асарларини яратганлар. Унинг ижодида юксак инсонийлик каби бир туйғу борки, дунё аҳлини лол қолдириб, ижод аҳлини ларзага солиб келада. Олтинчи китобда *“Оғочдаги қуш”, “Шам”, “Ўғрининг макри”, “Посбон”, “Кўнгил уйғоқлиги”, “Ширакайф шоҳ ва чолғучи”, “Шум кампир”, “Дарвешнинг дуоси”* каби бир қатор ҳикоятлар келтирилади. Румий “Маснавий” борасида фикр билдирар экан, шундай дейди:

Боқма сен суратгаким, ул маснавий,
 Боқ ўшал сийратга, улким маънавий¹⁶⁸.

Румий ижоди ҳақиқат билан йўғрилган, унинг асарида адабий бўртма тасвир учрамайди. Ҳаётдаги воқеа-ҳодиса қандай

¹⁶⁶ Ўша жойда. –Б. 638.

¹⁶⁷ Ўша жойда. –Б. 639.

¹⁶⁸ Ўша жойда. –Б. 659.

бор бўлса, шундайлигича тасвирланади ва унинг моҳиятига далил келтирилган ҳолда исботланади. Румий сўзларни шундай ишлатадики, бу сўзни бошқача ҳолатда ишлатиб бўлмайди. Унинг сўз санъатидан шоир ва ёзувчилар манба сифатида фойдаланиб келишади. Бу ҳақда Румийнинг ўзи шундай дейди:

Бўлса гар ўрмон – қалам, дарё – сиёҳ,
 “Маснавий” назмига етгайму адо?..
 Битса ўрмон, “Маснавий” биткаймикин?
 Бағридин ўрмон кўкаргай янгидин¹⁶⁹.

“Маснавий” да келтирилган маънавият борасидаги фикрлар ҳеч вақтда ниҳоя топмаслиги, бу тушунчанинг абадийлиги ва у орқали кўкариш, янгиланиш, яшариш давом этишини айтади. Румий “Маснавий” си унинг бетоблиги туфайли олтинчи китобдаги “Уч шаҳзода” ҳикоятига келиб ниҳоясига етмай қолади. Уни ниҳоясига етказиш учун ҳеч ким Румий қаламига қўл уролмайди ва Султон Валад хотимаси билан тугайди. Румий “Маснавий” си бошдан-оёқ инсонийлик борасидаги сифатларни улуғлаб келади:

Бу сифатлар чун нужуми маънавий,
 Маънилар осмони ичра муставий¹⁷⁰.

“Маснавий” нинг асос мазмуни эса қуйидаги байтда шундай изоҳланган:

Агар сенинг кўнглинг бор бўлса,
 КўнгиЛ Каъбасини тавоф айла.
 Тупроқдан, тошдан қурилган Каъбанинг,
 Асл маъноси кўнгиЛдир...¹⁷¹

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия жараёнида маънавият тушунчасини изоҳлашда ва юксак маънавиятли шахс тимсолини шакллантиришда Румийнинг “Маснавий” си методологик асос бўла олади. “Маснавий” нинг олти китобига келтирилган қисқача педагогик шарҳ асарнинг ҳар бир китоби маънавий-ахлоқий баркамол инсонни тарбиялашнинг узлуксиз мантиқий давоми эканини яққол намоён этади.

¹⁶⁹ Ўша жойда. –Б.707.

¹⁷⁰ Ўша жойда. –Б.735.

¹⁷¹ Усмон Нури Тўпбош. Бир кўза сув. –Т.: Фан, 2007. –Б. 10.

Биринчи боб бўйича хулосалар:

Биринчидан, Румий асарларидаги диний-маърифий ғоялар ислом тасаввуфи асосида шаклланган бўлса-да, Мавлоно ўз даврида мустақил ўзига хос позицияга эга эди. Бу унинг ислом ва тасаввуф маънавияти асосида, халқчил руҳда битилган фалсафий мушоҳадаларга бой ҳикоятлари ҳамда маснавий жанридаги шеърлятида намоён бўлади.

Иккинчидан, Румий қарашлари юксак маънавий мазмунга эга бўлиб, ундаги маънавий ғоялар ирқи, миллати ва динидан қатъий назар, инсонни юксак ахлоқ соҳиби бўлишга чорлайди. Инсон қалбига борувчи барча йўллارни бирлаштиради ва азалий моҳиятларни кашф қилиб, инсониятни бағрикенглик ва маънавий комиллик сари етаклайди. Румий ижоди борасидаги изланишларнинг аксарияти филология, фалсафа, тарих, психология йўналишларида олиб борилган. Афсуски, шоир ижодининг педагогик жиҳатлари аниқ, тўлиқ ва яхлит тадқиқ этилган тадқиқотлар деярли учрамайди. *Фалсафа фан доирасида* (фалсафа тарихи ва муаммолари, тасаввуф (сўфийлик), этика), *филология фан доирасида* (адабиётшунослик, шарқшунослик, лингвистика (таржимонлик ва шарх), *тарих фан доирасида* (санъат тарихи, диншунослик), *психология фани доирасида* (психология муаммолари), деярли *педагогика фани доирасида* тадқиқотлар мавжуд. Ҳар қандай тадқиқот ва шарҳ Румий таълимотининг асл моҳиятини англашга кўмак берувчи бир воситадир ва бу восида таълим-тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини бойитишга катта ёрдам беради.

Учинчидан, Румий “Маснавий”си билан танишган инсон, ҳаёт моҳиятини тушунадиган, ўз-ўзини англаган, муомала қилиш маданиятини эгаллаган, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашадиган, виждон нима, ёлғон ва рост нима, ор-номус нима, ҳалол ва ҳаром нима – буларнинг ҳаммасини бир-биридан ажрата оладиган, ҳаётда ёмонликка бошловчи хатти-ҳаракатлардан воз кечадиган, яхшиликка бошловчи амалларни бажарадиган шахс бўлиб етишади. Бундай маънан шаклланган инсонлар жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори ҳисобланади.

Жалолоiddин Румий қарашлари ВА УНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

- 2.1. Шахс маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатувчи омиллар
- 2.2. Устоз ва шогирд фаолияти муносабатларининг тузилиши
- 2.3. Комил инсон тушунчаси ва ўз моҳиятини билиш мазмуни

2-БОБ

2-БОБ. Жалолiddин Румий қарашлари ва унинг таълим-тарбия тараққиётидаги ўрни

2.1. Шахс маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир қўрсатувчи омиллар

Маънавиятли жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлади. Одамга номуносиб турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланишисиз маънавиятни тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш, халқни маънавиятли қилиш давлат сиёсати даражасига қўтарилгандир. Айни пайтда ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. "... Халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади"¹⁷². Асрлар мобайнида халқимизнинг маънавият, ахлоқ, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ҳозирги тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий соҳалар қатори маънавий соҳада ҳам ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлди. Юртимизда маънавий соҳадаги ютуқлар – ўзлгимизни англаш, миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни, маданиятимиз ва анъаналаримизни, дин ва эътиқодимизни, тилимиз ва маънавиятимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришдан, ҳуқуқий давлатчиликни барпо этишдан иборатдир.

¹⁷² Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 171.

Ҳуқуқий давлат куч билан, инқилобий ўзгаришлар асо-
сида эмас, балки табиий-тарихий жараён сифатида, тадри-
жий равишда, эволюция йўли билан, маданият, маърифат
ва маънавий-ахлоқнинг ўсиши орқали шаклланади. “Биз
халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзанд-
ларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта
бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни
сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия ма-
саласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу
масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъули-
ятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўлар-
чиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятимизга
йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тари-
хий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган
умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз
мумкин”¹⁷³.

Шунинг учун ҳар бир инсон ўз касбининг фидойиси бўлиши,
қатъият ва масъулият билан келажак авлодларга маънавият
тушунчасини сингдириши, уларни маънавиятга қаратилган
ҳар қандай таҳдидлардан асраши лозим. Президентимиз Ис-
лом Каримов айтганларидек: “Агар мендан ҳозирги кунда маъ-
навиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид
соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраш-
са, мен авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзли-
гини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ
аждодаларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бу-
гунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил
фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик
туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлар эдим”¹⁷⁴.

Ижтимоий ҳаёт жараёнида инсон маънавий-ахлоқий ола-
мининг ижобий ва салбий ҳолларига дуч келади. Инсон
маънавий-ахлоқий оламидаги ижобий ҳолатлар: ҳалол меҳнат,
холис ва эзгу ишлар, эл-юртига наф етказадиган, унинг ғаму
ташвиши билан яшайдиган, бағрикенг, фидойи, ҳалол-пок,
виждонли, ҳушёр, жонкуяр, меҳр-оқибатли, тириклик мазму-
нини теран англаган, нафақат бугунги кун лаззати, охират
обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсон.

¹⁷³ Ўша жойда. –Б. 4.

¹⁷⁴ Ўша жойда. –Б. 17.

Инсон маънавий-ахлоқий оламидаги салбий ҳолатлар: Ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотирмайдиган, нафс қайғусида ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдигаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган, бепарво ва лоқайд, худбин, шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган, ғараз ва ҳасад билан яшайдиган инсон. Инсон бу ҳолатларни баҳолай билиш учун, албатта, маънавий-ахлоқий тушунча ва билимга эга бўлиши зарурдир. Айни пайтда жамият тараққиёти ва миллий истиқлол мафкураси комил инсонни тарбиялашга қаратилган ва у қуйидаги мезонларга асосланади:

- етук ва баркамол шахс;
- интеллектуал салоҳиятли шахс;
- юксак маънавиятли шахс.

Маънавий тарбия – юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи тушунча сифатида англанади. Шунга кўра Румий маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларини тарбиявий жараён таянувчи тамойиллар мисолида қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- тарбиянинг ижтимоий йўналганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги;
- тарбияда ижобий жиҳатларга таяниш;
- тарбияни инсонпарварлаштириш;
- тарбияда ибрат, намуна;
- шахсий ёндашиш;
- тарбиявий таъсирнинг умумийлиги ва ҳоказо.

Румий таълимоти назарий жиҳатдан олиб қаралганда, “хом эдим, пишдим, ёндим”, яъни “кеча – бугун – эрта” деган тизимга асосланган. У ўз ғояси ва қарашлари орқали аждодлар меросидан фойдаланиб бугунги фаолиятни белгилаш ва ўз моҳиятини англаб, эртанги авлод тарбиясига асос яратишни таъкидлайди. Унинг ижоди кўпроқ шахс шаклланишининг ўспиринлик даври (14-16 ёшдан 18 ёшгача)дан бошлаб англана ва тушунила бошланади. Чунки бу ёшдан бошлаб шахс айна ижтимоий муносабатлар моҳиятини англаган, улар ҳақида

чуқур мулоҳаза юргиза оладиган, маънавий-ахлоқий тасаввур ва идрок ҳосил қилган саналади. Ихтиёрий ва барқарор диққат эса улар маънавий тафакқурининг шаклланишига имкон яратади, натижада улар ижтимоий муносабатлар борасида мантиқий асосли фикр юрита бошлайди.

Ўспиринларда шахсий фаолиятни ташкил этишда мустақилликка интилиш яққол кўзга ташланади. Бу эса уларда ижтимоий, хулқий муносабатларни ўзлаштиришда ижтимоий фаоллик эҳтиёжини юзага келтиради ва шу даврда Румийнинг тузилиши жиҳатидан мураккаб, аммо моҳияти жиҳатидан мантиқий ижоди асқотади.

Румийнинг педагогик қарашларида ҳам инсоннинг ҳаётдаги мақсади, интилишлари, ўзлигини англаши ҳақида фикр юритилиб, тарбия унинг камолотига йўналтирилган. Мавлоно айтганларидек: “Инсоннинг ичи хуррият оламидир”¹⁷⁵. Хуррият – маънавий камолот белгисидир. Хуррият маънавий тазйиқларни инкор қилувчи ва ҳақиқатга эришиш йўлида хурфикрликка чорловчи ижтимоий тафаккур йўналишини ифода этувчи тушунча саналади. Шунинг учун Румий инсонларни комиллик сари элтувчи ўзига хос йўлни ҳамда хур фикрлаш ва инсон қарашларини маънавий тушунчалар билан бойитишни, уларга маънавий-ахлоқий тарбия бериш ғояларини илгари суради.

Бугунги кунга келиб жамиятимиз маънавий жиҳатдан уйғун ҳолда ривожлана бошлади ва айни пайтда таълим тизимида ёш авлоднинг маънавий тарбиясини қандай қилиб самарали ташкил этиш мумкинлиги масаласи муаммо сифатида намоён бўлди. Бунинг учун, аввало, “юксак маънавиятли шахс” деганда нимани тушунамиз, шуни аниқлаб олиш лозим эди. Маънавият ўзи нима? Бу борада берилган қатор таърифларга мурожаат қиламиз:

1. “Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули”.¹⁷⁶

2. “Маънавият миллатнинг асрлар давомида шаклланган маданий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган ички интеллектуал ва собит ҳиссий дунёсидир”¹⁷⁷.

¹⁷⁵ Жалолитдин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 94.

¹⁷⁶ Жалилов А. Мустақиллик масъулияти. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 29.

¹⁷⁷ Эркаев А. Маънавият – устун йўналиш // “Иқтисод ва ҳисоб” журнали. 1996. №2. –Б. 20–22.

3. “Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча”¹⁷⁸.

4. “Маънавият инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамият, табиат, ўз турмуш тарзи, амалий фаолияти муаммоларини ҳал этадилар”¹⁷⁹.

5. “Маънавият – ҳар бир инсоннинг ички руҳияти, ақл заковати, уни ўзини ўзи англаш, яхшиликларга, эзгу ниятларга тўла қалби, олдинга қараб янги марралар сари онгли равишда фаоллик кўрсата билиш ва интилиш салоҳиятидир”¹⁸⁰.

6. “Маънавият – инсон қалбида, кўнгили кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир”¹⁸¹.

7. Маънавият кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурч, масъулият туйғуси), илмий, ижодий, амалий малакалар (меҳнат, ижодкорлик. Истеъдод, қобилият), диний, мафқуравий қарашларнинг яхлит бирлигидир”¹⁸².

8. Маънавият (арабча – ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар) инсоннинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш.к. тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи¹⁸³.

9. Маънавият — инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади¹⁸⁴.

Бу таърифлар шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги маънавиятнинг у ёки бу хусусиятлари ва аҳамиятини ифодалаш билан чекланганлигини кузатиш мумкин. Айни пайтда “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафқуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”¹⁸⁵.

¹⁷⁸ Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 29.

¹⁷⁹ Мулоқот. 1997. №5. –Б. 15.

¹⁸⁰ Маънавият ва маърифат асослари / Тузувчи: С.О.Отамуродов ва бошқ. –Т., 1998. –Б. 8.


¹⁸¹ Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: Шарқ, 1998. –Б. 14.

¹⁸² Абдуллаев М. ва бошқ. Маънавият. –Фарғона, 1999. –Б. 22.

¹⁸³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 565.

¹⁸⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б. 540.

¹⁸⁵ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 20.



Маънавият шахсларда тайёр ҳолда вужудга келмайди. Унга узлуксиз, муттассил ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий тушунчаларни ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашлари мезонидир...”¹⁸⁶, таърифи эса юксак маънавиятли шахсни тарбиялашнинг моделини яратишга имкон беради.



Юксак маънавиятли шахс тушунчаси жамият тараққиётига, унинг равнақига ҳисса қўшувчи комил инсонни тарбиялашда асосий мезон ҳисобланади ва “бундай эзгу мақсадларга эса фақат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин”¹⁸⁷.

Инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий хусусиятларни тарбиялаш унинг энг асосий қадрият сифатидаги моҳиятини таъминлайдиган қадимий ва абадий қадриятлардандир. Узлуксиз маънавий тарбия шахснинг шаклланиши, камол топиши ва ўз ҳаёт позициясини аниқ танлашига катта ёрдам беради. Маънавий-ахлоқий тарбия муайян шахснинг маънавий ривожини, дунёқарашини, ахлоқий қиёфасини, эстетик дидини ўстиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади.

¹⁸⁶ Ўша жойда. –Б. 19.

¹⁸⁷ Ўша жойда. –Б. 28.

“Ахлоқ” ижтимоий тушунчалардан бири бўлиб, унинг моҳияти шахс хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Шу боис, ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида жамият маънавий-руҳий ҳаётида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга. Муайян миллат қиёфаси, унинг кишилиқ тараққиётидаги ўрни белгиланаётган жараёнда мазкур тушунча асосий мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

“Ахлоқ” тушунчаси оила фикри асосида тартибга солинувчи фаолият тарзида кишилиқ жамиятининг илк босқичида шаклланган. Қадимданоқ ижтимоий-фалсафий, психологик, педагогик, тарихий, бадий, этнографик ва маданиятшуносликка оид асарларда ушбу тушунча турли қўламда ишлатиб келинган.

Ахлоқ (арабча хулқ-атвор демакдир) – ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради. Ахлоқ омма фаолиятини тартибга солишнинг бошқа шакллари (ўқув, ишлаб чиқариш, халқ анъаналари) да ўз талабларининг асосланиши амалга оширилиши ва омма фикри асосида тартибга солиниши билан фарқ қилади. Ахлоқ талаблари барчага тааллуқли, бироқ ҳеч кимнинг кўрсатмаси, ҳеч қандай махсус буйруқ асосида бажарилмайдиган, ихтиёрий амалга ошириладиган бурч шаклига киради. Ахлоқ талабларининг бажарилиши фақат маънавий таъсир кўрсатиш шакллари доирасида юз беради. Ахлоқ шахс тараққиётининг юқори босқичи бўлган маънавий комиллик асосини, пойдеворини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда ахлоқ-жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқуланган хулқ-одоб нормалари мажмуидир. Шоир айтади: “Ўзинг билан жанг қилишда, ўз ахлоқингни тузатишдан бошла”¹⁸⁸.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият ва маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамлашганлиги билан белгиланади.

Кейинги йилларда яратилган илмий адабиётлар, чоп этил-

¹⁸⁸ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 145.

ган илмий ва илмий-оммавий нашрларда, олиб борилаётган илмий тадқиқотларда “ахлоқ” тушунчасини қўллаш ва унга дахлдор мавзуларни таърифлашда “ахлоқ” тушунчаси мустақил тушунча сифатида қўлланилса, айримларида бево-сита “маънавий-ахлоқ”, “ахлоқий камолот” каби синоним ёки муқобил сўзлар тарзида ҳам қўлланмоқда. Зеро, ахлоқсиз, ахлоқий талаблар ҳамда уларда ифода этилган ғояларсиз шахснинг руҳан ва жисмонан етуклигининг муштараклиги, уйғунлиги бўлган маънавий комиллик шаклланмайди.

Мутафаккир ижодида “ахлоқ”нинг кўрсаткичлари ахлоқсизлик билан ўлчанади. Шоир ўз асарларида онгли мавжудод бўлмиш “инсон” томонидан содир этиладиган баъзи ахлоқсиз ҳолатларни ҳикоят тарзида келтириб: “Кеча кундуз-нинг ҳам зидди, ҳам ёрдамчиси хисобланади. Ашё зидди билан маълум бўлади”¹⁸⁹, – дейди. Чунки, тун бўлмаганида эди, кундузни кандай билиб олардик. Румий инсонни ахлоқий сифатларини намоён бўлиши, унинг маънавий (ботиний) тарбияланаганлигида, – дейди. Бизнинг фикримизча, юксак маънавиятли шахс ўзи ёна туриб ўзгаларга ёруғлик улашадиган улкан қалб соҳиби. У ҳар томонлама тарбияланган, ўз-ўзини ва ҳаёт моҳиятини англаган, самимий, хушёр шахс сифатида гавдаланади. Дарҳақиқат, маънавият инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими. Инсон ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб умрининг охиригача маънавиятини шакллантириб, ривожлантириб боради. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади, ривожланади. Шу маънода маънавият инсоннинг онглилигини, қобилиятини ва интилишларини ўз ичига олади. Маънавият – инсоннинг ботиний дунёсини ўзида ифода этувчи тушунча. Инсон ботиний дунёсини гавҳар тўла денгизга қиёслаш мумкин. Маънавият инсоннинг руҳияти, дид-фаросати, адолатни розилиқдан, яхшилиқдан, ёмонлиқдан ажратиб билиш қобилияти, ақл-заковати, уларни амалга ошириш йўлида онгли фаолият кўрсатиши ва интилиши билан белгиланади. Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатида, ўзлигини қайси даражада англашида, оила

¹⁸⁹ Ўша жойда. –Б. 117.

ва жамиятдаги ўрнини тушунишида, Ватан ва миллатга муносабатида намоён бўлади.

Бирор жамият одамларнинг онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини, маънавий имкониятларини тасаввур эта олмайди. Шу ўринда Румийнинг маънавиятга таърифини келтирамиз:

Маънавийдир ул, маъоний қатма-қат,
Янгиликдир ул азалдин то абад¹⁹⁰.

Яъни маънавият маънолар мажмуи, ҳеч замонда эскирмайдиган, инсонни юксакликка кўтарадиган тушунча сифатида тасвирланган. Румий маънавиятни тушунтирар экан, инсондаги ички ва ташқи гармония (уйғунлик)ни улуғлайди ва уни англашга чорлайди. “Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак”¹⁹¹. Дарҳақиқат, Румий таълимотида барча қарашларининг марказини инсон эгаллайди.

Инсондаги маънавий ривожланиш (ўз-ўзини англаш) ва ахлоқий маданият (ижобий хусусиятлар) унинг комилликка эришганлик даражасини намоён қилади. Инсоннинг ўтмиши, бугуни ва эртанги ҳаётини ўрганиш, тадқиқ қилиш, психологик, биологик, физиологик, маърифий, маданий, тарихий, фалсафий, педагогик, археологик, ва бошқа кўп жиҳатлардан олиб борилади. Инсонни тадқиқ қилган сари унинг макон ва замонда тутган ўрни, миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариши, ботиний ва зоҳирий қарашларининг янгидан – янги қирралари очилаверади. Мутафаккирлар ичида ҳеч ким инсондаги маънавий ва ахлоқий етукликни Жалолиддин Румийчалик мукамал тасвирлаган эмас. У инсонни тадқиқ этар экан: “Улуғ Оллоҳ инсонни билимли, илмли ва олим қилиб яратгани учун инсон ўз борлигининг устуралида вақт-вақти билан Оллоҳ тажаллийсини ва беназир гўзаллигини, беназир ҳолда кўради”¹⁹², – дейди. Оллоҳ тажаллийси, албатта, комил инсондагина кўрилади. Ҳар бир Шахс – тарбия объекти ва субъекти ҳисобланади.

¹⁹⁰ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 695.

¹⁹¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 29.

¹⁹² Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 35.

Шахс миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб борар экан, унинг макон ва замонда шахс сифатида камол топишида тарбия ва фаолият муҳим роль ўйнайди. Тарбия ва фаолият бир-бирини тўлдирувчи компонентлардир. Тарбия – тарбиячи томонидан тарбияланувчида барқарор ахлоқий хислат ва хулқий фазилатларни таркиб топтириш, шакллантириш мақсадида тарбияланувчининг онгига аниқ мақсад йўлида тарбиявий таъсир этиш жараёнидир. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган фаолиятгина шахснинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади.

Жалолиддин Румийнинг маънавий мероси таълим-тарбия жараёнида шахснинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришда юксак ўрин эгаллаши билан бир қаторда, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти марказида инсонни тўғри йўлга бошлаш ва тарбиялашнинг долзарб аҳамиятини кузатиш мумкин. Мутафаккир жамиятнинг тараққиётини маънавий-ахлоқий комилликда кўради ва шунинг учун шахснинг маънавий комиллик сари элтувчи ўзига хос қарашларни илгари суради.

Румийнинг инсон камолотига дахлдор қарашлари асрлар оша бундай шуҳрат топиб келиши ва дунё аҳлини ларзага солишига сабаб нима? Унинг ижодида қандай бир туйғу бор эдики, дунё аҳлини лол қолдириб, ижод аҳлини ларзага солиб келмоқда? Унинг ижоди нима билан йўғрилган эканки, буюк шоир ва ёзувчилар унинг ижоди олдида тан беришди? – каби саволлар Румий ижодининг инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида таъсир кўрсатувчи жиҳатларини тадқиқ этишга ундайди. Румий яратган асарлар турли муаммоларга объектив ёндашиш, ишларни аниқ режалаштириш, илм аҳилига тавсиялар бериш ва дидактик талаблар қўйиш, таълим-тарбия қонун-қоидаларини белгилаш каби жиҳатлари билан ажралиб туради.

Румийнинг асарларида илгари сурилган ғоя ва қарашлар, ифодаланган маъносига кўра муайян тартиб билан жойлаштириб чиқилса, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ китоби пайдо бўлади ва у ўз таълимоти орқали шахс маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатувчи муҳитни тўрт босқичга ажратиб кўрсатади: **она қорни, оила, устоз ва жамоа.**

“Маснавий”да шоир инсон ва унинг ички муҳит асосида она қорнида тарбия олиши борасида:

Онанинг қорнида суврат бермиш у,
 Куч-сабот бермиш, яна орому хў.
 Она жисми парчаси этди сени,
 Сўнгра тадбир этди, ажратди сени.
 Ҳақ неча минг санъату фан айлади,
 Онани мунису мушфиқ сайлади...
 Онаи зорни яратди, сутни ҳам,
 Отани эш этди, қилди муҳтарам¹⁹³, –

деб келтиради. Инсон шаклланишининг асоси бўлган она қорни маънавий-ахлоқий тарбия таркибий қисмининг илк босқичидир. Она қорнидаги туғиладиган болага она ҳам ота ҳам бирдек маъулдир. Ота онанинг ижтимоий муҳитини тўғри ташкил қилиши Зва руҳий ҳолатидан бохабар бўлиши, она жисмининг бир парчасидан туғилажак боласининг инсон сифатида ҳис қилиши натижасида соғлом бола дунёга келади. Шоир она тимсолини мунис, мушфиқ, зор (муштоқ), оппоқ сутга ўхшатмоқда. Онадаги бу сифатлар шахс шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ота тимсоли эса оилага эш, муҳтарам шахс сифатида тасвирланган бўлиб, онадаги меҳрибонлик ва отадаги қатъият шахс камол топишининг асосий манбаидир. Шоир асарда қуйидаги мисраларни ҳам келтириб ўтади, яъни:

Она қорнида гўдакка жон берар,
 Жонига таъбу мижоз, дармон берар.
 Не эмиш жоиз – ҳамоно тортгай ул,
 Ул емиш бирлан баданни ўртгай ул¹⁹⁴.

Байтнинг мазмунига кўра, гўдак она қорнидан озуқа олади, жонига дармон киради. Она нима тановвул қилса, қандай ҳолатни бошидан кечирса албатта қорнидаги боласи ҳам шу нарса билан озиқланади ва шу ҳолатни ҳис қилади. Шунинг учун тўғри уюштирилган фаолият она қорнидаги гўдак шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Айни пайтда замонавий фан тили билан айтганда, онанинг овқатланиши, дам олиши, мусиқа тинглаши, гигиена қоидаларига риоя қилиши, яъни соғлом турмуш тарзига риоя қилишига жуда катта эътибор қаратилган. Шу билан бирга, онанинг руҳий ҳолати яхшиланиши учун ҳам турли хил профилактика ишлари олиб борилади. Шоирнинг қарашларида ташқи томондан ҳомиладор

¹⁹³ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 255.

¹⁹⁴ Ўша жойда. –Б. 296.

аёлга қилинадиган эътибор унинг боласига кучли таъсир кўрсатади, шу билан бирга, она ўз-ўзини тарбиялаши, руҳий ҳолатини бошқариши, энг аввало, ундан инсон дунёга келишини ҳис қилиши кераклигини бежизга айтилмаган. Дарҳақиқат, ҳар бир она дунёга келтирадиган фарзандининг истиқболини кўзлаб билиши, имкони борича уни ҳимоя қилиши ва нафақат моддий жиҳатдан таъминлаши, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаши ҳам зарурдир.

Шоир ижодида бирон нарса эътибордан четга қолмайди. Шоирнинг асарда келтирган қуйидаги мисрасида шундай дейилган:

Она қорни гарчи шафқатга тўлиқ,
Ташқари чиққанда дунё бор улуг¹⁹⁵.

Шоир она шахсига мурожаат қилиб, она қорнидаги боласини қанчалик меҳр, қанчалик иссиқлик билан асрайди, аммо она боласини қорнидалигидаёқ ташқарида кутаётган дунё билан таништириши, мослаши кераклиги борасида ҳам таъкидлаб ўтади. Яъни шоир онанинг руҳий ҳолати орқали ташқи дунёни гўдакка англатиши мумкинлигини ўша даврдаёқ айтиб ўтади. Бугунги кунга келиб, бола онасининг ҳатти-ҳаракатлари, ҳиссиёти ва қилаётган фаолият орқали ташқи олам билан танишиши мумкинлиги илмий жиҳатдан ўз исботини топди. Румий айтади: “Бизнинг вужудимиз асалари сандиғига ўхшайди. Сандиқдаги мум ва бол Оллоҳнинг ишқидир. Ота-оналар – асалари ва восита сифатида боғбондан тарбия оладилар”¹⁹⁶.

Бола ўз онасидан туғилиши билан уни ташқи муҳит асосида тарбиялаш бошланади.

То бола дунёга кўз очмас экан,
Унга деб сут келмагайдир сийнадан¹⁹⁷.

Шоир бола дунё юзини кўрдими, унинг илк ташқи муҳит тарбиячиси бу онанинг оппоқ сути эканлигини таъкидлайди.

Доя кутгай қанчалар кутгай она,
Не маҳалда йиғлар эркан дер бола.
Тангри ҳақ ул иккисин бор этди чун,
Бола йиғлаб, она сут берсин учун¹⁹⁸.

¹⁹⁵ Ўша жойда. –Б. 247.

¹⁹⁶ Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур / Улугбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 186.

¹⁹⁷ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 338.

¹⁹⁸ Ўша жойда. –Б. 187.

Бола ташқи дунёда она қорнидалиги пайтида озиқланишидан фарқли ўлароқ қорни оч қолганда овқат талаб қилади, яъни йиғлайди ва уни она ўзининг меҳри ва сути билан тарбиялайди ва гўдак ором олади, шу зайлда у шаклланиб боради. Медицинада ҳам онанинг кўкрак сути гўдакнинг соғлом бўлиб шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади ва болани 3 ёшгача кўкрак сути билан озиқлантириш зарурлиги ёш оналарга уқтирилади.

Она чимчийди гўдакнинг бурнини,
Уйғотиб, овқатга ундайди уни,
Ухламишди оч-наҳор дурдонаси,
Онанинг оғрийди икки сийнаси¹⁹⁹.

Бола оила бағрида шаклланар экан, унинг тарбияси учун ота-она ва оила аъзолари масулдирлар. Румий асарда оналар шарафига ҳадисдан таъриф келтириб, ота-она борасида шундай ёзади:

Сенга кўнгилдир нечук, мен ҳам чунон,
Оналарнинг пойи остида – жинон.
Элга ота-она эрмишдир кўнгил,
Бахтлидир кўнгилни кўрган кимса ул²⁰⁰.

Байтнинг шарҳига кўра, инсоннинг кўнгли – ота билан она, ким кўнглини англаса, кўнглига қараб иш тутса энг бахтли инсондир. Румий ижодига эътибор берадиган бўлсак, шоир аёл борасида фикр юритилганда баъзида нобоп, нопок аёллар қораланиб баъзида ҳалол, пок, фаросатли аёллар кўкка кўтарилади. Чунки Румий бадахлоқ аёллардан жирканади. Авлодни дунёга келтирадиган мунис аёлга бадахлоқлик ярашмайди, аёл Оллоҳ томонидан нозик, меҳрибон, иболи яратилган деб таъкидлайди ва пайғамбар тилидан аёлга шундай улуг таърифларни келтириб ўтади.

Деди пайғамбарки: хотин бегумон,
Оқил эркакларга ғолиб ҳар қачон.
Лек аёл жоҳилга мағлуб ҳар маҳал,
Чунки эрмас, турфа ҳайвондир улар.
Кам уларда шафқату лутфу карам,
Шул сабаб ҳайвонлиги келгай баланд.
Меҳру шафқат – васфи инсоний эрур,
Қаҳру шаҳват – васфи ҳайвоний эрур.

¹⁹⁹ Ўша жойда. –Б. 141.

²⁰⁰ Ўша жойда. –Б. 255.

Партави Ҳақдир аёл, маъшуқ эмас,
Гўё холиқдир ул, махлуқ эмас²⁰¹.

Байтда шоир аёл зотига паст назар билан қараган инсонларни ҳайвонга ўхшатмоқда. Қачонки жамиятда аёл зотига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилар экан, шу жамият аёллари бадахлоқликлардан холи, оилалар фаровон, келажак авлод соғлом яшайди. Жамиятимизда ҳам оила, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва соғлом авлод масалалари тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар:

- конституциявий ҳуқуқлар;
- оила ва никоҳдан ўтиш ҳуқуқи;
- меҳнат қонунчилиги;
- жиноят қонунчилиги асосида ҳимояланади.

Румий оилада бола тарбиясида меъёр бузилмаслиги бора-сида куйидаги байтни келтириб ўтади:

Она нафс эрмишки, ота – ақли род,
Бошда мушкул, охири бергай нажд²⁰².

Байтнинг мазмунига кўра, онанинг болага нисбатдан меҳрибонлиги туфайли боласини таълим-тарбия олиши жараёнларида кутиладиган қийинчиликлардан аяши, боласининг азоб чекишига кўзи қиймаслиги натижасида боланинг талтайишига олиб келади. Отадаги қаттиққўллик шу пайтда ўз самарасини бериши ва боланинг истиқболига таҳдид этадиган муаммолар бартараф этилиши лозимлиги таъкидланади. Бола қийин деб ўйлайдиган нарсасини ўрганади, машқ қилади ва охир-оқибат бу фаолият унинг истиқболини белгилаб беради. Демак, оилада ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Она-она ҳамжиҳатликда болани тарбиялаши ва бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари зарурдир. Чунки шоир айтганидек:

Тинглаувчи – парча эту устухон,
Англаувчи – қалб эрур, бир томчи қон²⁰³.

Румий шахс шаклланиши билан боғлиқ ёш даврларининг ўзига хос хусусиятлари, гўдаклик даври борасида ҳам қатор фикрларни келтириб ўтади:

Ёш бола тинглаб аносин дамба-дам,
Тил чиқаргай, соҳиб ўлгай сўзга ҳам²⁰⁴.

²⁰¹ Ўша жойда. –Б. 82.

²⁰² Ўша жойда. –Б. 682.

²⁰³ Ўша жойда. –Б. 562.

²⁰⁴ Ўша жойда. –Б. 447.

Гўдак дунёга келдими, катталар сўзини тинглаб унга тақлид қилган ҳолда сўз соҳибига айланади. Шунинг учун гўдак яшаётган ижтимоий муҳитда ширинсуханлик, сўзни аниқ талаффуз қилиш, гапнинг маъноли чиқишига, яъни нутқ маданиятига катта эътибор қаратиш лозим. Албатта, Румий қарашларида инсон шаклланиши оддийдан мураккабга қараб йўналтирилган.

Чол гўдакни эркалаб, ти-ти, дегай,
 Гарчи идроки жаҳонни қамрагай.
 Сен гўдакка таълим истарсан, самар,
 Ўз тилингдин жилла кечгайсан магар.
 Сен унинг лафзида сўзларсан сухан,
 Токи ўргансин у сендин илму фан²⁰⁵.

Гўдак шахс сифатида ташқи таъсир ва ўз-ўзида ахборотни қайта ишлаш жараёнида шаклланади. Ташқи таъсир томонидан кўрсатилган ҳар қандай функция унинг онгида муҳрланади ва бунини ўзи-ўзида қайта ишлаб шакллантиради. Тарбия жараёни болада ўз-ўзини тарбиялаш – ўз устида онгли, режали иш олиб бориш эҳтиёжини ҳосил қилган тақдирдагина самарали ҳисобланади. Бола ўзини ўзи тарбиялашга тайёрланган бўлса, у ўз истиқболи устида ўйлай бошлаган ва амалий ҳаётда муайян даражада мустақиллик кўрсата бошлаган бўлса, ўз-ўзини тарбиялаш истаги вужудга келади. Болаларда ўз-ўзини тарбиялаш жараёни мактаб ва оиладаги бутун тарбиявий ишнинг таъсири остида рўй беради. Чунки, бола тарбия жараёнининг объектигина эмас, балки субъекти ҳамдир. Шу сабабли ўз-ўзини тарбиялаш ўз устида фаол иш олиб борадиган бир пайтда (ўз камчиликларини англаш, уларни ўз шахсидаги афзалликлар ва камчиликлар билан қиёслаш, ахлоқидаги, характеридаги нуқсонларни тузатиш истаги) шахс камолотидаги зарур босқичдир. Аслида тарбия – кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг уч хил талқини мавжуд:

1. Болани боқиб, вояга етказиш.
2. Парвариш, қаров, тарбиялаб ўстириш.
3. Олган билимларини амалиётда қўллаб олишга ўргатиш.

Бу шаклланиш шахснинг аста-секин ривожланишига олиб келади. Шоир мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг характер-хусусиятига таъриф берар экан, шундай ёзади:

²⁰⁵ Ўша жойда. –Б. 227.

Ёш бола мактабни асло истамас,
Фойдасидан чунки ул огоҳ эмас²⁰⁶.

Чунки ёш бола мактабнинг моҳиятини тушунмайди, унинг фойдасини англаб билмайди. Шунинг учун боланинг ҳали англамаган нарсаси учун урушиш, уни мажбурлаш мумкин эмас. Ёш болага мактаб моҳиятини ўзининг дунёқарашига мос таъсир кучига эга бўлган ширин сўз билан тушунтириш, амалий фаолият билан англатиш лозим. Румий ижодида бунга ўхшаш қатор ҳикматли сўзлар учрайдики, улар бизга шахс шаклланишининг ёш даврларига хос характер-хусусиятларни ўрганиб шахсга нисбатан туғри хулоса чиқариб муносабат ўрнатишга кўмаклашади.

Шоир шахс маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришда оиладан ташқари устозларнинг ўрни ниҳоятда улуғлигини таъкидлаб ўтади. Масалан, ўз боласининг тилини тушунмаган бир она устоз-донишмандга мурожаат этиб, “Боласи тарнов бошида қолгани, чақирса ҳам келмаслиги, имо-ишора қилса ҳам келмаслигини” айтиб, “Илтимос, боламни тарнов бошидан соғ-омон олиб беринг”, – дебди. Донишманд: “Томга тенгдошини олиб чиқ, шунда боланг тенгдошини кўриб тарновдан бошини тарк этади”, – дебди. Она боласининг тенгдошини томга олиб чиққан экан, боласи ўгирилиб боқибди ва тарнов бошини тарк этибди²⁰⁷. Демак, ҳикоятда донишманд она англамаган нарсани, яъни она боласига таъсир эта олмаётганлигини ва айни пайтда боланинг тенгдоши болага яхши таъсир этиши мумкинлигини англайди, натижада бола тенгдоши орқали соғ-омон қолади. Чунки тенгдоши унинг тилида гапиради ва иккови ҳам бир хил ўйин фаолияти вакиллари дир. Устознинг шахс шаклланишидаги ўрни беқиёс эканлигини шоир ижодининг ҳар бир қиррасида кузатиш мумкин.

Румий шахс ва жамоа борасида фикр юритар экан, энг аввало, жамоада тенг ҳуқуқлилиқ, инсонларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати, каттага ҳурмат, кичикка инзат, миллат танламаслик, жамоа одобини бузмаслик, жамоада сўзлаш маданияти борасида қатор фикрларни келтириб ўтади. Румий ўз қарашларида ислом тарбиясига таянган ҳолда (исломий тарбия болани етти жиҳатдан тарбиялашни маслаҳат беради. Бу-

²⁰⁶ Ўша жойда. –Б. 378.

²⁰⁷ Ўша жойда. –Б. 471.

лар: соғлиқ ва бадан тарбияси, ақлий тарбия, нафосат тарбияси, ахлоқий тарбия, виждоний-нафсоний тарбия, диний-руҳий тарбия) маънавий-ахлоқий тарбия сифатларини кўрсатиб ўтар экан, инсонпарварлик, адолатлилик, ватанпарварлик, иймонлилик, эътиқодлилик, қаноат, донолик, меҳр-оқибат, яхшилик, нафс меъёри, дўстлик, виждонлилик, камтарлик, ифбат, ибто-ҳаёдан иборат ғояларни олға суради. Румий томонидан яратилган жамоа билан муносабат жараёнидаги таълим-тарбия бериш усулларини суҳбат, ўрнат, рағбатлантириш каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмади”²⁰⁸, шунинг учун таълимни модернизациялаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда унга тарбияни уйғунлаштириш ва ижтимоий онгни шакллантиришга хизмат қилувчи тарбия методлари (ҳикоят, тушунтириш, ўқитиш, маъруза, ахлоқий (маънавий) суҳбат ва баҳс) асосида тарбия жараёнини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этиш кўзда тутилади.

Тарбия методлари ўқитувчи ва жамоа томонидан ғоявий ва маънавий эътиқодларни, маънавий ҳис-туйғу ва одатларни инсонда шакллантириш мақсадида қўлланиладиган шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари демакдир. Ўрганиладиган кўпгина дидактик қонуниятларга асосланиб, ижтимоий буюртма, жамоавий ва тарихий шарт-шароитлар биринчилардан бўлиб таълим жараёнига боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун жамиятда шахс уни ўраб турган ижтимоий муҳит ва маънавий-ахлоқий тарбиясини белгилайдиган асосий мезонлар орқали шаклланади ва камолга етади. Албатта, “...маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйилган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади”²⁰⁹.

Шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки унинг ўсиши ва тараққиёти учун моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Маънавий тарбия шахснинг маънавий ривожини, дунёқараши, ахлоқий қиёфасини, эстетик дидини ўстиришга

²⁰⁸ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 62.

²⁰⁹ Ўша жойда. –Б. 29.

йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Ҳар қандай маънавий тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг билими кўпайибгина қолмай, балки маънавий-ахлоқий сифатларининг қарор топиши ҳам тезлашади. Румий инсонни ҳар жиҳатдан тадқиқ этади ва бутун умрини инсон маънавий камолотига бағишлайди. Инсонни комилликка чорлайди:

Сарбаланддир менки, кўргаймен баланд,
Соғ-омонсан гар, эсанг юксакка банд²¹⁰.

Румий “баланд” деганда мансаб ёки бойликни эмас, балки *маънавий-руҳий тетиклик, назари баландлик, юксак мартаба, юксак сўз, юксак қисмат, Оллоҳ лутфини пок ва юксак тутиш* каби тушунчаларни назарда тутди. Бундай юксакликка эришиш учун эса, албатта, инсон ўз шахсий фикрига эга бўлиши оқлайди ва ““Мақолот”нинг бир нухасида “Қачонгача бошқаларнинг ҳассасига суянасишлар? Ўз оёқларингиз билан юринг! Сизлар айтадиган ҳадису тафсиру ҳикмат ва бошқалар бир замонлар ўз асрида бирор мартабага ўтирган шахсларнинг сўзларидир... Агар (сизлар) бу замоннинг фарзандлари бўлсангиз, қани сизлар айтадиган сўзу асрор?” – дейди²¹¹. Дарҳақиқат, “фақат ўтмишга, аждодлар меросига маҳлиё бўлиб юришининг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди”²¹². Шунинг учун давлатимиз мустақил давлат сифатида аждодларимизнинг бизга қолдирган улкан меросига таянган ҳолда шу замонга мос ва ўзига хос миллий истиқлол мафкурасини танлади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, шахс маънавий-ахлоқий тарбияланишида она қорни тарбиясига эътибор, яъни онанинг соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, гўдакни ташқи дунё билан таништириш, уни ташқи дунёга мослаштириш, оилада онанинг меҳрибонлиги, отанинг талабчанлиги ва ота-она фаолиятининг бирдамлигини таъминлаш, устозларнинг шахс маънавий-ахлоқий тарбиясида ўрнатилган

²¹⁰ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 488.

²¹¹ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 22.

²¹² Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 50.

лиши, жамоа кабилар муҳим ўрин тутлади. Жамоада сўзлаш, тинглаш маданияти, ўзаро ҳурмат қоидаларига риоя қилиш фазилати шаклланади. Бу каби омиллар шахс маънавий-ахлоқий тарбияланиши ва камолотининг ҳал қилувчи воситалари эканлиги Румий томонидан ҳам алоҳида таъкидланган.

2.2. Устоз ва шогирд фаолияти муносабатларининг тузилиши

Ўқиш ва ўқитиш фаолиятининг ўзаро таъсири жараёнида таълим шаклланади. Демак, таълим – ижтимоий ҳодиса. Ўқитиш ўқитувчи (устоз) фаолияти ва ўқиш ўқувчи (шогирд) фаолиятидир. Бу фаолиятлар Румий ижодида етакчи ўринни эгаллайди. Чунки Румий ижодининг негизиде ижтимоий ҳодиса бўлмиш устоз ва шогирд муносабатлари талқини ётади. Румий шахсининг ўзи ҳам барча даврларда барча халқларга, барча инсонларга устоз вазифасини ўтаб келяпти ва унинг тарбия мактаби замонлар оша инсонларга комиллик сари қадам қўйишга дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Ўқитиш усуллари маълумотли қилиш, ривожлантириш, тарбиялашдан иборат бўлса, ўқиш усуллари, албатта, ўрганиш, тинглаш, қатнашиш, қабул қилишдан иборатдир. Ҳозирда таълим жараёни таълим турлари, таълим тамойиллари, таълим мазмуни, таълим усуллари, таълим шакллари таяниб иш кўради.

Устоз ва шогирдлик масаласи тарбиявий жараён учун жуда муҳим саналади. Бу борада Румий ғоялари ҳам жуда қимматлидир. Ҳозирги замонда ўқувчиларга тафаккур ва маънавий қарашларни шакллантириш жараёнида Румийнинг педагогик меросида кўп марта аниқлик билан кўрсатилган – устоз томонидан ўқувчи қарашларига сабрли бўлиш, шахсининг ўзи мустақил қарор қабул қилишини таъминлаш принциплари – толерантлик принципига аҳамият бериб, унинг педагогик ва дидактик ғояларидан фойдаланиш керак. Бунинг замирида ўқувчи ўзи эркин танлаган ва мустақил қабул қилган қарорларга ўзи жавоб бериши мажбуриятини таъминлаш ётади. Румий қарашларида ўқувчи (мурид) қарашлари учун устоз (муршид) позицияси ўта муҳим деб ҳисобланади. Устоз ўзи қарашларга эга бўлиб, бу қарашларга мансуб бўлган қоидаларга бўйсуниб яшаши керак. Тарбия масканида устоз

(ўқитувчи) анъанавий ҳолатда аниқ меъёрлар, ғоялар ва тафаккур қарашлари, кўрсатувчи (воситачи) сифатида намоён бўлади.

Румий асарларининг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимасидан фойдаланиб мутафаккир қарашларини ва маснавийларини, бир – биридан фарқ қиладиган қалб тарбияси жиҳатларини, унинг ҳаёт ҳақидаги “Буюк мактаб” таълимотига таянган ҳолда бўлимлар кўринишида, тематик тартибда қўйиш мумкин:

Ўқитиш фаолияти:

1. Шарафли устозлар;
2. Сохта устозлар.

Педагогик таъсир кўрсатиш ва ўқитиш усуллари:

1. Талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш;
2. Суҳбат, савол-жавоб, имтиҳон.

Ўқиш фаолияти:

1. Муносиб шогирдлар;
2. Уқувсиз, бепарво шогирдлар.

Шарафли устозлар: Шарқ мамлакатларида таълим берувчи ва таълим олувчи шахсларга нисбатан қуйидаги иборалар ишлатилган. Румий ижодида ҳам бу иборалардан кўп бора фойдаланилади.

Таълим берувчи	Таълим олувчи
Пайғамбарлар	Саҳобалар
Валий	Толиб
Шайх	Солик
Пири муршид	Мурид
Сўфий	Дарвеш
Устоз	Шогирд

Румий ижодида илк устозлар сифатида ҳақ йўлига чорловчи Довуд, Лукмон, Сулаймон, Мусо, Исо, Муҳаммад каби пайғамбарлар ҳаёти ва ҳадисларидан мисоллар келтириб ўтилади.

Муҳаммад алайҳиссалом – Оллоҳнинг сўнгги расули. Пайғамбаримиз оламдан ўтгач, ислом дунёсига у зотнинг ноиблари бўлмиш халифалар раҳнамолик қилдилар. Халифалардан кейин эса одамларни ҳидоят йўлига бошлаш Ҳақ таоло ўзининг хос кишилари сифатида танлаган авлиёлар зиммаси-

га тушди²¹³. Румий “Маснавий” да илм тулпорига минган инсон, илм аҳллари борасида қатор фикрларни келтирадики, улар пайғамбар тилидан устозлар шарафига келтирилган таъриф сифатида қабул қилинса арзийди.

Деди Пайғамбарки, бордир умматим,
Ул менинг бир гавҳаримдир, ҳимматим.
Нур эрур боқсам, уларнинг маскани,
Бас, улар ҳам нурда кўргайлар мани²¹⁴.

Румий, авлиёлар пайғамбарнинг уммати, гавҳари, ҳимматидир. Илм нур бўлса, устозлар маскани ҳам, албатта, нур билан нурафшондир, дейди. Валий – авлиёлар (араб. валий сўзининг кўплиги, худога яқин одам) тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўгирувчи кишилардир²¹⁵. Шунинг учун Румий ҳам комил инсон тимсолини авлиёлар тимсоли орқали ёритади ва “Киши юлдузларга боқиб тўғри йўлни хатолардан ажратиб олганидек, валийларга қараб ҳам мақсадига етишади”, – дейди²¹⁶ ва яна “Пайғамбарлар ва уларнинг ворислари бўлмиш авлиёлар, яъни комил инсонлар аслида инсон қиёфасидаги маънавий куёшлардир. Уларнинг ҳимоясида бўлки, сенга доимо ёмонлик қиладиган нафсингнинг қўлидан қутуласан”, – дейди²¹⁷.

Сўфий (дарвеш)лар ҳам етук устозлар саналиб, тасаввуф ва дин масалалари бўйича фаолият олиб боришган. Сўфий арабча “суф” сўзидан ҳосил бўлган. “Суф” сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакмонлар кийиб юришган. Жун кийимлиларни форсийда “пашминапўш” деб аташган. Румий ҳикоятларида инсоннинг яхши ва ёмон фазилатларини ёритиш учун сўфий образидан ҳам кўп фойдаланилган. Румий уларни мадҳ этар экан: “Сўфий

²¹³ Султон Валад. Маориф / Комил инсон ҳақида тўрт рисола (Н.Комилов тарж.). –Тошкент, 1997. –Б. 84.


²¹⁴ Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 113.

²¹⁵ Ислом (энциклопедия) / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 22.

²¹⁶ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 76.

²¹⁷ Ўша жойда. –Б. 114.

вақт фарзанди эрмиш”, – дейди²¹⁸. Бу ўринда сўфийдан мурод донишмандлик ва тadbиркорликдир. Ақлли одам вақтни зое кеткизмайди. Вақтни ғанимат билади ва ундан унумли фойдаланади, деган фикр бор.



Румий “Маснавий”да сўфийларнинг инсон тарбиясидаги ўрнини кўрсатиб берар экан, “Подшоҳлар кўрар кўзлар равшан бўлсин учун ориф сўфийларни ўзларига ўтру ўтқазишгани” баёнини келтиради. Унда шоҳлар фаолиятидаги расм ва одатлар айтиб ўтилган. Айтишларича, подшоҳларнинг чап тарафида паҳлавонлар ўтиришади, чунки улар кўнгилга яқинроқдир. Подшоҳларнинг ўнг тарафида қалам аҳли – муншилар ўтиришади, чунки илму хат ўнг қўлда битилади. Қаршисида эса сўфи, донишмандлар ўтиришади, чунки улар жон ойинаси ҳисобланади. Асарда айтилишича:

Ким азалдин бу жаҳоннинг нақшидир,
Олдида ойина бўлса, яхшидир²¹⁹.

Ойина инсонни қандай бўлса, шундайлигича тасвир этади ва инсон ойинага қараб хато ва тўғри фаолиятини англайди. Муаллиф томонидан келтирилган бу ҳикоят орқали таълимда шахс шаклланиши ва камол топишига таъсир этувчи омилларга ишора қилинган.

Инсон тарбиясини юксалтирувчи бу хусусиятларнинг барчаси пири муршидга хосдир. Пири муршид (шайх)ни Румий сочи оқарган, яъни зиёли инсонга ўхшатади.

²¹⁸ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б.12.

²¹⁹ Ўша жойда. –Б. 104.

Пирлар борким, ҳамиша бохабар,
Нафсу тан ирмоқларин қазгай улар²²⁰.

Румий фикрича, пайғамбарлар ҳам ўз қавмларига худди она сингари меҳрибондирлар. Бироқ фақат пайғамбарлар эмас, балки сўфийлик сўқмоғидан ўтган, пири муршидларни ҳам “она” деб тасаввур қилиш мумкин. Шогирдини сўфийлик сўқмоғининг сир-асрорлари билан таништирувчи пир билан мурид орасидаги яқинликни онанинг боласига кўкрак беришига қиёслаш мумкин²²¹. Яна Румий таъкидлашича, ҳамма сочи оқарган кимсалар пир бўла олмайди:

Пирлик ул сочу соқолнинг оқимас,
Ул ақл бирлан келур инсонга, бас...²²²

Не-не оқ соқолли қариялар борки, кўнгиллари қора. Ҳаёт моҳиятини тушунган, ўзидан кейингиларга буни тушунтира оладиганлар инсонларгина пир саналади.

Бош-оёқсиз давлатинг тарк айлабон,
Пир топиб олгин ўзингга, пири жон.
Пирдин ўзга бўлмагай устои дод,
Кекса пир эрмас, вале пири рашод²²³.

Маснавийнинг биринчи китобида “Пир сифатлари ва унга итоат баёни”²²⁴ келтирилган бўлиб, унда пир – “раҳнамо”, “соҳиби сир”, “комил”, “навқирон иқбол”ли сифатлари билан таърифланади.

Бўйла, пирким, ул магар оғози йўқ,
Бўйла бир дурри ятим, ҳамрози йўқ.

Эски май кучли бўлганидек, эски зарнинг қиймати кўп бўлганидек, пир ҳам нуроний, донишманд, кўпни кўрган шахс саналади.

Бас, у йўлким, юрмагансен ҳеч қачон,
Борма танҳо, бўлма раҳбарсиз равон.
Соя ташлаб турмаса бошингга ул.
Бас, сени саргашта айлар бонги ғул...
Сен улов бошини тўғри йўлга бур,
Тўғри йўлни йўлчи раҳбарлар билур.

²²⁰ Ўша жойда. –Б. 106.

²²¹ Ўша жойда. –Б. 70.

²²² Ўша жойда. –Б. 311.

²²³ Ўша жойда. –Б. 763.

²²⁴ Ўша жойда. –Б. 97.

Шоир фикрича, бир ишни бошлашдан олдин пир билан маслаҳат қилиш керак. Маслаҳатсиз иш хавфу хатар келтиради. Пирни ўз ҳолига қўймай, уни маҳкам тутиш, унинг билганларини ўрганиш лозим. Агар киши бир нафас ғафлатда қолса, йўлдан адашади.

Румий “Ичиндаги ичиндадир” асарида ўзининг ваъзалари (сухбатлари, маърузалари) орқали инсониятга буюк ҳақиқатни тушунтиришга ҳаракат қилади. Масалан: “Олимларнинг ёмони амирларни зиёрат қилгани, амирларнинг яхшиси олимларни зиёрат этганидир” ҳадисини у шундай шарҳлайди: “Олимларнинг ёмони амирдан ёрдам олгани ва улар воситасида ўз аҳволини яхшилагани, кучга кирганидир. Амирлар менга инъом берадилар, мени иззат-икром қиладилар ва яхши жой эҳсон этадилар, деган тушунча билан ва уларнинг қўрқуви остида ўқиган кимса олимларнинг энг ёмонидир... Олим агар амирлар соясида олим бўлишни ўйла-маса, унинг билими ибтидо ва интиҳода Оллоҳ учун қилинган бўлади”²²⁵. “Ҳар бир илм эгаси устидан билувчи бор”²²⁶. Бу оятнинг маъноси: олимлар ўз илмлари билан мағрурланиб, ўз устида ишлашни тарк этмасинлар, доимо уларни ҳам биров танқид қилиб қолишига ўзларини тайёрлаб турсинлар, демакдир²²⁷. Бундан кўринадики, олим киши биров соясида эмас, ўз соясида халқни эргаштириши, футувватли, жавонмард бўлиши лозим. “Маснавий”да “Илм – исломнинг ҳаёти, иймоннинг таянчи”, “Олимлар – Аллоҳнинг нури, пайғамбарларнинг халифалари, менинг ворисларимдир” ҳадисларига ишора сифатида қуйидаги байт келтирилади:

Баски, оқиллар бақо топгай абад,
Боқий этгайдир жаҳонни бу сифат...²²⁸

“Арабнинг “Биз бермоқни ўргандик, олмоқни ўрганолмадик” мақоли сингари олим ҳам беради-ю, бировдан

²²⁵ Жалолитдин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 11.

²²⁶ Қуръони Карим (маънолар таржимаси) / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 235.

²²⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. –Т.: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010. –Б. 6.

²²⁸ Жалолитдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 735.

олмайди”²²⁹, – деб олимлар шарафига таъриф келтиради шоир. Румий устозлик бобида шундай ёзади:

Уста ўзни иш ила маъруф этар,
Барча шогирдлар уни таъриф этар.
Айтса дарс шогирдга устои усул,
Бошқа илм эрмас, усул ўргангай ул²³⁰.

Устоз ўзининг юксак фаолияти орқали шогирдлар таҳсинига сазовор бўлади ва ўз соҳаси бўйича шогирдларга биладиганини ўргатади. Уларга билим, кўникма ва малака ҳосил қилади. Биолог табиат сирларини, кимёгар кимё хоссаларини, физик физик ҳодисаларни, математик ҳисобни, дурадгор дурадгорликни, косиб косибчиликни чуқур билгани каби улар касб сирларини инсонпарварлик, касбий билим, педагогик қобилият ва педагогик техника орқали шогирдларига билим сирларини етказадилар. Халқимизда бир нақл бор: “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”. Демак, шоир ота-оналарга ва шогирдларга мурожаат қилиб, қайси соҳа соҳиби бўлишни истасанг, устоз танлашда ўша соҳа устасидан сабоқ ол, демоқчи. Румий “Бу дунёда биз амал талабгори бўлган бир мардни хоҳлаймиз. Аммо амал муштарисини тополмадик, аммо сўз муштариси мавжуд бўлганидан биз ҳам сўз билан машғулмиз”²³¹, – дея ўзи фаолиятига баҳо беришга ҳаракат қилади. Шоир айтади:

Кимки устод эрса, дерсан унга то,
Ушбу санъат сен била топди адо²³².

Шоир устоз шарафига мурожаат қилиб, ҳар бир касб ёки соҳа устаси шу соҳа ривожига, истиқболига кенг ҳиссаси туфайли касблар, соҳалар юксак имкониятларга, камолотга эришади, дейди. Ҳақиқатан ҳам, шоир сўз ишлатиш санъати борасида чўққига эришди ва **буюк сўз устаси** бўлиб етишди. Румий ўз тингловчиларини олдиндан ўрганиб, улар билан керак бўлган мавзуда суҳбат қуришга ҳаракат қилади. Тингловчилари томонидан берилган саволларга ҳозиржавоблик

²²⁹ Жалолоиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 12.

²³⁰ Жалолоиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 94.

²³¹ Жалолоиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 23.

²³² Жалолоиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 644.

билан аниқ ва лўнда жавоб беради. У ҳеч вақт замонасининг мансабдор шахсларига нисбатан хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмайди, уларнинг фаолиятидаги нолайиқ хатти-ҳаракатларга ўз муносабатини билдира олади. Румий устоз фаолиятига баҳо берар экан: **“Билим бергувчи билим олгувчига билганини ўргатмоғи, зеҳни заиф бўлганларга юмшоқлик кўрсатмоғи, идроки сусларнинг тўмтоқлигини кўриб мағрурланмаслиги, зеҳни ва идроки ўткирларга кўрслик қилмаслиги даркор”**, – дейди²³³. Шоирнинг таъкидлашича:

Берди ул устоз адаб дарсин анго,
Этмагин деб сен чирик чўпдин асо²³⁴.

Шоир фикрича, устоз кўрмаган шогирд чириган чўпдан асо олиб юрган инсонга ўхшайди. Асо (ҳасса) таяниб юрадиган, инсон танасидаги оғирликнинг тенг ярмини кўтарадиган воситадир. Чириган ҳасса инсон танасидаги оғирликка дош беролмай, йўл ярмида синади ва ҳасса кўтарган одам йўл ярмида ҳассасиз қолади. Устоз шогирларига берган адаб, яъни таълим-тарбия туфайли ва шогирдлар олган билимлари туфайли унга таяниб ҳаёт йўлларини топадилар, жамиятда ўз ўринларига эга бўладилар. “Ҳар бир устоздан ва дўстдан бирор нарса олишга интилинг”, – дейди шоир. Мукаммал берилган ва мукаммал эгалланган билим инсонни йўл ярмида ташлаб қўймайди, ҳамиша воқеа-ҳодисага ечим топиб мақсадга эришади. Румийнинг шогирдларга чириган таёқдан ҳасса кўтариб юрмагин, яъни ҳаётингга ҳақиқий таянч бўла олмайдиган, ишончсиз ҳаракатлар билан азиз умрингни зое кеткизмагин деб, илк адаб сабоғини бериши таҳсинга сазовордир.

Ранжитиб устозни очгайсен дўкон,
Топганинг унда илон бўлгай, чаён.
Сен ўшал дўконни бузгил, ортга қайт,
Гулга қанд, гулшан ила роҳатга қайт²³⁵.

Шоир қарашларида устоз отадек улуғлиги таъкидланади ва унинг рози-ризолигини олмасдан иш бошлаган, шогирднинг мартабаси юксалиб кетса ҳам, топганлари илон-у, чаёнга ўхшайди, дейди. Румий шогирдга мурожаат қилиб, аслингга қайт, устозинг розилигини олиб кейин фаолият

²³³ Ўша жойда. –Б. 245.

²³⁴ Ўша жойда. –Б. 156.

²³⁵ Ўша жойда. –Б. 710.

тингни бошла, дейди. Ҳадис: “Ота рози – худо рози”. Демакки, шоир қарашларида устоз отага муқояса қилинар экан, устоз рози бўлмаса, шогирднинг бирор иши самара бермаслигини таъкидлайди. Устозсиз шогирд мевасиз ниҳолдир. “Устод зарурлигига далил кўпдир, устозга эргашмаган кишининг меҳнати самара бермайди. Кимки устозсиз иш бошлаган бўлса, иши ва амали самара қозонмайди, устоз этагини тутиб шод бўлмоқ, бир муддат устодга хизмат қилиб, сўнгра устодлик мақомига эришмоқ афзалдир”²³⁶, – дейилади. Устоз илм киши-си, яъни илмли бўлиши керак, у истиқболни ўйлаб ўз илмини шогирдига етказар экан, шогирди ҳам пайти келиб ўз илмини келажак авлодга мерос қилиб қолдиради. Румий илм таърифида шундай дейди:

Ҳотами мулки Сулаймондир илм,
Жумла олам – сурат-у, жондир илм²³⁷.

Сулаймон пайғамбар илми билан башариятни лол қолдирган пайғамбарлардан ҳисобланади. У ўз илми туфайли жами жонзотларни англаган ва тўғри йўлга чорлаган. Шунинг учун Румий устознинг мартабаси илм билан баҳоланади, илм Сулаймон пайғамбарнинг мулкидир, оламларнинг жони ҳам илмдир, деган фикрни билдиради. Инсон илми орқали ҳайвондан фарқ қилади:

Илм боис жумла жонзотларки бор,
Одамий олдида ожиз, бемажол²³⁸.

Румий бу фикрни XIII асрда айтиб, илмнинг қудратини таъкидлашга ҳаракат қилди. Салкам саккиз аср оша, яъни XXI асрга келиб илм шунчалик чўққиларга эришдики, унинг тараққиёти туфайли бу асрни бевосита техника асри деб номлашга тўғри келади. Дарҳақиқат, айна пайтда жумла олам жонзотлари олимлар илми олдида қудратсиздир. Илм қудрати шундай чуққиларни забт этмоқдаки, энди олимлар олам сирларини очишга ҳаракат қилишяпти. Худди Румий асрлар оша келажакда рўй берадиган воқеа- ҳодисаларни олдиндан англа-

²³⁶ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний / На-шрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. –Т.: “Ўзбекистон миллий энци-клопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. –Б. 41.

²³⁷ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 39.

²³⁸ Ўша жойда. –Б. 39.

гандай, кўра билгандай инсондаги илм тараққиётини меъёр ва мезонга солади. Шоир илмнинг таъсири борасида:

Илм агар кўнгилга сингса, ёр эрур,
 Гар баданга сингса ул, бекор эрур...
 Илм худан келмаса бевосита,
 Бир бўёқдирким, кетар билвосита...
 Илм юкин элтма ҳавойи нафс учун,
 Илм тулпорига мингайсен у кун.
 Илм тулпорига сен бўлгач савор,
 Қолмагай елкангда ул юкдин ғубор²³⁹.

Илм, аввало, инсон кўнглига сингдирилиши керак, чунки у инсоннинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлайди ва ўзлигини англашга кўмаклашади. Инсон ўз илмини ҳуда-беҳудага қаратмайди. Агар илм инсонни нафс ва ҳирсдан қайтармаса, у жаҳолатга юз тутади. Инсон жаҳолатга юз тутдими, олган илми бесамар кетади. Шоир илм юкини нафсни қондиришга ишлатмаслик, илм тулпорига миниб илмни ижтимоий фойдали, жамиятга нафи тегадиган ҳолатларга созлаш зарурлигини уқтиради. Токи илм инсон елкасидаги юкдан (бурч ва виждондан) халос этиши лозим.

Румий “Маснавий”да келтирилган ҳикоятлар орқали сабоқ берар экан, илм борасида “Ҳаёт дарахти” ҳикоятини келтиради. Бир юртнинг подшоҳи Ҳиндистонда бир дарахт бор экан, унинг мевасидан тотган инсон ёш бўлиб, абадий тирикликни қўлга киритар экан, қарилик нималигини билмасмиш, деган миш-мишларни эшитибди. Подшоҳ ўз девонидан бир инсонни танлаб, Ҳиндистондан ҳаёт дарахтини топиб келишни буюрибди. У одам Ҳиндистонга бориб, ҳаёт дарахтини қидиришга тушибди. Унинг ҳолини кўрган одамлардан бири уни девона деса, бошқаси мақтар экан. Йиллар мобайнида ҳаракатлари зое кетибди, ҳаёт дарахтининг дарагини тополмабди ва ўз юртига қайтибди. Подшоҳ саройига киришдан олдин йўловчи устозидан маслаҳат сўраш учун унинг ёнига бориб, унга кўрган-кечирганларини айтиб берибди. Устози шогирдини тинглаб табассум қилиб: “Эй шогирд, сен нарсанинг суратига янглишиб, алданибсан, унинг маъносига боқмабсан-да. У дарахтнинг номи дониш ва билим”, – дебди.

Гоҳ дарахт дерлар уни, гоҳ офтоб,
 Гоҳи денгиз бўлди номи, гоҳ саҳоб.

²³⁹ Ўша жойда. –Б. 13.

Ўзи бир, маҳсули минг бир марҳабо,
Камтарин осори ҳам умри бақо²⁴⁰.

Ҳикоятда устоз моҳиятни англатувчи донишманд киши тимсоли гавдаланган бўлиб, шогирди сўзларига самимийлик, зукколик билан жавоб беради. Ҳикоят орқали устоз шогирд қалбига, эҳтиромига такрор ва такрор сазовор бўладиган шахс сифати намоён бўлади. Шогирд фаолиятига халқ нақли орқали баҳо берилади: “Билмаганни сўраган олим, билмаганни сўрамаган ўзига золим”. **Шоир билимни дарахт каби мева берувчи ва соясида ором олувчи, офтоб каби иситувчи, денгиз каби улкан, инсонга сафдош, ўзи бир-у, маҳсули кўп, камтарин, умри боқий, деб таърифлайди.** “Маснавий” да бундан ташқари “Узум”, “Фил”, “Филнинг шаклу шамоили”, “Шайхнинг муридига насиҳати” каби ҳикоятлар келтирилганки, уларда донишманд устозлар фаолияти ва билими шогирдларга тўғри йўлни кўрсатувчи “шам”, муаммони ечувчи олим, илм-маърифат ва меҳр-мурувват кишиси сифатида шарафланади.

Румий “Маснавий” да яна бир тоифа устозларни мисол келтирадигани, улар кенг қалб ва мурувват кишиси тимсолида гавдаланади. Бир воиз ўз ваъзларида йўлтўсарларни дуо қилар эди: “Эй раббим, телба, муфсидларга шафқат қилгин. Уларни ая”. Буни эшитган халқ унга: “Бу ишинг яхши эмас, нокасларни мунча эъозлайсан”, – дебди. Шунда воиз: “Мен улардан яхшилик кўрдим, эвазига эса дуо қиляпман”, – деб жавоб берибди. Халқ: “Улардан қандай яхшилик кўришинг мумкин?” – дейишди. Воиз: “Улар менга шунчалик жабру зулм қилдиларки, мени ёмонликлардан бездирдилар”, – дебди²⁴¹. Ҳикоятда шоир устознинг ҳар бир воқеа ва ҳодисага моҳиятан ёндашиши, ҳар бир вазиятдан ўрнак ола билиши, ҳодисага адолат юзасидан қараши, ҳатто нокаслар ҳаққига дуо қилиши, яъни уларни яхши йўлга чорлаши тасвирланган.

Муаллиф асарда бунга яқин яна бир ҳикоят келтиради. Бир дарвеш Шайх Ҳарақоний(қ.с.)ни қидириб шайх хонадонига келибди. Уй эшигини тақиллатган экан, шайхнинг хотини чиқибди. Дарвеш шайхнинг хотинидан: “Шайх қаерда, уни қаердан излай?” – деб сўрабди. Хотини: “У бир ҳийлагар, айёрни нима қиласан? Бир тўда гўл одамлар ҳар сафар уни сўраб, аҳмоқ бўлиб сўзларини тинглаб ўтиришади. Яхшиси, қайт

²⁴⁰ Ўша жойда. –Б. 238.

²⁴¹ Ўша жойда. –Б. 390.

изингга, у лофчини нима қиласан?” – дебди. Жаҳли чиққан дарвеш: “Бўлди, бас. Сўзларинг сафсата. Сенинг бу сўзларинг устозимга бўлган меҳримни камайтирмайди. Бу йўлимдан қайтара олмайди”, – дебди. Мурид шайх эшигидан қайтиб, одамлардан шайхни суриштирибди. Улар шайх фалон ўрмонга кетган дейишибди. Мурид муродига етиб, ўрмон яқинида шайхни учратибди. Қарасаки, шайх арслонга ўтин юклар, ўзи ҳам миниб олган, қўлида илондан қамчи қилиб олган экан. Дарвеш шайх билан суҳбат қурибди ва шайх унга “Ноаҳиллар бирла бўлмай сен аҳил”, – дебди²⁴².

Ҳикоятда келтирилган кенг қалб ва мурувват устоз фазилатларининг энг улуғидир. Чунки ўқитувчи хоҳ жамоада, хоҳ якка тартибда таълимни ташкил қилсин, барибир ўқувчисининг характер-хусусиятидан келиб чиққан ҳолда вазиятни баҳолайди ва ана шундагина у ўқувчисига таъсир ўтказа билади. Устоз ўқувчисини ўрганар экан, унда чидам-бардош, меҳр-шафқат биринчи ўринда шаклланган бўлиши керак.

Тинглаувчи жазбидандир хуш калом,
Гуркирар устоз чу шогирд бўлса ром²⁴³.

Шоир устоз ва шогирд муносабатига баҳо берар экан, таълим икки томонлама муносабат ва ҳаракатдан ташкил топган. Устознинг муваффақияти, ютуғи, фаолиятининг шавқ ва завқ билан намойиш бўлиши шогирдлар эътибори, фаолиятига ҳам боғлиқ. Таълимда икки томонлама қўйилган мақсад ҳозирги замон талабидир. Устоз, энг аввало, шогирдини севиши, билим сирларини жонқуярлик билан етказиши, виждонан ёндашиши, ширинсўзлик ва хушмуомалалик билан шогирдини ўзига ром этиши лозим. Шогирдлар устозларни жон қулоқлари билан тинглашлари, вазифаларни сўзсиз, тинмасдан бажаришлари, тушунмаганларини сўраб ўрганишлари, ўз устиларида ишлашлари лозим, шундан кейингина таълим ўз кўзлаган мақсадига эришади. Шоир яна устоз фаолиятига ҳайратланиб:

Офарин ишқингга, устои сабот,
Неча юз минг зарра топди иттиҳод²⁴⁴–

деб таърифлайди.

Устоздаги сабот (арабча – қатъийлик, қатъият; ирода;

²⁴² Ўша жойда. –Б. 700.

²⁴³ Ўша жойда. –Б. 689.

²⁴⁴ Ўша жойда. –Б. 239.

барқарорлик)²⁴⁵ жамиятда баркамол шахс тарбиясида иттиҳод (арабча – бирлик, биргалик, бирлашиш, қовушиш)²⁴⁶ топади.

Сохта устозлар: Румий ижодида устоз зоти ва сифатига катта эътибор ва ҳурмат билан қаралишидан ташқари, нолайқ устозлар образи ҳам ҳажвий тарзда танқид қилинади. Албатта, устоз фаолияти инсоннинг билим ва маданиятини шакллантириш ҳамда жамият тараққиётини юксалтиришга қаратилган. Румий ўз қарашларида маърифатпарвар устозлар қатори илмсиз, нодон, маърифатсиз, худбин устозларни ҳам тасвирлаб, шундай дейди:

Бир ариқдан, сира оқмайди сув,
Ўзи ичмас, бошқаларга бермас у.
Унда бир оби зилол топмас қарор,
Йўқ яна лабташна, сув ичмоққа зор²⁴⁷.

Байтда ариқ устозга, сув эса илмга муқояса қилинмоқда. Шундай устозлар борки, уларда илм йўқ. Ўзида илм бўлмаса, бошқаларга қандай илм бера олади. Бундай устозларда илмни кўриш қийинлиги туфайли бирор илмга ташна мурид уларнинг олдига илм истаб бормади. Бундай сохта устозларни Румий илми ноқислар деб атади:

Илми ноқис улки, фарқни билмагай,
Чақнаса чақмоқ, қуёш деб ўйлагай²⁴⁸.

Билимсиз, илми қуруқ устозлар жамиятда нафақат ўз ҳамкасблари ва жамоада, балки шогирдлари олдида ҳам ҳажвга қолишади. Ўз такаббурликлари натижасида ҳурмат қозонишмайди. “Маснавий”нинг биринчи китобида “Билимли бўлиб ухламоқ билимсиз бўлиб ибодат этмоқдин афзалдир” ҳадисига тафсир келтирилган:

Уйқу – бедорлик билимлар бирла, ҳой,
Кечса нодон бирла, бедорликка вой...²⁴⁹

Шу ҳадиснинг тафсири “Маснавий”нинг олтинчи китобида ҳам келтирилб ўтилган:

²⁴⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. III. Н-Тартибли. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” далат илмий нашриёти, 2006. –Б. 410.

²⁴⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. II. Е-М. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” далат илмий нашриёти, 2006. –Б. 243.

²⁴⁷ Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 145.

²⁴⁸ Ўша жойда. –Б. 175.

²⁴⁹ Ўша жойда. –Б. 132.

Яхшидир тоатдин олим уйқуси,
Чунки бедорликни билгай билгиси²⁵⁰.

“Маснавий” да шу ҳадис тафсири сифатида “Туякаш ва файласуф” ҳикоятини кузатиш мумкин. Бир бадавий туясига икки қоп юклаб, ўзи ҳам устига миниб йўлга чиқибди. Йўлда паришон бир файласуфни учратибди. Файласуф ҳазил орасида бадавийдан туянинг устидаги қопларда нима борлигини сўрабди. Бадавий қопларнинг бирисида тўла буғдой, иккинчисида қум борлигини айтибди. “Нега қум тўлдирдинг?” – дебди файласуф. Бадавий қоп бўш қолмаслиги ва туянинг устида мувозанатини сақлаб билиши учун деб жавоб берибди. Файласуф бадавийга: “Ақлингни ишлатиб буғдойнинг ярмини бу қопга, бошқа ярмини эса у тарафдаги қопга солсанг туянинг юки ҳам қопларинг енгиллашарди”, – дейди. Бадавийга бу фикр маъқул тушибди. “Тўғри ўйламаган эканман”, деб шундай қилибди. Туриб-туриб бу даражадаги ақлли одамга қизиқиб қолибди. Қандай қилиб бу ақлли одам шундай паришон ҳолда юрибди экан, деб ўйлабди. Қизиқишини яширмай сўрабди: “Эй ақлли одам, сенда шунча ақл, шунча фикр бор экан, нега яёв юриб ўзингни чарчатыпсан? Бу ақлинг билан сен ё султон, ё вазирсан. Тўғриси айт, кимсан?”

Файласуф жавоб берибди: “Иккиси ҳам эмасман, оддий бир одамман”. Бадавий яна сўрабди: “Қанча туя, қанча ҳўкизинг бор?”

“Ҳеч қанча”, – дебди файласуф. “Яхши, дўкондаги моллар-чи? Ундан гапир”, – дебди бадавий. “Менинг на дўконим, на ерим, на юртим бор. Мен файласуфман”, – дебди ҳалиги киши. “У ҳолда қанча пулинг бор?” – дебди бадавий. “Пул у ёқда турсин, ҳатто нон олишга бир чақам ҳам йўқ. Ялангоёқ, бошпанасизман. Бу қадар ҳикмат ва илмдан фақат хаёл ва бош оғриғини топдим”, – деб жавоб берибди файласуф. Бадавийнинг бу гаплардан жаҳли чиқиб: “Йўқол, кет бу ердан. Сенинг илминг, насиҳатинг менга ҳам зарар келтиради, бошимни оғритади. Сен шу йўлдан кет, мен бу йўлдан. Бир қопимда буғдой, бошқасида қум бўлиши сенинг ҳикматингдан, фойдасиз ва кераксиз фалсафангдан яхшироқдир”, – дебди²⁵¹.

Ушбу ҳикоят орқали Румий оқил, олим кишининг илми инсонларни ўзига ром қилиши, севдириши, уларни ишонтириши, халққа наф келтириши кераклигини таъкидлайди ва

²⁵⁰ Ўша жойда. –Б. 755.

²⁵¹ Ўша жойда. –Б. 237.

илми бўла туриб ўз илмини шогирдларига бера олмайдиган олимларни “устоз” деб атаб бўлмайди, дейди. Дарҳақиқат, илм ва илм соҳиби маърифат ва маърифатга чорловчи (маърифат-парвар) бўлиши керакки, у инсониятга наф келтирсин, чунки:

Офтоби маърифат ўчгайму ҳеч,
Ақлу жон осмонидин кўчгайму ҳеч?
Улки хуршиди камолдир, бефиноқ,
Кеча-кундуз кори – равшан айламоқ.

“Маснавий”да яна лаёқатсиз устозлар тўғрисида турли ҳикоятлар келтирилган бўлиб, улардан бири “Ваҳимага тушган устоз” ҳикоятидир. Ҳикоятда мактаб талабалари устозларидан безор бўлишибди. Кўп ўқиш, ёзиш, уй вазибалари уларни жуда чарчатиб қўйибди ва кўчада ўйнашни исташибди. Бунинг чорасини излашибди. Нима қилиб бўлса ҳам, маълум вақт устозни мактабдан узоқлаштиришга қарор қилишибди. Ораларидаги энг кичкина, аммо зийрак ўқувчи шундай дебди: Ўртоқлар, ўқитувчимизнинг ҳеч қаери касал эмас. Қани энди бир неча ҳафта хасталанса-ю, биз дам олсак. Қандай бўлмасин, устозни касал қилиш керак. Дўстлари ундан: Соппа-соғ одамни қандай қилиб касал қилиш мумкин, деб сўрашибди. Ҳалиги бола: “Бўлади”, – дебди, мен бир ҳийла ўйладим. Эртага дарс бошлангандан сўнг синфга биринчи кирган бола устозимизга: “Устоз, тинчликми! Юзингиз мунча сўлгин, сарғайибди, беҳолмисиз? Аллоҳ шифо берсин”, деб хасталиклари ҳақида айтади. Устоз бу гапдан ваҳимага тушади. Талабалар ўзаро маслаҳат қилишибди ва эртаси кун эрталабдан синфга илк кирган ўқувчи: “Тинчликми, устоз! Аллоҳ шифо берсин. Юзингиз сап-сарик. Мазангиз йўқми?” – дебди. Устоз: “Валдирама, касал эмасман, бор жойингга ўтир”, – деб қўрслик билан жавоб берибди.

Синфга кирган икки-уч ўқувчи ҳам устозидан қандай касал бўлиб қолганлигини “ҳайратланиб” сўрашибди. Устозни ваҳима босибди ва ўз-ўзига: “Хотинимнинг ақли жойида эмас, юзимнинг сўлганлигини, вужудимнинг титраганини қаердан ҳам билсин. Унинг дарди мен эмас. Ўзига оро беришдан бошқа нарсани ўйламайди”, – дебди²⁵².

Румий бу ҳикояти орқали, энг аввало, устоз шундай зийрак ва ҳар нарсадан огоҳ бўлиши керакки, акс ҳолда ўз шогирдлари кулгусига қолади, демоқда. Устоз дарсни ташқил қилишда

²⁵² Ўша жойда. –Б. 290.

шогирдларини зериктирмаслиги, ножўя сўзламаслиги, таълимни етказишда шогирдининг зиммасига керагидан ортиқ вазифани юкламаслиги лозим. Шогирдини фанга қизиқтири билиши, нарса ва ҳодисаларни ҳаёт билан боғлаб тушунтириши керак. Чунки инсон диққати қисқа етти дақиқалик ҳолатдан иборат. Дарсни ташкил қилишда етти дақиқа ичида маълумот етказилиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриш даркор. Жамият тараққиёти устоз фаолияти билан чамбарчас боғлиқ экан, устоз шарафига лойиқ бўлган кишилар шогирдлари ҳурматига сазовор, марҳаматли бўлиши учун астойдил меҳнат қилиб, касбининг фидойиси бўлиши, биринчи навбатда, шогирдларини севиши керак, акс ҳолда устозлик шарафига нолайиқ бўлади.

Румий: “Ақл – парвона, севгили эса шам кабидир... Агар парвона ўзини шам зиёсига урса-ю, лекин ёнмаса, демек, бу шам – шам эмасдир. Худди шундай, халқ билан қизиқмаган, аксинча, ундан нолиган, унинг учун жонини куйдирмаган инсон инсон эмасдир”, – дейди²⁵³.

Бир нарса ёки ҳодиса иккинчи нарса ёки ҳодисани тўлдириб боради. Ақл – устоз, севгилиси эса шогирд. Устоз парвона каби ўзини шогирди истиқболига фидо қилмаса, бундай шогирд ўз ҳаёт позициясини белгилаб олмайди ва бундай устозлар устоз шарафига нолайиқ деб топилади. Устоз ҳам амал, ҳам илм соҳибидир. Румий: “... Баъзиларнинг амали бор-у, илми йўқ. Баъзилар эса аксинча. Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир”, – дейди²⁵⁴. Ҳозирги тараққиёт замонидаги ўқитувчи тимсоли ҳам юксак касбий билим ва педагогик маҳорат соҳиби бўлиши шарт.

Педагогик таъсир кўрсатиш ва ўқитиш усуллари: Аҳамият беришимиз керакки, таълим мазмуни ўқувчи онгида ҳозирги замон билимлари ва ўқитиш даражаларига жавоб берадиган дунё манзарасининг шакллантирилишини таъминлайди. Таълим мазмуни мафқуравий ёндашувларнинг ҳар хиллигига аҳамият бериб, ўқувчиларнинг қараш ва ғояга эга бўлишида эркин танлов ҳуқуқи амалга ошишига ёрдам бериши керак. Бу танловни ўқувчи билиш фаолияти орқали англайди. “Билиш-

²⁵³ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 41.

²⁵⁴ Уша жойда. –Б. 54.

субъект ва объект (ўқув материали)нинг ўзаро таъсири натижасида табиат, жамият онг ҳодисалари тўғрисидаги субъектив янги билимларни ўзлаштириш жараёнидир²⁵⁵. Бу борада Румий қарашларига мурожаат этадиган бўлсак унинг билиш назарияси икки ўлчамли бир-бирига боғлиқ вазифаларга эга.

Биринчи – одам томонидан маънавий тозаланиш ва комил инсон бўлиб шаклланиш йўлларига эга бўлиш.

Иккинчи – атрофдаги одамлар билан муносабатда ички дунёни намоён қилиш. Бу сўфийлик таълимотига хос бўлган хусусият бўлиб, яъни инсонпарварлик, юксак маънавий-ахлоқ, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби катта педагогик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифа ҳисобланади. Румий таълимоти инсоннинг шаклланиши, ривожланиши, камол топиши ва ўз моҳиятини англашига қаратилган. Инсон ҳаёти давомида уч фаолият турини бошидан кечиради: ўйин, ўқиш, меҳнат. Ўқиш фаолияти давомий ва узлуксиз характерга эга. Румийнинг педагогик фаолияти жараёнида уч хусусият намоён бўлади – инсонни ўзидан кўра кўпроқ ҳурмат қилиш ва севиш, ҳаётий билим ва тажрибани тўплай олиш, билим ва тажрибани шогирдларига етказа олиш. У шахсга қаратилган таълим-тарбия аниқ мақсадга йўналтирилган, яъни инсон камолотини кўзлаб танланган бўлиши керак, шундагина берилган таълим-тарбия шогирд фаолиятида бирин-кетин ўз маҳсулини беради, акс ҳолда шахсга берилган фойдасиз, истиқболга кўзланмаган таълим-тарбия шахс ривожланиши ва унинг камолотига путур етказишини таъкидлайди.

Жалолоддин Румийнинг педагогик таъсир кўрсатиш усуллари талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолашдан иборатдир. Талаб – педагогик таъсир кўрсатишнинг бошланғич усули бўлиб, тарбияланувчиларнинг муайян фаолиятини рағбатлантиришни ёки тўхтатишни ва аниқ амалий ҳамда маънавий-ахлоқий сифатларини намоён қилишни тامينлайди. Таълим-тарбия жараёни, натижаси ва истиқболи педагогик талаб билан баҳоланади.

Румийнинг маънавий - ахлоқий тарбияга оид қарашларида ҳурмат ва талаб бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда кузатилади. Педагогик **талаб** шахсга кўникма, малака ва билимларнинг ҳосил бўлишида катта ёрдам беради. Шоир бу борада:

²⁵⁵ Umumiy didaktika. O'quv qo'llanma. –T.: “Durdona” BMAV, 2012. –B. 150.

Гарчи суст юргувчи, гар чопгувчидир,
 Излаган кимса магар топгувчидир.
 Сен талабни устувор эт доимо,
 Ки, талабдир йўллагувчи раҳнамо.
 Лангу гунгсен, балки танбал, беадаб,
 Унга юз бур, раҳнамойинг қил талаб²⁵⁶.

Шоир томонидан инсон мақсади албатта ўзининг фикр ва фаолиятига талаб қўйиш орқали амалга оширилиши таъкидланмоқда. Демак талаб инсон фикри ва фаолиятини тарбиялайди. Таълимда талаб жуда катта аҳамият касб этади. Педагогик талаб амалий методлар гуруҳига кириб, тарбияланувчиларда ўзига нисбатан масъулият ва талабчанликни ривожлантиради. Талабчанлик, меъёрдаги қаттиққўллик таълим самарадорлигини оширади ва талаб педагогик таъсир кўрсатишнинг бир усули саналади. Румий педагогик қарашларида ҳам таълимда талабни устувор қўйиш орқали таълим мақсадига эришиш мумкинлигини таъкидламоқда ва ўз қарашларида таълимни ташкил қилишда икки томонлама талабни кўрсатишга ҳаракат қилади, яъни устоз ва шогирд талаби. “Агар киши “менга сўз(ҳикмат) ошкор бўлмапти”, – деса, жавоб шу: “Сен нега уни талаб айламаяпсан, истамаяпсан, тортқиламаяпсан?”²⁵⁷ Чунки шогирд талаби бу – хоҳиш, истак, яъни бир нарсани билишга интилишдир. Ўқувчида хоҳиш бўлмаса, унинг келажаги ва камолоти инқирозга учрайди. Талаб ва интилишни ҳам тўғри йўналтириш учун раҳнамо ва устоз керак бўлади. Таълим-тарбиянинг интенсиф ва экстенсиф имкониятлари инобатга олинса ва икки томонлама – ҳам ички, ҳам ташқи томондан уюштирилса, мақсадли ҳамда яхши натижалар бўлади. Бора-бора бу жараён моҳиятга айланади ва ҳар бир инсон ҳаёт моҳиятини англайди. Ундаги воқеа-ҳодисалар, яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, оқ ва қора деган тушунчалар англонади ва ажратилади.

“Маснавий”да талаб ва талабчанлик борасида оғзига илон кирган кимса ҳикоят келтирилган. Бир амир кетаётган дарахт тагида ухлаб ётган кишини кўрибди. Унинг оғзига илон ўрмалаб кираётган экан. Амир илонни олишга улгурмабди ва

²⁵⁶ Жалолитдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 274.

²⁵⁷ Жалолитдин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 105.

у ҳалиги кишини уйғотиб уруша бошлабди. Ачиган олмаларни ейишга мажбур этибди. Уруша–уруша уни кўп югуртирибди. Бу ҳолдан кўнгли беҳузур бўлган ҳалиги киши бир қусган экан, оғзидан қора илон чиқиб кетибди. У ҳайратланиб қараб қолганда, амир бўлган воқеани тушунтирибди. Ҳалиги киши амирдан миннатдор бўлибди²⁵⁸.

Ҳикоят орқали Румий устоз шогирдининг билим сирларини эгаллаш учун уни турли машаққатларни енгиб ўтишга ундаши, бу ҳол эса, албатта, шогирдига ёқмаслиги, устоз шогирди истиқболи учун талабни барибир унинг физиологик имкониятини назарга тутган ҳолда кучайтириши лозимлиги ва охир-оқибат белгиланган мақсадга эришиши, яъни шогирд ўз моҳиятини англаб камолотга етиши ва устозидан миннатдор бўлишини таъкидлайди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳикоятда айтилишича, бир киши кўл остидаги хизматкорини урушар экан. Йўлдан ўтаётган йўловчи ундан: “Худодан кўрқмайсизми, ёш болани шундай урушишга”, – деб сўрабди. Ҳалиги одам: “Мен уни эмас, ёмон хислатларини урушяпман”, – дебди²⁵⁹.

Ҳикоят орқали муаллиф шуни етказмоқчи бўладики, яъни устозлар ҳаминша шогирдларини рағбатлантириш ёки жазолаш орқали яхши йўлга чорлайдилар ва талабни шогирд исикболини кўзлаб белгилайдилар. Инсон характер-хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқиш фаолияти инсоннинг айни 6–8 ёшидан бошланади. Устоз, авваламбор, шогирдининг характер-хусусиятини ўрганади. У таълимни ўқувчининг ёш хусусиятига қараб оддийдан мураккабга томон ташкил қилади, лекин баъзида шогирднинг лаёқатсизлиги туфайли устоз талабни кучайтиришга мажбур бўлади. Чунки бу ўқувчи темпераментига хос хусусиятдир.

Таълимда устоз, аввало шогирдини ўзига жалб қилдиради. Унга ўзини севдиради ва ҳар соҳада унга намуна бўлади. Чунки инсон жонли мисолни кўриб туриб ўрганиши осон кечади. Румий аксарият қарашлари таълимнинг **тушунарлилиқ** принципига асосланади. У нарса ва ҳодисаларнинг сифатлари билан шогирдларига мисол келтиради. Шоирнинг қарашларида

²⁵⁸ Жалолоиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 185.

²⁵⁹ Ўша жойда. –Б. 346.

таълимдаги тушунарлилик – маълумотни шахс онгида аниқ, тўлиқ, содда, ихчам, ишонарли талабларга таяниб етказиш, шахс онгида ва хотирасида муҳрланиши акс эттирилган. Масалан: “Тоza сув ичидаги ҳар нарсани кўрсатгани каби инсон руҳи табиати билан бирга билим ва кўзга кўринмаган барча нарсаларни кўрсатади”²⁶⁰.

Шоир таълим ва тарбияни ташкил қилишда:

- Ҳамма ишни осондан мураккабга томон ташкил қилиш;
- Оз нарса орқали кўпни тушунтириш;
- Ҳам илм ҳам амал бўлиши;
- Илмда кўрмоқ ва билмоқ кераклигини таъкидлайди²⁶¹.

Таълим методларининг **биринчи гуруҳ** методларига сўз орқали ахборотни узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари – **оғзаки методлар**: ҳикоят, маъруза, суҳбат ва бошқалар;

Иккинчи гуруҳ методларига ўқув ахборотларини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари – **кўргазмали методлар**: тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар;

Учунчи гуруҳ методларига ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш **амалий методлар** (машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар) орқали ташкил қилинади.

Тасаввуф намояндалари ва шарқ матафаккирлари ижоди ва педагогик фаолияти таълим методларининг уч гуруҳига ҳам мансублигини кузатишимиз мумкин. Буюк тиб олими Ибн Сино педагогик фаолияти кўпинча кўргазмали методга таянади. Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд педагогик фаолити кўпинча амалий методга таянади. Етук сўз устаси Жалолiddин Румийнинг педагогик фаолияти эса оғзаки методга таянади. Румий ўз шогирдлари билан тез-тез **суҳбат** ўтказиш йўли билан уларни тарбиялайди. Энг қулай, ҳар қандай кишига уйғун таълим-тарбия тарзи “суҳбат” – оғзаки таълим методи бўлиб, энг яхши таълим воситаси ҳамдир. Суҳбат - педагогик мулоқот усулларида бири ҳамдир. Суҳбатда устоз шогирдга тўғридан - тўғри хитоб қилади, шогирд ҳам доим ундан ўрнак олади. Суҳбат орқали шогирд устозидан илм, маънавий файз олади.

²⁶⁰ Жалолiddин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 40.

²⁶¹ Ўша жойда. –Б. 62–67.

Сенга бир кимса этарса лутфини,
Аслига йўл изла, маҳкам тут уни²⁶².

Шу қаторда суҳбат борасида Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарида “Ҳаким Абдулмажид Саноний “Ҳадиқатул ҳақиқат” (“Ҳақиқат боғчалари”) асарида дебдурким, суҳбат адаб натижасидир ва адаб ҳурмат натижаси ва ҳурмат савфат (*соф, покиза*) натижаси ва савфат кўнгил натижаси ва кўнгил ақл хазинаси ва ақл эса сир хазинаси, сир маърифат хазинасидир. Ҳар бир одам бирор мартабага эришса, одобдан эришади”, деган фикрни келтиради.

“Мавлоно Жалолоддин Румий буюрмишлар:

Ҳам адабдин нурга тўлмиш бу фалак,
Ҳам адабдин маъсума покдир малак²⁶³.

Ва яна:

Адаб тождир, илоҳий нурдан ул,
Бу тожни кий санга очиқ ҳамма йўл²⁶⁴.

Румий адабни нурга ўхшатиб, адаб орқали инсон малаклар каби маъсума, покликка эришади, дейди. Адаб (арабча – адабиёт; яхши тарбия, маъқул ҳаракат) ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги яхши ахлоқ, тарбия, хушмуомалалик маъносини билдиради. Румий таълимотида маҳорат билан ишланган сўз бойлигидан асрлар давомида барча алломалар илҳомланиб, олим ва ёзувчилар ўз ижодларида фойдаланиб келадилар. Аслида инсондаги тарбиянинг бир кўриниши суҳбат, сўз асносида англанади. Шоир: “Сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартирмоқ ва ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир”, – дейди. Румий яна сўз моҳиятини кўрсатиб берар: “Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапга сол сўзидан унинг ким эканлигини билиб оласан”, – дейди²⁶⁵.

Шоир ижодида сўз борасида кўплаб фикрларни кузатиш мумкин: “Сўзнинг фойдаси шуки, сени истамакка йўллайди, илҳом беради... Барча сўзлар, билимлар хунарлар ва санъат-

²⁶² Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 274.

²⁶³ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний / Наҳрга тайёрловчилар М.Аминов, Ф.Ҳасанов. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. –Б. 10.

²⁶⁴ Ўша жойда. –Б. 62.

²⁶⁵ Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 46.

лар бу сўздан лаззат оладилар... Дунёнинг бутун хунарлари, илмлари ва ҳоказо – ҳамма нарсалари ҳаётни, завқни ҳамда ҳароратни орифнинг нуридан оладилар”²⁶⁶. Демак, сўз орқали инсонга таъсир этса, тарбияласа, инсонни ўрганса бўлади. Ориф, доно кишиларнинг нури, файзи албатта уларнинг сўзларидадир. Румий сўз моҳиятини чуқур англайди ва сўз орқали тингловчиси қалбига чуқур кириб боради. Шоир ўзининг тингловчиларига ваъз ўқишдан олдин жиддий тайёргарлик кўради ва уларга инсондаги маъно-моҳиятни “Амал амал орқали, илм илм билан, маъно маъно воситасида, шакл эса шакл ёрдамида англашилади. Амал инсондаги маънодир”, – деган таъриф орқали тушунтиришга ҳаракат қилади. Шоир фикрича, “ҳар бир нарсанинг асли сўздир. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади”, – дейди²⁶⁷.

Мутафаккир “Тамиз, яъни иймон қалбдадир. Бироқ уни сўз билан ифода қилмасанг, фойдаси бўлмайди”, – деб ёзади ва шу пайтнинг ўзида тингловчиларининг ички кечинмаларини билган ҳолда уларни қийин аҳволга солувчи мулоҳазага чорлайди: “Сен ҳозир “Сўзнинг аҳамияти йўқ” дейишинг билан ўз-ўзингни инкор этаяпсан. Чунки сен шу фикрни ҳам сўз билан ифода қилмоқдасан.” “Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Сўз – идрок қилишда сўзга муҳтож бўлганлар учундир”²⁶⁸.

“Бутун дунёнинг зулмати ва туни ўтади. Унда қолажак нарса сўзнинг нуридир”²⁶⁹ ва “Ёмонликни энг гўзал сўзлар билан даф қил”, – дейди шоир²⁷⁰.

Айни пайтда таълимни ташкил қилишда кўпроқ кўргазмалар методга эътибор кучайган. Масалан, визуал кўргазмалар, органайзерлар орқали маълумот тингловчига етказилади. Лекин бу метод орқали таълим мақсадига тўла қонли эришиб бўлмайди. Чунки, таълимни ташкил қилишнинг бош мақсади ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тенглиги деб белгиланган. Бу жараённи ташкил қилишда эса ўқувчига “сўз” моҳияти, аҳамияти, мақсадини тушунтирмай туриб амалга ошириб бўлмайди.

²⁶⁶ Ўша жойда. –Б. 53.

²⁶⁷ Ўша жойда. –Б. 75.

²⁶⁸ Ўша жойда. –Б. 107.

²⁶⁹ Ўша жойда. –Б. 157.

²⁷⁰ Қуръони Карим (маънолар таржимаси) / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 342.

Таълим-тарбия жараёнида субъектив ва объектив муносабат суҳбат асносида ташкил қилинади. Суҳбат усули педагогик кузатиш жараёнида эга бўлинган маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этишга ёрдам беради. Румий педагогик фаолиятидаги ўқитиш усулларида яна бири бу **савол-жавоб** методидир. Шоир, устознинг шогирдига савол бериши қонунқоидалари борасида шундай дейди: “Савол берган зот икки жиҳатни яхшилаб тушунмоғи керак:

Биринчиси: Мен сўраган нарсамдан янглишдим. Менинг билганимдан бошқа нарса бордир.

Икинчиси: Бундан устун бўлган ва билинишга муносиб бир сўз ва бир ҳикмат мавжуд, бироқ мен уларни билмасдим”, – деб таъкидлайди²⁷¹ ва шундай дейди:

Сўздаги илм жонлимас, бежон бўлур,
Унга бир толиб юзи армон бўлур.
Гарчи баҳс асносида ул илми ком,
Бир харидор бўлмаса, ўлгай тамом²⁷².

Шоир таълимда бир томонлама ёндашиш (фақат маълумот етказиш)ни оқламайди ва берилган билим ҳаминша баҳс-мунозара асносида ривожлантириш, мустақкамлаш асносида ташкил қилиниши лозимлигини таъкидлашди. Айни пайтда дарснинг олдида қўйилган талаблар ҳам худди шу қарашга тўла мос келади, яъни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тенглиги, дарсларни интерфаол усуллар орқали ташкил этиб, дарсда ўқувчи фаолиятини янада фаоллаштириш. Савол-жавоб методи воқеа ёки ҳодисалар ҳақида ахборот олиш ёки ахборот алмашилиш жараёнидан иборат бўлиб, у саволга жавоб тарзида ташкил қилинади. Румий яна: “Жўяли савол билимининг ярмидир”, – дейди.

Бир подшоҳ бир одамдан учта мактуб олди, бироқ жавоб бермади. Одам яна: “Уч дафъадан бери хат ёзаман, ё қабул қилинг, ё қабул қилмайман деб айтинг!” – деб ёзди. Шоҳ хатнинг орқасига “Жавоб бермаслик ҳам жавобдир, фақат аҳмоққа

²⁷¹ Жалолитдин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 73.

²⁷² Жалолитдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 201.

берилажак жавоб – индамаслик”, деб ёзади. Бу ҳикояти орқали Румий саволга жавобнинг сўзсиз шакли ҳақида гапирмоқда. Унинг фикрича, “Сўз кўпайганда, мақсад унутилади, йўқолади” ва “Сўзсиз идрок этганнинг сўзга қандай эҳтиёжи қолади?”²⁷³ шоир шахснинг савол бериш маданиятини тараннум этар экан, истиқболдаги натижани англамасдан туриб, ножўя саволлар билан мурожаат қилиш инсондаги сабрсизликдан далолат беради. “Маснавий” да шу ҳолат қуйидагича тасвирланади:

Сўрмасанг, асрор аён бўлгай ўзи,
Сабру бардош манзилингга элтгуси.
Демаким, сўрсам, мурод ҳосил бўлур,
Бесабрликдин ишинг мушкул бўлур²⁷⁴.

Демак, шоир бу мисралар орқали шогирдларга мурожаат этар экан, савол-жавобни ташкил қилишда ақл ва сабр билан иш кўриш, шошқалоқлик билан фикр ёки жумла тугамасдан тасаввурдаги мавҳум нарса учун савол беришнинг олдини олиш, фикрни охиригача тинглаб кейин савол билан мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида фикр билдирмоқда. Румий устознинг касбий фазилати, яъни осон йўл билан мураккаб билимларни шогирдларга ўргатиш анъанасига таянади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда Румийнинг таълим-тарбия бериш усуларини қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Сухбат (тушунтириш, ўргатиш-одатлантириш, машқ қилдириш).

2. Ўрнак (маслаҳат бериш, узр сўраш, намуна, ибрат олиш). Румий бу таълим-тарбия усулларида шахсни маънавий-ахлоқий шакллантиришда чуқурроқ фойдаланиш зарур, дейди. Шоир ижодининг энг асосий жиҳати шуки, унинг ўқитиш усули ҳозирги замонда таълим жараёнида кенг қўлланаётган замонавий ўқитиш технологиси “кейс-стади” ўқитиш технологияси ва муаммоли таълим технологиялар мазмунини тўла мос келади. “Кейс-стади” ўқитиш технологияси масалаларни таҳлил қилиш ва ҳал қилиш методи ҳисобланади. Муаммоли ўқитиш технологияси – бу ривожлантирувчи ўқитиш технологияси бўлиб, фаол билим орттириш жараёнини

²⁷³ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 29.

²⁷⁴ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 299.

рағбатлантиради ва фикрлашнинг мантиқий кетма-кетлик услубини шакллантиради. Бу ўқитиш технологияларининг моҳияти шундан иборатки, унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётий вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб, бу вазият баёнида нафақат амалий масала ифодаланиб қолмасдан, ундаги муаммони ечиш жараёнида ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материали ҳам ифодаланади. Бу усуллар бўйича ўрганувчиларга қанақадир ҳаётий ҳолат ёки адабиёт, маданият, фан, санъатдан бир бўлак қисм берилади ва шу ҳолат билан бирга баҳслашиш учун қайсидир назарий аспект таклиф этилади ва баҳс-мунозара натижасида муаммо ўз ечимини топади.

“Маснавий”да шунга ўхшаш ҳолат кўп учрайди. Баҳс бошида қанақадир ривоят, оддий ҳаётий ҳолат ёки масал берилади, кейин эса муаллиф бу ҳолатни юқори даражада англаб, илоҳий ва инсонийлик таълимоти асосида жуда мураккаб саволлар бўйича назарий қарашларини ифода этади. Бошқача айтганда, одамнинг арзимайдиган, аҳамиятсиз ҳаётий тажрибаси ҳам Румий учун ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун у ўзининг асарларида қўлланган Шарқ халқларининг норасмий анъаналаридан олинган латифаларга қаратиб шундай ёзади: “Ҳазил ўргатади, уни жиддий қабул қил”²⁷⁵. Румий буюк устоз сифатида шогирдларига шундай дейди:

Илму фан деб ўлса, муқбил оти бор,
Бул ўлимда юз тириклик тотти бор²⁷⁶.

Илму фан йўлини танладингми, албатта, сен кўпгина тўсиқларга учрайсан. Сенда кўпгина саволлар туғилади ва шу саволларни **маслаҳат** орқали тушуниб борасан, маслаҳат олиш учун ўзингга раҳнамо танла, дея ўгит беради шоир.

Ҳар бир ишда маслаҳат вожиб эрур,
То пушаймонлик кейин кам-кам бўлур²⁷⁷.

Шоирнинг фикрича, ҳар бир иш, албатта, маслаҳат билан бажарилиши лозим, маслаҳатни донишманд устозлардан олиш мумкин. Ишни “етти ўлчаб бир кес”иб бажариш керак. Шогирд устоз орқали камолотга эришади, устоз ҳамиша шогирдини имтиҳон, синов қилиш орқали унинг билим даража-

²⁷⁵ Ўша жойда. –Б. 720.

²⁷⁶ Ўша жойда. –Б. 615.

²⁷⁷ Ўша жойда. –Б. 196.

сини ва сифатини аниқлайди, ўзлаштирганлигини текширади, чидамли-чидамсизлигини билади. Сўраб, текшириб, синаб кўради ва баҳолайди. Синовдан мақсад ўқувчиларда сабот ва чидамни шакллантириш, зарур ва керак бўлган паллада хушёрликни қўлдан бермаслик, воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқаришга ўргатишдан иборат.

Айни пайтда жамиятда **имтиҳон** олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқувчиларининг ҳамда абитуриентларнинг ўқув режасидаги фанлардан олган билим - малакаларини аниқлаш ва баҳолаш усули сифатида қабул қилинган. Румий айтади:

Имтиҳон бор имтиҳонда, эй ўғил,
Ўзни арзон бир синовга сотмагил²⁷⁸.

Демак, имтиҳонда олган билимлар синалади. Имтиҳон жараёнида шахс билими ва кимлиги аниқланади, шунинг учун шоир баҳойинг паст бўлмасин десанг, барча куч-қудратингни имтиҳонга қарат ва имтиҳонни аъло баҳоларга топшир, демоқда. Яна Румий имтиҳон борасида фикр юритар экан, қуйидагиларни таъкидлайди:

Имтиҳон бўлганда шартдир ихтиёр,
Ихтиёр бўлгайму ҳеч беиқтидор²⁷⁹.

Шоир фикрича имтиҳон учун кишида майл-ихтиёр бўлмоғи шарт. Майл-ихтиёрни рўёбга чиқариш учун эса куч-қувват, иқтидор лозимдир. “Маснавий” да яна қуйидаги мисралар келтирилади:

Сен синов йўлида топдинг илму фан,
Ул ишончдин паст, гумонлардин баланд²⁸⁰.

Румий синовни гумон ва ишонч ўртасига қўяди ва бунини “Маснавий” да келтирилган “Нўхат” ҳикояти орқали изоҳлайди. Бир нўхат қозонга кирган экан, дод-вой солибди. “Нега мени оташга соласизлар, яна Ойбону капкири билан бошимни эгасизлар”, – дебди. Шунда Ойбону: Сени қайнатишим аламдан эмас. Камситиш ва таҳқир ҳам эмас, бу – имтиҳон. Яъни сен мазали, тотли таом бўлиб жон бағишлашинг учундир”, – дебди.

²⁷⁸ Ўша жойда. –Б. 267.

²⁷⁹ Ўша жойда. –Б. 524.

²⁸⁰ Ўша жойда. –Б. 365.

“Эй нўхат, ўсиб-униб яшнадинг. Энди меҳмон келди, унга куш таом бўлгин. Токи улар сени тановул қилиб мадҳингни куйлашсин”.

Деди Ойбону: Не давронлар бурун,
Мен-да сендек эрдим азжой замин.
Не замонлар қайнадим оташ аро,
Сўнг қуйилдим тотли- тузли бир вақо.
Бир замон ер узра андоқ қайнадим,
Бир замон тан ичра андоқ ўйнадим.
Бас, етишдим, ҳисларим гўё бўлиб,
Руҳ бўлиб, комил бўлиб, усто бўлиб²⁸¹.

Шоир, Ойбону (капкир) образи орқали устоз тимсолини гавдалантирган, яъни:

Қаҳридин олдинда юргай раҳмати,
Имтиҳон этмоғи – меҳри шафқати.

Ҳикоятда нўхат шогирд тимсолида талқин қилинган. Румийда фақат бундай ўхшатишни кузатиш мумкин: нўхатнинг пишиш жараёни ва унга Ойбонунинг ёрдами. Ойбону (уста) нўхат (шогирди)га сабрсизлик ва гумонларини тарқатишга кўмаклашади.

“Маснавий”нинг учинчи китоби сўз бошисида Румий илм борасида гапириб ўтар экан: “Илму ҳикмат Аллоҳнинг лашкаридир. Тангри таоло улар воситаси ила муридлар жонига қувват бағишлар, билимларини билимсизлик, адолатларини зулм ғуборидан тозалар, жўмардликларини риёкорлик, ҳилмларини ақлсизлик балосидан фориғ, мусаффо айлар...” ва яна “Илму дониш жуфт қанотдир, шубҳа-гумон бир қанотли, ноқис шубҳа-гумон парвозга яроқсиз, билимда эса шубҳа ва ҳақиқатга мисол мавжуд,” – дейди²⁸². Румий буюк устоз сифатида илм борасида фикр юритиб инсонни тадқиқ этар экан, ўқитиш усулларини ташқил қилишда **“Ҳар ўқиган кимса ақли етгунча англар, ҳар хизмат этгувчи кимса кучи етганича хизмат этар”**, – деб белгилайди²⁸³. Шоир кишига таълим-тарбия бир хил берилишини, лекин инсон уни ўз дунёқарашига кўра қабул қилишини айтади:

Ул қамишлар бир ариқдин сув ичар,
Биттаси бўм-бўш, бирида қанд, шакар²⁸⁴.

²⁸¹ Ўша жойда. –Б. 367.

²⁸² Ўша жойда. –Б. 289.

²⁸³ Ўша жойда. –Б. 244.

²⁸⁴ Ўша жойда. –Б. 16.

Чунки инсон ундан ортиғини адо этолмайди. У туғилиш, ўсиш, улғайиш, камолот жараёнларини бошидан кечирар экан, воқеа-ҳодисаларни ақлий салоҳияти ва жисмоний қобилияти кўтара оладиган даражада қабул қилади. Шахс индивидуал характерга эга, шунинг учун салоҳият, фаолият, қобилият ва ҳоказолар меъёр билан чегараланмаган, фақат ёш хусусиятлари билан белгиланиши мумкин. Румий шахснинг ёш хусусиятларига эътибор қаратиш ва уларни инobatга олган ҳолда таълим-тарбия беришни таъкидлаб ва таълим ва тарбия беришда рағбатлантириш лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Ҳозирги таълим-тарбия жараёни таълим стандарт асосида ташкил қилинган бўлиб, шахснинг ёш даврларига қараб маълумот берилади. Бунда шахснинг ақлий, жисмоний жиҳатдан маълумотларни қабул қилиш имкониятлари инobatга олинган ҳолда тузилган давлат таълим стандарти (ДТС) да қуйидагиларга эътибор қаратилган:

- ДТС нинг давлат ва жамият талаблари ва шахс эҳтиёжига мослигига;

- таълим мазмунининг инсонпарварлигига;

- педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мазмунида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлигига.

Демак, Румий ўша даврдаёқ инсон манфаатларини унинг истиқболи ва камолотини кўзлаб ўзининг ноёб фикрларини келажак авлодга қолдирган. Унинг бой педагогик меросини ўрганиш ва тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, Румий инсон ва унинг таълим-тарбияси, таълим-тарбия мақсадлари, таълим-тарбия бериш муаммолардан иборат педагогик, дидактик ғояларнинг тўлиқ тизимини яратди ва Шарқнинг ўрта асрдаги педагогика ва дидактикасининг буюк назариётчиси ҳамда амалиётчиси сифатида етишиб чиқди.

Муносиб шогирд. Румий муносиб шогирдларни, муридларни “мурод”, яъни мақсадга интилувчи одам, деб атайди. Муриднинг вазифаси Пири муршид этагини маҳкам тутиб, айтганларига сўзсиз риоя қилишдир.

Мустафодин келди бизга бул тарийк;
Иш амал эрмиш вафодоринг, рафиқ.
Яхши эрса, тоабад ёринг бўлур,
Гар ёмон эрса, жабркоринг бўлур.

Тўғри йўлда кимса этгайдир амал,
 Йўқ эса устози, топгайму самар?
 Майда иш ҳам бул жаҳонда даҳмаза,
 Гар биров заҳмат чекиб, ўргатмаса.
 Аввали илм, сўнг амалдин наф келур,
 Ёки муҳлат, ё ажалдин сўнгра ул...
 Илм истарсен, кибр тўнини еч,
 Камтарин жомасин кий эрта-кеч.
 Илм ўрганмоқ йўли – сўздир магар,
 Иш била комил бўлур касбу ҳунар²⁸⁵.

Румий шогирдликка талабгор шахсларга устоз танлаш, устозга қулоқ тутиш борасида Пайғамбардан қолган ҳадислардан мисол келтиради. У устозсиз ҳеч бир иш ўз мақсадига эришмаслигини, ҳеч бир киши устозсиз комиллик даражасига етолмаслигини ва албатта, шогирд илм олишда камтарин бўлиши кераклигини уқтиради. Румий “Маснавий”да муридга қарата шундай дейди:

Бўлмаса пир, этма сен азми сафар,
 Учрагай офат, неча хавфу хатар²⁸⁶.

Пирсиз муриднинг кўзлаган манзилига, мақсадига етмоғи қийин, чунки одам ўзини-ўзи назорат қилиши мушкул, токи бир киши унга раҳнамолик қилиб йўл кўрсатмас экан. Румий ўз ижодида устознинг шахсий ва касбий фазилатлари, шогирд одоби, шогирднинг устоз олдидаги бурчи ва вазифалари, устоз ва шогирд ўртасидаги робитани тасвирлаб ўтади.

Робита (“алоқа”, “ришта”) – Шарқда тасаввуфга хос бўлган истилоҳлардан бири бўлиб, мурид билан унинг пири (муршид) ёки авлиё (валий) ўртасида пайдо бўладиган руҳий алоқани англатади²⁸⁷. Робитага мурид бутун фикри-зикрини муршид қиёфасига жамлаши, у билан мулоқотга кириши, унга қўшилиб кетиши ва маънавий озуқа олиши билан эришади. Румий: “Каломим туфайли муридлар ботинидан кўтарилгувчи завқ ва хушлиқдирман”, – дейди. Румий фикридаги муридлар ботинидаги завқ ва хушлиқ айни замонда маънавий мафкура, деб аталади. Жамиятимизда шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий мафкурасини шакллантириш нозик жараён бўлиб, у ўқувчилар тафаккурининг шакллантирилиши, мафкураси

²⁸⁵ Ўша жойда. –Б. 537.

²⁸⁶ Ўша жойда. –Б. 98.

²⁸⁷ Ислом (энциклопедия) / З.Хусниддинов таҳрири остида. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 203.

ривожи, ҳаётдаги ўрнини топиши ва ҳаёт моҳиятини тушуниши билан чуқур боғлиқ бўлади. Шу ўринда Румий таълимоти ҳаёт, одам, худо, табиат ҳақидаги саволларга жавоб бериши билан ёшлардаги маънавий мафқурани шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Румий нафақат ўз даврининг ёш авлоди, балки барча замонлардаги ёшларга абадий-маънавий мерос сифатида ўз қарашларини қолдирди. У ўз устозлик фаолияти давомида шогирдларига нисбатан ҳам талабчан, ҳам меҳрибон эди. Унинг энг яқин ва қадрли шогирди Ҳусомиддин Чалабий бўлиб, Румий умрининг охиригача шу шогирди билан ишлади.

Румий бир кун Ҳусомиддинга қараб ўйга толди... “–Эй, Ҳусомиддин, сен бўйнингга арқон солиб маснавиётни сўрайсен. Сенинг шарофатинг туфайли китоб жилд-жилд бўлиб, олдинга жиладур... Лекин кўзи бойланган отдек, назари ноқис нодонларга натижа бўлса, бас, сен кўринмайсен. Зеро, гуллар, бўёқлардан кўзи қамашганлар куннинг шуъласини пайқашмайди. Ҳолбуки, кундузнинг шуъласи бўлмаса, на гул кўринади-ю, на бўёқ. Сен аввало – ибтидо, сен нурил ҳикмасен...”²⁸⁸, – дейди. Ҳусомиддин устоз шарафига сазовор бўлган шогирдлардандир. Унинг шахси ва фаолияти замонлар оша шогирд одоби сифатида кўзга ташланади. Авваламбор, Ҳусомиддин Румий шогирдларининг ичида ўз ишини севиши, унга эътиқод қўйиши, сабр-қаноати, устоз олдида сўзлаганда меъёр сақлаши, устозининг эҳтиромини адо этиши, барча нолойиқ ишлардан бош тортиши билан ажралиб турарди.

Румий “Маснавий”да шогирд одоби ҳақида фикр юритар экан, энг аввало, шогирдларнинг, устоз олдидаги бурч ва вазифаларини қатъий белгилайди. Масалан, бир мурид шайх ҳузурига келибди. Мурид қарасаки, шайх йиғлаб ўтирибди. У шайхга эргашиб йиғлай бошлабди. Шайх йиғидан тўхтагач, мурид ташқарига чиқибди. Шайхнинг ҳолини ундан яхшироқ билган бошқа бир мурид унинг ортидан етиб: Ҳой, биродар, “Шайх йиғлади, мен ҳам унга қўшилиб йиғладим”, деган гапни зинҳор қўнглингга келтирма. Шайхдек йиғламоқ учун ўттиз йил риёзат чекмоқ, наҳанг тўла денгизлардан кечмоқ, арслон-

²⁸⁸ Радий Фиш. Жалолиддин Румий: Тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 37.

лару йўлбарсларга тўла тоғлардан ошмоқ керак. Шунда ҳам ундай кўз ёшларга етарсан, балки йўқ. Мабодо етсанг, икки дунё менга бир қадам бўлди, деб шукрона қил”, – дебди²⁸⁹.

Ҳикоятда Румийнинг ўзи мурид сифатида иккинчи муридга мурожаат қилиб, мурид, энг аввало, устозга садоқатли, итоатли, устоз анъаналарини давом эттирадиган, сабр-тоқатли, иродали, устоз юзини ерга қаратмайдиган, унга чексиз ҳурмат билан муносабатда бўлиши кераклигини уқтирмақда. Бундан ташқари яна Румий қарашларидан шу нарса аёнлашадигани, устоз моҳиятини англаган шогирд, албатта, устоз изини босади ва у ўз-ўзини англайди. Шундай шогирдлар ҳақида “Маснавий”да қатор ҳикоятлар келтирилган бўлиб, бу ҳикоятларнинг ҳар бирида шогирднинг устозга, илмга бўлган чексиз ҳурмати тасвирланган. Асардаги чанқаган киши ҳикоятида, сувнинг атрофи бир баланд девор билан ўралган экан. Бир ташна киши келиб девор устидан туриб сувга термулибди. Сувга бир ғишт отган экан, ногаҳон, сув овози шалоп этиб чиқибди. Хурсандлигидан бирин-кетин сувга ғиштларни ота бошлабди. Сув дод уриб сўрабди: “Эй биродар, менга тош отаяпсан, бирор фойда кўряпсанми?” Ҳалиги киши: “Фойдаси бор, сенинг овозинг мени жонлантиряпти. Ҳар сафар бир ғишт кўпориб сувга отганимда, девор пастлашиб сенга яқинлашяпман”.

Бу ҳикоятда Румий сувни илмга таққосламақда, сув инсонга ҳаёт бағишлаганидек, илм ҳам эгалланган сари инсонни камолотга чорлайди. Девор – илм эгаллаш учун бир тўсиқ. Шогирд илмнинг ҳар бир сирини эгаллашда шу тўсиқларни бирма-бир енгади ва охир-оқибат мақсадига эришади. Румий бу борада шундай дейди:

Илму фан – денгиз, кўринмас унга ҳад,
Толиби илм унда ғаввосдир абад²⁹⁰.

Уқувсиз, бепарво шогирд. Таълим жараёнида яхши шогирдлар қатори ёмон (уқувсиз, бепарво, эътиборсиз) шогирдларни ҳам кузатамиз. Бепарволик (бефарқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик) – кишидаги ўзгалар ҳаётига, атроф-воқеликка эътиборсизлик, лоқайдликни англатувчи тушунча.

²⁸⁹ Жалолитдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 583.

²⁹⁰ Ўша жойда. –Б. 756.

Румий бундай шогирдлар борасида ҳам асарда қатор ҳикоятлар келтиради. Асардаги ғилай шогирд ҳикоятида тасвирланишича, бир устознинг ғилай шогирди бўлган экан. Бир кун устоз шу шогирдига шишаларни олиб келишни буюрибди. Шогирд: “Қайсисини олиб келай, аниғини айтинг”, – дебди. Устози: “У ерда ўзи битта шиша, ғилайликни баҳона қилмай, шишани олиб кел”, – дебди. Бундан жаҳли чиққан шогирд устозидан тана қилмаслигини сўрабди. Устози: “Биттасини синдир қолганини олиб кел”, – дебди. Шогирд бир шишани синдирган экан, иккинчи шиша ҳам йўқолибди²⁹¹.

Ҳикоятда Румий уқувсиз шогирдни ғилай шогирд мисолида тасвирламоқда. Шогирд ўзининг уқувсизлиги туфайли устозининг берган вазифасини бажара олмади. У устоз сабоғини тўғри англаганда, бундай вазиятга тушиб қолмас эди. “Маснавий”да яна шу ҳикоятга яқин “Карнинг бемор зиёрати”²⁹² ҳикояти ҳам мисол бўла олади.

Муаллиф шогирд уқувсизлиги, эътиборсизлиги ва сабрсизлигини ҳажв қилиб вужудига игна билан расм солдирган одам воқеасини келтиради. Қазвинликлардан бири вужудига арслон суратини солдирмоқчи бўлибди ва игна билан расм солувчи устага борибди. Баданига арслон расм солдирар экан, сабр қилолмай ҳар сафар устани ишдан тўхтатиб, арслоннинг янги жойидан солишни айтар экан. Қазвинлик мижознинг бу гапларига жаҳли чиққан уста игналарни ерга отиб: “Худойим, менга тўзим бер. Бу бошимга тушган оламда ҳеч кимнинг бошига тушмагандир. Ҳеч, думсиз, бошсиз, қулоқсиз ва гавдасиз арслон бўладими?! Бундай арслонни ким кўрибди?”²⁹³

Бу ҳикоятни шундай изоҳлаш мумкин. Қазвинлик уқувсиз шогирд тимсолида тасвирланган, устози бераётган билим юкини кўтаролмай қолган шогирд ҳали у, ҳали бу нарсани баҳона қилиб охир-оқибат билим сирларининг бирортасини эгаллаб билмайди ва натижада билими аниқ суратни касб этмайди. Уқувсизлик, авваламбор, эътиборсизлик ва бепарволикдан келиб чиқади. Ҳар билим ёки фанни эгаллашнинг ўз машақатлари бор. Бу билим сирларини ўрганиш учун, биринчи навбатда, устозга қулоқ тутиш, айтганларини бажариш ва сабр-бардошли бўлишни талаб этади.

²⁹¹ Ўша жойда. –Б. 65.

²⁹² Ўша жойда. –Б. 93.

²⁹³ Ўша жойда. –Б. 99.

Яна бир хил шогирдларнинг хусусияти борки уларга ай-тилган гап “бу қулоғидан кириб у қулоғидан чиқади”, яъни айтилган гапга эътиборсиз, масулиятсиз шогирдлардир. Румий бундай тоифага мансуб шогирдларни “Маснавий”да “Аҳмоқнинг севгиси” деб номланган ҳикоят орқали ёритади.

Ўрмонда айиқни катта бир бўғма илон бўғар, белидан ўраб олиб сиқарди. Шу пайт ўтиб кетаётган ўтинчи катта пичоғи билан айиқни қутқарибди. Айиқ эса ўтинчига содиқ дўст ту-тинибди. Буни кўрган қўни-қўшни ўтинчига: “Эй барака топ-гур, айиқнинг дўстлигига ишониб бўлмайди. Аҳмоқнинг дўст-лиги душманликдан батардир. Ҳамжинсларинг қолиб, айиққа ишонма. Уни даф қил, кетсин...”, – дедилар. Ўтинчи ўзича: “Мени айиқдан қизганишяпти, менинг бақувват ёрдамчим борлиги-га ҳасад қилишяпти. Ҳар ҳолда, бир - бирлари билан келишиб олиб айиқдан мени совутмоқчи булар”, – дея ўйлаб, уларнинг гапларига қулоқ солмабди.

Ўтинчи бир куни айиқ билан бирга ўрмонга ўтин кесиш-га кетган экан, чарчаганидан ухлаб қолибди. Бир маҳал, хира пашша келиб ўтинчининг юзига қўнибди. Айиқ дўстига яхши-лик қилиш учун пашшани қувлабди. Айиқнинг жаҳли чиқди. “Пашша ўлдиришдан бошқа чора йўқ”, деб ўйлабди ва югуриб бориб каттакон бир тошни олиб, пашшани ўлдириш мақсадида бор кучи билан ўтинчининг юзига отибди. Тош ўтинчининг юзини мажақлаб ташлабди...²⁹⁴

Ҳикоят орқали қулоқсиз шогирднинг устози насиҳатига қулоқ тутмаганлиги натижасида фожиага учрагани тасвир-лаган. Устоз, авваламбор, кўпни кўрган, илму дониш эгаси, у бирор нарсани билмаса гапирмайди. Шогирд маҳмадонолиги, мақтанчоқлиги, билимда эришган озгина муваффақияти ту-файли ўзидан кетиши натижасида ёмон вазиятларга тушиб қолади. Баъзи бир ноқобил шогирдлар борки, устозларга туҳмат тошини ҳам отишади.

Аҳли нодон билгани зоҳир, тамом,
Ул дақойиқлар қолур кўздин ниҳон²⁹⁵.

“Маснавий”да шу борада қуйидаги ҳикоят келтирилади. Битгаси шайхга бўҳтон қилиб: “У ёмон, ҳеч ҳам бизларни тўғри йўлга бошламайди”, – дебди. Буни эшитган шогирди у

²⁹⁴ Ўша жойда. –Б. 186.

²⁹⁵ Ўша жойда. –Б. 546.

одамни урушиб: “Бировга тухмат қилишдан кўрқмайсанми”, – дебди. Бегона кимса: “Ишонмасанг шайхнинг тунда бориб кўр. У майдан сармаст бўлиб ётади”, – дебди.

Шогирди тунда Шайхнинг уйига борса ҳақиқатан ҳам Шайхнинг қўлида май экан. Бу қандай ҳол, деб ҳайратланиб Шайхдан сўрабди. Шайх муридга май олиб келишни буюриб, майхонага юборибди. Майхонада май ўрнига бол, асаллар билан лиммолим экан. Мурид яна ҳайратланиб: “Бу ерда майдан асар ҳам йўқ”, – дебди. Бўхтончи киши уялганидан Шайхдан узр сўраб: “Сенинг шуҳратинг майни асалга айлантиришга қодир, менинг ёмонлигимни ҳам аритиб, яхшиликка қарат”, – деб йиғлабди²⁹⁶. Румийнинг шунга ўхшаш яна бир маснавийсини келтирамиз:

Нуқта сўйлар шарҳ этиб устои пир,
Англагаймен, унда не илму далил.
Билгани ёлғиз шу деб билсанг ани,
Хас каби ўздин улоқтиргай сени²⁹⁷.

Шогирд устознинг ҳурматини жойига қўйиши керакки, аксҳолда унинг билимига шубҳа қилдими, ўзи уялиб қолади. Жамиятимизда кузатилаётган ютуқлар устозлар меҳнати, ша-рофати орқалидир.

Ўйлаким дарёга жаҳл этса ҳовуз,
Ўз-ўзин мавҳ этгай шубҳасиз²⁹⁸.

Шогирд ҳамиша устозини ҳурмат қилиши, унинг билимини ўрганиши ва камтарин бўлиши керак. У камтаринлик билан фаолият кўрсатса, устозининг ва жамиятнинг олдида ҳурмат қозонади.

“Маснавий” да шоир “Сўфийлар шайхга одобсиз сўфий устидан шикоят қилишгани” борасида ҳикоят келтирилади. Сўфийлар шайх ҳузурига келиб, бир сўфий устидан арз-дод қилишиб: “Ундан бизни қутқар”, – дейишибди. “Айби нимада?” – дебди шайх. “Унинг учта номақбул қилиғи бор. Бир сўз бошласа, чакаги тинмайди, бир ош еса, лаганлаб тўймайди, бир ухласа, ўликдай қотади”, – дейишибди. Шайх буларни эшитиб одобсиз сўфига юзланиб: “Ҳар бир ишда ўртача йўлни, мўътадилликни танла. Меъёр бузилса, инсонийлик ҳам қолмайди”, – дебди²⁹⁹.

²⁹⁶ Ўша жойда. –Б. 229.

²⁹⁷ Ўша жойда. –Б. 570.

²⁹⁸ Ўша жойда. –Б. 227.

²⁹⁹ Ўша жойда. –Б. 233.

Ҳикоятда, устоз оқилона жавоби орқали шогирдини яхши йўлга чорлаши тасвирланади ва шогирд маънавий тарбиясида меъёр тушунчасини сингдириш лозимлигини таъкидлайди.

Ўзни мужрим бил, гуноҳкор ўйла, бас,
Йўқса, юз бургай ўшал устози дарс.
Айтки, жоҳилмен, менга бергил сабоқ,
Бўйла инсоф номусингдин яхшироқ³⁰⁰.

Демак, шогирд илм сирларини ўрганишда манманлик, та-каббурликдан холи бўлиши, камтарин, илмга ташна киши сифатида устоз нигоҳида гавдаланиши керак. Шундагина устоз шогирдига имкони борича барча илм сирларини ўргатади. “Маснавий”да устоз-шогирд муносабати тасвирланар экан, қуйидаги ҳикоят келтирилади. Отбоқарлар ҳуштак чалиб отларни сувга шайлар эканлар. Шунда ҳар сафар ҳуштакни эшитган тойчоқ ҳуркиб бошини кўтариб қўяр экан. Тойчоқнинг онаси бу ҳолни кўриб боласига: “Нега, жоним болам, сув ичаётган пайтинг, дам-бадам бошингни кўтарасан”, – дебди. Шунда тойчоқ: “Ҳуштаги мени ҳуркитади, худди хавф-хатар дарагини бераётганга ўхшайди”, – дебди. Онаси: “Дунёда шундай одамлар борки, кераксиз ишларни орттириб, сени муҳим ишдан қолдиради. Сен ишингдан қолма вақт тиғиз, бўлмаса, сувсоқликдан куйиб қоласан”, – дебди³⁰¹.

Ҳикоятда, устоз ҳамиша шогирдини турли тушунмовчилик ва гумонлардан холи қилиб, диққатини керакли, фойдали нарсага қаратиши ва ҳамиша хушёрликка чорлаши лозимлиги борасида фикр юритилган. Румий ижодида устознинг шахсий ва касбий фазилатларини қуйидаги кўринишларда кузатишимиз мумкин:

- нарса ва ҳодисаларнинг сифатлари билан шогирдларга мисол келтириши;
- осон йўл билан мураккаб билимларни шогирдларга етказиши;
- шогирдларни ўрганишда ва уларга таъсир этишда суҳбатга таяниши;
- эътиборсиз шогирдларга нисбатан қаттиқ қўлик қилиши;
- шогирдларга самимий, ўз фикр ва ҳиссиётларини очиқ ифода қилай олиши;

³⁰⁰ Ўша жойда. –Б. 429.

³⁰¹ Ўша жойда. –Б. 370.

- шогирди (тингловчиси)ни қисқа дақиқада уюштира ва бошқара олиши;
- шогирдларнинг имкониятлари ва қобилиятларига нисбатан тўла ишончни намоёиш эта олиши;
- ҳар бир шогирдининг ҳиссиётлари ва кечинмаларини тушуниши;
- шогирдига ҳаётий ҳикоятлардан мисоллар келтириши ва рамзийликка таяниши;
- таъсир кучига эга бўлган сўзларни ишлатиб, тингловчини ҳайратлантириши;
- шогирдлар ҳам амал, ҳам илм соҳиби бўлишларини исташи;
- шогирдларига билганини ўргатиши;
- зеҳни заиф бўлганларга юмшоқлик кўрсатиши;
- идроки суствларнинг тўмтоқлигини кўриб, мағрурланмаслиги;
- зеҳни, идроки ўткирларга кўрслик қилмаслиги;
- шогирдларини мустақил фикрлашга чорлаши;
- шогирдларига моҳиятни, яъни ўз-ўзини англашни ўргатиши;
- имтиҳон, синов қилиш орқали шогирдларнинг билим даражасини, сифатини аниқлаши, ўзлаштирганлигини текшириши, чидамли-чидамсизлигини аниқлаши, сўраб, текшириб, синаб кўриши ва баҳолаши.

Румий ижодига хос педагогик-дидактик қарашлар мажмуини қуйидагича умумлаштириш мумкин. Румий назарияси инсоннинг шаклланиши, ривожланиши, камол топиши, ўз моҳиятини англашига қаратилганлиги билан фарқланади ва натижада, Румий ижоди орқали устознинг шахсий ва касбий фазилатларини бойитишда, узлуксиз таълим тизимида жорий қилинган “Устоз ва шогирд” анъанасини янада такомиллаштиришда фойдаланиш лозим.

2.3. Комил инсон тушунчаси ва ўз моҳиятини билиш мазмуни

Жамиятимизда маънавият ва маърифат масалаларига асосий аҳамият берилаётган бир пайтда тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунча-

ларга изоҳ бериш тақозо этилмоқда. Бу тушунчалар моҳиятан инсон ахлоқи ва одоби, инсонда шаклланган барча ижобий хислатлар, унинг бошқаларга, жамиятга бўлган муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади. Ҳар бир давлат ўз фуқароларининг билимли, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, маънавий баркамол, бир сўз билан айтганда, **комил инсон** бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов бу хусусда: “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. **Комил инсон деганда, биз**, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”, – дейди³⁰².

Комиллик, камолот, комил инсон ҳақидаги тушунчалар бирор мутафаккир олим ижодини четлаб ўтмаган. Ҳар бир илм кишиси борки, комиллик, комил инсон ҳақида фикр юритади, уни илмий жиҳатдан асослаб беришга интилади. Шу ўринда Жалолиддин Румий ўзининг юксак ижодида комил инсон борасида фикр юритар экан ёзади:

Ҳар кишиким ўз нуқсонин билур,
Ўз камоли манзилига от солур³⁰³.

Румий тарбияда илк қадамни инсон ўз нуқсонларини англаб, уни бартараф қилишдан бошлаши кераклиги ғоясини олға суради. Жамиятимизда комил инсон тарбияси – миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Комил инсон ғоясини амалга оширишга бўлган интилиш инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Комил инсон тарбияси инсоннинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний нуқтаи назаридан етуклик даражасига кўтарилишини кўзда тутди. Жалолиддин Румийнинг биргина “Маснавийи маънавий” асарининг ўзида комил инсон тушунчаси борасида юзга яқин сўз келтирилади. Асарнинг ўзи комил инсон тарбиясига қаратилган, десак муболаға бўлмайди. Асарда шундай мисра келтирилади:

Кўнгли бедорларни ёз, эй маънавий,
Васфига камлик қилур минг маснавий³⁰⁴.

³⁰² Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Баркамол авлод орзу-си. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1998. –Б. 81.

³⁰³ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 106.

³⁰⁴ Ўша жойда. –Б. 281.

Байтда кўнгли бедор зот комил инсонга муқояса қилинмоқда, бундайлар ҳақида мингга яқин маънавий ҳикоятлардан маснавий яратилса ҳам, кам, деган таъриф келтирилмоқда. Румий “Маснавий”да комил инсонни мадҳ этар экан, яна шундай ёзади:

Шу баланд кўк остида ҳар неки бор,
Одамий, жонсиз жисм ё жонивор.
Билмас ўзга дардини, ғофил эрур,
Ўзгаларнинг дардини комил билур³⁰⁵.

Комил инсон ўзгалар дардини билгувчи, унга малҳам бўлгувчи, ёрдам қўлини чўзгувчи, инсонга тўғри йўл кўрсатувчи зотдир, дейилмоқда. Жамият аъзолари комил инсоннинг билими, донишига ҳурмат қилиб эргашадилар. Комил инсонлар қаторига оқил ва доно, камтар ва олижаноб, ҳақиқатпарвар ва фидойи зотларни киритиш мумкин. Комил инсонлар инсон талабини адо қилиб, уларни ҳамиша тўғри йўлга чорлаши, тушкунликка тушсалар, умид уйғотиши, кибру ҳаволи бўлсалар, меъёрни тушунтириши керак. Чунки комил инсонда, аввало, ахлоқий онг ривожланади, одам ва олам тақдирига виждон билан қараш қобилияти шаклланади. Бундай фазилатли кишилар юксак даражада мушоҳада юритиш қобилиятига эга бўладилар. Уларда ақл оддий сўз ва тушунчалардан эмас, балки диёнат, адолат, виждон, иймон-эътиқод, ишқ, дард каби фазилатлар мужассамидан ташкил топади.

Жалолиддин Румий “Маснавий”нинг бошидан сўнгигача инсонни комиллик даражасига кўтарган ички (ботиний) маънавий ишқни тасвирлар экан, комил одам фақат яхшилик излайди, “қўлга тупроқ олса комил, зар бўлур”, “куфр этса комил ул, миллат бўлур”³⁰⁶, – дейди. “Комил инсон – идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммолим покиза зот”дир³⁰⁷.

“Маснавий”да комил инсон образи иймон-эътиқодли, руҳан пок, кўнгли бедор шахс мисолида тасвирланади. Унинг амали, айтган сўзи, юрган йўли инсонларни ўзига эргаштирувчи шахс кўринишида изоҳланади:

³⁰⁵ Ўша жойда. –Б. 348.

³⁰⁶ Ўша жойда. –Б. 57.

³⁰⁷ Ўша жойда. –Б. 130.

Сурат изларсен агар ғофил эсанг,
Гавҳар изларсен агар оқил эсанг³⁰⁸.

Оқил, комил инсон нарса ва ҳодисанинг асл моҳиятини тез-да англайди ва ҳамиша яхшилик тарафдори бўлади. Тарихга назар ташланса, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий белгиси бу инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, инсонпарварлик ғояларига муносабати ва уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади, яъни жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатадиган комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жамиятни фаровон қилишдан иборат бўлган. “Маснавий” да бу борада шундай байт келтирилади:

Нотиқи комил умумга бош бўлар,
Суфра ёзса, турфа-турфа ош бўлар³⁰⁹.

Шоир байтда суфрани мисол келтириб, суфра ёзиш орқали турли-туман таомлар пиширилади, комил инсоннинг ҳам айтган фикр ва қарашларидан инсонлар тўғри йўлни танлайдилар ва улар томонидан турли-туман ижобий фазилатлар намоён бўлади, дейилмоқда. “Инсон фикр ва тушунчдан ташкил топган қолгани суяк ва асабдир”³¹⁰. Демак, инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир.

“Маснавий” да Абдуллоҳ Мағрибийнинг кароматлари ва нури ҳикояти келтирилган. Шайх Мағрибий олтмиш ёшда экан. У сўфийларни дашт аро тунда тиканзор, чуқурлардан эсон-омон олиб чиқибди.

Юргай олдинда ҳамиша нури пок,
Йўлни тўсганларни айлаб чок-чок³¹¹.

Демак, комил инсон ўзига эргашган инсонларни турли ғовлардан олиб ўта олади. У ғовларни енгиб, одамларни қоронғуликдан, тиканзордан, яъни зулматдан олиб чиқади ва уларга шу сифатларни ўргатади, сингдиради. Бундан ташқари, “Маснавий” да комил инсон борасида яна бир ҳикоят – “Ибтидода интиҳони кўрган заргар қиссаси” келтирилган. Бир киши

³⁰⁸ Ўша жойда. –Б. 160.

³⁰⁹ Ўша жойда. –Б. 300.

³¹⁰ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 166.

³¹¹ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 405.

заргарнинг олдига келиб: “Заримни ўлчашга тарозингни бериб тур”, – дебди. Шунда заргар: “Менинг дўконимда ғалвир йўқ”, – дебди. Ҳалиги киши: “Ғалвирмас, тарозу сўраяпман”, – дебди. Заргар эса: “Менда супурги ҳам топилмайди”, – дебди. Ҳалиги кишининг жаҳли чиқиб: “Мен сендан ғалвир сўрадим, нимага ўзингни овсарликка соласан”, – дебди. Заргар: “Кар эмасман биродар, сўзингни англадим. Қўлларинг титраши, жисминг ногиронлиги кексалигингдан далолат беради. Зар дегани тош эмас, қум заррасидан иборат. Қўлларинг титраган пайт сочилиб кетиши мумкин. Шунда сен зар тўкилди, супургинг борми, деб келасан. Сўнг хоку зарни тўплаб, сен мenden ғалвир сўраб келасан”, – дебди. Заргар:

Кўрдим охирни мен аввалда тамом,
Бошқа жойдин сўр тарозу вассалом...³¹².

Ушбу ҳикоятдан шу нарсани англаш мумкинки, комил инсон нарса ва ҳодисанинг ҳолатидан унинг истиқболига ҳам баҳо бера олиши, яъни истиқболни кўзлайдиган, англайдиган киши сифатида шаклланиши керак. Муаллиф “Маснавий”да қуйидаги мисрани келтириб ўтади:

Оқил улким, эртани кўрғай кўзи,
Бўйла кўзга сурма чекмиш Ҳақ ўзи³¹³.

Яна бу борада қуйидаги маснавий келтирилади:

Кимки охирбин эмиш, масъудвор,
Йўл юрар бўлса, қоқинмас бор-бор³¹⁴.

Эртани кўра олган, охирбин, келажакни, истиқболни кўзлаб иш қиладиган инсон кўп қоқилмайди, адашмайди. **“Маснавий”да комил инсон сифатлари ёритилар экан, унга нисбатан мусаффо, ҳабиб, хушнафас, хушкалом, фикратшунос сўзлари ишлатилади.** Яъни Румий комил инсон қалбан соф, дўст, нутқи равон, аниқ фикр юрита оладиган инсон бўлиши керак, дейди ва яна комил инсонларнинг маънавий бойлигидан баҳра олишга чорлайди:

Мағзи-мағз соҳиби эрмиш одамий,
Сен уни изла, талаб қил ҳар дамий³¹⁵.

³¹² Ўша жойда. –Б. 293.

³¹³ Ўша жойда. –Б. 378.

³¹⁴ Ўша жойда. –Б. 487.

³¹⁵ Ўша жойда. –Б. 344.

Румий инсонга мурожаат қилиб, одамий сифатга эга комил инсонларни изла, улар билан ҳамсухбат бўл, улардан ҳамиша илм талабида бўл, дейди. Ҳозирги тараққиёт асрида комил инсон деганда, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, юксак маънавиятли шахс тушунилади. Шундай экан, ҳар бир шахс устозлар ўғитига қулоқ тутиб, жамият равнақи ва унинг тараққиёти учун тинмасдан ўқиши, изланиши керак. “Маснавий” да яна комил инсонга нисбат берилар экан, оқил, доно, фозил иборалари ҳам ишлатилади:

Ақлу иймон миршаби оқил эрур,
Ки, кўнгил шаҳрига ул ҳоким эрур³¹⁶.

Оқил кишига ақл ва иймон ҳамроҳ ва соҳибдир, чунки у инсон кўнглидаги кечинмалардан воқиф, унинг кечинмаларини тушунадиган шахс саналади. Румий оқил, комил инсонларни тараннум этар экан, уларни ҳурмат қиламиз ва уларга эргашамиз, улар билан қалбимизни боғлаймиз, дейди. Румий оқил, доно, фозил кишилар деганда, биринчи навбатда пайғамбарлар, саҳобалар, авлиёлар, сўфийлар, шайхлар, пирлар, устозларни назарга тутуди ва асарда қуйидаги маснавийни келтириб ўтади:

Оқил ул бўлгайки, машғал бирла ул,
Неча карвон аҳлига йўл кўрсатур.
Пайрави нури Худодир, пешрав,
Элни бошлаб, ўзни этмишдир гаров.
Сизга келтирмиш у иймони ҳаёт,
Нури жонига этингиз эътиқод³¹⁷.

Румий оқил кишини “пешрав” деб таърифлар экан, у олдинга борувчи, ҳамма нарсадан огоҳ, илғор, илдам, бошлаб борувчи, етакловчи шахсни назарга тутуди ва оқил кишини кучли иймон-эътиқод кишиси деб билади. Румий бу маснавий орқали оқил кишиларни ҳурмат қилиш, уларнинг меҳнатларини эъзозлаш ва уларни шарафлаш лозимлигини айтиб ўтади.

“Маснавий” да инсондаги комилликни тасвирлаб, “Хўжа ва Луқмон” ҳикояти келтирилади. Бир Шайхнинг Луқмон деган қули бўлган экан. У унга фарзандидан ҳам азизроқ экан. Подшоҳ бир кун шайхдан сўрабди: “Сен нега бунча бу қулингни мақтайсан, уни кўкларга кўтарасан?”

³¹⁶ Ўша жойда. –Б. 446.

³¹⁷ Ўша жойда. –Б. 452.

Шайх Луқмонни чақириб бир тилим қовун кесиб берибди. Луқмон егандан кейин: “Шакардан ҳам ширин”, – дебди. Шайх унга қовунларни едирар экан, бир тилим қолганда: “Ўзим бир еб кўрай-чи, хақиқатан ҳам шунчалар ширинми-кан?” – деб, қовунни тишлаган экан, унинг аччиқлигидан кўнгли беҳузур бўлибди. “Сен нимага бу заҳарни еб, бир оғиз ҳам билдирмадинг?” – дебди Шайх. Шунда Луқмон: “Бу неъматли кўлингиздан тотли таомлар кўп едим, бир маротаба аччиқ ебман, офат эмас, уни ширин деб қабул қилдим”, – дебди³¹⁸.

Румий ушбу маснавий орқали камолотга эришган муридни тасвирлар экан, ундаги камтарликни улуғлайди. Мурид ўзининг камтаринлиги туфайли янада устози хурматига эришади. “Маснавий”да камтарин хислатли баркамол киши борасида, шундай дейилади:

Кўнгли бекибру риёву кийнайе,
 Руҳи султон ҳуснига ойинайе...
 Билмайин кибру ҳаво, ҳою ҳавас,
 Ўзни парҳезкор тутарди ҳар нафас³¹⁹.

Демак, комилликнинг яна бир асосий жиҳати бу кўнглини кийна, кибру ҳаво, ҳою ҳавасдан парҳез тутиш саналади. “Маснавий”да инсон тарбиясига эътибор қаратилар экан, “ўзингга кўнгил кўзинг билан қара”, “оламнинг гултожи сенсан”, “коинотнинг кўз қорачиғи бўлган инсон сенсан”, дейилади. Румий юксак маънавият, камолот борасидаги ҳар бир тушунчани тингловчига етказар экан, пайғамбар ҳадисларидан мисоллар келтириб ўтади:

Деди пайғамбарки, аҳмоқ кимсалар –
 Бизга душман, йўлтўсар шайтон улар.
 Кимки оқил эрса, улдир жонимиз,
 Руҳи – бизнинг руҳимиз, райҳонимиз.
 Майли, оқил этса дашном, розимен,
 Чунки оқил файзининг эъзозимен³²⁰.

Маснавийда пайғамбарлар ҳам комил инсонни хурмат-эҳтиром қилишлари борасида айтилган бўлиб, улар аҳмоқ кимсаларни ўзларига душман деб билиб, комил, оқил кишиларни шарафлаганлар. Уларни ўзларига йўлбошчи деб билганлар.

³¹⁸ Ўша жойда. –Б. 173.

³¹⁹ Ўша жойда. –Б. 646.

³²⁰ Ўша жойда. –Б. 445.

“Маснавий”да Румий комил кишиларнинг хислатлари ва амалларини кўрсатиб берар экан, “Аёз” қиссасини келтиради ва асар давомида бир неча бор Аёзга мурожаат қилади. Ҳикоятга кўра, подшоҳ вазирага бир гавҳар кўрсатибди ва унинг қийматини сўрабди. Вазир унинг нархи 100 харвор зар келади, деб айтибди. Шунда шоҳ Қайкубод гавҳарини синдиришни буюрибди. Вазир: “Мен молу давлатингизга дўстман. Қандай қилиб синдирай?” – дебди. Шоҳ: “Баракалла” деб, унга заррин тўн кийдирибди. Сўнг ҳожибга юзлаиб гавҳарни синдиришни буюрибди. Ҳожиб ҳам: “Бу гавҳар қимматбаҳо. Мамлакатнинг ярмига тенг келади, буни синдириш увол”, – дебди. Сўнг шоҳ гавҳарни амирга, элик-олтмиш бекларга кўрсатиб синдириб, деган экан, барчаси вазирнинг сўзини қайтаришибди. Навбат Аёзга етибди. Аёз мустақил фикрга эга, фаҳм-фарасатли, ўзгаларга эргашмайдиган, заррин тўн, инъомларга учмайдиган экан. Шоҳ ундан гавҳар қийматини сўраган экан, гавҳарнинг ҳеч қанақа қиймати йўқ, дебди. Шоҳ: “Ундай бўлса синдир”, – дебди. Аёз гавҳарни кафтига олиб шитоб билан синдирибди. Шунда сарой аъёнлари: “Аёз кофир экан, у гавҳарни синдирди”, – деб тана-дашном қилишибди. Ўзлари эса шоҳ амри – гавҳарни синдирганларидан беҳабар эканлар³²¹.

Ҳикоят орқали муаллиф комил инсон ўз шахсий фикрига эга бўлиши, биров ортидан кўр-кўрона эргашмаслиги, хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилишдан йироқ, заррин тўн ва инъомларга учмайдиган шахс бўлиши лозимлигини билдирмоқда. Шоҳ Аёз билан маслаҳат қилиб, ўз мақсадига эришади ва шунинг учун асарда шундай дейилади:

Зинда бирла маслаҳат қил, фойдадир,
То тирилтирсин сени, ул қайдадир?³²²

“Маснавий”да комиллик бобида ҳаммага машҳур Аёз борасида яна бир ҳикоят келтирилади. Аёзнинг фазилат ва мартаба бобида ҳаммадан устунлиги, шоҳга ҳаммадан яқинлиги, кийим-бош пулининг ортиқлиги умарога ёқмабди ва улар шоҳга Аёз борасида арз қилишибди. Шоҳ умарога Аёзнинг мартаба-сию эҳтиётлиги борасида бир ҳикоят сўзлаб берибди.

Бир кун Шоҳ ўттиз амир билан овга чиқибди. Қарасаки, йироқдан карвон ўтиб кетяпти. Бир амирга буюрибди: “Бо-

³²¹ Ўша жойда. –Б. 620.

³²² Ўша жойда. –Б. 453.

риб суриштир-чи, қаердан келишаётган экан?” Амир бориб келибди-да: “Карвон Райдин келяпти”, – дебди. Шунда шоҳ яна: “Қаерга кетишаётган экан?” – дебди. Ҳалиги амир: “Бун суриштирмадим”, – дебди. Шоҳ бошқа аъёнга қараб: “Бориб аниқлаб кел-чи, қаердан келишаётган экан?” Амир бориб келибди-да: “Яманга боришяпти”, – дебди. Шоҳ: “Карвонга нима мол ортиб кетишяпти?” – дебди. Ҳалиги амир: “Бунисини суриштирмабман”, – дебди. Шоҳ яна бошқа амирга карвон молини аниқлаб келишни буюрибди. Амир бориб келиб: “Аксарият моли Рай косаси экан”, – дебди. Шоҳ карвоннинг Райдан қачон чиққанлигини сўраган экан, амир жавоб бера олмабди. Шу зайл карвон ҳақида билиш учун амирлари бирин-кетин бориб кела бошлашибди. Шунда шоҳнинг жаҳли чиқиб: “Карвон ҳақида маълумот олиш борасида Аёзни имтиҳон қилган эдим. Бориб карвон қаердан келяпти билиб кел, деган эдим. Беишорат, бебашорат ўзи англаб, барча маълумотни етказди”, – дебди.

Сиз ўттиз карра қатнаб, дардисар,
Ул бориб, бир каррада этмишди ҳал³²³.

Демак, комиллик ақлга ҳам таянади. Комил инсон нарса ва ҳодисанинг моҳиятини беишорат, бебашорат англайди ва масала ечимини тезда топиб, моҳиятини очиб беради. “Маснавий”да шундай дейилади:

Одам – устурлоби васфи зотидир,
Васфи одам – мазҳари оётидир³²⁴.

Байтнинг мазмуни, инсон юксак сифатлар устурлобидир, Ҳақнинг оятлари, далиллари мазҳаридир. Комил инсон саҳийлик, саховат, бағрикенглик, очиққўнгиллилик, яъни яхши хулқ ва хислатлар соҳиби ҳисобланади, чунки уларнинг **кўнгиш кўзи** тарбиялангандир. Комил инсоннинг моҳияти, аввало, жамият-ни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади. Шоир: “Камолотга эришган ақилли инсон ошкор ёки гизли равишда жафоларга шукур қилган зотдир”, – дейди. Комил инсон ва жамият муносабатларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараённи кўриш мумкин. Биринчиси комил инсоннинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. Комил инсон ғоясининг мавжудлиги ва у билан боғлиқ амалиёт жамият ривожланиш

³²³ Ўша жойда. –Б. 620.

³²⁴ Ўша жойда. –Б. 733.

даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Чунки, биз ҳар қандай жамиятни унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси, жамиятнинг характери, унинг комил инсонни тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни эркинлик, мустақиллик комил инсон ғоясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Румий дейди:

Одамий гар шу жаҳоннинг наслидир,
Лек сифот ичра жаҳоннинг аслидир³²⁵.

Инсон бу жаҳонда сифатлари билан баҳоланар экан, унда, энг аввало, салбий сифатлар ўрнини ижобий сифатлар эгаллаши керакки, жамият равнақи, унинг келажаги, авлодлар тинчлиги шунга боғлиқдир. Ҳар бир ўзини комил инсон санайдиган шахс ҳам ўзини тарбиялаб борадики, комилликка эришиш чегараси белгиланмаган. Чунки тасаввуфда тариқат аҳллари чин комилликка эришиш бу – ҳақиқатга эришиш, Ҳақ васлига эришиш деб тушунадилар. Педагогик жиҳатдан комил инсон ижобий сифатлар эгаси, халқ ғами билан ҳамнафас, жамият тараққиётига улкан ҳиссасини қўшувчи ва уларни амалга оширувчи шахс сифатида таърифланади. Комил инсон зоҳирий, яъни ташқи сифатлари билан эмас, балки ботиний, яъни ички дунёси билан инсонларга таъсир кўрсата олиши билан фарқланади. Румий комил инсон борасидаги қарашлари орқали комиллик, оқиллик юкини кўтариш осон эмаслигини, комил кишининг ўйламасдан қилган ёки айтган биргина хатоси халқнинг ундан ишончи пасайишига олиб келишини билдиради. Румий комил инсон сифатларини санаб ўтар экан, воизлик, хушсуханлик, хушкаломлиликни ҳам комиллик кўринишининг асосий сифатларидан деб билади ва шундай маснавий келтиради:

Сўзла сўзим, оқсин ул тўлқин уриб,
Сўнг асрлар қўйнига борсин кириб³²⁶.

Демак, комил инсоннинг сўзлаган сўзи хуш, фойдали ва албатта, маъноли бўлиши керакки, унинг сўзи асрлар оша келажак авлодга тарбия мактабини ўтасин. Юксак маънавиятли шахс ўзлигини, ўз моҳиятини англаган, яшашдан мақсади ва ўз ўрнини биладиган шахсдир. Бундай шахслар юрт тинчлиги,

³²⁵ Ўша жойда. –Б. 499.

³²⁶ Ўша жойда. –Б. 318.

Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини тامينлашга қодир ҳисобланади. “Маснавий” да Румий моҳият борасида фикр билдирад экан шундай дейди:

Лекин, ошнам, моҳият асли нима?
Бул жиҳатни барча ҳам билмас, дема.
Моҳият ул гарчи денгиз ичра дур,
Аҳли комил наздида равшан эрур³²⁷.

Муллиф моҳиятни дегиз ичидаги дурга ўхшатиб, у ўз аслига қараб ўзлигина англаб боради, уни комил кишиларгина англайди ва тушунади, – дейди. Моҳият арабча – ҳақиқат, ҳар нарсанинг асли, туб негизи маъноларидан келиб чиқиб, бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағз сифатида тушунилади. Ҳар бир нарсанинг мазмуни очилган сари моҳияти ҳам аёнлашади. Фалсафий нуқтаи назардан моҳият нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли - туман хоссаларини ва муносабатларини яхлит акс эттиради. Психологик нуқтаи назардан эса моҳиятга, инсоннинг ўзи билан курашиши, ўзини енгиши аффирмация-медитация ҳолатлари орқали эришилади.

Педагогик нуқтаи назардан моҳият нарса ва ҳодисаларнинг мазмуни, уларнинг аҳамияти ва истиқболини кўзлаш, ёшлар тарбиясидаги ўрнини белгилаш билан баҳоланади. Инсон нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини англагани сари ўзини, ўзлигини англай бошлайди. Буюк файласуф Фалесдан (милоддан аввалги 625-547 йиллар) “Энг қийин нарса нима?” – деб сўраганларида у: “Ўзни англаш”, деб жавоб берган экан³²⁸. Инсон ўз-ўзини таниши, англаши, энг аввало, инсон зотининг моҳиятини билишидир. “Бу инсон маънавияти, шаъни, қадрқиммати, обрў-эътибори, ор-номуси орқали намоеён бўлади. Ўз-ўзини англаш инсонга ҳаётининг маъно-мазмуни, мақсадини тушунишга ёрдам беради. Инсон, энг аввало, “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат – ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим?” деган саволларга жавоб излаб, ўз-ўзини англаши ва жамиятда ўз ўрнини топиши лозим”³²⁹.

³²⁷ Ўша жойда. –Б. 351.

³²⁸ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф / Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. –Б. 10.

³²⁹ Наврўзова Г.Н., Раҳматова Ҳ.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2010. –Б. 14.

Жамиятимизда мустақамланиб бораётган миллий ўзликни англашга бевосита алоқадор диний, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тўғри ва соғлом идрок этилишига қаратилган маърифий-тарбиявий ишларни кенг амалга ошириш ва бу борада бугунги кунда бутун жаҳон миқёсида экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳақидаги тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш ва тушунтириш лозим. Чунки “экстремизм ва терроризм одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончига путур етказибгина қолмасдан, турли диний эътиқод вакиллари бўлган халқлар, ҳаттоки, цивилизациялар орасидаги ўзаро ишончга ҳам соя ташламоқда, жаҳон тараққиётининг тамал тоши бўлган халқаро иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда”³³⁰. Шу ўринда Румий қарашларига мурожаат қиладиган бўлсак, “Маснавий”да “Шоқолнинг товуслик даъво этгани” ҳикояти келтирилади. Бир шоқол бўёқчининг хумига тушибди, жунлари турли рангларга бўянибди. Бу ранглар офтобда турли хил товланар экан. Шоқоллар шерикларига: “Бунча безанибсан, бунча кибру ҳавога минибсан?” – дейишибди. Шоқол бўлса: “Мен шоқол эмасман, мен товусман”, – дебди. Шоқоллар ҳайратланиб: “Товус бўлсанг товусдай жилвагар бўл”, – дебдилар. Шоқол бажара олмаслигидан: “Йўқ!” – деб жавоб берибди. Шоқоллар: “Бўлмаса товусдек қичқириб бер”, – дейишибди. Бу вазифани ҳам бажара олмабди. Унда шақоллар: “Сен олдин шоқол эдинг, ҳозир на товус, на шоқолсан”, – дейишибди³³¹.

Ҳикоятда тасвирланган шоқол образи орқали Румий кўркўрона тақлид инсоннинг ўзлигини, маънавиятини йўқ қилишини, фалокатга йўлиқтиришини тасвирлайди. Одамзод қандай бўлса, ўзини шундай қабул қилиши керак, яъни бировларга ҳавас қилиб кўр-кўрона тақлид этиш ўзликни йўқотишга олиб келади. Бундай кимса жамиятда шахс сифатида шакллана олмайди. “Маснавий”да келтирилишича:

Сўнги ўзлик аввалини излагай,
Соғиниб келгай, висолин кўзлагай.

³³⁰ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув қўл. / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. –Б. 115.

³³¹ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 266.

Сенда сендин ўзга сенлик бор, қўзим,
Ўзлигин билганга ман қурбон ўзим³³².

Байтнинг мазмунига кўра инсондаги ўзини англаш якка ва умумийнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлади. Аллома сенликдан кечиб, ўзлигингни англа, – дейди ва ўзлигини, ўз моҳиятини англаган инсонга “ман қурбон ўзим”, – деб шарафлайди. Ўзликни англаш – инсоннинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борликдан ажрата билиши, баҳолаши ва қадрият сифатида англашидир. Ўзликни англаш шахснинг ўзининг ҳақиқий инсон, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси ва улар учун масъул эканини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлари ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланади.

“Маснавий”да ўзини, ўз моҳиятини тушунмаган инсон борасида бир воқеа келтирилади. Бу ҳикоятга кўра, бир одамга катта мерос қолибди. Бироқ “осон келган, осон кетади”, деганларидек, тадбир билан сарфламабди, қисқа пайтда бутун бошли меросни тугатибди. Қўлида нима бўлса, еб битирибди. Ҳеч вақоси қолмагач, Аллоҳга юкинибди, ҳар оқшом кўз ёши тўкиб дуо қилибди: “Ё Раббим! Менга бойлик бердинг, мулк бердинг. Ҳозир эса улар қўлимдан кетди. Айбимни биламан. Хато қилдим. Менга ёрдам қил, мени қутқар бу зиллатдан. Ё марҳамат қилиб бир тирикчилик бер ёки жонимни ол!”

Кунлар, ойлар ёлворишлар билан ўтибди. Ниҳоят бир кеча туш кўрибди. Бир овоз унга: “Сен Мисрда бор, ўша ерда омадинг чопади – у ерда бой бўласан. Мисрда топадиган хазинанг сени кутяпти”, – дерди. Одам уйғонганда севинчидан ичига сиғмабди. Дарҳол Мисрда кетишга ҳозирлик кўрибди...

Неча кун Мисрда оч, сувсиз кезиб юрибди. На хазина, на бирорта қўлидан тутгандан дарак бўлибди. Чорасизликдан тиланчилик қилишга қарор қилибди, аммо “Оқшом тушгач, тиланчилик қиламан, қоронғуда ҳеч ким мени танимайди”, – деб ўйлабди. Қоронғуда маҳалла ичларини кезибди. Энди қўл очишга чоғланган экан, маҳалла миршаби пайдо бўлиб, уни ўғри деб ўйлаб, дўппослай бошлабди. Жони оғриган одам, “Урма! Тўғрисини айтаман”, – деб ёлвора бошлабди. Миршаб, “Яхши... бегоналигинг ҳолингдан аниқ. Тушунтир, йўқса ҳамма

³³² Ўша жойда. –Б. 752.

ўғриларнинг аламини сендан оламан”, – дебди. Одам бошидан ўтганларини айтиб берибди. “Кўрдингми, мен ўғри эмасман. Хазина илинжида Мисрга келган ғариб бир бечораман”, – дебди. Миршаб ишонибди ва кулиб, “Сенга ишондим, сен ўғри эмассан, аммо ғирт аҳмоқсан. Мен анча йиллардан бери “Боғдодда фалон маҳалладаги фалон уйда хазина кўмилган” лиги ҳақида туш кўраман, лекин сендай аҳмоқлик қилмадим”, – дебди. Одам ҳайрон қолибди. Миршабнинг тушида кўрган манзили ўзининг манзилига тўғри келар экан. У ўз-ўзига: “Демак, мен хазина устида ўтирган ҳолда фақирликдан нолиб йиғлар эканман”, – деб Аллоҳга шукр қилибди³³³.

Ҳикоятда инсондаги моҳият ўз-ўзида бўла туриб, уни англамаслиги тасвирланган. Хазина кўчма маънода инсоннинг ўзлиги, ўз-ўзини англашидир. Хазина қидираётган инсон, охир-оқибат, хазина ўз уйида эканини ва хазина ўз уйида бўла туриб, уни англамаганини тушунади. Румий наздида ўзликни англаш ўз моҳиятини тушуниш билан ифода этилади. “Маснавий” да келтирилган яна бир байтда шундай дейилади:

Ҳақни топдинг, ўзгалардин не самар,
Ҳақ дилингда, нега изларсен башар?³³⁴

Яна бир “Маснавий”нинг таржимасида: “Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий сен илоҳий сен”, – деб келтирилади. Яъни инсон ниманидир қидиради, ўзаро талашади, ўзида бўлса ўзгаларга раво кўрмайди, ўзгаларда бўлса кўролмайди. Румий инсон азалдан тақдир ҳақиқатидан бохабар бўлса ҳамки, нимага бир-бирига озор беради. Инсон, сен буюк қудрат, буюк хислат эгасисан, уни фақат тўғри амалларинг орқали намоён этишинг мумкин, дейди.

Асардаги туя, ҳўкиз ва кўчқор ҳикоятида маъно борасида баҳс юритиб, моҳиятдан бебаҳра қолганлар ҳақида фикр юртилади. Туя, ҳўкиз ва кўчқор йўлда бир чимдим кўкатга дуч келишибди. Кўчқор: “Кўкатни учга бўлиб есак, ҳеч ким тўймайди. Келинлар, яхшиси, ҳар киши ўз тарихини сўйласин, кимнинг ёши улуғ бўлса, ўша ўтни есин”, – дебди ва “Ёшим анчайин улуғ, Исмоил пайғамбарга бориб тақалади”, – дебди. Ҳўкиз бўлса: “Менинг ёшим улуғроқ. Мен туфайли кўш кўшиб, кўш ҳайдаган Одам Ато”, – дебди. Туя кўчқор ва ҳўкиз ҳикоятини

³³³ Ўша жойда. –Б. 766.

³³⁴ Ўша жойда. –Б. 302.

тинглаб, бош эгиб кўкатни узиб олиб, бир икки чайнаб ямлаб ютибди. Туя: “Тарихни айтиш шартми. Эсли-хушли одам жуссамга қараб ёшим сиздан кам эмаслигимни сезади”, – дебди³³⁵.

Ҳикоятда тасвирланган воқеада инсон моҳияти унинг мартабаси билан баҳоланмайди, инсон моҳияти оддий ҳақиқат – унинг ўзлиги билан баҳоланади. Инсон ўз моҳиятини англаши учун, далил-исбот керак эмас, уни фақат қалб билан ҳис қилиб бўлади, дейилмоқда. Румий ўз моҳиятини англаган инсон:

- ҳаётга тўғри қадам қўядиган;
- ёмон сўзлардан тилини тиядиган;
- ёмон ишдан йироқ юрадиган шахсдир, дейди³³⁶.

Шоир “Маснавий”да келтирган чумоли ҳикоятида ҳам, чумолилар қоғоз устидан ўтиб кетишар экан, биттаси қоғоз устидаги қаламни мақтабди: “Қаламни кўринг, қоғозга чиройли нақшлар солибди”. Кўзи ўткир чумоли эса: “Бармоқларга қаранг, ҳамма ишни у бажаряпти”, – дебди. Учинчи чумоли эса: “Бу хунарнинг барчаси моҳир қўллардадир”, – дебди. Улар суратга маҳлиё бўлиб, моҳиятдан четда қолишган экан. Чумолилар Ҳақ амрисиз ҳеч нима яратилмаслигини унутишган кўринади³³⁷.

Ўзлигини англаган инсон Оллоҳни англайди. “Инсон руҳи Оллоҳдан ажралиб, “Оллоҳга қайтар экан” (Қуръон ояти), у албатта юксалиб, ирфон нуридан баҳраманд бўлиб бориши лозим. Бўлмаса, моҳиятлар моҳияти, жамики ҳақиқатлар ҳақиқати – Ҳақ таолони англамай, ҳодисалар, аразлар, суратлар ичида ўралашиб қолади. Албатта, Румий сурат ва ҳодисалар оламини инкор этувчи эмас. У тажаллиёт фалсафасининг мутафаккири сифатида Оллоҳ нурининг бутун мавжудот бўйлаб тарқалиши ҳар бир нафислик оҳанглар, ҳаракатларда бу нур зуҳур этишини ғазалларида тараннум этган. Аммо у ҳодиса ва сурат билан чекланишга қарши. Киши оламнинг ўзини, ҳодисаларини идрок этиш билан чегараланмасдан, ҳодисадан моҳиятга қараб бориши даркор... камолот сари интилганлар йўлда тўхтаб қолиши мумкин эмас”³³⁸.

³³⁵ Ўша жойда. –Б. 713.

³³⁶ Ўша жойда. –Б. 234.

³³⁷ Ўша жойда. –Б. 498.

³³⁸ Жалолоддин Румий. Маънавий маснавий: Куллиёт. Ж.1. К.1. (Таржима шарҳи билан) / Таржимон Асқар Маҳкам. –Т.: “Шарқ”, 1999. –Б. 10.

“Маснавий” да қуйидаги мисралар келтирилган:

Қимки менсиз эрса, менлар унга дўст,
Ўзига нодўст эрур мардумга дўст.
Ойина суратисиз эрса, не етар,
Ҳар не суврат эрса, унда акс этар³³⁹.

Байтдан англашилишича, ўзини англамаган, ўз шахсий фикрига эга бўлмаган кишиларга ҳамма йўлбошчилик қилади, бундай кишиларга ҳамма ўз фикрини сингдирмоқчи бўлади. Шоир, “мен” лигини, ўзлигини англамаган инсонларни, суратсиз ойна мисолида тасвирлайди ва у ойнада фақат ўзгаларнинг сурати намоён бўлади, яъни ўзини танимаган одам фақат ўзгаларнинг фикри билан юради, деб таъкидлайди.

Ўзлигини нотўғри англаш инсонни, биринчи ҳолатда, ўзига ортиқча баҳо бериш ва кибру ҳавога берилишига олиб келса, иккинчи ҳолатда, ўзига паст баҳо бериш – ўзидаги иқтидор, истеъдодни очолмай, фаоллиги етарли бўлмасликка, пасив, умидсиз, инқироз ҳолатига туширади. Бу икки ҳолат ҳам инсон камолотига ёмон таъсир кўрсатади. Демак, жамиятда фаолият кўрсатаётган ҳар бир шахс миллий ўзлигини, ўз моҳиятини англаши, ўз шахсий фикрига эга бўлиши лозимки ўзгаларнинг ёт фикрлари уни йўлдан адаштирмасин. Чунки, ўзликни англаш жараёнида билиш объекти ҳам, субъекти ҳам инсоннинг ўзи бўлади. Инсон ўз-ўзини англаш жараёнининг қуйидаги шакллари мавжуд:

Биринчи шакли – ўз-ўзини ҳис қилиш, яъни ўзини, ўз жисмини қуршаб турган дунёдаги предметлар, ҳодисалардан фарқини билиш.

Иккинчи шакли – жамиятдаги ўз ўрни, шу жамият аъзоси, аниқ фаолият эгаси, маълум ижтимоий гуруҳга мансублигини билиш.

Учинчи шакли – ўзини фуқаро сифатида англаш, ўз ишлари учун масъуллиқни ҳис қилиш, ўз фаолиятини назорат қилиш, ўз-ўзига баҳо бера оладиган, ўз-ўзига ҳисоб бера оладиган шахс даражасига етиш.

Румий дейди:

Кўзни юмгил кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурму ҳақни кўрмас бўлса ул...

³³⁹ Жалолитдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 588.

Яъни ўзликка эришиш учун кўз ва кўнгил бирлиги, “тил ва дил бирлиги”га эришиш лозим. “Маснавий”да келтирилган ҳикоятга кўра, бир киши дўстининг уйига меҳмонликка келибди. Эшикни қоқибди. Ичкаридан “Ким” деган овоз келибди. “Мен”, – дебди меҳмон. Мезбон жавобни эшитиб, “Бор, сендай хом одамга бу ерда жой йўқ”, – дебди. Меҳмон куйиб-пишиб, яна дўстининг эшигини тақиллатибди. “Ким”, – дебди мезбон. “Мен ўзингман, эй дўстим”, – дебди меҳмон. Шунда эшик очилди: “Агар сен мен бўлсанг уйга кир, чунки бу уйда иккита менга жой йўқ”, – деган экан мезбон. Румий ёзади:

Икки ип бир игнадан ўтмайди чин,
Битта ип эрсанг агар, ўт игнадин³⁴⁰.

Бу ҳикоят мазмуни инсон ўзлигини англасагина менлигини англайди. Қачонки инсонда иккилик мену сен экан, яъни зоҳирий – суръат ва ботиний – маъно гармония(уйғунлик)да бўлмас экан, инсон ўз моҳиятини ҳеч ҳам англай олмайди.

Ўзликни англаш жамият олдида турган вазифаларни тўғри англаш, ижтимоий тажрибалардан фойдаланиш, қонуниятларини билиш, Ватан, миллат олдидаги масъулият туйғуси ҳамдир. Румий маънавиятнинг асосий вазифаси, маънавиятнинг маъно-моҳияти, илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналарини келтириш билан бир қаторда, буларнинг инсон ўзлигини англашидаги таъсирини такрор ва такрор ёритиб беради ва “ўзини англаган инсон бахтлидир”³⁴¹, – деб таъкидлайди.

“Маснавий”да маъно ва моҳиятни англамайдиган шахслар борасида ширакайф шоҳ ва чолғучи ҳикояти келтирилган, бу ҳикоятга кўра, ширакайф турк амири тонгда уйғониб чолғучини чақирибди. Чолғучи турки маст олдида ашула бошлабди, ашуланинг ҳар бир сатри “Билмадим” сўзи билан бошланар экан.

Билмадим, ойдирму кундир тобишинг?
Билмадим, мендин не эрмиш хоҳишинг.
Билмадим, не турфа хизмат айлайин,
Жим турайму ё ибодат айлайин?
Бул ажабким, мен била бир жойдасен,
Билмадим, мен қайда-ю, сен қайдасен?
Билмадим, қай бир маконда тортасен?
Гоҳ саройга, гоҳи қонга тортасен.

³⁴⁰ Ўша жойда. –Б. 103.

³⁴¹ Ўша жойда. –Б. 436.

Амир сакраб туриб чолғучи қошига қамчи уриб борибди. Шу пайт илқидан бир саркарда тутиб: “Мутрибни авф этинг. Уни ўлдирмак сизга ярашмас”, – дебди. Шунда амир: “Бир сўз-ни такрорлаб мени ўлдирди-ку, энди шу қамчи билан уни ўлдираман. Эй нодон, билмасанг, бирорта билганинг бордир. Қаерликсан? Кимсан? Нима единг? Нима қилдинг? шундан куйла”, – дебди. Шунда мутриб: “Бу куйда мақсадим яширин” – дебди³⁴².

Ҳикоятда амир ўз моҳиятини билмаслиги натижасида хонанда куйлаган куйни тушунмай, унга танбеҳ беради, ваҳоланки, чолғучи биладигани – амирнинг аҳволи, нафс ва ҳирсдан саргардонлиги борасида куйлар эди.

Румийнинг қарашларида ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик бу инсоннинг ўз моҳиятини англаши, деб талқин қилинади. У доимо шогирдларига қарата шундай дейди: “Сен ҳамма нарсани унутишинг мумкин, фақат бир нарсани унутмасанг, бас: дунёга не учун келдинг? Ўзингни арзон-гаров сотмагайсен, илло, сенинг баҳойинг баланд... Сен балки эътироз этарсен: мен олий амаллар ила банд мен... Илми ҳуқуқ, илми ҳайъат, илми тиббиёт ўрганмоқдамен... Лекин булар барчаси ёлғиз ўзинг учун, холос. Моҳиятинг учун эмас. Илло, талон-торож этишмасин, шарманда қилишмасин, ўлдиришмасин деб илму ҳуқуқ ўрганасен. Юлдузларга боқиб, молмулк баҳосини белгилай, зарур хайрли кунни тайин этишга қодир бўлай, деб илми ҳайъатга қўл ургансен. Тиббиётдан мурудинг – танингни парваришлаш. Аммо сен танҳо тандан иборат эмассен-ку! Танинг – от, сен – суворийсен. Ақлли суворий отни охурсиз қўймагай, лекин ўзи ўша охурга тушиб ётмагай. От емиши суворийга озиқ бўлмас. Сен отни ўз йўлингга эмас, от сени ўз йўлига солмиш... сен бутун бир дунёга арзигуликсен. Эвоҳки, ўз баҳойингдан ўзинг беҳабарсен!”³⁴³

Румий инсон ўз моҳиятини англаши борасида шундай куйиниб сўзлайди ва инсоннинг танаси руҳни бошқармасин, руҳи ва қалби танани бошқарсин, дейди. От – инсон танаси, суворий – инсон ўзлиги (руҳи), емиш – таълим-тарбия. Ўзлигини англаган инсонгина руҳини маънавият, танасини маданият

³⁴² Ўша жойда. –Б. 658.

³⁴³ Радий Фиш. Жалолитдин Румий: Тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 22.

орқали бошқаради ва натижада маърифатли шахс, комил инсон даражасига етади.

“Маснавий”да келтирилган Аёзнинг фаросати ҳикоятига кўра, саройда хизмат қиладиган Аёз деган кимсанинг бир қулфланган хужраси бўлар экан ва у хужрасига ҳар кун қатнар экан. Ҳамма шу хужрада нима борлиги билан қизиқиб қолибди. Бу хабарни Шоҳга етказишибди. Шоҳ хужрасини тинтув қилинг, хужрасида нима яширинганини билинг, деб буюрибди. Шунда машъала ёқиб, бир неча паҳлавон Аёзнинг додини берамиз, деб унинг хужраси томон юришибди. Хужрага етиб келиб, уни тинтув қилишибди. Деворларини, томларини синдиришибди. Эски чориқ ва пўстиндан бошқа ҳеч нима топишолмабди. Аёз хужрага ҳар кун бориб, чориғу пўстинига кўз ташлаб келар экан. Хужрасини бузиб ҳеч нима топмагандан кейин одамлар шоҳ олдига боришибди: “Бир қошиқ қонимиздан кечинг. Биз сизга ёлғон хабарни етказибмиз. Аёзнинг хужрасидан эски чориқ, пўстинидан бўлак ҳеч вақо топмадик”, – дейишибди. Шоҳ бу гапларни эшитиб: “Жазони мен эмас Аёз берсин”, – дебди ва Аёзни чақириб: “Уларга ўзинг жазо бергин. Хоҳласанг авф эт, истасанг жазо бер”, – дебди³⁴⁴.

Бу ҳикоятда Аёзнинг камтаринлиги, ўзлигини англаши, мол-дунёга ҳавас қилмаслиги, яъни руҳи ва қалби танасини тарбиялагани акс эттирилган. У моҳиятини тушунган шахс сифатида гавдаланади. Инсон ўз ҳаётини олдинги ва ҳозиргисини таққослаш ва кейингини, истиқболни кўзлаб куриши керак, шундагина у ўз-ўзини англайди. Шу ўринда муаллифнинг “Маснавий”да келтирилган ўзидан, ўз моҳиятини англашдан қўрқиб қочган инсон ҳикоятини келтирамыз. Ҳикоятга кўра ер юзидаги бутун жонзотларга ҳукмрон бўлган ҳазрат Сулаймоннинг Ямандаги саройига пешиндан олдин бир содда одам хавотир билан кирибди. Сулаймон ранги-рўйи ўчган, қўрқувдан титраётган одамдан сўрабди: “Тинчликми, нима гап? Бу қўрқувнинг боиси нима? Нима дардинг бор? Айт менга!” “Бугун тонгда менга Азроил учради. Менга жаҳл билан қаради ва дарҳол узоқлашди. Жонимни олишга аҳд қилган кўринади”, – дебди ҳалиги одам.

³⁴⁴ Жалолитдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 568.

“Хўш, нима қилишни хоҳлайсан?” – дебди Сулаймон. Одам ёлворди, “Эй жонларнинг қўриқчиси, мазлумлар нажоткори Сулаймон! Сизнинг қўлингиздан келади. Бўри, қуш, тоғ, тош амрингизда, шамолга буюринг, мени узоқ Ҳиндистонга олиб борсин. Балки шунда Азроил мени тополмас, шунда жонимни сақлайман. Умидим сиздан”. Сулаймон одамнинг ҳолига раҳми келибди. Шамолни чақириб буюрибди: “Ҳозироқ бу одамни Ҳиндистонга олиб бор”. Шамол зум ўтказмай буйруқни бажарибди.

Эртаси кун ҳазрат Сулаймон девонни тўплаб, келганлар билан кўриша бошлабди. Не кўз билан қарасаки, Азроил ҳам уларнинг орасида турарди. Дарҳол ёнига чақириб сўрабди: “Эй Азроил, кеча у одамга нега жаҳл билан қарадингиз. Жонини олсангиз, олинг эди. Бироқ бечоранинг ўтакасини ёрибсизку”. Азроил жавоб берибди: “Эй дунёнинг улуғ султони. Мен у одамга жаҳл-ғазаб билан боқмадим, балки ҳайрат билан қарадим. У нотўғри тушуниб, ваҳимага тушибди. Тўғриси, уни бу ерда кўриб ҳайрон қолдим. Чунки Аллоҳ таоло менга: “Қани, бор, бу кеча ўша одамнинг жонини Ҳиндистонда ол”, – дея амр қилганди. Бу одамнинг юзта қаноти бўлса ҳам, Ҳиндистонга бу кеча бўлолмаслигини ўйлаб ҳаратландим.

Сен ўзингдан-ку қочолмассен, аниқ,
Бас, нетиб Ҳақдин қочарсен, эй рафиқ!³⁴⁵

Румий таълимотида, Ҳақ қалбингда, ундан қочиб бўладими, қаерга борсанг ҳам, у сен билан биргадир, дейилмоқда. Ҳикоят орқали инсон қилган хатоси ёки ёмон ҳолатдан қочишга уриниши тасвирланган бўлиб, инсоннинг ўзида яхши ё ёмон хислат мужассам, у қаерга бормасин яхши ва ёмон хислати у билан бирга. Яхши хислати билан мартабага эришади, ёмон хислати билан жазоланади, бундан қочиб бўлмайди. Қачонки ёмон хислатлар ўрнини яхши хислатлар эгаллар экан, инсон бирор нарсадан қочишни ўйламайди. У ўзидан қочиб бўлмаслигини англайди. “Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўла олмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одам ҳал қилади”³⁴⁶.

³⁴⁵ Ўша жойда. –Б. 37.

³⁴⁶ Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 72–74.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Румийнинг бизга қолдирган комил инсоннинг маънавий шаклланганлик даражасини куйидаги кўринишда кузатишимиз мумкин: кўнгли бедор, мусаффо, ўзгалар дардини билгувчи, яхшилик изловчи, халқни ўзига эргаштириб билувчи, ғовларни енгувчи, зулматдан халос этгувчи, истиқболни кўзлагувчи, ҳабиб (дўст), хушнафас, нотик, хушкалом, оқил, доно, фозил, фикратшунос (тўғри фикр юрита оладиган), иймон-эътиқодли, пешрав (илдам борувчи), ўз шахсий фикрига эга, нафс ва ҳирсини жиловлаган, камтарин, нарса ва ҳодисалар моҳиятини англайдиган. Румий келтирган бу тушунчалар орқали жамият ёшларига ўзлигини ва ўз моҳиятини англашга кўмаклашиш ва бунинг натижасида уларда масъулият, жавобгарлик ҳиссини уйғотиш мумкин.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Биринчидан, Устоз, энг аввало, илмли бўлиши, илми шоғирд кўнглига сингдириши ва шоғирдини севиши керак. Чунки, тарбиялаш – бу ўзига ўргатиш эмас – бу озодлик; тобе бўлмаслик – озод бўлмоққа чақириш, ўқитиш бу аниқликни эмас ноаниқликни ўргатиш, бу ёдлаш эмас, бу ижод бўлиши керак. Ўрганиш ахборотни тўплаш эмас, ўрганишни тезлатишни тақозо этади. Румий қарашларида тарбиявий жараёнлар олдиндан формулалар асосида тузилган жараён бўлмасдан, устоз-шоғирд узвий муносабатлар жараёни натижалари ҳисобланади.

Икинчидан, Румий комил инсон борасидаги қарашлари айна тараққиёт асридаги шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласига катта кўмак беради. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнида уларнинг ҳаётга бепарволик билан қарамаслиги, эҳтиёткорликни, ҳар бир ҳаракатига масъулият ҳиссини йўқотмаслиги, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ва ўз вазифасини астойдил бажаришга ундайди. Катталарни ёшларнинг ҳаёти билан қайғуришлари, уларнинг вояга етмай туриб турмуш қурмасликлари, ёшларни турмушга тайёрлаш каби масалаларни ечишга ёрдам беради. Бу масалалар ечими жамиятда кузатилаётган ҳаддан ортиқ дабдаба ва ҳашаматларга берилиш, ажралишлар, гиёҳвандлик

ва турли хил касалликларнинг олдини олган бўларди. Румий моҳиятни денгиз ичидаги дурга ўхшатади ва инсон нарса-ҳодисаларнинг ўз моҳиятини англагани сари ўзини, ўзлигини англай бошлайди, дейди. У ўзини англаган кишини бахтли киши дейди ва ўзлик албатта қалб орқали анланади, инсон моҳияти тил ва дил бирлигидир, дейди. Шу билан бирга, Румий ўзликни анлаган инсонга руҳи танасини ўз йўлига солган инсон, деб таъриф беради ва яна инсон ўзини ўрганиши, ўзини англаши керак, чунки барча нарса унга мужассамдир, дея таъкидлайди. Алломанинг бу қарашлари ҳар тамонлама баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

“МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ” АСАРИДА ИНСОННИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

- 3.1. Иймон-эътиқодли,
бағрикенг инсонни
тарбиялаш
- 3.2. Иродаси мустаҳкам
инсонни тарбиялаш
- 3.3. Инсонда қалб поклиги
ва виждон уйғоқлигини
тарбиялаш

3-БОБ

3-БОБ. “Маснавийи маънавий” асарида инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари

3.1. Иймон-эътиқодли, бағрикенг инсонни тарбиялаш

Шахс оила, маҳалла ва жамиятдаги тарбия жараёни қонуниятлари ҳамда тамойиллари асосида тарбияланади ва камол топади. Шахс иймон ва эътиқоднинг шаклланишида уни ўраб турган ижтимоий муҳитнинг муҳим ўрни бор. Иймон шахс маънавияти категорияси бўлиб, иймонлилик тарбияланганлик билан баҳоланади.

“Иймон” арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси “ишонч” демакдир. Иймон маънавий – ахлоқий фазилат сифатида фақат одамзодгагина хос руҳий ҳодисадир. “Иймон” тушунчаси диний ва дунёвий мазмунга эга бўлиб, дунёвий иймоннинг ўзаги одамийликдан иборатдир. Унинг таркибига кирадиган унсурлар, қирралар, жиҳатлар ғоят турли - тумандир. “Одамийлик” деганда халқнинг узоқ тарихи давомида турли синовлардан ўтиб, сайқал топиб келаётган ва фақатгина ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган ахлоқий қадриятлар тушунилади. Диний иймон олий бир ибтидога ишонч руҳининг қалбда қарор топишидан келиб чиқиб дунёни англашдир, яъни “Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишдир”³⁴⁷. Диний ва дунёвий иймоннинг моҳиятида андак тафовут бўлса ҳам, уларнинг мазмуни ва шаклий тузилиши бир хил. Чунки иймон шахс маънавий-руҳий оламида қайси йўналишда қарор топма-

³⁴⁷ Ислом (энциклопедия) // 3.Хусниддинов таҳрири остида. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б. 116.

син, унинг шарти, асосан, биттадир. Яъни иймонли одамнинг сўзи билан иши бир бўлади. Бундай инсон ҳар қандай шароитда ўз сўзи ва аҳдида туради. Агар шундай қилмаса, виждон азобида қолади ва ўзини-ўзи сира кечирмайди. Демак, виждон, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, инсоф-диёнат, саховат, мурувват, адолат, халқ ва ватан ишқи билан яшаш фақат иймони бутун одамларгагина хос фазилатлардир.

Иймон-эътиқод масалалари Румий асарларида ҳар томонлама таҳлил этилган. У “Маснавий”да шундай ёзади:

Сен иймонни тоза тутгил ҳам омон,
Бўл амин кибру ҳаводин ҳар замон³⁴⁸.

Румий иймонни тоза, омон ва кибру ҳаводан холи тушунча сифатида кўрсатмоқда. Иймоннинг тозалиги – у иймоннинг мазмун моҳиятини тўғри англаш, иймон бутлиги – яхши хусусиятларга эга бўлиш, иймонда кибру ҳаводан холи бўлиш эса иймонга амал қилишдир. Румий инсондаги иймонлиликнинг кўринишини шундай очиб беради:

Деди Пайғамбар: эваз имкони йўқ,
Кимда сабр йўқдир, демак иймони йўқ³⁴⁹.

Сабр иймоннинг асосий шартидир. Чунки сабр инсонларнинг турли-туман зиддиятли воқеа-ҳодисаларга бардош қила олишини ифодалайди. Шунинг учун Румий иймон тарбиясида сабрнинг ўрни беқиёслигини кўрсатиб ўтади ва бу ҳақда “Маснавий”да **“Мустафо (с.а.в.)нинг этиги”** қиссасини келтиради. Мустафо (с.а.в.) намозга шайлана туриб этикларини киймоқчи бўлибдилар, шу пайт ногаҳонда ҳаводан бир бургут тушиб этикларини олиб кетибди. Куш этикни ҳавога кўтарибди ва тўнқарган экан, ичидан қора илон тушибди. Шунда Мустафони қора илондан Аллоҳ лутфи сақлаб қолибди:

Шунда шукрон этди кушга Мустафо,
Биз жафо деб ўйласақ, эрмиш вафо.
Келса бошингга балойи ногаҳон,
Яхшиликка йўй уни сен бегумон³⁵⁰.

Иймон уч нарсанинг бутунлигидан ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод – чин дилдан ишониш; иқрор – сўзда

³⁴⁸ Жалололдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 41.

³⁴⁹ Ўша жойда. –Б. 148.

³⁵⁰ Ўша жойда. –Б. 339.

буни тан олиш; амал – ишончни яхши ишлар билан исботлаш. Иймон шахс фазилатларига ижобий таъсир этар экан, Румий: “Ҳаё иймонга тўсиқдир...” – дейди³⁵¹. Яъни илм олишда тортинчоқлик зиён келтиради, демоқчи. Иймон инсон онги ва аҳволи руҳиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган дунёвий ғоя ва дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч ва инсон иродасини мустаҳкамловчи воситадир. Иймон марказида дунёқараш, оламга, одамга ва уларнинг турли уюшмаларига муносабатни белгилаш ётса-да, аммо умуминсоний ахлоқий қадриятлар – инсоф, диёнат, ҳалол-поклик, виждон, садоқат, муҳаббат, тил ва дил бирлиги, ватанпарварлик, оила, жамият, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш кабилар иймонлилик шартлари ҳисобланади. Бундай хусусиятлардан маҳрум бўлган одамларга одатда, иймонсиз кишилар сифатида қаралади. Иймонсизлик инсонга нисбатан тубанликдир. Иймонсизлик тушунчаси замирида виждонсиз, ярамас, разил, диёнатсиз деган мазмун ҳам ифодаланади. Румий иймонсизлик борасида бир жойда:

Кундузи бир кимса изларкан чароғ,
Бул далилким, унда йўқ кўзу қароғ,

– деса³⁵², яна бошқа жойда шундай дейди:

Чунки, иймон бирла борсанг, зиндасен,
Дину иймонинг ила пояндасен...³⁵³.

Иймон инсоннинг оламини, унда ўз ўрни ва мавқеини билиши, унинг ижтимоий мавжудот сифатида намоён бўла олишининг зарур шартидир. Иймон туфайли инсон руҳи эзгуликни қарор топтириш томон йўналиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг инсонга яқинлашувида муҳим аҳамият касб этади.

Иймонда ишонч катта аҳамият касб этади ва бу тушунчалар одатий бир маънода қўлланилади. Ишончсизлик ва шубҳаланиш муҳитида инсоннинг шахс сифатида шаклланиши қийинлашади. Ижтимоий ҳаётда иймонсизлик борасида “иймонини еган”, “иймони тарк айлаган” деган жумлалар учрайди.

Румий ўз қарашларида иймонсизлик билан яшаш қийинлигини тушунтирди, чунки иймонсизликда ишонч бўл-

³⁵¹ Ўша жойда. –Б. 170.

³⁵² Ўша жойда. –Б. 324.

³⁵³ Ўша жойда. –Б. 343.

майди. Ишонч йўқолганда ҳар бир фикрнинг амалга ошишига, инсоннинг кўп вақти ва куч-қуввати беҳуда сарфланади. Инсон фақат ўз фикрининг ҳақлигига ишончи туфайли ҳаётда дадил қадам кўя олади.

Аҳли мўмин айру, иймон биттадир,
Жисму танлар мухталиф, жон биттадир³⁵⁴.

Шу мисраларга яқин мисол сифатида Румийнинг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: “Дунёда инсонларнинг кўзи турли рангда, турли шаклда, турли кўринишда бўлади, лекин кўз ёшлари бир хил бўлади”. Дунёнинг қай тарафига эътибор қаратмасак, ҳамма жойда кўз ёши бир хил, фақат у хурсандчилик кўз ёшлари ёки қайғу-ғам, алам кўз ёшларига бўлиниши мумкин.

Румий иймоннинг куч-қудратини янада очиб беришга ҳаракат қилади ва иймон тушунчаси билан куфр ёнма-ён туришини таъкидлайди. “Маснавий”да иймон кўриниши қуйидагича изоҳланади:

Куфру иймон жондадир, янглишма дўст,
Мағз эмиш ул, куфру иймон унга пўст.
Куфр агар сиртида эрмишдир қобиқ,
Ичдадир иймонки, ул ҳам бир қобиқ.
Сиртида қобиқ магар оташ эрур,
Мағзи жон қобиғи, лекин хуш эрур³⁵⁵.

Куфр – Оллоҳни инкор этиш, яъни одамийликни тарк этиш билан баҳоланади. Куфр иймонсизликнинг бир кўринишидир. Румий асарларида инсондаги иймонсиз (ёмон)лик ҳамиша иймонли (яхши)ликдан олдин туради, ёмонлик бир олов мисол инсонни куйдирса, уни тарк этиш одамийликнинг олий кўриниши – яхшиликка эришиш маъносида келтирилади.

Иймонлилик даражаси кўп жиҳатдан ижтимоий омилларга ҳам бевосита боғлиқ. Бугунги кунда бу масалага эътибор ортиб бораётганлигининг боиси шундаки, инсон, айниқса, ёшлар учун ғоят зарур бўлган мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида ундаги иймон-эътиқод муҳим аҳамият касб этади. Румий иймон-эътиқодни шакллантиришдаги баъзи бир эътиборсизликлар ҳақида **“Бир хунук овозли муаззин”** ҳикоятини келтиради. Бир ёмон овозли муаззин кофирлар

³⁵⁴ Ўша жойда. –Б. 400.

³⁵⁵ Ўша жойда. –Б. 485.

шаҳрига келиб, ҳар тонг азон айтиб бонг урар экан. Унга: “Кўй, сен азон ўқима, уруш чиқади, душманлик кучаяди”, – деб танадашном берсалар ҳам, парво қилмай, ҳар тонг азон ўқийверар экан. Шунда бир кофир кўлида тўн, ҳалво, ҳадялар билан келибди-ю, “Хушовоз муаззин қаерда? деб уни сўрабди. Бундан ажабланган одамлар: “Овози қурсин, кўй, уни нима қиласан?” дейишибди. Ҳадялар билан келган кофир: “Менинг бир қизим бор эди. У мўмин бўлиш орзусида, бошини бир савдо билан банд қилиб кўйди. Оиланинг ҳам тинчи бузилди. Қанчалик панд-насиҳат қилмай, кор қилмади. Бир кун эрталаб муаззиннинг овозини эшитди ва “Ким куйлаяпти?” деб сўраб қолди. Синглиси унга: “Бу бонги азон, аҳли мўминларни намозга чорлаяпти”, – дебди. Бовар қилмай бошқалардан ҳам сўрабди ва шу жавобни олибди. Узоқ ўйга толиб, ғам-андух чекиб, мусулмончиликдан кўнгли қолди”, – дебди. Муаззинни кўриб уни хуш овози учун табриклабди, тақдирлабди.

Кимки иймон топди, топди ул омон,
Ўзгаларга қолгани – куфру гумон³⁵⁶.

Бу ҳикоят орқали Румий ёшларнинг тақдирига дахлдор бўлган соғлом эътиқод, юксак дунёқараш ва соф иймон асосларини шакллантириш жараёнида йўл қўйилган биргина хато ёшларнинг мустақил фикрловчи, олижаноб шахс бўлиб етишишларига тўсиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди ва иймонини бут сақламаган кимсаларга: “Сизнинг ишончингиз ҳам шундай ўткинчи, ёлғон. Ўша азон каби йўлдан қайтарувчидир”, – дейди. У яна иймоннинг кучи ҳақида бир қатор тушунчаларни келтиради. “Иймонга эришган нажот топди, иймонга келмаганларнинг шубҳаси икки қатла ортди” дейди.

Румий қарашларининг мезони унинг илоҳийлик ва инсонийликни ёритишидадир. Румий иймон борасида фикр юритар экан, уни диний ва умуминсоний маънавий иймонга ажратиб кўрсатади ва шу ўринда булар бир-бирини тўлдиради, деб ҳам уқтиради. У умуминсоний маънавий иймонни – юксак инсонийликнинг намоён бўлиши деб билади. Иймоннинг умуминсоний маънавий қадриятлардан иборат шартлари илмий-маърифий, изчил маданий тадбирлар ҳамда анъанавий турмуш тарзи ва мафкура таъсирида шакллантиради.

Иймон муайян ғоя, дунёқарашга ҳис-ҳаяжонли ёндашув маъносида эътиқодга яқин туради. “Эътиқод (арабча

³⁵⁶ Ўша жойда. –Б. 610.

“иътақада” феълидан) ишонч, иймонли бўлиш маъноларини англатади. Кенг маънода эътиқод инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида анланган ҳамда уларнинг тўғрилигига ишонч билан боғлиқ бўлган психологик ҳолатни ифодалайди. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Умуман олганда, эътиқод шахс, гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади”³⁵⁷.

Эътиқод маънавий тарбия категорияларидан бири бўлиб, унинг мазмун-моҳиятига кўра қандай компонентлардан тузилгани тўғрисида аниқ илмий асосланган тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Румийнинг фикрига кўра, эътиқодни хусусийдан умумийга бирлаштириб турган барқарор элементлардан бири – ақл (билим)дир. Маълумки, инсон ижтимоий ва онгли фаолиятида муайян билим турларини эгаллашга интилади. Бу билимлар назарий ёки эмпирик мазмундан ташкил топган бўлиши мумкин. Гап шундаки, олинган билимлар эътиқодга айланиши учун бир неча босқичлардан ўтади. Дастлабки босқич англаш ҳолати бўлиб, унда билимнинг маъно-мазмунига тушуниб етилади. Сўнгра ўзлаштириб олинган билимлар, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига айланади. Эътиқодга айланган билим инсон амалий фаолиятини такомиллаштиради. Шундай қилиб, инсон хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатининг феномени бўлган эътиқод: билиш, баҳолаш, бошқариш каби вазифаларни бажаради. Демак, эътиқод инсон вояга етиши билан боғлиқ ўзига хос эҳтиёж ва манфатлар, ҳаётий тажриба асосида шаклланиб, мустаҳкамланиб боради ва шахс фаолиятининг изчил, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.

Эътиқод ижтимоий жиҳатдан инсоннинг фаолияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, эътиқод фақат амалий фаолият жараёнида ўзлигини намоён қилади. Эътиқод эзгу фазилат сифатида инсон камолотида муҳим ўрин тутаяди. Журъатсизлик, қатъиятсизлик, бефарқлик каби салбий ҳолатлар эса эътиқоднинг заифлигини кўрсатади. Бундай кишилар кўпин-

³⁵⁷ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл. / Масъул муҳаррир: А.С. Очилдиев. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. –Б. 7.

ча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Агар эътиқод мутаассиблик, ирқчилик, миллатчилик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчилик, беқарорликка хизмат қилади, ривожланишга тўсиқ бўлади. Тараққиёт, ҳурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, алдамчи, адаштирувчи, ёлғон “эътиқод”ни фарқлаш жуда муҳимдир. Румий ҳам “Маснавий” асарида эътиқод тушунчасининг ижобий ва салбий томонини очиб беради. У инсонлардаги эътиқод даражасини қуйидагича изоҳлайди:

Муртазога бир жухуд бундоқ деди
 Ки, Худога эътиқоди йўқ эди.
 Шу баланд кўшк узрадурсен, айт менга,
 Эътиқодинг улки, Ҳақ ҳофиз сенга?..
 Муртазо деди: йўлингдан қолмагил,
 Бўйла густоҳликка ўзни солмагил.
 Улки қул эрмиш, Худога банда, қул,
 Ҳақни бундоқ имтиҳон айларми ул?
 Ҳадди борму, ўйла сен, нодону гов,
 Банда ҳеч Аллоҳни этгайму синов?
 Ул ярашгайдир Худога, эй фалон,
 Бандаларни этса ҳар дам имтиҳон³⁵⁸.

Эътиқод муайян нарса, ҳодиса, жараёнга ихлос сифатидаги кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Одам табиий ва ижтимоий муҳитда яшаб, улардаги баъзи нарсаларга ихлос қўяди. Шу жараёнда ўша нарсага ҳис-ҳаяжонли муносабатда бўлгани учун эътиқод пайдо бўлади. Румий келтирган ҳикоятда Муртазо ҳодиса (нарса, жараён)га ўз эътиқоди кўзгуси орқали қараб, жухудга баҳо беради ва муносабатини билдиради.

“Маснавий”даги **“Амирнинг қули”** воқеаси. Бир амир ҳаммом боргиси келибди ва субҳидамда қулини уйғотиб: “Тез бўл, тосу лунги олгин, ҳаммомга кетамиз”, – дебди. Сўнқир тосу лунгини олибди ва амири билан ҳаммомга равона бўлибди. Йўлда масжиднинг ёнидан ўтишаётганларида, Сўнқирнинг қулоғига азон эшитилибди, шунда Сўнқир: “Эй Хожам, дўконда бир лаҳза ўтириб туринг мен намозимни ўқиб чиқай, намозимни қазо қилмай”, – дебди. Анча фурсатдан сўнг намоз тамом бўлибди. Одамлар масжиддан чиқиб кетишибди. Амир қулини кутар экан, лекин қули масжиддан чиқмабди. Амир масжид

³⁵⁸ Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 398.

олдига бориб, қулини чақирибди. Қули: “Мени чиқишга қўйишмаяпти. Сабр қилинг, ҳозир чиқаман, амирим”, – дебди. Хожа сабр қилибди аммо тоқати-тоқ бўлиб, устма-уст етти бор эшикка бориб, қулини чақирибди. Лекин ҳар сафар бир хил жавоб олаверибди. Ахири жонига теккан амир: “Масжидда одам қолмаган бўлса, сенинг йўлингни ким тўсяпти”, – дебди. Шунда қул:

Деди: ким тутгай сени ташқорида,
Бас, ўшал тутгай мени ичкорида.
Улки ул қирмоққа қўймайдир сени,
Ул ўшал чиқмоққа қўймайдир мени...

– деб жавоб берибди.³⁵⁹ Бу ихтилофлар билимсизликдан келиб чиқади. Румий қулнинг донолигини тасвирлаб, амирдаги билимсизликни очиб беряпти. Амир мутаассиблиги, ирқчилиги туфайли масжидга кира олмаяпти. Ҳолбуки масжид умумий маданий-ижтимоий объект ҳисобланади. “Маснавий”да яна шунга яқин **“Филнинг шаклу – шамойили”** ҳикояти келтирилган. Унда тасвирланишича, ҳиндлар бир филни етаклаб қоронғу хонага олиб кирибдилар. Филни кўриш учун кирган одамлар хона қоронғулиги туфайли уни кўраолмабдилар. Филга ҳар ким қўл чўзиб кафтини филнинг устига сурарди. Бири фил хартумини ушлаб уни тарновга ўхшатибди. Бири фил қулоғини баҳайбат елпиғичга ўхшатибди. Бири эса йўқ, сиз айтгандай эмас, фил фақат сутунга ўхшар, дебди. Бири эса фил устини сийпаб, у хонтахтага ўхшайди дебди. Ким филнинг қаерини силаган бўлса, филни ўшандай тасаввур этибди. Шу сабабдан сўзларидан тафовут келиб чиқибди.

Ҳар бирининг илкида бўлсайди шам,
Ихтилоф бўлмасди зоҳир зарра ҳам.
Ҳис сўзи кафтдирким, тимискилайди, бас,
Кафт неча сийпайди, лекин қамрамас³⁶⁰.

Бу ерда билишнинг бирёқлама тузилганлиги тасвирланган бўлиб, ҳар бир киши ўз эътиқоди доирасида тасаввурини изоҳламоқда. Инсон эътиқоди нафақат турли ҳаракатларни ўзида акс эттирган билимлар, балки ўша билимларга берган баҳоси, унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлганлиги учун, бу изоҳлар тафовутларни келтириб чиқаряпти. Билимсизлик ин-

³⁵⁹ Ўша жойда. –Б. 292.

³⁶⁰ Ўша жойда. –Б. 282.

сонни жаҳолатга етаклайди. Жаҳолат мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишга замин яратадиган омиллардандир³⁶¹.

Румий инсон табиати, феъл-атвори, фаолият йўналиши серқирра бўлгани учун баъзи одамларда моддий нарсалар, безаклар, урф-одатларга меъеридан ортиқ ихлос кўйиш, улар маънавиятининг қашшоқлашишига, ҳар нарса-ҳодисага моддий бойлик нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлишига олиб келишини айтади ва “Маснавий”да қуйидаги ҳикоятларни келтиради:

Ўғри миршабга деди: эй подшо,
 Ҳар не қилдим, эрди ул ҳукми Худо.
 Деди миршаб: ҳар не айлармен, жигар,
 Ул-да менга ҳукми Аллоҳдир магар.

Яна бир ҳикоятда: Бир киши боққа кириб, дарахт устига чиқиб меваларни қоқар экан. Буни кўрган боғбон: “Эй бузуқ амал, нима қияпсан, Худойимдан кўрқмайсанми?” – дебди. Ҳалиги киши: “Мен бандаман, бу Худойимнинг боғи. Худойим ато қилган меваларни емоқдаман”, – дебди. Шунда боғбон ўғрини тутиб дарахтга боғлабди-да, роса савалабди. Ўғри: “Ҳой инсофсиз, бегуноҳ бандани урма”, – деб қичқирибди. Боғбон: “Мен – Худонинг бандаси, бу калтаклар эса Худонинг зарбаси”, – дебди³⁶².

Эътиқод турли билим ва ғояларни ўзлаштирган, уларни ҳаёт синовларидан ўтказган ва тўғрилигига ишонч ҳосил қилган шахсни ўз қарашлари, тамойиллари ва дунёқарашига мувофиқ тарзда иш кўришга даъват этадиган тизимдир. Ҳикоятдаги ўғрининг ҳам ўз эътиқоди бор, боғбон ҳам ўз эътиқодига эга, лекин уларнинг эътиқоди турли кўринишда, яъни эътиқодлари – ёмон (салбий) ва тўғри (ижобий) шаклланган. Кўринадики, ўғрининг қабул қилган эътиқоди ўзига ва атрофдагиларга зиён келтирмоқда. Боғбондаги эътиқод жаҳолатга қарши курашяпти ва билимсизликнинг олдини оляпти. Демак, эътиқоди тўғри йўналтирилган одам, аввало, фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи

³⁶¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл. / Маъсул муҳаррир: А.С. Очилдиев. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. –Б. 7.

³⁶² Жалолитдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 557.

амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди.

Иймонлилик – Иймонсизлик

Соғлом (тўғри) эътиқод – Заиф (нотўғри) эътиқод

Бағрикенглик – Мутаассиблик (фанатизм)

Миллатлараро тотувлик – Миллатчилик

Динлараро тотувлик – Ирқчилик

Дунёни кенг кўриш – Садизм

Румий қарашлари ўзининг мақсад ва вазифаларига биноан жамият ва инсон ҳаётининг деярли ҳамма жиҳатларини қамрайди. Ушбу кўп қиррали қарашларни бағрикенглик ғоялари бирлаштириб, уларга чуқур сингади. Румийнинг бутун халққа, айниқса, ёшларга тааллуқли бўлган, бағрикенглик ғоялари билан суғорилган таълимотининг мазмуни ва моҳияти “Маснавий”да келтирилган қуйидаги мисраларда ифода топган:

Бағри кенг бўлса киши ҳам кўнгли соф,
Ҳар шаҳардин унга боққай офтоб³⁶³.

Бағрикенглик дунё ҳодисаларига муносабатларда, ўтмиш ва маънавий кадриятларни баҳолашдаги мезонларда, ҳаттоки турли динлараро муҳим масалаларнинг ечимини топишда ўз ифодасини топади. Бағрикенглик миллий ва диний тусда намоеён бўлади. Миллий бағрикенглик миллатлараро тотувликни англатса, диний бағрикенглик – турли диний конфессияларга мансуб кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшашини билдиради. Маълумки, динларнинг келиб чиқиши бир бўлишига қарамай, жаҳондаги халқлар турли динларга, ҳаттоки бир миллат вакиллари ҳар хил динларга эътиқод қилиши мумкин. Диний таълимотлардаги мавжуд эзгу фикрлар асосида турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида бағрикенглик тамойили ҳукм суради. Чунки диний таълимотлардаги Худога сиғиниш, кишилар ўртасидаги тотувлик, инсонпарварлик, меҳроқибатлилик, виждонийлик, ҳалоллик, покизалик, инсофдиёнатлилик каби талаблар шахс, гуруҳ ва жамият аъзолари ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Диний эътиқод ўзига хос муайян дунёқараш (ғоя) сифатида умуминсоний табиатга эга. Диннинг асосий вазифаси – инсон ҳаёти, табиат ва жамият борлигининг мазмунини аниқлашдан иборат. Диний билим инсоният тўплаган тажрибага таяниб, инсон ҳаётининг муҳим кўринишлари,

³⁶³ Ўша жойда. –Б. 51.

чунончи, оила ва турмушдаги хулқ-атвор, ахлоқий қоидалар, меҳнат, табиат, жамият ва давлатга муносабатни тартибга солади. Дин инсон зотига хос бўлган руҳийят, маънавий ҳолатдир. Диннинг асосий моҳиятини белгиловчи ғоя илоҳий зот – яратувчига ишониш ва унга сифинишдир. Ислом дини миллатимиз маданияти ва маънавиятининг ажралмас қисмидир. “Ислом назарияси бўйича, борлиқнинг ягона яратувчиси бўлиб, у барча баркамол, бонуқсон сифатларга эгадир”³⁶⁴. Турли динларга эътиқод қилувчи инсонлар ҳаётида муайян мақсадлар бўлиб, уларнинг айримлари ўзгариб туради. Инсонда муайян мақсадни амалга ошириш учун ҳосил бўлган ишончга маслак дейилади. Демак, инсонларни маълум вазифаларни бажаришга сафарбар этадиган руҳий бирлик – маслак бўлиб, унда миллий бағрикенглик ва инсонпарварлик мавжуд бўлмаса, аниқ мақсадларни амалга ошириш йўлларини белгилаш қийин кечади. “Маснавий”да бир дарвеш ҳикояти бор: Ҳиротда Хуросон амидининг араб тулпорларини миниб, зарбоф тўнлар кийиб, бошига заррин қалпоқлар кўндириб ясаниб-тусанган қулларини кўрган бир дарвеш: “Булар қайси амирлару қайси шоҳлар?” – деб сўрабди. Унга: “Булар амирлар ҳам, подшоҳлар ҳам эмас, Хуросон амидининг қуллари”, – деб жавоб беришибди. Дарвеш: “Эй Худо, инсонпарварликни амиддан ўрган, – деб қичқирибди (Хуросонда молия ишлари нозирини “амид” деганлар). Дарвешнинг бу сўзлари шоҳнинг густоҳ надимлари қулоғига етиб борибди ва улар хожани гуноҳқор қилишибди. Қулларини олиб: “Амиднинг мол-бисотини кўрсатинг!” – деб роса бир ой қийнашибди. Бирорта қул хожасининг сирини сотмабди. Шунда бир кеча дарвешнинг уйқусида сас келибди: “Сен инсонийликни улардан ўргангил”³⁶⁵. Тарихдан маълумки, қуллар шу давлатга тобе бўлган бошқа давлат вакиллари дидир. Демак, амид ўз қулларига, яъни бошқа давлат, бошқа дин вакиллари бўлган инсонларга беқиёс ҳурмат кўрсатгани туфайли шундай улуғ мартабага эришди. “Бирорта қул хўжасини сотмади”. Ҳикоятдан миллати, дини, келиб чиқишидан қатъий назар инсон бир-бирига меҳр-мурувватли, бағрикенг, инсонпарвар бўлиши лозим, деган хулоса келиб чиқади. Бағрикенглик инсо-

³⁶⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. –Т.: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2010. –Б. 149.

³⁶⁵ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 549.

нийликнинг асосий тамойилларидан саналади. Шарқ халқлари азалдан меҳмондўст, бағрикенг ва биродарликни улўғлайдиган элатлар сирасига киради. Шулар қаторида мамлакатимиз тоталитар тузумдан сўнг вужудга келган ёш мустақил давлат, этник ва диний жиҳатдан кўп миллатли ва кўпконфессиялидир. Айни пайтда Ўзбекистон барқарор ривожланиши учун икки муҳим омилга эътибор қаратмоқда: миллий ва диний омилларга. Мамлакатимизда биродарлик, толерантлик – диний бағрикенглик, диний эътиқод эркинлиги Асосий қонун – Конституциянинг 31-моддаси билан кафолатланади ва яна 4-, 8-, 29-моддаларда кўрсатилганидек: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”. “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши”, “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга”лиги белгилаб қўйилган³⁶⁶.

Истиқлол йилларида жамиятимизда виждон эркинлиги ва динлараро бағрикенглик ғояларини ҳаётга татбиқ этишга, диний ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқаларни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди ва Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони ўсди. Хусусан, 1990 йилда республикаимизда 119 та диний ташкилот (89 та исломий ва 30 та ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 (146 исломий ва 33 ноисломий)тага етди. 2008 йилнинг сентябрига келиб эса, уларнинг сони 2228 тани (2049 та исломий, 179 та ноисломий) ташкил этди. Ноисломий диний ташкилотлар қаторида Рус Православ черкови, Рим католик черкови, Немис Евангель-лютеранлар черкови, Арман Апостоллик черкови, яҳудийлар ва Баҳойлар диний жамоалари, Буддавийлар ибодатхонаси, Библия китоб жамияти каби ташкилотларни санаш мумкин. Мустақилликкача бор-йўғи иккита (Тошкент ислом институти ва Мир Араб мадрасаси) исломий диний ўқув юрти бўлган бўлса, ўтган йиллар давомида уларнинг сони кўпайди. Бошқача айтганда, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Бухородаги “Мир Араб”, Тошкентдаги “Кўкалдош”,

³⁶⁶ O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi: O‘n ikkinchi chaqiriq O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining o‘n birinchi sessiyasida 1992-yil 8-dekabrda qabul qilingan. –T.: O‘zbekiston, 2010. –40 b.

Қорақалпоғистондаги “Муҳаммад Беруний”, Намангандаги “Мулла қирғиз”, Хоразмдаги “Фахриддин ар-Розий”, Андижондаги “Саййид Муҳйиддин Маҳдум”, Қашқадарёдаги “Хожа Бухорий” ҳамда фақат хотин-қизлар таҳсил оладиган Тошкентдаги “Хадичаи Кубро” ва Бухородаги “Жўйбори Калон” ўрта махсус ислом билим юртларидан иборат яхлит диний таълим тизими яратилди³⁶⁷.

Бағрикенглик, тенглик, биродарликни ўз ўрнида қўйиш учун миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятларга таянамиз. Чунки бағрикенглик, биродарлик тушунчалари азал-азалдан қон-қонимизга сингдириб келинган қадриятлардан саналиб, бу тўғрида буюк алломаларимизнинг ҳаёт йўллари ва қолдирган дидактик меросларида ҳам қимматли мисоллар кўп учрайди. Шу ўринда Румий ижоди чуқур инсонпарварлик, толерантлик ғояси, миллат ва халқлар дўстлиги, ягона диний эътиқод билан йўғрилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Халқимизнинг атоқли шоири Алишер Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат” асарида Румий ҳақидаги қимматли маълумотлар қаторида унинг маънавий дунёсини, иродасини, бағрикенглигини англатувчи бир ривоятни келтиради: “Мавлоно бир куни: “Мен етмиш уч мазҳаб билан биргаман”, – дебди. Бу гап унинг рақиби қози Сирождиддин Қазвинийнинг қулоғига бориб етибди. Қози бир муриддини чақириб: “Шу гапни кўпчилик ичида Жалолиддиндан сўра, айтганига иқдор бўлса, аяма, ҳақорат қил”, – деб буюрибди. Мурид шундай қилибди. Мавлонони ёмон сўзлар билан ҳақоратлабди. Шунда Жалолиддин табассум қилиб: “Биз ўшалар билан ҳам биргамиз”, – дея ҳақоратчини мулзам қилган экан”³⁶⁸.

Ҳар бир мазҳаб бир мақсад сари, аммо турлича қарашлар орқали ўз фаолиятини бошқаради. Бундан кўриняптики, Румий 73 мазҳабнинг моҳиятини англагани учун “улар билан биргаман”, – дейди ва инсониятни бағрикенглик, аҳиллик сари чорлайди.

Бағрикенглик дунёдаги турфа маданиятлар, турли халқларнинг миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатла-

³⁶⁷ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл. / Масъул маҳаррир А.С.Очилдиев. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. –Б. 55-56.

³⁶⁸ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат // Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. –Т.: Фан, 2001. –Б. 337.

рини хурмат қилишни англатади. Бундай бағрикенглик кенг дунёқараш, самимий муносабат, хур фикр, виждон ва эътиқод негизида вужудга келади. Бир ривоятга кўра: “Турли шаҳарлардан келиб қолган тўрт киши – турк, араб, форс ва юнон иттифоқо бозор ёнидаги чорраҳада учрашиб қоладилар. Бир олижаноб киши уларга бир дирҳам садақа қилиб ўтиб кетади. Дирҳам ўртада, чунки унда ҳар бирининг ҳаққи бор. Бу пулга бирор егулик сотиб олмоқчи бўладилар. Шунда форс – ангур, турк – узум, юнон – истафил, араб – эйнаб емоқчилигини айтади. Орада жанжал кўтарилади: Тўрталалари ҳам айни бир нарса – узумни хоҳлаётган бўлсалар-да, бир-бирининг тилини тушунмаганлари учун ёқа бўғишиб кетадилар.

Соҳиби сирру азизу сад забон,
Бўлса эрди, сулҳ бўлгайди ҳамон³⁶⁹.

Мутафаккир шоир ривоятни шундай якунлайди: биринчидан, уларнинг ёнидан бир неча тилни биладиган бирор дошишманд инсон ўтганида, ҳаммасининг истаги бир эканлигини тушунган ва қўлларидан пулни олиб, узум келтириб берган ва шу билан жанжалга нуқта қўйган бўлар эди. “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.”³⁷⁰ Тил билиш миллатлар аро тотувликнинг асосий мезонидир. Бугунги кунда мамлакатимизда тилни ўрганишга бўлган эътибор янада кучайтирилди. Жаҳонга юз тутиш, яъни бағрикенглик фазилатининг шаклланиши, албатта, тил орқали намоён бўлади ва бу ижтимоий фаолликка олиб келади.

Икинчидан, йўл турли-туман бўлса ҳам ғоя бирдир. Бу албатта инсонлар орасидаги бағрикенгликни намоён қилади. Бағрикенглик (толерантлик) – “ҳар бир муайян инсонни, унинг фикри, нуқтаи назарини, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни улар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга ҳозирликдир. Бу бир-бирига ўхшамаган одамларнинг бирга аҳилликда яшашга интилишидир”³⁷¹.

³⁶⁹ Жалололдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 238.

³⁷⁰ Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 83.

³⁷¹ Қодирова З.Р. ва бошқ. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ,

Бағрикенглик айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Румий “Маснавий”да бошқа миллатларни, динларни қораламайди аксинча, ҳар бир инсонни ўзаро биродар бўлиб яшашга чорлайди. Маълумки, ислом дини чин меҳр-муҳаббат, соф иймон, эътиқод, биродарлик, дўстлик, буюк инсоний фазилатлар, ахлоқий сифат, таълим-тарбия асосига қурилган. Ана шу сабабдан Румий асарлари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга ўхшаб, инсон зотини ожизлик, гумроҳлик, ишончсизлик, маърифатсизлик чоҳидан ишқ ва диёнат, илм ва шижоат юксакликларига кўтаради. Румий қарашлари ҳам инсонни нафсга, ҳирсу ҳавасга, дунёнинг ўткинчи ва бемаъни иддаоларига қулликдан халос этади. Ундаги фикр, туйғу ва тушунчалар одамни Оллоҳни севиш, Яратганга яқинлашишга тўсиқ ва парда бўлувчи ҳар қандай нарса ва нуқсонга барҳам беради. Ҳамма гап унда ифодаланган маъно, образ, рамзий-мажозий ҳақиқатларни қандай қабул қилиш ва англай олишдадир.

Бир кун эрталаб Жалолиддин дўстлари билан қабристонга отланди. У отаси Султонул Уламо қабрини зиёрат қилмоқчи эди. От бозордан ўтиб, шаҳар дарвозасидан чиқишаркан, тўпланиб турган оломонга дуч келишди. Бир неча йигит оломондан айрилиб, уларга пешвоз югурди: “Худо ҳаққи, Мавлоно, мадад беринг!” – “Нима гап?” – “Юнон боласини қатл этишяпти!” – “Гуноҳи не экан?”

– Сириянус кул эди. Хўжайини вафот этгач, унинг васияти билан озод бўлди. Кўчада оч қолди. Танг қолган кезларида яна ўзини қулликка солгиси келмай, ўғрилиқ қилишни афзал кўрди. Дўконда нон ўғрилаётганида қўлга тушди. Қочишга уришиб, мушти билан уриб, дўкондорни ўлдириб қўйди.

Ёрдам ҳақидаги илтижоларни эшитиб, Жалолиддин қатъий қадамлар ила қатл майдони сари юрди. Оломон иккига бўлиниб, шоирга йўл бўшатди. Қўллари орқасига боғланган сариқ кўнғироқ сочли ўспирин соқчилар қуршовида тиз чўкиб турар, жаллод ҳам унинг боши устида ҳозир эди.

Жалолиддин тўнини ечиб, йигитчанинг устига ташлади ва бир сўз демай, изига, шаҳарга қайтди. Мавлоно туфайли юнон боласи бир ўлимдан сақланиб қолди. Сириянус (мусулмончасига Аълоуддин) шу-шу Жалолиддинни ўзига устоз деб билди³⁷².

2006. –Б. 6.

³⁷² Радий Фиш. Жалолиддин Румий: тарихий-биографик роман / Русчадан Ж. Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 32.

Бир юнон боласи учун шунчалик шижоат кўрсата олган инсон бутун дунёни ўз асарлари орқали бирлаштирди ва қарашларида икки ҳолат можароси кўп бора кузатилади: “Яхшилиқ – ёмонликни тарк этмақдур”, – дейди аллома³⁷³.

Диннинг асосий моҳиятини белгиловчи ғоя илоҳий зот – Яратувчига ишониш ва унга сиғинишдир. Румий бу борада шундай дейди:

Кимки, Оллоҳим, демишдир ҳар қуни,
Оқибат, бандам, дегай Оллоҳ уни³⁷⁴.

Турли диний эътиқодга эга бўлган кишилар руҳиятида диний бағрикенглик ғояси ҳукм сурса, у ҳолда диний эътиқод ўзига хос муайян ғоя сифатида умуминсоний табиатга эга бўлади. Дин инсон маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омилдир. Қуръон, ҳадислар ва шариат аҳкомларида шаклланган мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари деб тан олинган фикрлар орқали кишиларда иймон, виждон, эътиқод орқали дунёвий муаммоларни ҳал этишга чорланган. Бунинг учун ҳар бир мусулмон руҳан, виждонан пок, иймонли ва ҳалол бўлиши керак деган даъват ислом таълимотида катта ўрин эгаллайди. “Маснавий”да Оллоҳ сифатида мисол келтирилар экан шундай дейилади:

Улки бетаълим сўз айтармиш Худо,
Чун сифоти нуқсу иллатдин жудо³⁷⁵.

Кўрамизки, дин инсонни чин сифатли, нуқсонсиз, иллатлардан холи бўлишга чорлайди ва инсонда соф ғоя ва аниқ фикрлашни туғдиради. Инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Инсон ва жамиятни мақсад (маслак) сари етаклайдиган, ҳаракатга келтирадиган куч ғоядир. Демак, ғоя инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-маслак сари етаклайдиган фикрдир.

Қуръони каримда ҳам: “Ким бирор яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур”, – дейилади³⁷⁶.

³⁷³ Жалололдин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 67.

³⁷⁴ Жалололдин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 465.

³⁷⁵ Ўша жойда. –Б. 477.

³⁷⁶ Қуръони Карим (маънолар таржимаси) / Таржима ва изоҳлар муаллифи: Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 617.

Жалолиддин Румий ижоди ва яратган асарлари яхшилик, биродарлик, бирдамлик, бағрикенглик булоғидир. Ҳатто унинг ўлими дунё одамларини бир-бири билан юзлаштирди:

“Мавлоно Муҳаммад Жалолиддин Румий оламдан ўтганда, ҳаммага унинг ўрни билиниб қолди, яхудий ҳам йиғлади, насроний ҳам.

Мардуми шаҳр аз сағиру кабир.
Ҳама андар фиғону оху нафур.
Деҳиён ҳам зи румиву атрок,
Карда аз дарди ў гирибон чок...
Карда ўро масиҳиён маъбуд,
Дида ўро яҳуд хуб, чи Худ,
Исави гуфта: ўст Исои мо,
Мўсави гуфта: ўст Мўсои мо.

Байт мазмуни: Шаҳар аҳли, каттаю кичик оху фиғон чекардилар. Қишлоқлардан келган румлик ва турклар унинг ғамида гирибончок эдилар... Масиҳийлар уни ўзларига маъбуд қилиб олган бўлсалар, яхудийлар уни Худ каби севардилар. Масиҳий уни “У бизнинг Исомиз”, яхудий эса “У бизнинг Мусомиздир” дерди³⁷⁷.

Румий вафоти ҳақида яна бир манбада: “Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яхудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алвидо айтарди. Ҳофизлар Куръон ўқишар, раввинлар – Таврот, православ руҳонийлари Инжил оятларини хониш қилар, ошиқлар рубоб чалиб, чилдирма қоқиб, рақс тушишар, ишқ-муҳаббат ҳақида ёниб-куйиб қўшиқлар куйлашарди”, – деб маълумотлар келтирилган³⁷⁸. Ҳозирги даврда ҳам барча халқлар Румийни “Бизники!” дейишади, аммо таржимон Жамол Камол “Румий умумбашар шоириди!” – дейди.

Бундан келиб чиққан ҳолда Румийнинг ҳаёти ва ижод йўли миллатлар ва динлараро тотувликнинг намунаси сифатида намоён бўлади. Таълим-тарбия жараёнида шахсдаги маънавий тарбиянинг бу кўринишини шакллантириш, ривожлантириш жамият равнақи, инсон келажаги, юрт тинчлиги ва

³⁷⁷ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) / Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. –Техрон, 2001. –Б. 48–49.

³⁷⁸ Радий Фиш. Жалолиддин Румий: тарихий-биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 25.

фаровонлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Румий диннинг моҳияти ҳақида гапирар экан шундай дейди:

Хўжа дедиким, суянчиқ – зухду дин,
Бунга тенг ганжу хазина бормикин?³⁷⁹

Хуллас, бугун шиддат билан кечаётган глобаллашув даврида миллатлар ва динлараро муносабатларнинг, хусусан, ўзаро бағрикенгликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айтиш лозимки, Ўзбекистонда диний ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик чинакам маънода халқимизга хос фазилатга айланди. Миллатидан, динидан, ирқидан қатъи назар ҳар бир ватандошимиз нури келажагимизни барпо этиш йўлида бир тану бир жон бўлиб, қўлни қўлга бериб, фидокорона меҳнат қилаётгани, янгидан-янги марраларни забт этаётгани фикримиз далилидир.

3.2. Иродаси мустаҳкам инсонни тарбиялаш

Ирода инсон маънавий фаолиятининг юксак босқичи бўлиб, у ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўз шаънига муносиб ҳолда ақлу идрок, заковат билан иш тутишга ундайди. Ирода орқали инсон ўз хоҳиш-истаклари, хатти-ҳаракатларини қатъий назорат қилиб туради, турли маънавий ва моддий қийинчиликларга бардош беради. Иродаси мустаҳкам шахс, аввало, ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Жалолиддин Румий ўз қарашларида маънавиятли инсон кўринишини изоҳлаб берар экан, иродани тарбиялашга катта эътибор қаратади ва у иродани мустаҳкамлашда “нафс” га муурожаат қилади:

Нафси аввал урди соний нафсга дўқ,
Думдин эрмас, бошидин айнир балиқ³⁸⁰.

Нафси аввал, яъни биринчи нафс дейилганда, инсоннинг табиий истеъдод ва қобилияти, иккинчи нафс дейилганда эса унинг ҳаётидаги майли ва истаги назарда тутилади. Чунки нафс инсоннинг моддий ўзлиги, “мен”идир. Тилимизда унинг муқобили мавжуд эмас. Нафс изидан эргашадиган инсон унинг қулига айланади. Инсон нафсини вақтида жиловлай олмаса, моддий ва маънавий хатоларга йўл қўяди, охир-оқибат, аянч-

³⁷⁹ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 647.

³⁸⁰ Уша жойда. –Б. 334.

ли аҳволга тушиб қолади. Нафсни тийишнинг асосий омили, албатта, маънавий тарбия ҳисобланиб, унда инсон иродаси мустаҳкамлиги етакчи ўринда туради.

Нафс аслида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил қарашдир. “Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлари билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар. Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндашув, яъни ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бепарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари”³⁸¹. Бу қарашлар инсоннинг танлаган ҳаёт позициясида ўз аксини топади. Румийнинг улкан маънавий тарбия ўчоғи бўлган “Маснавийи маънавий” асаридан нафс ҳақида айтилган қуйидаги мисрани мисол тариқасида келтирамыз:

Кўйди одам бир қадам, ул завқи нафс
Бўлди жаннатнинг фироқи, тавқи нафс³⁸².

Шоир демоқчики, инсон нафс домига бир қадам қўйдими, ундан қутулмоғи, камол топмоғи қийиндир. Тасаввуф илмидан ҳам маълумки, “аввало, нафс уч сифатга эга бўлади:

1. *Нафси аммора* – бу нафс ёмонликка томон амр қилади ва ҳалокатга элтади.

2. *Нафси лаввома* – бу нафс ўз соҳибини унинг маъсияти учун маломат қилади, яъни бирор бир гуноҳ иш содир этилса, кетидан пушаймонлик келади.

3. *Нафси мутмаина* – бу анбиёлар нафси. Айтиш керакки, авлиёлар нафси лаввома бўлиб, у тадрижий мутмаинага айланади. Нафси аммора эса, бу авомнинг нафси. Бас, шундай экан, нафс билан жанг қилмоқ керак”, – дейилади³⁸³ “Маснавий” да нафснинг оқибати борасида:

³⁸¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 22.

³⁸² Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 131.

³⁸³ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий: Куллиёт Ж.1. К.1. (Таржима шарҳи билан / Таржимон Асқар Маҳкам. –Т.: “Шарқ”, 1999. –Б. 175.

Нафс агар нафс бирла хуш, хандон бўлур,
Зулмат ичра йўл бaсе пинҳон бўлур³⁸⁴.

Нафс дейилганда, ҳирс билан эҳтирос назарда тутилмоқда. Ҳирс ва эҳтирос бир-бири билан уйғун ҳолда инсонни ҳалокатга, зулматга етаклайди ва бундай инсон жамиятда ўз ўрнини белгилашга қийналади. Румий бундай инсонга нисбатан шундай дейди:

Нафсни ўлдирдинг, қозондинг эътибор,
Душманинг йўқ энди, хафсиздир диёр³⁸⁵.

Бу мисралар орқали шоир нафсингни жиловласанг, катта душманингдан қутулган ҳисобланасан ва сенинг оламинг хавфсиз ва нурафшон бўлади, демоқда. Румий яна айтади:

Муддаий нафсингга асло берма гал,
Ўз-ўзингни хўжа этмишдир ўшал³⁸⁶.

Чунки:

Нафс ул иллатга бергайдир ривож,
Маърифат бўлгай залолатга хирож³⁸⁷.

Демак, нафс инсонни манманлик, ҳирс домига ташлайди, маърифатидан айиради, ожизлик томон бошлайди, шунинг учун Румий: “Бахтлидир ул кимса нафсин хор этар”, – дейди³⁸⁸. Мавлоно Румий “Маснавий” да ҳирсни қоралаб ёзади:

Нафси шаҳват гарчи кўп тубан эрур,
Ҳирси мансаб неча тубанроқ турур³⁸⁹.

Инсон мансабга эришганидан сўнг ўзи билмаган ва англамаган ҳолатларга дуч келади ва иродаси туфайли шу вазиятлар ғолиби ёки нафси туфайли вазиятлар қурбонига айланади. “Маснавий” да иродасиз, нафсга банди бўлган киши ҳақида келтирилган ҳикоятга кўра, бир бойвачча бор молу мулкани санамлар деб сарф қилиб, айшу ишратга берилиб, хонумонидан жудо бўлибди, дўсту душманга хору зор бўлибди. У бир кун кўчада дарвешни учратиб, унга: “Мени бир дуо қил, мен бир сафолатга учрадим, боримдан айрилдим, йўлимдан адашдим.

³⁸⁴ Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 131.

³⁸⁵ Ўша жойда. –Б. 153.

³⁸⁶ Ўша жойда. –Б. 318.

³⁸⁷ Ўша жойда. –Б. 323.

³⁸⁸ Ўша жойда. –Б. 355.

³⁸⁹ Ўша жойда. –Б. 521.

Мени дуо қил, бу ботқоқликдан халос қил, аввалги мартабамга эришай”, – дебди. Шунда дарвеш: Сенинг қўл-оёғинг боғланган эмас, сен банди эмассан ёки ҳеч ким сенинг бошинг устида турмайди, тергамайди. Сени қайси банддан, қайси ботқоқдан қутқарай. Кишанларни арралаб кесиб бўлади, зиндонни ҳам бузса бўлади, лекин сенинг бандинг олдида не-не темирчилар нотавон”, – деган экан³⁹⁰.

Ҳикоятда кўрсатилган иродасиз, танбал кишилар нафснинг қулига айланиб, ҳеч қачон масъулиятни зиммаларига олмайдилар, ташаббус кўрсатмайдилар. Иродасиз инсоннинг хатти-ҳаракати, хулқи унинг ўзидан кўра бошқаларга кўпроқ зарар келтиради. Иродасиз кишида тушкунлик кайфияти устун бўлади. У дунёга ва ҳаётга умидсизлик билан қарайди, барчанинг фақат салбий, ёмон тарафини кўради. Ўзидаги камчилик ва муваффақиятсизликларнинг сабабчиси деб ўзларини билади.

“Маснавий”да нафсни енгиш борасида келтирилган яна бир ҳикоятда айтилишича, бир мужоҳид (араб. – эътиқод учун, муқаддас иш учун курашчи) кумуш тўла ҳамёнидан бир дирҳам олиб, ҳар куни денгизга отар эди. Нафсида бир ҳирс, бир хоҳиш қўзғалиб, кўнглига васваса солибди.

– Ақчангни денгизга отаркансан, ҳаммасини бир йўла от, мен қутулай, умид узмоқ икки роҳатнинг бири, – дебди нафс. Мужоҳид эса нафсга:

– Сенга шу роҳатни ҳам раво кўрмайман, – дебди³⁹¹.

Ҳикоятда нафсни енгиш, яъни иродани мустаҳкамлаш ва ирода бақувватлигига эришиш тасвирланган. Педагогикада ҳар қандай яхши хислатни тарбиялаш ва ёмон хислатдан воз кечиш, албатта, аста-секинлик билан, оддийдан мураккабга томон, узлуксиз давом эттирилади. Демак, ҳикоятда тасвирланганидек, инсон ўз ҳаёти давомида турли муаммоларга, ҳатто кескин вазиятларга дуч келади. Бунда, биринчи навбатда, ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган инсонгина қийин ҳолатдан чиқиб кета олади. Маънавий бойлик ана шундай пайтда кишига куч ва мадад беради. Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам мустаҳкамланиб, тобланиб боради. Ирода инсонларда қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

³⁹⁰ Ўша жойда. –Б. 293.

³⁹¹ Ўша жойда. –Б. 623.

1. Муайян мақсадни юзага чиқариш учун кишида бўлган матонат ва қатъият;

2. Инсоннинг маълум мақсад йўлидаги ўз хатти-ҳаракатини, ихтиёр ва хоҳишини онгли равишда йўналтириб туриши, шу йўлдаги қатъияти, мавжуд тўсиқларни енга олишга қодир бўлган руҳий-маънавий ҳолати. Инсонда шу икки кўриниш мужассам бўлгандагина иродасининг мустаҳкамлигига эришади. Инсондаги манманлик, кибру ҳаво, такаббурлик эса ироданинг заифлигидан келиб чиқади. Румий айтади: “Макр ила кибру ҳаводин дилни тий”³⁹². Яъни макру ҳийла, кибру ҳаво керагидан ортиқ бўлса, инсонда инсонийликдан асар ҳам қолмайди, у ўзининг маънавий қиёфасини йўқотади.

Рассомлар бирор-бир қаҳрамон образида иродалиликни ифода этишда, улуғворлик ва камтарлик, меҳр ва қаттиққўллик, жасорат, матонат каби хислатларни биргаликда тасвирлашади. Бу хислатларнинг биргаликдаги тасвири, албатта, кучли ирода эгасини гавдалантиради. Румий ижодида ҳам иродали инсон кўриниши тасвирланар экан, кўз олдимизда нафс, ҳирс, кибр, манманликдан холи, камтарин, сабр-матонатли, меҳнатсевар, мард инсонлар гавдаланади. Масалан, “Маснавий”да матонат ва камтарлик борасида шундай дейилади:

Ибрат ол тоғ ҳолидин, эй майда чўп,
Сен ўзингни элга кўз-кўз этма кўп³⁹³.

Румий томонидан тоғ тимсолида иродали шахс ибрат, намуна қилиб тасвирланар экан, салобат тўкса ҳам манманликдан йироқ, дейилади. Румий яна кибру ҳаволи, мақтанчоқ кишиларга мурожаат қилиб дейди:

Сен калитсиз ҳам эшик очгум, дема,
Кибр ила мақсадга ёндошгум, дема³⁹⁴.

Яъни такаббур кимсаларга ўз кучингга кўп ишониб, ўзингга кўп баҳо берма, манманликни кўй, ақл билан ишла, деб мурожаат қилмоқда. “Маснавий”да шу мазмунда бир ҳикоят келтирилган. Унда айтилишича, бир сичқон туянинг арқонидан маҳкам ушлаб йўлга равона бўлибди. Сичқон туянинг орқасига эргашиб келаётганини ўйлаб, ўзини шер

³⁹² Ўша жойда. –Б. 267.

³⁹³ Ўша жойда. –Б. 520.

³⁹⁴ Ўша жойда. –Б. 762.

каби тасаввур қилибди. Буни кўрган туя “Шошма, бир сенга мақтанчоқлик қандай бўлишини кўрсатиб қўяй” деб, йўлини сув томонга бурибди. Сичқон: “Шошма, мен сувга чўкаманку, сув тиззангча келади”, – дебди. “Чўкмайсен, кел сувдан ўтамиз”, – дебди туя. “Тизза билан тиззанинг фарқи бор. Сув сенинг тиззангча келса, менинг бошимдан юз қулоч баландда бўлади”, – дебди сичқон. “Ундай бўлса, катталиқни ўзингга ўхшаганларга қил”, – дебди туя³⁹⁵. Ушбу ҳикоят орқали Румий инсон иродасини тарбиялашда сичқондай манманлик, такаббурликка йўл қўймаслик, туя мисоли камтарин ва матонатли бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Педагогик нуқтаи назардан, оқилона йўлга қўйилган тарбия шахсни ҳар томонлама ўстиради; билиш, ирода ва ҳиссий жараёнларни, характер сифатларини тараққий эттиради ва соғлиқни мустаҳкамлайди. Билиш, ирода, ҳиссиёт жараёнлари ўқиш-ўрганиш ва меҳнат фаолиятида юзага чиқади, тараққий қилади.

Маънавият, унинг узвий қисми бўлган ирода инсон қалбида камол топиши учун киши қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Чунки меҳнат – энг буюк тарбиячи. У иродани мустаҳкамлайди. Меҳнат жараёнида инсоннинг ҳамма ижобий сифатлари: ўз-ўзини тута билиш, сабр-тоқат, ҳамкорлик, дўстлик ва биродарлик, чидам каби хислатлари шаклланади. Шунинг учун ҳам меҳнат одам психикасининг таркиб топиш омили сифатида тан олинади. Меҳнат маълум ижтимоий фойдали, моддий ёки маънавий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдан иборатдир. Меҳнат фаолиятига одамнинг яшашини таъминловчи бошқа турлар устидан ғалаба қозонтирувчи ҳамда табиат кучлари ва нарсаларидан одамни фойдалантирувчи махсус инсоний хатти-ҳаракат тури деб қараш мумкин. Румийнинг эътибори камтарона, тўғрисиўз, саховатли инсон тарбиясида кўпроқ меҳнатга қаратилган. Унинг фикри бўйича, инсонни бахтли, ҳурматли қиладиган энг муҳим маънавий фазилати бу “меҳнатсеварлик” ҳисобланади.

Ўрта аср мутафаккирининг бу фикри ҳозирги замон педагогикасининг тамойилларига тўлиқ мос келади. Ҳозирги замон педагогикасининг асосий роли, ёшларни меҳнат билан тарбиялаш ҳисобланади. Румий назар майдонидан касб, ҳунар, машғулот танлаш муаммоси четда қолмади. Румий одам жуда

³⁹⁵ Ўша жойда. –Б. 231.

жиддий бўлиб, хато қилмаслик учун шошмасдан машғулот, касб ёки хунарни танлашга ёндашиши керак, деб ҳисоблайди. Маълумки, инсон ўз табиати жиҳатидан меҳнат фаолияти билан шуғулланмай яшай олмайди. Меҳнат фаолияти инсонни физиологик, психологик, маънавий, маданий жиҳадан камолга етказди, иродасини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Шахснинг руҳий камолотидаги камчиликлардан бири бу ироданинг заифлигидир. Психолог олимлар шахсдаги ирода заифлигининг олдини олишда онгга таъсир этувчи турли хил машқлардан ташқари, меҳнат туридан фойдаланадилар. Педагогик соҳада ҳам ирода заифлигини тарбиялашда меҳнат тарбияси (турли хил интерфаол машқларни бажариш)дан кенг фойдаланилади, бу эса иродани мустаҳкамлашга кўмаклашади. Меҳнат тарбияси орқали педагог олимлар ўқувчиларда меҳнатсеварлик, жонқуярлик, фидоййлик каби хислатларни шакллантирадилар. Румий кишининг қадр-қимматини оширадиган меҳнатсеварликни тараннум этар экан дейди:

Кимки хизмат этса бисёр сидқ билан,
Бўйла бир неъматдин ўлгай баҳраманд³⁹⁶.

Дарҳақиқат, меҳнат “бисёр сидқ”, “сидқи дил” – чин кўнгилдан, ҳалол, оқилона адо этилса, у инсонга ўз натижаси (меvasи) ни беради. “Маснавий”да меҳнат борасида яна қуйидаги мисраларни учратиш мумкин:

Нафси мўмин ҳам магар бўрсукдир ул,
Меҳнату заҳмат ила комил бўлур³⁹⁷.

Инсондаги нафсни шоир бўрсиқ яъни сутэмизувчилар туркумининг сувсарсимонлар оиласига мансуб ҳайвон кўринишида тимсоллаштирган. Чунки бу ҳайвон табиатан жуда дангаса, танбал. Шоирнинг фикрича, инсон меҳнат қилиб заҳмат чекса, албатта, дангасалик, иродасизлик ундан чекинади ва у комилликка эришади. Румий яна “Маснавий”да меҳнат борасида Пайғамбар сўзларидан мисол келтиради:

Мустафодин келди бизга бул тарийқ,
Иш амал эрмиш вафодоринг, рафиқ.
Яхши эрса, тоабад ёринг бўлур,
Гар ёмон эрса, жабркоринг бўлур³⁹⁸.

³⁹⁶ Ўша жойда. –Б. 340.

³⁹⁷ Ўша жойда. –Б. 390.

³⁹⁸ Ўша жойда. –Б. 537.

Демак, инсондаги иш, амал ҳамиша тўғри уюштирилган бўлиши лозим. Нотўғри уюштирилган иш ёки амал инсонга жабр, зулмлар келтиради. Яна меҳнат борасида Румий, фақат меҳнатгина инсонга ижтимоий ҳаётдаги қийинчиликларнинг ечимини изчиллик билан топишга кўмаклашади, – дейди. Бинобарин, шоир асарда меҳнат борасида яна дейди:

Эй азизим, қўйки, ҳар кимса билар,
Ерга нисбат кўкда юксакдир хунар³⁹⁹.

Румий ижтимоий фойдали хунарни улуғлайди, чунки хунар меҳнатлар ичида энг режалиси бўлиб, у инсонни фикрлашга, ҳаракат қилишга, ўйлашга чорлайди ва инсон иродасини мустаҳкамлайди. Ироданинг муҳим сифатлари: ўзини тута билиш, дадиллик, қатъийлик, чидам ва тоқат, принципиаллик, мустақиллик ва бошқалар. Ирода кучи шу сифатларнинг қай даражада намоён бўлишига қараб белгиланади. Киши юксак ғояларга асосланган онгли қатъият ва сабот билан ўз ҳаракати йўлидаги тўсиқларни енгар экан, у кучли ирода эгаси ҳисобланади. Шоир қарашларида “ирода” кўпинча “сабот” сўзи орқали ифодаланади. Ирода кишининг характери билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Масалан, инсон иродасининг юксак маънавий кўриниши мардлик ҳисобланади. Мард киши бошқаларни алдамайди. Унда орият ва ғурур кучли бўлади. Психологик нуқтаи назардан инсоннинг турли қийин ва мураккаб вазиятларда мардлик кўрсатиши бевосита унинг иродасига боғлиқ. Румий мардлик, кучли ирода борасида фикр билдириб, шахсни иродали қилиб тарбиялашда фақат назорат ва чеклов эмас, балки шахсга бериладиган мутайян эркинлик муҳим эканини таъкидлайди. Мутафаккир бу ҳақда “Маснавий”да шундай мисраларни келтиради:

Мард иши равшанлигу мардоналик,
Ҳийладир номард иши, бегоналик⁴⁰⁰.

Мард киши ҳамиша равшанлик, яъни аниқлик билан иш тутади ва мардоналик каби хислатлар эгаси ҳисобланади. Номардлар иши эса бегоналик бўлиб, улар инсонийликдан, маънавиятдан йироқ бўлишади ва инсофсизлик каби хислатлар эгаси саналишади. Румий қарашларида ирода мустаҳкамлигини тарбиялашда рамзийлик ҳам асосий роль ўйнайди:

³⁹⁹ Ўша жойда. –Б. 713.

⁴⁰⁰ Ўша жойда. –Б. 17.

Болари этган юмушни, йўқ шак,
На арслон удда айлар, на эшшак⁴⁰¹.

Бу мисралардан шу нарса аёнлашадики, болари мустаҳкам ирода эгаси. Унинг иродаси шундай кучга эгаки, на баҳайбат арслон ва на заҳматкаш эшак у қилган ишни адо эта олади. Демак, ирода салобат, заҳматли меҳнат билан ўлчанмайди, салобат ва заҳматли меҳнат ирода кўринишларининг бир қисми, холос. Кучли ирода руҳий тетиклик, виждонлилик, иймон-эътиқод ва қалбан улғайганлик билан баҳоланади. Румийдаги фикрларнинг бундай қарама-қаршиликлари аллома фалсафий дунёқарашининг кенглигидан далолат беради. Румий айтади: “Қисматин асрайди мардлар аҳд ила”⁴⁰². Яъни кучли иродалилик қилинган аҳдни амалга ошириш билан ўлчанади. У яна матонат ва мардликни илм-маърифатда деб билади:

Ўз-ўзини поклагайму сув сира,
Жаҳлу нафсни синдирур эр илм ила⁴⁰³.

“Маснавий” да шунга яқин яна бир ҳикоят келтирилади: Бир овчи чумчуққа тузоқ қўйибди ва тўрга бир чумчуқ тушибди. Қуш тилга кириб овчига ёлворибди: “Эй овчи! Сен шу вақтгача қўйлар, сигирларни единг. Улар билан тўймадинг. Энди менинг арзимас гўштимга тўясанми? Агар мени қўйиб юборсанг, эвазига сенга уч ўғит айтаман. Биринчисини қўлингда туриб айтаман, иккинчисини шу том устига чиқиб айтаман, учинчисини эса анави дарахтга қўниб айтаман”.

Овчи қушни маҳкам ушлаб: “Қани, айтгин-чи”, – дебди. Чумчуқ биринчи насиҳатини айтибди: “Бўлмайдиган гапга ким айтса-айтсин, ишонма!”

Овчи иккинчи насиҳатни эшитиш учун чумчуқни қўйиб юборибди. Чумчуқ том четига қўниб иккинчи ўғитини айтибди: “Ўтиб кетган нарса, бой берилган фурсат учун хафа бўлма, оҳ-воҳ чекма”. Чумчуқ яна бироз учиб, баланд дарахт шохига қўниб дебди: “Қорнимда оғирлиги ўн бир дирҳам қимматбаҳо дур бор эди. Қўйиб юбормаганингда ўша дур сеники бўлар эди”.

Овчи: “Оҳ! Нима қилиб қўйдим? Нега қўйиб юбордим-а?” – дея қайғуриб йиғлай бошлабди. Шу пайт чумчуқ: “Эй, нимага

⁴⁰¹ Ўша жойда. –Б. 39.

⁴⁰² Ўша жойда. –Б. 213.

⁴⁰³ Ўша жойда. –Б. 106.

бақириб йиғлайсан. Мен сенга “Ўтиб кетган нарса, бой берилган фурсат учун хафа бўлма”, деган эдим-ку. Бундан ташқари, сенга “Бўлмайдиган гапга, ким айтса-айтсин, ишонма”, демаганмидим? Қанақа анқов одамсан. Мен ўзим уч дирҳам чиқмайман, қандай қилиб қорнимда ўн дирҳамлик инжу бўлади?...”

Овчининг хуши жойига келиб: “Ундай бўлса учинчи ўгингини айт”, – дебди. Шунда чумчуқ: “Икки ўгитга риоя қилмаган учинчисига риоя қиладими?” – деб учиб кетибди⁴⁰⁴.

Румий мустаҳкам ирода соҳиби бўлганлиги туфайли иродани шундай моҳирона тасвирлаганки, бундай ўхшатиш бирор муаллифда учрамайди. Баъзи инсонларга тўғри йўл кўрсатиб турсангиз ҳам, у тўғри йўлдан адашади, чунки унинг мустақил фикри ва иродаси йўқ. Чумчуқ ўзининг илми ва мустаҳкам иродаси туфайли тутқунликдан халос бўлди. Овчи илмсизлиги ва иродасизлиги туфайли кичкина бир чумчуққа кулгу бўлди.

Эй мушукдек солма сичқонга човут,
Шер бўлибсан май ичиб, арслонни тут⁴⁰⁵.

Бу мисраларда рамзийлик остида иродани тарбиялаш мезони акс эттирилган бўлиб, унда иродани тўғри шакллантириш, иродада такаббурликка йўл қўймаслик, ирода кучини тўғри йўналтириш бўйича фикр билдирилган. Яъни ирода ҳамиша ҳалолликка таяниши, бирор ишни амалга оширишда инсон ўз ирода кучини, ақлини, эътиборини тўла шайлаши, кераксиз нарсаларга берилиб, асл мақсаддан четга чиқиши мумкин эмаслиги борасида фикр юритилган. Ироданинг жисмоний ва руҳий шайлигини амалга оширишда, авваламбор, инсонда сабр-тоқат, матонат шаклланиши керак. Сабр ўз ихтиёри билан нафсни тийиш ҳисобланади. “Сабр” арабча аччиқ, чидам, бардош маъноларини англатиб, инсон маънавиятининг таркибий қисми ва иродани мутаҳкамлашдаги энг асосий компонент саналади. Сабр ошиқмасдан кутиш ёки ўзини тия олиш, тоқат, чидам-бардош, ирода ва қаноат қилиш маъносини англатади. Сабр кишиларнинг турли-туман зиддиятли воқеа-ҳодисаларга бардош қила олишини ҳам ифодалайди. Румий инсондаги сабр-бардош борасида фикр юритар экан шундай дейди:

⁴⁰⁴ Ўша жойда. –Б. 454.

⁴⁰⁵ Ўша жойда. –Б. 266.

Сабру бардошдир етуклар туйғуси,
 Қанду ҳалводир гўдаклар орзуси.
 Кимки сабр айлар, самога ўрлагай,
 Кимки ҳалво ер, муқаррар терлагай⁴⁰⁶.

Румий сабру бардошлиликни етуклар, комиллар туйғуси санаб, сабр инсонни “само” – юксаклик, буюкликка банд қилади, дейди. Сабр – юксак маънавий тушунча, ақл ва маданият белгиси, бошқаларнинг фикри ва эътиқодига ҳурмат ифодаси ҳисобланади. “Маснавий”да сабр борасида яна қуйидаги мисраларга эътибор қаратиш мумкин:

Сабр қилким, сабр келтиргай нажот,
 Сабр – сергакликка чун қўлу қанот⁴⁰⁷.

Демак, сабр инсонга нажот, шифо, барака, масала ечимини олиб келади. Сабр инсонни сергак, хушёр, огоҳ бўлишга чорлайди. Сабрсизлик эса ҳаётда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Ишнинг баракаси, албатта, сабр билан боғлиқ. Кўпинча тилимизда таҳлил этилаётган тушунча “сабр-қаноат” тарзида ишлатилади. Чунки сабр учун қаноат, қаноат учун сабр керак. Бироқ сабр билан қаноатни бир нарса деб тушунмаслик лозим. Қаноат, асосан, борлик-йўқликка кўниш, оз нарса билан тирикчилик ўтказишни англатса, сабр бошга тушган кулфат, ғам-ғусса, азоб-уқубатга чидашни, ҳар қандай ҳодисанинг натижасини кута олишни билдиради. Шунинг учун Румий сабр билан ёнма-ён турган қаноатни сергаклик мисолида тасвирлаб, “у сабр билан қўл ва қанот каби” дейди. Чунки, сабр-сизлик, албатта, ирода заифлигидан далолат беради. Румий: Инсон сабру бардош орқали кўзлаган манзилига етади, нарса ва ҳодиса моҳиятини англайди; бесабрлик (сабрсизлик) кўзлаган мақсадга эришишдаги ишни баттар мушкуллаштиради”, – дейди. Шунинг учун асарда инсон сабру-бардош соҳиби бўлиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. “Сабру бардошдин келур бахту самар”, – дейди шоир⁴⁰⁸.

Хуллас, инсон иродасини мустаҳкамлаш маънавий бурчни адо қилишга олиб келади. Маънавий бурч шахсни баъзан ҳузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этиши мумкин бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида инсон тафаккурига сингдирилади ёки оилавий, миллий анъаналар тарзида қабул қилинади.

⁴⁰⁶ Ўша жойда. –Б. 57.

⁴⁰⁷ Ўша жойда. –Б. 251.

⁴⁰⁸ Ўша жойда. –Б. 347.

3.3. Инсонда қалб поклиги ва виждон уйғоқлигини тарбиялаш

Шахсни юксак маънавият соҳиби қилиб тарбиялашда руҳий тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Чунки инсон баркамоллиги нафақат жисмоний, ақлий, балки руҳий тарбияга ҳам боғлиқ. Шахсларнинг руҳий тарбияси қалб поклиги ва виждон уйғоқлиги билан характерлидир. Илмий адабиётларда “Руҳ – объектив дунёнинг фаол инъикосини англатувчи тушунча”, деб келтирилган бўлиб, борлиқни акс эттириш фақат инсонга эмас, жониворлар, ўсимликлар, ҳатто ноорганик дунёга ҳам хосдир. Руҳга таъриф берилганда, психологик жиҳатдан кишининг ички ҳолатини, психик кечинмаларини, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфияти, педагогик жиҳатдан кишининг ички дунёсини, маънавий қиёфасини, ўй-фикрларини, маслак ва мақсадларини акс эттирувчи кайфияти деб тушунилади. Айни пайтда ёшларни миллий руҳда тарбиялаш миллатнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслак билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи билан қуроллантиришга қаратилган.

Инсонларнинг руҳий тарбияси, уларнинг ботиний-маънавий оламини ўз асарларида кенг ёритган мутафаккир олим Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”да жон (руҳ), тан борасида қуйидагиларни баён этади: “Ул ҳақдаким, тан руҳнинг либоси, қўл руҳнинг энги, оёқ руҳ оёғининг этагидир”.

Сен биларсен, руҳга тан эрмиш либос,
 Бор, либос кийганни кўргил рўй-рост.
 Тавҳиди Аллоҳ келур жонларга хуш,
 Зоҳир эрмас қўл-оёқлар бор эмиш.
 Баъзида уйқуда зоҳир бўлса ул,
 Рост бил, беҳуда ёлғон билмагил.
 Бас, баданким бебадан эрса, ҳамон,
 Кўрқмагил, бир кун бадандин чиқса жон⁴⁰⁹.

Румий руҳ (жон), тан ҳақида фикр юритар экан, “тан руҳнинг либоси” дейди. Яъни инсон тузилиши тана ва руҳдан иборат. Тана руҳсиз фаолият кўрсата олмайди, руҳий тарбиясиз тараққий этмайди. Фан тилида танага руҳ жон билан кирати ва жон билан чиқади, дейилади.

⁴⁰⁹ Ўша жойда. –Б. 292.

Ул ариқ эрмишки, сув жавлони бор,
Одамий улдирки, танда жони бор⁴¹⁰.

Демак, одамнинг тузилиши тан ва руҳдан иборат экан, шахс ҳаёти давомида жисмоний (миқдор) ва руҳий (сифат) жиҳатдан шаклланиб боради. Инсон тан тарбияси, яъни жисмоний тарбия орқали физиологик характердаги ўзгаришлар жараёнида жисмоний баркамолликка эришса, руҳ тарбияси орқали диққат ва хотира даражаси, тафаккур хусусиятлари, сўз бойлиги ҳамда нутқнинг ривожланганлик даражаси, яхши амали орқали етуклик, комиллик даражасига етади. Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг хусусияти, қизиқиши, қобилияти, ақлий жиҳатдан ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи, меҳнатга муносабати билан бошқалардан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, мазкур хусусиятлар ривожланиб, маълум бир босқичга етганда, у камол топган шахс сифатида намоён бўлади. Демак, шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида қарор топадиган, миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришлар жараёнидир. Шахснинг шаклланишида шахсий хислат ва сифатнинг ривожланиб, тараққий этиб бориши муҳим ўрин тутди. Шахс сифатларини тўғри аниқлаш учун турли муносабатлар жараёнида уни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. “Инсон танаси ҳаммом унда руҳнинг, ақл ва нафснинг иссиқлиги бор”⁴¹¹. Шоир инсон руҳий тарбияси борасида шундай дейди:

Жон кўзи кимларда равшан бўлса гар,
Мардумингни бошқалармас, ул кўрар⁴¹².

Шоирнинг фикрича, инсон руҳини пок ва равшан тутиши орқали ўз-ўзини тарбиялаши ва ҳаёт моҳиятини англаши жараёнида жон кўзи равшанлашади. Мардум – одамий, инсонийлигини бошқалардан кўра жон кўзи равшан кўради ва англайди. Инсон ўз-ўзини англамас экан, тириклик моҳиятини умуман тушунмайди. Аллома инсон ўз танасидаги жон (руҳ) ни тушунмаслиги яъни ўз-ўзини тушунмаслиги борасида яна қуйидаги мисраларни битди:

⁴¹⁰ Ўша жойда. –Б. 595.

⁴¹¹ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 46.

⁴¹² Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 347.

Жазби сувдир, гар ёнаркан жонимиз,
Ул бизимдир, биз унинг ҳайронимиз⁴¹³.

Сув ҳамиша ёнаётган нарсаларга малҳам саналади. Демак, руҳни тарбиялашда, жонга, танга малҳам бўладиган сувни, яъни тарбияни сингдирмоқ даркор. Қачонки руҳ тарбияланар экан, инсон ноқулай нарса ва ҳодисалар ечимини тезда топа олади. Таълим-тарбия жараёнида “Руҳ” сўзи тетиклик, баркамоллик, хушёрлик, етуклик даражаси сифатида ифодаланади. Масалан, баъзи аломалар руҳ – бу қон деса, бошқалари нафас деб ҳисоблайди. Айримлар эса руҳни латиф ва нафис ҳаводан иборат деб, уни моддий нарсалар сафига киритади. Аслини олганда, Румий “Маснавий”да руҳ тушунчасини Ҳаким Санойий ижодидаги бир мисрани келтирган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилади:

Тинглагил, не дер Ҳакими Ғазнавий,
Эски танда тоза руҳ топ мен каби⁴¹⁴.

Румий Санойийнинг бу мисраси орқали руҳнинг баркамоллик, етуклик, юксаклик кўриниши эканлигини англаб етади. Чунки тана баркамолликдан сўнг қарийди, лекин руҳ ҳамиша тоза у қаримайди. “Маснавий”да мутафаккир яна “ел (шамол) руҳи”, “руҳи маҳжуб”, “руҳи аслий”, “руҳи қудсий”, “руҳи нажот”, “руҳи нур”⁴¹⁵ борасидаги фикрларини келтириб ўтади. Файласуф алломалар ўз ижодларида фақат руҳ тараққиёти ҳақида гапириб ўтган бўлсалар, Румий тана руҳ билан биргаликда ривожланишини, тана парваришланмаса, руҳ камол топа олмаслигини таъкидлайди. Бу фикрни Румийнинг замондоши Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақойиқ”, яъни “Ҳақиқатлар қаймоғи” асарида ҳам кузатиш мумкин. Румий ёзади:

Ўзгаришлар мулки – тан эрмиш магар,
Руҳи боқий офтобдир, жилвагар⁴¹⁶.

Румий руҳни қуёшга ўхшатади ва тан қуёш жилосида тобланиб камолга етишини айтади. Демак, инсон руҳи танасини бошқаради, шунинг учун тан билан руҳ уйғунликда камол топиши керак. Шундагина бу уйғунлик инсоният тараққиётига

⁴¹³ Ўша жойда. –Б. 373.

⁴¹⁴ Ўша жойда. –Б. 66.

⁴¹⁵ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –846 бет.

⁴¹⁶ Ўша жойда. –Б. 500.

улкан ҳисса қўшиб, абадий тарихга муҳрланади. Руҳ тушунчасини изоҳлаганда, албатта, қалб асосий ўринни эгаллайди. Қалб (араб. *юрак*) – кўнгил, руҳият, кайфият, тафаккурга боғлаб ишлатиладиган ва инсон руҳий ҳолатини ифодалайдиган маънавий тушунча ҳисобланади. Қалб халқ тилида кўпроқ инсоннинг кўнглини билдиради. “Кўнглингга қулоқ тут”, “кўнглингга келганини қил”, “кўнглим шуни тусаяпти” деганда, қалб билан, қалб амри билан қилинадиган ишлар, хатти-ҳаракатлар ва фаолиятлар тушунилади. Масалан, Румий бу борада шундай дейди:

Бўлди дил тан ҳавзида чиркин бадан,
Лек кўнгиллар ҳавзида покланди тан⁴¹⁷.

Чунки кўнгилга қулоқ тутиб иш кўриш, қалб амрига бўйсуниб ва шахснинг туриш-турмушидаги, кишилар билан бўлган ижтимоий муносабатларининг мужассамлиги орқали тана қалб билан бирга юксаклик (поклик)ка эришади. Қалб, шунингдек, бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси, исломда жавҳар макони, эътиқод ва ижодда эса иймон гавҳарининг жойи, кўнгил, дил, виждон, юрак, ғайбий мушоҳада маскани, илоҳий ишқ жойи, илми ладуний ери, илоҳий нурлар зухурланган жой деб таърифланади. Таълим-тарбия жараёнида инсондаги маънавиятнинг даражаси – қалбни пок, тоза сақлаш ҳалол-ҳаромнинг фарқига бориш билан белгиланади. Румий бу борада қуйидаги мисраларни келтиради:

Турмасин кўнглингда кир, қувгил уни,
Йиғла, кўз ёшинг била ювгил уни⁴¹⁸.

Кўринадики, Румий қалб тарбиясига эътибор қаратмоқда. Инсон икки ҳолатда йиғлаши мумкин: бадани (танаси) азобга қолганда ва қалби азобга қолганда. Биринчи азоб бу сабрсизлик, чидамсизликдан бўлса, иккинчи азоб эса тавба ва шукроналикдандир. Демак, руҳни тарбиялашда инсон кўнглидан кина-кудуратни олиб ташлаши, ҳамиша яхшиликка интилиши лозим.

Юксак маънавият ва маърифатга, холисликка, покликка интилган шахснинг қалби ҳам беғубор, пок бўлади ва шу аснода унинг фаолияти, кимлиги ҳам ўз ифодасини топади. Инсон-

⁴¹⁷ Ўша жойда. –Б. 170.

⁴¹⁸ Ўша жойда. –Б. 306.

нинг қалб софлиги ва поклигига эришиши унинг руҳий ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Чунки руҳий оламнинг тарбияланганлиги ва поклиги қалб улғайганлигини англатади. Румийнинг “Маснавий”си руҳий поклик ва қалбан уйғоқлик борасидаги фикрлар билан жамлаб олинганлиги жиҳатидан бошқа асарлардан фарқланади. Масалан: Кўр тиланчи қиссасида тасвирланишича бир одам ўзининг ва овозининг хунуклиги борасида одамларга айтиб раҳм-шафқат сўраб юрар экан. Буни эшитган одамлар унда иккита кўрлик эмас, балки “кўнгил кўрлиги” ҳам, демак, уч кўрлик мавжуд экан, дейишибди.⁴¹⁹ Дунёда шундай кўнгил пок, кўнгил уйғоқ инсонлар борки, улар кўнгил кўрлигининг, кўнгил қоралигининг ҳикоятдагига каби хатарли иллат эканлигини яхши англайдилар. Бу борада Румийнинг ўзи ҳам шундай изоҳ беради:

Кўнгил бедорларни ёз, эй маънавий,
Васфига камлик қилур минг маснавий⁴²⁰.

Ният кўнгилда (қалбда) туғилади. Шу асосда мияда фикр туғилади. Педагогикада эса қалб олижаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, саховат, инсонпарварлик ҳисларини жо этган тушунча сифатида англашилади. Инсон қалбини ҳамиша пок сақлаши, ўзгалар қалбига озор бермаслик тамойилига таяниб иш кўриши лозимлиги уқтирилади. Румий: “Кўнгил ойнаси тоза бўлиши керак, токи унда хуш суратни зиддидан фарқлай олсинлар”, – дейди⁴²¹. Қалб инсон хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб, яхши амаллар уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса аксинча, хиралаштиради. Румий инсон танагини меҳмонхонага, ундаги фикрларни меҳмонга ўхшатади:

Шу танинг меҳмон уйидир, эй ўғил,
Ҳар сафар бир янги меҳмонинг келур.
Демаким, ул сенга ташвиш этгуси,
Барчаси мулки адамга кетгуси.
Ҳар не келгай ғайб диёридин сенга,
Дилга меҳмондир, такаллуф эт анга.
Сен фикрни шахс бил, эй жонажон,
Чунки шахс топгай фикрдин қадрү жон⁴²².

⁴¹⁹ Ўша жойда. –Б. 188.

⁴²⁰ Ўша жойда. –Б. 281.

⁴²¹ Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 64.

⁴²² Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 678.

Макон ва замондаги, ботиний ёки зоҳирий нарса-ҳодисалардан туғилган фикр кўнгилда ўз изоҳини топади ва бу фикрнинг жамиятга, миллий мафкурага қанчалик таъсир этиши фаолият орқали англашилади. Қачонки, кўнгил соф ва пок бўлса, кўнгилда туғилган фикр ҳам инсоннинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлайди. Унинг мустақил дунёқараши ва эркин тафаккури шаклланишига кўмаклашади. Румий ёзади:

Эрса кўнгил кўзгуси шаффофу пок,
Акс этур нақшлар, кўринмас обу хок⁴²³.

“Маснавий”да “**Кўнгил ойнаси**” ҳикояти келтирилган бўлиб, унда ҳикоят қилинишича, султон саройида хитой рассомлари: “Биз турк рассомларидан анча илғор ва моҳирмиз”, – деб иддао қилдилар. Бунга жавобан турк рассомлари: “Йўқ, биз улардан устунроқмиз. Бизнинг санъатимиз юксак”, – деб бу даъвога қарши чиқибдилар. Бу баҳсдан хабар топган султон рассомларни имтиҳон қилишга қарор қилибди. “Хар икки мамлакат рассомлари тайёрлансин, бир-бирига қараган икки хонага чиқарилсинлар!” – деб буюрибди султон.

Хитой рассомлари ўзларига берилган хона деворларини турли рангли расмлар билан безабдилар. Турк рассомлари эса Хитой рассомлари қаршисидаги ўз хоналарининг деворларини фақат жилолаб, ойина каби ялтиратибдилар. Султон олдин Хитой рассомларининг хонасига кирибди ва уларнинг санъатига лол қолибди. Кейин турк рассомларининг хонасига ташриф буюрибди. Улар хонани ойина мисоли ялтиратганликлари туфайли хитойликлар чизган расмлар акси янада ёрқин жилоланиб, ўз аксини кўрсатар эди. Бундан ҳайратланган султон турк рассомларини тақдирлаган экан⁴²⁴.

Ҳикоятда тасвирланган хитой рассомлари фаолияти маданият жиҳатидан баҳоланса, туркий рассомларнинг фаолияти маънавият жиҳатидан баҳоланади. Демак, бундай шахс нафақат маданий, балки маънавий тарбияланиши, кўнгил ойнаси тоза бўлиши муҳимлигини англаш мумкин. Румий ўз ҳаёти давомида шогирдларини эркин ва ҳур фикрлашга чорлаб келди ва қалбни пок, очиқ тутиш, уни яхшилик нури билан тўлдириб боришни таъкидлади. Тоза ва нурга тўлган қалбда, албатта, соғлом ва ҳур фикр туғилади. Румий фикр борасида дейди:

⁴²³ Ўша жойда. –Б. 133.

⁴²⁴ Ўша жойда. –Б. 72.

Мева аввал фикру кўнгилда битар,
Сўнг оғочда ўзни ул зоҳир этар⁴²⁵.

Маснавийда, қалб қандай (тоза ёки қора) бўлса, фикр ҳам шундай туғилиши айтилади. Тарбия жараёнида қалб борасида сўз кетганда, “қалбингга қулоқ тут” ибораси ишлатилади. Румий ҳам бу иборага тафсир келтирган:

Деди Пайғамбар: истафт ул-қулуб,
Муфтилар фатвоси гарчи яхши, хуб⁴²⁶.

Байтнинг мазмуни: Пайғамбар дедиким, муфтилар гарчи яхши фатво беришса-да, сен, аввало, қалбинг ила кенгаш. Бир мушт ҳажмичалик келадиган дилга қулоқ тутсангиз, унинг уришидан бошқа нарсани эшитмайсиз, аммо дилдаги шодлик, хурсандчилик ёки алам, дард қалбнинг борлигидан далолат беради. Инсон мимикасида қалбида кечаётган ҳиссиётлар намён бўлади. Шодлик ва хурсандчиликдан завқланиш, дард ва аламни енгиш, қалбга қулоқ тутиш орқали, яъни ғайрат-шижоат, сабр-қаноат, мардлик, ҳалоллик, умидни ҳис қилиш мумкин. Буларни ҳис қилмаган одам қалб деган тушунчани англай олмайди. “Кўл, оёқ, кўз, қулоқ ва инсоннинг барча туйғулари қалбу ақлдан ўрганиш қобилиятига эга”⁴²⁷. Шунинг учун Румий шундай дейди:

Оқ қоғоз узра қалам сурсанг магар,
Кўзга ташлангай ҳамоно, сарбасар.
Лек қалам хат узра чекса янги хат,
Англамоқ душвор, юз бергай ғалат.
Чун сиёҳ узра сиёҳ тушгай баса,
Сўз бузилгай, маъни чалкашгай баса.
Гар учинчи карра ёзсанг устидан,
Қоп-қорадир устидан ҳам остидан⁴²⁸.

Демак, шоир кўнгил кечинмалари жараёнини акс этиб ҳамиша кўнгил софлигини тараннум этади ва бундай инсонларга қарата шундай дейди:

Сен кўнгил бўстониға қўйгил қадам,
Бошқа жойда сенга юз очгай ситама⁴²⁹.

⁴²⁵ Ўша жойда. –Б. 159.

⁴²⁶ Ўша жойда. –Б. 650.

⁴²⁷ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б. 127.

⁴²⁸ Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 229.

⁴²⁹ Ўша жойда. –Б. 260.

Чунки қалб замиридаги хатти-ҳаракатларни теран англаш, унинг мазмун-моҳияти, қандай мақсадларга қаратилганини тушуниш, турли маълумотларга нисбатан атрофлича, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан танқидий ёндашиш инсонни ҳамаша тўғри йўлга бошлайди. Румий қалбни таъриф этар экан, қалби борни инсоний, дили борни ҳайвоний деб атайди. Ҳамма ҳайвон ва инсонда ҳам бирдек дил (юррак) бўлиб, у ўзининг физиологик вазифасини бажаради ва танага қон ҳайдайди, лекин қалб фақат инсонда бўлади. Халқ тилида: “Қалблар борки, кенг, олижаноб. Диллар бор, инсонийликдан йироқ”, – дейилади.

“Маснавий”да келтирилган кўнгил истаги борасидаги ҳикоятда келтирилишича бир одам катта шаҳарга келибди. Бозордаги атир-упалар сотадиган атторлик дўконлари томонга бурилибди. Дўконлардан гул, бинафша, атир ҳидлари уфуриб турарди. Бир-икки қадам юргач, бу хушбўй ҳидлардан унинг боши айланибди. Охири ҳушидан кетибди. Оломон унинг устига тўпланибди. Бири юрагини, бири билагини уқалар, кимдир юзига гул суви сепибди. Қанча ҳаракат қилишмасин, бемор ҳушига келмабди. Атирлар, гул сувларини бошидан қуйишар, аммо одам ҳеч ўзига келмабди. Чорасиз қолишибди. Атрофдагиларга жар солишиб, қариндошларини қидира бошлашибди. Аммо ҳеч кимса эга чиқмабди, анча вақт ўтса ҳам, у ўзига келмабди. Оқшомга яқин бу ердан ўтиб кетаётган бир тери ошловчи ҳушидан кетиб ётган одамни танибди. Оломонга қараб: “Тўхтанг, гул сувини сепманг. Мен унинг нега хаста эканлигини биламан. Сиз унга тегмай туринг, мен ҳозир келаман”, – дея узоқлашибди. Бир вайронага кириб, бир ҳовуч ит тезагини олиб қайтиб келибди ва тезлик билан тезакни ҳушидан кетган одам бурнига тутибди. Ҳалиги киши ўзига кела бошлабди. Бироздан сўнг оёққа турибди ва тери ошловчи билан биргалашиб кетибди. Ҳушидан кетган одам ҳам тери ошловчи бўлиб, йиллар мобайнида терилар орасида ёмон ҳидларга ўрганиб қолгани учун атторлик дўконларидан таралиб турган хушбўй ҳидларга дош беролмай, ҳушидан кетган экан⁴³⁰.

Бу ҳикоят орқали кўнгилга яқин ишдан бошқа ишга қўл урилса, кўнгил дош бермаслиги ва албатта, бунга даво кўнгил ўзи истаган ишни бажаришдан иборат эканлиги

⁴³⁰ Ўша жойда. –Б. 460.

таъкидланмоқда. Кўнгилда жамланган яхши ёки ёмон фикрлар хоҳиш-истакка айланади. Кўнгил кўп нарсани исташи мумкин, шунинг учун ундаги фикрлар тарбияланса, кўнгил азоб чекмайди ва фақат инсонни камолотга етаклайди. Румий қалб тарбияси ҳақида куйидаги фикрни айтиб ўтади:

Нон эмас, ҳикмат ейишни қил ният,
Тангамас, кўнгилга бергил тарбият.
Ул таоминг бул таомингни тўсар,
Жон – бозургон, тан – қароқчи, йўлтўсар⁴³¹.

Демак, Румий комил инсон бўлиб шаклланишда, энг аввало, танни (емиш) билан эмас, балки қалбни (дониш) билан тарбиялаш фикрини олға суради. Румий нуқтаи назаридан қараганда, ҳар кишининг ўзига хос қалби ва виждони мавжудки, шунга асосланиб ҳаракат қилади. Румий асарларида виждон алоҳида ҳолда талқин этилмайди, балки у иймон, эътиқод ва кўпинча қалб билан бирга кўрсатилади. Аллома қарашларида виждонлилик ва виждонсизлик можароси кўп бора кузатилади ва у виждонлиликни ҳалоллик, меҳру вафо, хайру эҳсон, огоҳликда деб билади. Масалан:

Гар эсанг пок луқмага қобил ўзинг,
Нур емакка бўлгай сен қодир ўзинг⁴³².

Байтда ҳалол, пок луқмали инсон бўлсанг, сен нур (ҳурмат) га лойиқдирсан, дейилмоқда. Ҳалоллик (араб. рухсат этилган, йўл қўйилган; қонуний, асосли; тўғрилиқ, виждонлилик) – маънавий-ахлоқий меъёрни англатувчи тушунча. Ҳалол виждон эса адолат ва бурч каби ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ. Румий инсондаги виждонни тарбиялаш ва шакллантиришда диний масалаларни илмий асослайди⁴³³ ва виждонлиликни хайру эҳсон кўрсатиш кўринишида тасвирлайди. Хайру эҳсон – хислат ва фойдали ҳаракат, бошқаларга яхшилик қилиш, якка шахслар ва ташкилотлар томонидан ёрдамга муҳтож инсонларга раҳму шафқат юзасидан моддий ёрдам кўрсатишни таъминловчи тушунча. Румий хайру эҳсон борасида дейди:

Бахтлидир ул кимса, эҳсон айламиш,
Борини бир дўстга қурбон айламиш⁴³⁴.

⁴³¹ Ўша жойда. –Б. 495.

⁴³² Ўша жойда. –Б. 445.

⁴³³ Ўша жойда. –Б. 510.

⁴³⁴ Ўша жойда. –Б. 665.

“Маснавий” даги “Зарвон аҳли қиссаси” да келтирилишича, бир раббоний, комил одам боғ-роғлар ҳосилидан йўқсулларга хайр-эҳсон берар экан, лекин унинг бу ҳолидан фарзандлари ҳасад қилишибди. У чунончи, узум узса, майиз қуритса, ҳолва пиширса, буғдой ўрса, хирмон кўтарса, тегирмонда ун тортса, хамир қорса, нон ёпса халққа ушр берар экан. Шунинг эвазига Оллоҳ таоло унинг боғ ва даласига бир барокат ёғдирган эканки, бошқа боғ-роғ эгалари бунга муҳтож бўлиб мева ва ақча сўрашаркан, у эса бировга муҳтож эмаскан. Ўғиллари ўшал хайру эҳсонни кўришарди-ю, боғдаги баракотни кўришмас эди. Боғбон ўғилларини чақириб: “Боғимиздаги барокот хайру эҳсонимиз натижасидир, мендан кейин ҳам хайру эҳсонни қанда қилманг. Шундагина Оллоҳ бизга ўз баракотини ато этади”, – деган экан⁴³⁵.

Ҳикоятда тасвирланган боғбон саховат соҳиби, у нафақат саховат эгаси, балки виждон тарбиячиси ҳамдир. Чунки ундаги саховат виждонининг уйғоқлигидан далолат беради, қанчалик мол-дунёси бўлмасин, барибир ўзини йўқотмайди, кўлидан келганча одамларга яхшилик қилади. Инсондаги виждонлиликнинг кўринишларидан яна бири меҳр-мурувватли бўлишдир. Румий “Маснавий” да меҳру вафо борасида гапирар экан, шундай ёзади:

Меҳр талхни тотлига сургай нуқул,
Меҳр кўрсатмоқ эмишдир тўғри йўл⁴³⁶.

Румий фикрича, ёмон хислатни яхши хислатга фақат меҳр билан ўзгартирса бўлади. Меҳр кишилик жамиятининг маънавий тараққиётида шаклланган ахлоқий фазилат бўлиб, индивидуаллик хусусиятига эгадир. Меҳрибонлик – кишиларнинг ўзаро муносабатларида меҳр-оқибат кўрсатиш, бири-бирига қайишиш, ёрдамлашиш, хушфеъллик, ёрдамга муҳтож бўлган одамларга кўмак кўрсатиш билан боғлиқ эзгу хатти-ҳаракатларни қамраб оладиган фазилат. Меҳру вафо инсоний муносабатларнинг энг асосийси саналади. Масалан, мамлакатимизда мустақиллик даврига келиб меҳрибонлик фазилатининг кадр-қиммати теранлашди, янги-янги жиҳатлари кашф этила бошланди. Чунончи, байрам кунларида қариялар, бава-бечоралар, етим-есирлар, ёрдамга муҳтож кишилар

⁴³⁵ Ўша жойда. –Б. 620.

⁴³⁶ Ўша жойда. –Б. 87.

ҳолдан хабар олиш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиб бериш, мактаб интернатларида етим болаларнинг хатна маросимларини ўтказиш, ёлғиз қолган ва кўмакка муҳтож кишиларга байрам муносабати билан совға-саломлар улашиш каби олижаноб хатти-ҳаракатлар халқимизнинг оққўнгил, саховатпеша инсоний туйғуларга бой халқ эканидан дарак беради.

Виждонлиликни намоён этувчи фазилатларни амалга ошириш шахснинг виждон эркинлигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди⁴³⁷. Иймон, эътиқод, одоб-ахлоқ масалалари бўйича диний ва илмий қарашларнинг қай бирини танлаш, маъқуллаш ҳар бир кишининг виждонига ҳавола дейилади. Виждон инсондаги маънавий кўринишнинг бир бўлагидир. Виждон – инсонга хос юксак маънавий фазилат, кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳиссини англатувчи тушунча. Румий виждонсизликни судхўрлик, ҳаромхўрлик, ҳасад-кийна, таъмагирлик, тақлидчилик, бевафлик, ғафлат борасидаги фикрлар орқали ёритади. Масалан, Румий ҳаромхўрликнинг оқибатлари ҳақида гапириб дейди:

Гар ҳаромхўрликда айларсен шитоб,
Сенда қолгай на мурувват, на савоб⁴³⁸.

Демак, ҳаромхўрлик инсонни инсонийлигидан айиради, яъни мурувват ва савоб кишиси бўлиш йўлини тўсади. Ҳаромхўрликнинг яна бир тури таъмагирлик – манфаатпарастликнинг кўриниши бўлиб, бутун хатти-ҳаракатини шахсий манфаат олишга қаратган шахснинг хулқ-атворини таърифлайдиган салбий хусусият ҳисобланади. Румий “Маснавий”да таъмагирлик ҳақида: “Тангри эҳсони ҳар ёқдан бошқа бир сабаб билан берилади, бу хусусда шубҳага ўрин йўқ. Шундай киши ҳам борки, бутун умиди, ваҳму хотирини бир эшикка тикар, ризқни шу эшикдан кутар...”, – дейди ва бу фикрини “тангри уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантиради” сура-

⁴³⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. –Б. 39.

⁴³⁸ Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. –Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. –Б. 506.

сига ишора” сифатида келтиради⁴³⁹. Румий таъмагирликни изоҳлаб берар экан, бирор яхшиликнинг эвазига умидворликни қоралайди, қилган яхшилиги эвазига ўзи кутмаган жойдан яхшилик келиши мумкинлиги борасида уқтиради. Инсондаги таъма унинг тубанлигидан далолат беради. Таъмагир одам ҳаётга бир ёқлама назар солади. Бирон кишига яхшилик қилса, яхшилиги эвазига ўша одамдан бирон нарса қайтишига умид боғлайди. Румий виждонсиз инсонни тасвирлашда ҳасадкийна борасида ҳам фикр юритган:

Ким ҳасад бирлан агар бурнин бурар,
Ҳам қулоқдин, ҳам бурундин айрилар⁴⁴⁰.

Румий ҳасадни ўзга кишидаги ютуқ ва омаднинг ўзида бўлишига ички ва ташқи хоҳиш, бошқанинг ҳаёти, фаолияти, атрофдагилар хулқ-атворини кўролмаслик тушунчаси сифатида ифода этилади. Масалан:

Ҳинду турк, боқсанг, гаҳи парвонадек,
Икки турк, боқсанг, гаҳи бегонадек⁴⁴¹.

Турли халқлар, миллатлар бошқа миллат ва давлатнинг ютуқ ва муваффақиятларини ижобий қабул қилади, лекин баъзида бир миллат вакили бўла туриб икки инсон бир-бирининг ютуқ ва муваффақиятларини кўра олмайди, чунки унинг қалбида ҳасад ҳисси ётади. “Маснавий”да ҳасад ижтимоий иллат сифатида тасвирланади:

Тил ила чангитма, кўзғатма ғубор,
Чанг-ғуборни этма кўзларга нисор.
Чунки мўъмин кўзгуйи мўъмин эрур,
Чанг-ғубордин ойина эмин эрур⁴⁴².

Румий виждонни тарбиялашда ҳасадкийна қилишдан воз кечиш, кўрмаган ва билмаган нарса ҳақида кераксиз гапларни тарқатмаслик зарурлигини уқтиради. Шоир кераксиз сўзни чангга ўхшатади, яъни кўзга чанг-ғубор кирса, инсон кўзи оғригани каби, ҳасадкийнадан ҳам инсон қалби озор чекади. Чунки, ҳасадкийна инсонни бир-биридан узоқлаштиради. “Маснавий”да виждонсизликнинг яна бир салбий кўриниши бўлган тақлидчилик илллати қораланади. Зеро, тақлидда

⁴³⁹ Ўша жойда. –Б. 735.

⁴⁴⁰ Ўша жойда. –Б. 21.

⁴⁴¹ Ўша жойда. –Б. 45.

⁴⁴² Ўша жойда. –Б. 131.

ҳам меъёр бўлиши керак. Тақлид – бошқаларнинг хулқига эргашиш ёки уларнинг хатти-ҳаракатлари, хислатлари, нутқ хусусиятларини маълум даражада ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда такрорлашдан иборат хулқ шаклини англатувчи тушунча ҳисобланади. Шунинг учун инсон ўз тушунчаси орқали тақлид қилади. Масалан, яхши инсонларга тақлид қилиш мумкин. Тақлидда чегарадан чиқиш керак эмас, яъни бирор кишининг юриш-туриши, товуши, баъзи кўзга кўринадиган қилиқлари эмас, балки хулқи, ички дунёси, иймон-эътиқодига тақлид қилган ҳолда уларни киши ўзида қайта ишлаб чиқиб, ўз ҳаёт йўлини танлаши мумкин. Бу борада Румий ёзади:

Тақлид этмасдин боқишни пеша қил,
Ўз тиниқ ақлинг била андиша қил⁴⁴³.

Тақлид (ўхшатиш) актёрлар ижодида кузатилади. Улар ёмон иллатли инсонларнинг қилмишларини ижро этган ҳолда ёмонликка қарши курашадилар. Яна бир хил тақлид борки, у аксарият ҳолларда инсонларда салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Румий тақлидчиликни таъриф этар экан ёзади:

Айлама тақлид, магар воқиф ўзинг,
Лутфидин бир бенишон ҳотиф ўзинг⁴⁴⁴.

Шоир фикрича, тақлид қилмаслик лозим, чунки тақлид яхшиликларнинг офатидир. Аллома қарашларида виждонсиз кимсанинг қилмишларидан яна бири – бевафолик ҳам ифодаланади. Виждон ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни теран ҳис этишни тақозо этади. Виждонсиз киши бу нарсани ҳис қила олмайди, чунки унинг қалби худбинликка юз тутган. Виждон инсоннинг билим даражаси, моддий аҳволи, ижтимоий мавқеи билан белгиланмайди, у юксак маънавийлик, комиллик ва тарбия маҳсулидир. Виждоннинг маънавиятдаги таъсир доираси ғоят кенг тушунчалардан биридир. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи муҳит, жамиятга боғлиқлигини ифодаласа, виждон унинг ботиний оламини, қалб туғени, ички руҳий изтиробини намоён этади. Виждон кўзга кўринмас, лекин таъсири ва аҳамияти жиҳатидан улкан руҳий, яъни маънавий-ахлоқий ҳодисадир.

Хуллас, жамиятимиз олдига қўйилган юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдек олий мақсадни амалга оширишда

⁴⁴³ Ўша жойда. –Б. 739.

⁴⁴⁴ Ўша жойда. –Б. 145.

руҳий тарбияга эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Румий ижодида руҳий тарбия қалб поклиги ва виждон уйғоқлиги ғам чекиш, тавба қилиш, пушаймонлик кўринишларига эга бўлиб, аллома уларни меъёрида сақлашни уқтиради. Инсон қилган хатосини англаши ва шу хатони бошқа қайтармаслиги, қилган хатоси учун афсусланиши, тавба қилиши одамийликнинг бир кўринишидир, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтишдир.

Учинчи боб бўйича хулосалар:

Биринчидан, Румий иймонли шахс деганда иймонини тоза, омон сақлаган, кибру ҳаводан холи, сабр-қаноатли инсонни тасвирлайди ва иймонсизлик (куфр)ни қоралайди. У инсон иймонини тирик (уйғоқ)лик тимсоли деб билади. Румий эътиқодли шахс деганда эътиқодини тўғрилиқка, яъни яхшиликка йўналтирган, яхши сифат хусусиятларига эга инсонни назарда тутлади. Шоир жоҳиллик, журъатсизлик, қатъиятсизлик ва бефарқлик устидан кулади. У эътиқодни инсон дунёқарашининг энг барқарор таркибий қисми (компоненти) ва шу компонент инсоннинг онгли фаолияти, сўз ва иш бирлигини таъминловчи мустаҳкам ишонч деб билади. Румий бағрикенглик деганда, биродарлик, кенгфёъллик, меҳр-мурувватлилик, ғамхўрлик, сахийликни тасвирлаб, миллатлар ва халқлараро тотувликни таъкидлайди. Шу ўринда ирқчилик, миллатчилик каби манфур ғояларни қоралайди.

Иккинчидан, иродани мустаҳкамлашда Румийнинг нафсни тия билиш, бойликка ҳирс қўймаслик, манманлик ва такаббурликка берилмаслик, ўзгалар ютуғидан ҳасад қилмаслик, сабр-бардошли ва қаноатли бўлиш, матонатли ва мард бўлиш, меҳнатсевар бўлиш, ўтиб кетган нарса ёки фурсатга ачинмаслик, ёлғон гапларга ишонмаслик, ақл билан иш тутиш, ўзгалар қалбига озор бермаслик каби фикрларидан фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, Румий айтганидек, инсон руҳи тарбияланмас экан, унинг қалби тубанликка юз тутлади. У қалб тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, авваламбор, уни барча ёмон фикрлардан тозалаш, нафсни тийиш, қалбни пок тутиш лозимлигини, энг асосийси, қалбни унга малҳам бўлувчи ҳикматлар

билан тарбиялаб, қалбга қулоқ солиб иш кўриш кераклигини таъкидлайди. Қалб тарбиясида қалбсизлик, қалбакилик, жоҳилликни қоралайди ва инсонга “қалбинг ила кенгаш” дея ўғит беради. Аллома ўз қарашларида виждон ва виждонсизликни солиштира тарзда тасвирлайди ва ҳамиша инсонда виждони пок ва уйғоқ бўлиши керак, дейди.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Румий илмий меросининг педагогик жиҳатларини маънавий тарбия, ахлоқий тарбия, эстетик тарбия, ақлий тарбия, ҳуқуқий тарбия, фуқаролик тарбияси, меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия методлари бўйича ёритиш педагогик муаммо саналади. Педагогик нуқтаи назардан қараганда Румий асарлари маънавий-ахлоқий тарбия воситаси сифатида ўз хусусиятларига ва ўзига хос вазифаларга улардан фойдаланишни ташкил этишнинг шакл ва усулларига эга бўлиб, махсус тарзда ўрганишни тақозо этади.

Румийнинг юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда иймон-эътиқод ва бағрикенгликнинг ўрни ва роли борасидаги қарашлари ёшларда маънавий иммунитетни ҳосил қилишда, эътиқоддаги бирёқлама қарашларнинг олдини олишда, дунёни кенг кўришда барқарорлик ва бағрикенглик қадриятлари асосида ижтимоий ва шахсий, хусусан, ёшларнинг ҳаётини фаол қуришда ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишда, ҳаёт позициясини тўғри танлай олишда кўмаклашади. Унинг шу хусусиятлари кўпгина халқлар интилишларига мос келади, шунинг учун улар кенг тарқалди.

Румий қалб ва виждонни тарбиялашда руҳий тарбиянинг ўрни беқиёслигини кўрсатиб ўтади. Чунки бу тушунчалар ботиний бўлганлиги туфайли улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Айти тараққиёт замонида Румий қарашлари инсонларни руҳий тетиклик, қалб амри билан иш кўриш, нарса ва ҳодисаларга виждон билан ёндашишга чорлайди, шунинг натижасида ижтимоий ҳаётда ўзаро инсонийлик муносабатлари мустаҳкамланади.

Румий таълимоти муайян бир инсоннинг комиллиги, маънавий юксаклиги, унинг, энг аввало, шахсияти ва бошқа шахсиятлар ҳамда табиат билан уйғунликда яшай билишини, ўзининг ҳаётгий зарур манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнида фаолияти, хатти-ҳаракатлари билан ҳеч кимга, ҳеч нарсага озор

етказмаслигини, аксинча, руҳий мадад ва ибрат учун намуна бўлишини тушутиради. Устоз шогирднинг фаолияти, одоби, ўзаро ҳурмат намуналари орқали талаба ёшларнинг маънавиятини юксалтириб, шу қаторда ўзлигини мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин.

Румий асарларида тасвирланган воқеалар инсонни моҳият, ўзлик тушунчаларини янада чуқурроқ англашга чорлайди. Чунки ҳар бир воқеада ҳар бир инсон ўз моҳиятини англаган ва англамаган ҳолда қадам ташлайди. Инсон моҳияти фақат ўзигагина эмас, жамият манфаатларига ҳам қаратилган. Чунки ўзликни англаш айна пайтда ижтимоий – сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишни, бўлаётган воқеа-ҳодисаларни теран англаб етишни билдиради. Ўзлигини англаган ҳар қандай шахс, маънавий таҳдид, мафкуравий хуружларга берилмайди.


Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва таълим олаётган талабаларда юксак маънавиятни шаллантиришда:

- иймон-эътиқод ва бағрикенгликни тарбиялаш;
- иродани мустаҳкамлаш;
- руҳий тарбияда қалб поклиги ва виждон уйғоқлигини таркиб топтириш;
- комил инсон тушунчаси ва уни тарбиялаш жараёнида изчилликни таъминлаш;
- ўзликни англашнинг ўрнини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг тадрижий қолипи



Луғат

Авон – соқчи, посбон	Афлок – осмонлар
Адув – душман	Афрод – шахслар, кимсалар
Адаб– адабиёт; яхши тарбия, маъқул ҳаракат	
Ажал – улуғ, улуғвор	Афзун – узун, кўп
Алил – касал	Ахвал – ғилай
Амин – ишончли	Ахтар – юлдуз
Амо – кўр	Аъробий – сахройи
Амроз – касалликлар	Ақли род – юксак ақл
Ансоб – насаб	Ақрон – яқинлар, дўсту биродарлар.
Амид – молия ишлари нозири	Аҳли кибор – амалдорлар, мансабдорлар
Араз – тасодифий нарса	Аҳли киром – карамли, саховатли
Аркон – рукнлар, устунлар, таянчлар	Аҳли сабт – яхудийлар
Атқийё – ёмон ишлардан сақланувчи пок кишилар	Аҳли таъба – табиат аҳли
Бадгуҳар – наслу насаби паст	Бийно – кўзи равшан
Баён – сўз маъноларини ўргатувчи фан	Бим – кўрқув, ваҳм
Байти хобнок – зерикарли байт	Бозургон – савдогар
Банди далқ – ҳирқа кийган, дарвеш	Ботинбин – кўнгилни кўрувчи
Банно – қурувчи бинокор	Ботиннишин – ўзининг ички дунёсини кузатувчи
Барот – ёрлиқ	Бофируз – нурли
Бебок – ҳаёсиз, бевош	Бухл – бахиллик, хасис
Вадуд – дўст	Ваҳм – хаёл, тасаввур
Важо – дард, алам	Ваҳҳоб – сахий
Валад – фарзанд	Видод – меҳру муҳаббат
Валий – соҳиб, эга; авлиё, азиз	Вомдор – қарздор
Васит – ўрта, ўртача	Восиф – тавсифловчи
Гаравгон – омонат	Гург – бўри
Гуркин – тетик, бардам	Гўр – ёввойи эшак
Дайр – оташпарастрлар ибодатхонаси	Дақ – таъна-маломат

Далқ – дарвешлар кийими	Дағо – фирибгар, маккор
Дараж – даража	Дому фах – тузоқ
Дарзийнома – тикувчи қиссаси	Дорулғурур – алдоқчи дунё
Даррок – зийрак	Дубур – ғарб ели
Даюс – қўшмачи	Дуду нор – тутун ва олов
Жавод – саховатли	Жоҳ – мансаб, мартаба
Жавшан – совут	Жуд – жўмардлик
Жамод – жонсиз жисм	Жухуд – айёр, фирибгар
Заввор – зиёратчи	Зилли пир – пирнинг сояси
Забунгир – золим	Зишт – хунук
Залол – пасткашлик, тубанлик	Зиҳиқ – ер айланиши
Занн – гумон, шубҳа	Зок – бир турли қора бўёқ
Иёдат – касал аҳволини сўрашга бориш	Истикбор – кибру ҳаво
Ижмом – осойишталик	Истойиш – мақтов
Изтирор – эркисизлик	Иттисол – бир-бирига боғлиқ
Интихор – сайлаш, танлаш	Ишрок – шерик
Иртиқо – юксалиш	Иъмон – чуқур мушоҳада этмоқ
Киё – паҳлавон, покиза	Кутуб – китоблар
Кофур – оқ	Кўй – кўча, маҳалла
Лаҳаб – ўт, олов	Лоязол – безавол
Лижом – жилов	Лоғ – ҳазил, эрмак, найранг
Лоло – хизматкор	Лутфи фар – шукуҳ
Макшуф – кашф этилган	Муин – мададкор
Машк – қўй терисидан тикилган сув халта	Мукаллим – сўзловчи
Маъият – ҳамроҳлик	Мунодий – жарчи
Маъсуд – бахтиёр	Мумаййиз – пароканда
Меҳтар – улуғ, катта	Мустамеъ – тингловчи
Набил – улуғ, доно	Наққоди нуқуд – билимдон
Навол – эҳсон	Наҳв – грамматика
Нанг – уят, ор-номус	Наҳвий – грамматика муаллими
Нақиб – бирор жамоанинг эътиборли кишиси	Насих – насихатгўй
Поймард – жўмард, мададкор	Полуда – ҳалвонинг бир тури
Раёсат – раҳбарлик	Рою фан – қатъият ва ҳунар
Решханд – кулгу, масхара	Роҳи рашод – тўғри йўл
Рижо – умид	Рутбат – даража
Род – сахий, саховатли	Рўшунос – руҳшунос

Савмаъ – ибодатхона	Сила – инъом, мукофот
Сариҳ – очиқ, равшан, аниқ	Симий – тилсим, сеҳр илми
Сафват – поклик, тозалик	Суф – сурп, сўфийлар киядиган кийим
Саққо – сув ташувчи, мешкоб	Суфлий – паст
Табар – ойболта	Тахти дод – адолат тахти
Табдил – ўзгариш, эврилиш	Таъвиз – тумор
Таноқиз – зиддият	Таъвил – сўзни ўз маъносидан бошқа маънога буриш
Тарзи – тикувчи	Тақдис – муқаддас
Улвий – юксак, баланд	Усул – ақида илми
Улуҳият – илоҳийлик	Ушр – ҳосилнинг ўндан бир қисми
Фариқ – гуруҳ	Фоил – ижрочи, омил
Фехрист – мундарижа	Фузул – бехуда гапирувчи, гап сотувчи
Ҳалил – дўст	Ҳунус – ўз-ўзига ўралмоқ
Хирод – ақл, дониш	Хўжатош – эшик оға
Хуби – яхшилик	Хўжа ҳумом – улуғ хўжа
Чанду чун – саноқ, ҳисоб – китоб	Чолок – тетик, илдам
Шажар – дарахт	Шуҳо – юлдуз
Эъдод – адад, миқдор	Эҳтишом – шукуҳ
Эълوم – хабар	Эҳъё – ҳаёт, тирклик
Яжуз – жоиз	Қавл – сўз
Қассом – тақсимловчи	Қоҳир – кучли, қудратли
Қудод – улуғ	Қуловуз – етакчи
Ғаби – ҳийлагар	Ҳавос – ҳислар
Ҳасаб – насл-насаб йўли билан эмас, шахсий ўзи қозонган обрў	Ҳоди – йўлбошчи, муршид

3-илова

“Маснавий” дан ҳикматли сўзлар

Сабаб, оқибат борасида:

Сен гўдаксенким, сабабдир кўрганинг,
Билгисизликдин сабабдир билганинг.

Гар сабаб маълум эмас, мушкул ишинг,
Кўп қийиндир дору дармон этмишинг.

Огоҳлик борасида:

Кимки бедордир, дилида дарди бор,
Кимки огоҳдир, юзида зарди бор.

Бул жаҳон аслида оғир уйқудир,
Чин кўрингай ухлаган наздида ул.

Таъсири жон баски, огоҳлик эрур,
Кимда ул мўл эрса, Оллоҳлик эрур.

Ғайрат-шижоат борасида:

Жумла олам келди ғайратдинки, Ҳақ
Берди ғайратдин шу оламга сабоқ.
Ул мисоли жон, жаҳон чун тан эрур,
Неки яхшию ёмон жондин олур.

Шукр ва ношукрлик борасида:

Суфрадин нон еб, анга айтмай шукр,
Айласанг уй соҳибин, бўлгай куфр.

Шукр қил сен, яхшиларга банда бўл,
Сен уларга жон бериб, поянда бўл.

Аҳли меҳнат шукр этиб, шокир эрур,
Аҳли неъмат макр этиб, ботил эрур.

Гар риёзат учраса беихтиёр,
Бош қўйиб, шукрона қил, эй бахтиёр.

“Ул йўғу бул йўғ”ни сен тарк айлагил,
Улки бордир, тилга келтир, сўйлагил.

Ҳаққа шукр айла, йўқса, эй фалон,
Қайда эрмиш қибла, билмоғинг гумон.

Бевафолик борасида:

Эшигингда итга берсанг бурда нон,
Хизматингга ит камар бойлар ҳамон.
Эшигинг олдида пойлоқчи бўлур,

Кўрса ҳам жабру жафолар, кетмаюр.
 Хизматинг этмоққа этмишдир қарор,
 Ўзга бир даргоҳни этмас ихтиёр.
 Бор, дегайлар, нон еган жойингга бор,
 Нону туз ҳаққин баланд тут, этма хор.
 Бор уйингга, оқлагил туз ҳаққини,
 Бирлашиб, манзилга ҳайдарлар уни.
 Аҳли кўнгил илкида оби ҳаёт –
 Неча бор ичдинг, магар топдинг нажот..
 Ит каби ургил ўшал эшикка бош,
 Қаҳф итидек посбон бўл, хўжатош.
 Илк уйингдин узма кўнгил, эсда тут,
 Деб берур итларга итлар ҳам ўгит..
 Баски, итларга вафо эрмиш шиор,
 Айлама итларни бундоқ шармисор.
 Бевафолик итга номусдир, аё,
 Бас, нетиб номусни кўргайсен раво?

Ғам борасида:

Дард, ажал бўғганда-ку парвонасен,
 Бас, нечун тарк этса дард, бегонасен?
 Босса ғам, Аллоҳ, деб изларсен ани,
 Кетса ғам, юрмоққа, дерсан, йўл қани?

Келса ғам, ўзни аламга қўймагил,
 Оҳ чекиб, қошу қовоғинг ўймагил.

Ғам егил, миннатли нондин эт ҳазар,
 Ғам егай оқил, гўдаклар – қанд-шакар.
 Боғи ғамнинг меваси шодлик, сурур,
 Бул фараҳ захм эрса, ҳам малҳам эрур.

Ғамки бир ойна эрмиш, мужтаҳид,
 Боқса ул зидга, кўрингай унга зид.

Ғафлат борасида:

Ғафлат ул – тан ҳосили, тан эрса ул,
 Руҳга айланганда асрорин кўрур.

Баски, дунё устуни ғафлат эрур,
Не эмиш давлат? У “дав” у “лат” эрур.

Ўғрилар бирлан тўла эрса шаҳар,
Унда миршаб борлигини не самар...

Оч кўзингни, боқ, нечук эрмиш ишинг
Ки, жавобсиз қолмагай бир қилмишинг.

Бошинг узра бир сават нондир магар,
Сен эса нон излаурсен дарбадар.

Тавба борасида:

Эътироз этма, етар деб, эй фалон,
Тавба эшиги очикдир ҳар қачон.

Гар ёмонлик эрса, ул вақтинчадир,
Одамийларнинг таянчи тавбадир.

Умри бетавба баса меҳнат эрур,
Ногаҳон келган ўлим ғафлат эрур.

Тавбани жабдуқла, от сол тўғридин,
Ет қувиб, тўнингни олгил ўғридин.

Пушаймонлик борасида:

Баски, охирда пушаймонлик келар,
Шунчалар елдинг, югурдинг шунчалар...

Гар пушаймонликни одат этсанг ул,
Ундан ҳам ортиқ пушаймонлик келур.

Ярми умринг чун паришонлик ила,
Қолгани кечгай пушаймонлик била.

Вақт борасида:

Кўрпа ёқма бургага аччиқ қилиб,
Кунни зое этма пашша ўлдириб.

Эътибор борасида:

Эътибор бирлан назар солсанг анга,
Шул замин асрорин айтгайдир санга.

Ростлик ва ёлғонлик борасида:

Кўзким охирни кўргай, ул расо,
Кўзким охурни кўргай, ул хато.

Ақлу идрокдин тамом бебахрасен,
Одам эрмассен, хўтиксен – куррасен.

Тўғридир, деб гоҳ олурлар эгрини,
Қанд қўшиб гоҳи ичурлар оғуни.

Лофу ёлғонларга кўнгил бермагил,
Бўлма сафбаста, савашга юрмагил.

Келди Ҳақдин бир ваҳийким, тўғри йўл:
Энди қинғирликни қўйгил, тўғри бўл.

Кенгашинглар, деб буюрди бизга ул,
Кенгашиб этсанг хато кам-кам бўлур.

Орзу-ҳавас, хоҳиш-истак борасида:

Орзу қил, лекин бир оз ҳаддингни бил,
Бир сомон чўп бирла тоғни йиқмагил.

Кўза бор эрканда сув йўқ эрди, бас,
Сув топилди – кўзага етди шикаст.

Бу жаҳон – тоғ, феълу атворинг – нидо,
Ул нидони сенга қайтаргай садо.

Ҳар нафас кўксингда пайдо бир нафас,
Боиси – жисмингда жондир, пурҳавас.

Бағри кенглик борасида:

Бағрикенг бўлса киши ҳам кўнгли соф,
Ҳар шаҳардин унга боққай офтоб.

Қўрқиш борасида:

“Қўрқмагил” сўзи ажиб сийловкалом,
 Кимки қўрқмишдир, бу сўз – аввал таом.
 Кимки қўрқмишдир, анга эмин керак,
 Кўнглига бир далдаи сокин керак.
 Қўрқмаганга “қўрқмагил” деб айтма, бас,
 Дарс не ҳожат, бўлмаса муҳтожи дарс.

Ҳурмат борасида:

Ҳурмат этган эр бўлур ҳурматли эр,
 Кимки қанд бергай, ўшал лафзини ер.

Жуфтлик – бирлик борасида:

Яхшидир жуфт эрса жуфтга ҳамсифат,
 Барча ишлар ҳал бўлур бомаслаҳат.
 Жуфтлар монанд эса, бўлгай самар,
 Жуфт-жуфт кавшу этикка сол назар.

Бу жаҳонда неки бор, Ҳақ буйруғи;
 Жуфт-жуфтдир, бир-бирининг ошиғи.
 Ҳар не борким, жуфтини излар мудом,
 Қаҳрабога талпинур барги сомон.

Тун керак инсонга соғлом табъ учун,
 Табъи солим йўқ эса, кундуз нечун?

Аёллар борасида:

Эй басо, бордир хотинлар ҳамки чун,
 Эл аро шармандадирлар нафс учун.

Эй биродар, ур ўзинг искирга сен,
 Кам эрмас эр сидқи хотин сидқидин.

Сидқи хотин сидқидин кам эрса гар,
 Ул кўнгил эрмас, қориндир, эй жигар...

Осмон эрдир, замин чун хотини,
 Ҳар не экса, ер етиштиргай уни.

Эр-аёл ишқига Ҳақ бермиш сабот,
То жаҳонни асрагай ул иттиҳод.

Оқибатни кўрмаган эрдан бироқ
Оқибатбин эрса, хотин яхшироқ...

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислом Каримов. Ўзбекистонинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 72–74.
2. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1998. –80 б.
3. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –176 б.
4. Ислом Каримов. Юксак малакали ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарты // Халқ сўзи. 2012. 18 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажакимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги . – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2012. –144 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. –40 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // Баркамол – авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. –64 б.
8. Абул Ҳасан Надавий. Туйғу ва тушунчада тозалик... – Кўнё, 1986.
9. Абдуллаев М. ва бошқ. Маънавият. –Фарғона, 1999. –22 б.
10. Абдуваҳҳоб У. Ишқни ишқдан бошқа нарса сўндиролмас... (Жалолиддин Румийнинг “Фиҳи ма фиҳи” яъни “Ичиндаги ичиндадур” асаридан парча) // Гулистон. 1998. №1. –Б. 52.
11. Акимускин О.Ф. Вдохновенный из Руми // Руми Джалалиддин. Поэма о скрытом смысле. Избранные притчи. –М., 1986. –С. 215–231.

12. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 17-жилд. –Т.: Фан, 2001.

13. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб / Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. –Т.: Фан, 1998.

14. Али Сафий Фахруддин. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али Ибн Сино номли тиббиёт нашриёти. 2003. – 535 б.

15. Афлокий Аҳмад. Маноқиб-ул-орифин. – Техрон, 1896. – 597 б.

16. Асрор Самад (Мавлоно Жалолоиддин Румий тўғрисида) “Маснавийи маънавий” ҳикоятларидан. Бухоро мавжлари. – 2012. – №1. – Б. 21

17. Аҳрор, Хожа Убайдуллоҳ, Фикроти аҳрория. / Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 106

18. Бедил Абдуқодир. Осор. Ж. 2. – Душанбе, 1991. – 352 с.

19. Бертельс Э.А. Очерки истории персидской литературы. – Л., 1928. – С. 133.

20. Бертельс Э.А. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – М., 1988. – 558 с.

21. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. – М.: Наука, 1962. – 523 с.

22. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Сайланма (ғазаллар ва мустазодлар). – Т.: Фан, 1994, - Б. 5.

23. Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” маънавияти: (Мавлоно Жалолоиддин Муҳаммад бинни Баҳоуддин Валад Румий (1207-1273)нинг “Маънавий маснавий” китоби ҳақида). – Жаҳон адабиёти. – 2001. – №12. – Б.162-166.

24. Богоутдинов А.М. Очерки по истории таджикской философии. – Сталинаба: Таджикгосиздат, 1961. – 332 с.

25. Брагинский И.С. 12 миниатюр. От Рудаки до Джамии. – М., 1976. – 304 с.

26. Бёрк О.М. Среди дервишей. – М., 2002. – 235 с.

27. Булатов С.С. Устоз ва шогирд одоби. – Т., 2012. – 17 б.

28. Виждон эркилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). – Халқ сўзи. – 1998. – 15 май.

29. Гавҳарин С. Луғот ва таъбироти “Маснавий”и Жалолоиддини Балхӣ. –Техрон, 1337 – 1339 ҳ. – Ж. 1-3.

30. Гулпинарли А. Мавлавия баъд аз Мавлоно. – Техрон, 1366 ҳ. – 742 с.

31. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл. / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом ун-ти. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – 246 б.

32. Джалалатдин Руми и суфийская традиция. (Антология гуманной педагогики. — М.: Издательский дом Шалвы Амонашвили, 2000.

33. Джавелидзе Э.Д. У Истоков турецкой литературы. 1. Джалаль-еддин Руми (вопросы мировоззрения). – Тбилиси. Мецниереба, 1979. – 308 с.

34. Жалилов А. Мустақиллик масъулияти. – Т., Ўзбекистон, 1996, - Б. 29.

35. Жомий Абдурахмон. (Танланган асарлар). Тузувчи Ш.Шомухаммедов. Масъул муҳаррир М.Муинзода. Кириш сўзи Ш.Шомухаммедовники. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 258 б.

36. Жомий Абдурахмон. “Нафаҳот ул-унс”. Усмонли туркчага таржима қилган А.Ломеъий. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма китоблар хазинаси. 30840-сон. – 524 б.

37. Жумаев Р. Мавлоно Жалолитдин Румий. Ўзбек тили ва адабиёти. – 2007. – 3-сон. – Б. 43.

38. Зарринқўб Абулхусайн. Палла-палла то мулоқотиэ Худо. (Дар борайи зиндаги, андиша ва сулукиэ Мавлоно Жалолитдини Румий). – Техрон, 1373 ҳ. – 341 б.

39. Зарринқўб Абулхусайн. Сири най. I жилд. – Техрон, 1368 ҳ.

40. Зайнобидинова Н.И. Жалолитдин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи: Фалсафа фан. номз. дисс... – Тошкент, 2011. – 29 б.

41. Зиёев Х.М. Мавлавия ва таърихи таҳаввули он. – Душанбе: Ирфон, 2004. – 216 с.

42. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т.: Турон-иқбол нашрети, 2006. – 350 б.

43. Зунунов А. Педагогика тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 335 б.

44. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 29 б.

45.Ибраҳимова Илҳама Ҳасан гузу. Мювлана Жалаладдин Руминин “Маснави-йе манави” асари ислам тасаввуфунун асас гайнагларундан бири кими: Фалсафа елмлари намизади алимлик даражаси алмаг учун тагдим едилмиш диссертасийанун автореферату. – Баку, 2005. – 33 с.

46.Идрис Шах. Сто рассказов мудрости. Жизнь, учение и чудеса Джелаледдина Руми. – М.: Эннегон, 2007. – 240 с.

47.Икбал Мухаммад. Реконструкция религиозной мысли в исламе. – М., 2002. – 200 с.

48.Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 14.

49.Инжулар Уммони (Форс-тожик шоирлари асарлари таржималаридан намуналар). – Тошкент, 1988. – Б. 210-251.

50.Ислом тасаввуфи манбалари. Илмий мажмуа. Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи ф.ф.д. проф Ҳамидулла Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005.

51.ИСЛОМ энциклопедияси З.Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 326 б.

52.Кабилов Хуршед Шахбозбекович. Специфические особенности языка поэзии Джалаладдина Руми: Диссертация ... кандидата филологических наук. – Душанбе, 2009. – 149 с.

53.Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи: олий ва ўрта махсус ўқув юрт. талабалари учун қўлл. К.1. / Махсус муҳаррир А.Асқаров/. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 528 б.

54.Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний. Нашрга тайёрловчилар М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 б.

55.Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент, 1999.

56.Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – 448 б.

57.Комилов. Н. Маънавий камолот илми // “Ислом нури” газетаси. 2005 йил, 17-18 (299)

58.Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. Таҳрир ҳайъати Х.Султонов ва бошқ. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2013. – 448 б.

59.Маҳмудов Т. Илоҳиёт бағрида ҳаёт нафаси. (Шоир Жалолиддин Румийнинг ижодий фаолияти). – Гулистон. – 2000. – №5. – Б.18-23.

60.Мавлоно Жалолиддин Румий: Таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан. Метод.-библиогр. қўлл. Тузувчи У. Тешабоева. Муҳаррир Ҳ.Маматраимова. Масъул муҳаррир О.Қиличбоев. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007. – 36 б.

61.Маънавият ва маърифат асослари. Тузувчи. С.О.Отамуродов ва бошқалар. – Т., 1998. – Б. 8.

62.Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетея, 1999.

63.Муҳиддин Абдурасул. Кўнёда Румий руҳи шод бўлди. (2007 йил – Халқаро Мавлоно Румий йили). Хуррият. – 2006. – 20 дек.

64.Мухторов А. Ўзбекистон таълим ривожини ва халқаро тажрибалар. - “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – 2012. – № 4. – Май, – Б. 3.

65.Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий). Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Техрон, 2001. – 88 б.

66.Мохтар Т.Д. Педагогические идеи Джалаладдина Руми в системе современных общеобразовательных школ Ирана: Автореферат дисс... канд. пед. наук. – Душанбе, 2010. – с. 31

67.Наврўзова Г.Н., Рахматова Х.Х.. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Б.: “Бухоро” нашриёти, 2010. – 160 б.

68.Одилов Н. Мировоззрение Джалолиддина Руми. – Душанбе, 1974. – 111с.

69.Олимий Саййид Мансур. Бухоро – Туркистон бешиги. Илмий оммабоп асар. “Бухоро” нашриёти, 2004 й. – 126 б.

70.Ориф Усмон. Мавлавия: Тасаввуф тариқатлари: (Ўрта Осиёлик тасаввуфи олими, шоир Мавлоно Жалолиддин Румий – Балхий (1207-1273)нинг “Маснавийи маънавий” асари ҳақида). Мулоқот. – 1998. – № 5. –Б. 46-48.

71.Румий, Жалолиддин. Учмоққа қанот йўқ вале учгаймен (Боқий сатрлар). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 48 б.

72.Румий, Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллийет Ж.1. К.1. / (Таржима шарҳи билан. Таржимон Асқар Маҳкам. Масъул муҳаррир Т.Маҳмудов.) – Т.: “Шарқ”, 1999. – 368 б.

73. Румий, Жалололидин. Маънавий маснавий. Куллиёт Ж.1. К.2. / (Таржима шарҳи билан. Таржимон Асқар Маҳкам. Масъул муҳаррир Ҳ. Ҳомидий.) – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. – 274 б.

74. Румий, Жалололидин. Маснавийи маънавий / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. – Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. – 846 б.

75. Румий, Жалололидин. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий-маърифий нашр / Улуғбек Ҳамдам тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 200 б.

76. Руми, Джалаладдин. Дорога превращений : суфийские притчи / Джалаладдин Руми ; сост., пер. [фарси], религиоз._филос. коммент. Дмитрия Щедровицкого ; этико_психолог. коммент. Марка Хаткевича. – М. : Оклик, 2007. – 380 с.

77. Румий, Жалололидин. Қалб кўзингни оч / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Сабоҳат Бозорова. – Т.: “Саностандарт” нашриёти, 2011. – 164 б.

78. Румий, Жалололидин Ҳикматлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов – Т.: “Шарқ”, 2008. – 272 б.

79. Румий, Жалололидин. Маснавий хикояларидан дарслар // 40 хикояга 40 шарҳ, 1-китоб (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: А. Тилавов). – Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010. – 103 б.

80. Румий, Жалололидин. Маснавий хикоятларидан дарслар // 40 хикоятга 40 шарҳ, 2-китоб (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: А. Холмурод). – Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010. – 75 б.

81. Румий, Жалололидин. Маснавий хикоятларидан дарслар // 40 хикоятга 40 шарҳ, 3-китоб (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: А. Холмурод). – Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010. – 91 б.

82. Румий, Жалололидин. Маснавий хикоятларга шарҳлар. Найнома. Маснавий ҳикматлари / Жалололидин Румий; нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2011. – 404 б.

83. Румий, Жалололидин. Най ноласи: Ҳикматлар / Жалололидин Румий насрий матн муаллифи Хайрулла Қосим – Т.: Юрист-медия маркази, 2011. – 120 б.

84. Румий, Жалололидин. Маънавият дostonидан. (Бўри билан тулкининг арслон олдида ов қилганлари). Хабар. – 1986. – 29 ноябр.

85.Румий, Жалололиддин. Илоҳий ишқ суратлари /Миразиз Аъзам тарж. Саодат. – 1995. – №6. – Б.20-21.

86.Румий, Жалололиддин. Моҳият сири. (ривоятлар). Кўзгу. – 1995. – 3 август.

87.Румий, Жалололиддин. Ичиндаги ичиндадур. (Мерос ва қадриятларимиз). Шарқ юлдузи. – 1995. – №3-4. – Б.182-199.

88.Румий, Жалололиддин. Ичиндаги ичиндадур. (Мерос ва қадриятларимиз). Шарқ юлдузи. – 1995. – № 5-6. – Б.198.

89.Румий, Жалололиддин. Моҳият сири. Кўзгу. – 1995. – 25 июл.

90.Румий, Жалололиддин. Бемор зиёрати. Қишлоқ ҳаёти. – 1996. – 26 ноябр.

91.Румий, Жалололиддин. Сен бор бўлсанг.. Ғазаллар. Олим Бўри тарж., Рубойилар... Эргаш Очил тарж. Жаҳон адабиёти. – 1997. – №5. – Б.173-180.

92.Румий, Жалололиддин. Маснавий. (Мерос). Гулистон. – 1997. – №1. – Б. 44; – №2. – Б.526; – №4. – Б.44.

93.Румий, Жалололиддин. Бир туркнинг қўли эгри чеварни жазоламоқчи бўлгани ёки ортиқча завққа берилишнинг хосиятсизлиги ҳақида (ҳикоят). Кўзгу. – 1997. – 25 сентябр.

94.Румий, Жалололиддин. Маснавий. Гулистон. – 1998. – №2. – Б. 49-55; – №4. – Б.49-55; – №6. – Б. 52-57.

95.Румий, Жалололиддин. Маснавий: (Мерос) (Давоми. Боши ўтган сонларда). Гулистон. – 1999. – № 5. – Б. 56-61; – № 6. – Б.56-61.

96.Румий, Жалололиддин. Маснавийлар. (Худҳуд билан Сулаймон ҳикояти). Шарқ юлдузи. – 1999. – №4. – 476.

97.Румий, Жалололиддин. Маснавий. Гулистон. – 2000. – № 1. – Б. 48-52. – № 2. – Б. 48-51; – № 5. – Б.18-23.

98.Румий, Жалололиддин. Илоҳиёт бағрида ҳаёт нафаси. Гулистон. – 2000. – № 5. – Б.18-23.

99.Румий, Жалололиддин. Ҳикматлар. Жамол Камол тарж. Мулоқот. – 2001. – № 4. – Б. 38; – № 3. – Б.15.

100. Румий, Жалололиддин. Маснавий. (Шарҳлари билан). Гулистон. – 2002. – № 1. – 52 б.

101.Румий, Жалололиддин. Уни бир гул ҳолига келтир. (Шеър). Соғлом авлод учун. – 2003. – № 1. – Б. 44-45.

102.Румий, Жалололиддин. Маснавий маънавий. (Замонларни дуо қилгувчи воиз ҳикояти, Кундузи бозор ўртасида чироқ

тутиб айланган роҳиб ҳикояти: Ривоят). Форсчадан Абдулатиф Муҳаммад тарж. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 30 июль.

103. Румий, Жалолиддин. Маснавийи маънавий. (Шеърлардан намуналар). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 30 июл. 4 – б.

104. Румий, Жалолиддин. Маълум эрмасму магар ибрат санга (“Маснавий маънавий”дан ҳикматлар) / (Форсийдан Ж. Камол тарж.) // “Бухоро мавжлари”. 2005. № 4. Б.30.

105. Р. Жумаев. Мавлоно Жалолиддин Румий (Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги). ойн. “Ўзбек тили ва адабиёти”. – 2007. – № 3. – Б.42.

106. Самарқандий, Давлатшоҳ. Тазкират-уш-шуаро. – Техрон, нашр йилисиз. – 652 с.

107. Сироч. М. Мавлоно Балхӣ ва падараш. Таъсири “Маориф” бар “Маснавий маънавий”. – Кобул, 1340 ҳ. – 118 с.

108. Степанянц М. Т. Поиски скрытого смысла. – Вкн.: Читтик У. К. Поиск скрытого смысла. – М., 1995.

109. Султонмурод Олим. Мавлонолар мавлоноси. (Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 4 июнь.

110. Султонвалад. Валаднома. Жалолудини Румии Балхӣ. Маснавий маънавий бо ҳафт китоби нафиси дигар. Кобул, 1362 ҳ. – 200-с.

111. Султон Валад. Маориф. Комил инсон ҳақида тўрт рисола (Н. Комилов таржимаси). – Тошкент, 1997. – 84- б.

112. Тақий Пурномдориён. Мавлавий шеъриятида “мен” даги “мен” лик ва матндаги ноанъанавийлик. “Сино” журнали, 2001. – Баҳор (№1). – 3-б.

113. Турсун, Музаффар “Устоз – отангдек улуғ” демоқ тўғрими? Бухоро мавжлари. – 2009. – №4. – Б. 43

114. Тоиров. М. Орифлар султони. Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги олдидан. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2007. – 16 март.

115. Тўхлиева. Н. Ҳикмат ва маърифат бўлган. Мутолаа. Қишлоқ ҳаёти. – 2000. – 27 окт.

116. Тўхсанов Қ. “Маснавий” сабоқлари. – Т.: “Фан”, – 2008. – Б. 14-15

117. Тўхсанов Қ. Румий ҳикматлари таржималарининг қиёсий таҳлили. Тарж. – Жамол Камол ва Эргаш Очилов томо-

нидан ўзбекчалаштирилган // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2009. № 4. –Б. 90–93.

118. Тўхсанов Қ. Навоий ижодида Румий даҳоси // “Тил ва адабиёт таълими”. 2009. №5. –Б. 52–57.

119. Тўхсанов Қ. “Маснавий” сабоқлари. – Т.: Маънавият, 2010. –Б. 31.

120. Усмон Нури Тўпбош. Бир кўза сув. - Т.: Фан, – 2007. – 200 б.

121. Umumiy didaktika. O'quv qo'llanma. – Т.: “Durdona” BMAV, 2012. – 320 б.

122. Фиш, Радий. Жалолиддин Румий. Тарихий биографик роман / Русчадан Ж.Камол тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 272б.

123. Фитрат Абдурауф. Машраб / Танланган асарлар. Таҳрир ҳайати: О.Шарафиддинов, Н.Каримов ва бошқалар. Масъул муҳаррир: Н.Каримов – Т.: Маънавият, 2000. 2-жилд ИИ. Илмий асарлар – 208 б.

124. Фикрат Ҳ. Румий ва Хароботий. Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – №5. – Б. 46-47

125. Фурўзонфар Б. Аҳодиси “Маснавий”. – Техрон, 1344 ҳ. – 226с.

126. Хадизода Р. Джалаледдин Руми. Притчи, газели. – Душанбе, 1988.

127. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. – Т.: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010. – 345 б.

128. Шефик Джан. Мевлана Джалаледдин Руми – жизнь, личность, мысли. – М. “Новый свет”, 2008. – с. 432.

129. Шермухаммедова Н.А. Гнесеология – билиш назарияси. ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т: Noshir, 2011. – 464 б.

130. Шиммел Аннемарие. Жонон менинг жонимда: Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 1999. – 172 б.

131. Шиммел А. Шукўҳи Шамс. – Техрон. 1375 ҳ. – 885 с.

132. Эпласанг қочгил ўлимдан...: Ҳикматлар /Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари таржимасининг насрий баёни. – Т.: Юрист –медиа маркази, 2009. – 80 б.

133. Эркаев А., Маънавият – устун йўналиш. “Иқтисод ва ҳисоб” журнали. – 1996, –№2. – Б. 20 – 22

134. Эргаш Очиллов. “Маснавийи маънавий” тақдимоти / “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, – 2002. – № 6. – Б. 95.

135. Эшқобил Шукур. Тафаккур водийсидаги учрашув. (Жалолиддин Румий ва Лев Толстой фалсафасидаги руҳий муштараклик). Тафаккур. – 2003. – №3. – Б. 98-107.

136. Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусоқулов, Б.Саримсоқов. Масъул муҳаррир: Ш.Турдимов. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 512 б.

137. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 206 б.

138. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.

139. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Кони-мех—Мирзоқуш. Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Т. Даминов, Т. Долимов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.

140. “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат” / Тузувчилар: П.Шамсие, С.Иброҳимов. – Т., 1983. – Б. 139-184

141. Қодирова З.Р. ва бошқ. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – 220 б.

142. Қобулниёзова Г.Т. Мутафаккирлар Ф. Ницше ва А. Бергсоннинг ҳаёт фалсафасида инсон муаммоси. –Тошкент: ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.

143. Қобулниёзова Г. Т. Румий нигоҳида ирода ва ихтиёр масаласи. Сино. – Т., 2001. – №23.

144. Қобулниёзова Г. Т., Зайнобиддинова Н. И. Олам хаёл билан қоимдир. Маърифат. – 2003. – 6 октябрь.

145. Қуръони Карим/Маънолар таржимаси /Таржима ва изоҳлар муаллифи: Абдулазиз Мансур. Масъул муҳаррир Ҳ.Кароматов. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – 617 б.

146. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф /Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 372б.

147. Ҳасан Н. Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган халқаро анжуман. Ўзбек тили ва адабиёти. – 2007, – 5-сон, 109-б.

148. Ҳасаний Маҳмуд. Улуғ китобнинг улуғ шарҳи // Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асроп. – Тошкент, 2006.

149. Ҳаққул, Иброҳим Ирфон ва идрок.- Т.: “Маънавият”, 1998. – 160 б.

150. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: “Шарқ”, 2009. – 208 б.

151. Ҳошимов К., Нишонова С. ва бошқалар Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 447 б.

152. Arberry A.J. Classical Persian Literature. – London, 1958.-464с.

153. Coleman Barks, “The Essential Rumi”. – Harper, San Francisco, 1995.

154. Chittik W.C. The Sufi Path of Love. The Spiritual Teachings of Rumi. – Albany, 1983. – 433 с.

155. Khalifah H.A. Jalal-ad-din Rumi // A History of Muslim Philosophy. – Pakistan, 1966.-V. 2.-C. 820-839.

156. Lewis D.F. Rumi. Past & Present, East & West. The Life, Teaching & Poetry of Jalal al-Din Rumi. – Oxford, 2000. – 686с.

157. Nicholson R.A.: Mowlavi (Jalaluddin Rumi) The Mathnavi. Hermes pub., 2003.

158. Nicholson A. Poet & Mystic. – London, 1956.-190 с.

159. Nicholson R., Selected poems from the Divan, Cambridge, 1898.

160. The Mathnawi of Jalalu’ddin Rumi. qEd.: R.A.Nicholson. Vol.4. – London: Cambridge University Press, 1930. – 496 p.

161. Redhouse, The mesnevi of mevlana... Rumi, book I, London, 1881.

162. Shimmel A. “Die Bildersprache Dschelaladdin Rumis” (1992)

163. Shimmel A. “Jalaladdin Rumi, story on Prayer” (1992)

164. Shimmel A. “The Triumphal Sun” (1978)

165. Whinfield, Masnavi, Rumi. – London, 1898.

166. Wilson, The Masnavi by Jalalud’din Rumi, book II, London, 1910.

<http://www.ziyonet>

<http://www.Fikr.Uz>

<http://www.bbc.co.uk>
<http://www.islom.uz>
<http://www.uzedu.uz>
<http://www.pedlib.ru>
<http://www.ziyo>
<http://www.altinoluk.com>
<http://www.khamush>
<http://www.sufism.org>
<http://rumi.org.uk>
<http://www.arches>
<http://www.livejournal>
<http://www.angelfire>
<http://lib.ru>
<http://sufism.ru>
<http://medsan-er.boom.ru>
<http://www.unc>

G.V.Izbullaeva. The education of high spiritual person in the works of Jalaliddin Rumi (Summary)

The monograph deals with the problems of pedagogical sources of learning personality and scientific heritage of Jalaliddin Rumi (1207–1273), his philosophical views and role in the process of upbringing, the problem of spiritual upbringing of the person in his work “Masnavi-i ma`navi” and theoretically substantiated information about using his views during the process of education.

In the first chapter of the monograph pedagogical sources of learning personality and scientific heritage of Jalaliddin Rumi is investigated and new useful elements that are necessary for nowadays are described. It was scientifically analyzed the influence of social atmosphere where the outlook of Rumi was formed on the works of Rumi and investigation of these problems by scientists.

Nowadays in the process of globalization the views of our scientists about spiritual educated person and spiritual education of the person in the works of Rumi served as a methodological base of the research.

The second chapter of the monograph describes the views of Jalaliddin Rumi, his role in the development of education and their relationship, aspects that influence on the upbringing of the person that are given in the works of the writer like “abdomen of mother”, “family”, “teacher”, collective (group)” were analyzed.

There were also determined and classified relationships between teacher-apprentice activities given in the works of the scientist. It is analyzed concepts like educational activities (respected teachers, artificial teachers), methods of pedagogical influence and education, educational activity (praiseworthy apprentice, uneducated, irresponsible apprentice) that are described in Masnavi”.

It was identified comparatively upbringing of the person and the concept of perfect person that are on the high point nowadays and the ways of using its positive sides during the process of education

were classified. The role of self comprehension was classified according to the works of writer. Pedagogical methods of Rumi about the role of self comprehension and realization self meaning in the upbringing of perfect person were investigated.

In the third chapter of the monograph the problem of spiritual education of the person was analyzed and synthesized completely according to "Masnavi-i ma`navi". As the main principles ways of upbringing noble, right-believing and generous person were taken. It was identified the ways of education of patience and hunger in order to strengthen the will according to the ideas of Rumi. It was shown that purity of soul and wakefulness of conscious are the main sources in the up ringing (education) of spiritual perfect person.

CONTENT

INTRODUCTION.....	3
CHAPTER 1. Pedagogical sources of learning personality and scientific heritage of Jalaliddin Rumi	6
1.1. Social atmosphere where individuality and world outlook of Jalaliddin Rumi was formed.	6
1.2. Investigation of heritage of Jalaliddin Rumi as a pedagogical problem.....	19
1.3. Spiritual heritage of Jalaliddin Rumi and spiritual development (the structure of “Masnavi-i ma`navi” and plot).. ..	42
CHAPTER 2. The views of Jalaliddin Rumi and his role in the process of education.....	60
2.1. Aspects influencing on the spiritual and moral upbringing of the person	60
2.2. The structure of relationship between teacher and apprentice activity.....	78
2.3. The concept of perfect person and the idea of self comprehension	114
CHAPTER 3. The problems of spiritual upbringing of the person in “Masnavi-i ma`navi”	136
3.1. The education of conscious, generous person.....	136
3.2. The upbringing of strong willed person.....	153
3.3. The education of purity of the soul and conscious in the person	164
Conclusions and references.....	179
Appendix.....	181
The list of used literature	191
G.V.Izbulloeva. The education of high spiritual person in the works of Jalaliddin Rumi (Summary).....	203

Мундарижа

КИРИШ	3
1-БОБ. Жалолиддин Румий шахси ва илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари	6
1.1. Жалолиддин Румий шахси ва дунёқараши шаклланган ижтимоий муҳит.....	6
1.2. Жалолиддин Румий ижодини ўрганиш педагогик муаммо сифатида	19
1.3. Жалолиддин Румийнинг ижодий мероси ва маънавий юксалиш (“Маснавийи маънавий” асарининг тузилиши ва моҳияти).....	42
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	58
2-БОБ. Жалолиддин Румий қарашлари ва унинг таълим-тарбия тараққиётидаги ўрни.....	60
2.1. Шахс маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатувчи омиллар.....	60
2.2. Устоз ва шогирд фаолияти муносабатларининг тузилиши	78
2.3. Комил инсон тушунчаси ва ўз моҳиятини билиш мазмуни	114
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	133
3-БОБ. “Маснавийи маънавий” асарида инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари	136
3.1. Иймон-эътиқодли, бағрикенг инсонни тарбиялаш.....	136
3.2. Иродаси мустаҳкам инсонни тарбиялаш	153
3.3. Инсонда қалб поклиги ва виждон уйғоқлигини тарбиялаш	164
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	177
Умумий хулоса ва тавсиялар.....	179
ИЛОВАЛАР.....	181
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	191
G.V.Izbulloeva. The education of high spiritual person in the works of Jalaliddin Rumi (Summary).....	203